

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЙОРИДИК ИНСТИТУТИ**

**СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ
ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ**

**Олий ўқув юртлари ҳуқуқшунослик мутахассислиги
бўйича таълим олаётган талабалар учун
ДАРСЛИК**

Тошкент – 2003

*Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, юридик фанлари доктори, профессор
Х.Б.Бобоев таҳрири остида*

Муаллифлар таркиби:

Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, ю.ф.д., проф. **Х.Б.Бобоев**- Кириш, II, V, VI боблар,
проф. **Х.Ф.Воҳидов** I, VII, VIII, IX, X, XI, XII, XIII, XIV, XV боблар, проф. **Ю.Т.Дадабоев**
III-IV боблар, доц. **Д.Воҳидова** XVI боб,

Ушбу дарсликнинг IV-2-&, VI-1-&, 3-&. II- 2-&. V-3-&. тайёрлашда доцентлар,
С.М.Одилходжаева, Х.Н.Назаров, М.А.Хамидова, Ф.А.Мухитдинова ва катта ўқитувчи
О.О.Хусанбоев иштирок этдилар.

Тақризчилар: проф. Зиёдулло Муқимов, проф. Абдужаббор Тўлаганов

Х.Б.Бобоев ва бошқалар

Маъсул мухаррир: проф. Х.Б.Бобоев

Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи: Олий ўкув юртларининг ҳуқуқшунослик мутахассислиги бўйича таълим олаётган талабалари учун тайёрланган.

Ушбу дарслик биринчи маротаба ўзбек тилида ёзилган. Унда қадим замонлардан то ҳозирги кунга қадар турли мамлакатларда турли цивилизациялардаги сиёсий ва ҳуқуқий таълимотларнинг ривожланиш тарихи ёритилган. Айниқса Ўзбекистонда қадимда давлат, ҳуқуқ, жамият, уруш ва тинчлик ҳақидаги ғояларга, алоҳида эътибор қаратилган."Авесто", "Зафарнома", "Хамса" каби маънбалар ҳақида - сиёсий-ҳуқуқий нуқтаи назардан маълумотлар берилган.

КИРИШ

Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи фани ҳуқуқшунослар ўрганадиган фанлар орасида ўз ўрни ва мавқеига кўра ўта муҳим фандир. Инсоният янги XXI асрга қадам қўяр экан «демократия», «сиёсат», «давлат», «ҳуқуқ» ҳамда терроризмга қарши кураш каби масалаларга янгича ёндошиш ва ўрганишга катта эътибор берилмоқда. Дунёда бугун содир бўлаётган сиёсий ва ҳуқуқий воқийликларни тўғри тушуниш ва уларни илмий тавсифлаш авваламбор шу соҳанинг тарихини яхши ўрганишни тақозо этади.

Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи фани ҳуқуқшунослик фанларининг мураккаб, бой қирраларини ўрганишда илмий лабаратория вазифасини ўтайди. қадим замонлардан то бугунги кунга қадар турли мамлакатларда турли замонларда, тарихчилар табири билан айтганда, турли цивилизацияларда сиёсий ва ҳуқуқий таълимотларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши тарихининг энг муҳим қирраларини ўрганади. Барча миллат ва мамлакатлар буюк мутафаккирларнинг сиёсий ҳуқуқий қарашларини ўрганишга алоҳида эътибор беради.

Ушбу фанда қадимги Турон заминда ўтган давлатлар ва ана шу давлатларда яшаб ижод этган мутафаккирларнинг ҳуқуқий қарашлари, бу ерлардаги динларнинг манбаларида хокимият, давлат, ҳуқуқ қонунчилик каби масалалар тўғрисидаги ғоялар, қарашларни ҳамда бугунги Ўзбекистонда хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг ташаббускори президент И.А.Каримовнинг сиёсий-ҳуқуқий қарашларига катта ўрин ажратилди.

Рус олимларидан С.Ф.Кечекъян, В.Н.Галанза, С.А.Покровский, В.С.Покровский, К.А.Мокичев, Э.Л.Розин, В.Д.Зорькин, Л.С.Мамут, В.С.Нерсесянц кабиларнинг шу соҳадаги хизматлари катта эканлигини эътироф этиш билан ушбу китоб биринчи бор ўзбек тилида ёзилмоқда. Уни ёзиш жараёнида устозларимиз С.А. Ражабов, М.Д.Луцкий, Х.Сулаймонова, О.Эшонов, А.А.Агзамхўжаев, Ш.З.Ўразаев ва М.Ҳ.Ҳакимовларнинг ушбу фан ҳақидаги қимматли фикр ва мулоҳазалари эътиборга олинди.

Бобоев Ҳ.Б.

I-боб. СИЁСИЙ ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИННИГ ПРЕДМЕТИ ВА МЕТОДИ

1-&. Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихининг предмети

Мустакил Ўзбекистон янги давлат барпо этаётган бугунги кунда инсониятнинг сиёсий ва ҳуқуқий тажрибасига ва бу тажрибани ўзида ифода этган сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихига мурожат қилиш зарурый эхтиёжга айланмоқда.

Жамиятимиз маънавияти барча халқлар томонидан яратилган сиёсий маданият ютуқларини ўз ичига олади ва ўзида мужассамлантиради. Ўтмиш авлодларнинг давлат ва ҳуқуқ, адолатли ижтимоий тузум ҳақидаги фикрлари ва уларни қандай йўналишда ривожланганлигини билиш, айникса ёшлар учун, нихоятда муҳимдир.

Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихининг вазифаси авлоддан-авлодга ўтиб келаётган сиёсий ва ҳуқуқий билим соҳасидаги тажрибани ўрганиш, умумлаштиришдан иборатdir. Бу бебахо бойлиқдан фойдаланмасдан туриб, янги миллий давлат қуриш вазифаларини амалга ошириш мушкулдир.

Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар давлат ва ҳуқуқнинг пайдо бўлиши натижасида вужудга келди.

Сиёсий таълимотлар кенг маънода жамиятдаги синфлар, табака ва тоифалар, миллатлар ва эллатлар, шунингдек давлатлар ўртасидаги муносабатларни ифода этувчи ғоялар, қарашлар ва вазифаларни ўз ичига олади. Бу қарашларнинг ўзагини ҳокимият масаласи, давлат тузиш ва бошқариш услублари масалалари ташкил қиласи.

Жамиятнинг ривожланиши натижасида сиёсий ва ҳуқуқий билимлар ҳам ривожланади, бойиб борди. Шунга мувофиқ сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихининг предмети ҳам ривожланиб, ўзгариб борди.

Сиёсат, давлат, ҳуқуқ муаммолари фалсафа, политология, социология, ҳуқуқшунослик ва бошқа гуманитар фанлар томонидан ҳам ўрганилади. Улар ўртасида ворислик алоқалари мавжуд. Бироқ ҳар бир фаннинг бу муаммоларга ёндошиши ўзгачадир. Агар сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар давлат ва ҳуқуқнинг пайдо бўлиши билан шакллана бошлаган бўлса, сиёсатшунослик фани сиёсатнинг иқтисодий, ижтимоий ва маънавий фаолиятдан мустакил ижтимоий фаолият сифатида ажralиб чиқиши натижасида шаклланди. Бу эса тарихнинг янги ва энг янги даврига тўғри келади. Бундан ташқари сиёсатшунослик фанининг предмети сиёсий таълимотлар эмас, балки реал сиёсий жараёнларнинг ўзидир.

Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги назарий билимларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш тарихини ўрганувчи ҳам тарихий, ҳам назарий ихтисосликка мансуб фандир. Унинг доирасида давлат, ҳуқуқ, сиёсат ва қонун чиқариш ҳақидаги назарий билимларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши тадқиқ қилинади ва ёритилади. Бу фанда сиёсий ва ҳуқуқий ҳодисаларни ифодаловчи назарий гоялар, қонун-қоида ва таълимотлар тарихи ўз аксини топган.

Жамиятда назарий таълимотлардан ташқари сиёсий ва ҳуқуқий воқеликни ўзида акс этувчи турли тасаввурлар, ҳис-туйғулар, эътиқодлар, кайфиятлар, фикрлар ҳам мавжуд. Булар ҳалқ оғзаки ижодида, бадиий асарларда, жамоат ва сиёсий арбобларнинг сиёсий ва ҳуқуқий ҳодисалар ҳақида айтган фикр ва мулоҳазаларида ифодаланган. Улар маҳсус назария даражада бўлмасада, жамиятдаги турли ижтимоий-сиёсий ҳаракатларнинг манбаатларини, сиёсий дастурларини аниклаш ва ёритиш имконини беради. Сиёсий таълимотлар тарихи буларни ҳам ўз ичига олади ва ўрганади.

Мехнаткаш ҳалқ оммасининг манбаатларини, орзу умидларини, ижтимоий тараққиёт эхтиёжларини ифода этувчи гоялар алоҳида аҳамият касб этади.

Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихида ижтимоий тараққиёт эхтиёжларини ўзида ифода этувчи умуминсоний умумбашарий фикрлар, орзулар алоҳида дикқатга сазовордир. «Бу инсон ҳуқуқларига риоя этиш, тадбиркорлик эркинлиги; сўз эркинлиги, матбуот эркинлиги ва хоказолардир»¹.

Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи фанига хос ҳусусиятлардан яна бири шундан иборатки, унда сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар биргаликда ўрганилади, чунки сиёсий ва ҳуқуқий ҳодисалар бир-бири билан узвий боғлиқдир. Шунга мос ҳолда сиёсий ва ҳуқуқий ҳодисаларни ифодаловчи назарий тушунчаларни ҳам бир-биридан ажратган ҳолда ўрганиш мумкин эмас.

Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи давлат ва ҳуқуқ масалаларини кенг доирада, асосан давлат ва ҳуқуқнинг моҳияти, жамиятда тутган ўрни ва ролини ифодаловчи таълимотлар ва гояларни тадқиқ қиласди. Асосан ҳуқуқ назариясига мансуб бу муаммолардан ташқари ҳуқуқнинг алоҳида тармоқлари доирасида ёритиладиган жиноят ва жазо, айб ва маъсулият шакллари, ҳуқуқ субъектлари, суднинг ташкил қилиниши, роли ва ваколатлари, маъмурий фаолиятнинг йўналишлари каби масалаларини ифода этувчи фикр ва қарашлар ҳам сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи доирасига киради. Улар давлат ва жамиятнинг сиёсий ҳолатининг англашга, тасаввур этишга ёрдам беради ва муҳим аҳамият касб этади.

¹.Каримов И.А, Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка тасдид, барсанорлик шартлари ва тараёниёт кафолатлари. Т. «Ўзбекистон» 1997 й. 147 бет.

Сиёсий ва хуқуқий таълимотларнинг шаклланиши ва ривожланишига фалсафа намоёндаларининг қўшган катта хиссасини алоҳида таъкидлаш лозим. Фалсафий фикр ва тарихининг бир қатор машхур намоёндалари айни замонда сиёсий ва хуқуқий таълимотлар тарихининг буюк намоёндалари ҳамдирлар. Уларнинг хукуқ фалсафасига асос солғанлигини алоҳида кўрсатиш керак. Масалан, Афлотун, Арасту, Конфуций, Фаробий, Кант, Гегель ва бошқалар.

Фалсафанинг сиёсий ва хуқуқий таълимотларга таъсири яна шунда ҳам кўринадики, ижтимоий сиёсий ва хуқуқий таълимотлар намоёндаларининг кўпчилиги ўзлари файласуф бўлмасалар-да ўз даврининг фалсафий ғояларига ва методологик тамойилларига таянганлар.

Сиёсий ва хуқуқий фикрнинг ривожланишида фалсафанинг таъсирини хисобга олган ҳолда унинг ўзига хос назарий хусусиятлари борлигини тушуниш зарур. Бу сиёсий ва хуқуқий ходисаларнинг жамиятда тутган ўрни ва роли, ўзига хос ривожланиш қонунлари билан белгиланади. Масалан, Афлотун, Арасту, Фаробий, Кант, Гегель ва бошқа файласуфларнинг давлат ва хукуқ ҳақидаги фалсафий таълимотлари сиёсий ва хуқуқий таълимотлар тарихида маҳсус тушунчалар, ўзига хос билиш воситалари ёрдамида муайян вазифа ва мақсад нуқтаи назаридан ёритилади. Бу ерда ўрганилаётган таълимотларнинг хуқуқий сиёсий моҳияти, ўзига хос хусусиятларини очиб беришга урғу берилади.

Сиёсий ва хуқуқий таълимотлар тарихи давлат ва хукуқ назарияси, давлат ва хукуқ тарихи ва бошқа хуқуқшунослик фанларидан ҳам фарқланади. Бу фанлар сиёсий-хуқуқий муассасалар ва институтларнинг ўзини ўрганса, сиёсий таълимотлар тарихи уларнинг назарий билимда, таълимотларда ифодаланишини ўрганади. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, давлат ва хукуқ тарихини билмасдан туриб уни ифодаловчи сиёсий ва хуқуқий таълимотлар мазмунини ҳам билиш мумкин эмас.

Хуқуқшунослик ихтисослигидаги бир-бири билан узвий боғланган тарихий ва назарий фанлар орасида сиёсий ва хуқуқий таълимотлар тарихи ўзининг геноссологик даражаси ва мавқеи билан ажralиб туради, уларнинг барчасини ўзаро боғланганлигини ифодалайди. У ҳозирги замон давлат ва хукуқ муаммоларини ўрганиш ва тадқиқ қилишнинг мухим назарий шартлардан бири сифатида хизмат қиласди.

Сиёсий ва хуқуқий таълимотлар тарихи ижтимоий-сиёсий тузум, ҳокимият, давлат ва хукуқ ҳақидаги ғоялар ва таълимотларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш қонуниятлари ҳақидаги фандир.

2-&. Сиёсий ва хуқуқий таълимотларнинг ўрганиш методологияси

Жамият тараққиёти ўзига хос ривожланиш қонунларига эга. Бу қонунларни очиш ва унга амал қилиш йўлларини кўрсатиб бериш фаннинг вазифасидир.

Ижтимоий-сиёсий фикр тарихида жамият тараққиёти тўғрисида турли хил таълимотлар вужудга келди, ривожланди ва инқирозга учради, ўрнига янги таълимотлар пайдо бўлди. Бунинг сабаби бу таълимотларнинг ҳақиқатга мослик даражасининг нисбийлигидадир. Илм-фан тараққиёти, ижтимоий тажриба у ёки бу таълимот доирасидан чиқиши, давр талабига жавоб берадиган янги, кенгроқ тушунчалар тизимиға ўтиш зарурлигини тақозо қила бошлайди. Мана шу даврларда янги қарашлар билан эскича қарашлар ўртасида мунозаралар кескинлашади. «Тарих сабоғи шундаки, унинг айнан кескин бурилишларида, ижтимоий формациялар алмашилаётганда ижтимоий муаммолар ва зиддиятлар ғоят кескинлашади, миллӣ ҳафсизликка, фуқаролар тинчлиги ва барқарорликка таҳдид солувчи омилга айланади.»¹

Сиёсий таълимотларни таҳлил қилиш усули ўзаро мунозарада бўлган сиёсий ва хуқуқий мактабларнинг бири томонига ўтиб олмасдан уларга нисбатан объектив, холисона ёндашишни талаб қиласиди.

Совет тузуми даври сиёсий ва хуқуқий таълимотлар тарихининг барча муаммоларига партиявийлик, тор синфиийлик мезонлари асосида ёндашилди. Бу хол сиёсий ва хуқуқий таълимотлар тарихининг кўп муаммоларини бир ёқлама баҳолашга олиб келди, объектив ва холисона ўрганишга имкон бермади. Коммунистик мафкура мезонларига мос келмайдиган кўплаб таълимотлар бутунлай ўрганилмади. Шарқ сиёсий таълимотлари, ислом сиёсий ва хуқуқий маданиятини холисона ўрганиш имкониятлари чеклаб кўйилди.

Тадқиқотчи, қандай соҳада бўлишидан қатъий назар, предметга қандай ёндашиш керак деган муаммога албатта дуч келади.

Сиёсий ва хуқуқий таълимотлар тарихини ўрганиш ва унга ёндашишнинг назарий ва амалий масалаларини чуқурлаштириш, объектив илмий ҳақиқатни аниқлашга мос келадиган тадқиқотлар йўлларини ишлаб чиқиш методологиянинг муҳим муаммоларидандир. Тадқиқотнинг натижасигина эмас, унга олиб борувчи йўл ҳам назарий асосланган, ҳаққоний бўлмоғи керак.

Бугунги кунда ижтимоий ходисаларга, тарихга янгича, цивилизацион ёндашиш кўулланилмоқда. Бу ёндашиш давлат, хуқуқ ва шу каби ижтимоий ходисаларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши сабабларини ўрганишда маънавий, маданий омилларига кўпроқ

¹ Каримов И.А., Ўзбекистон XXI аср бўйи: ҳафсизликка таҳдид, бареарорлик шартлари ва тараёсиёти кафолатлари. Т. «Ўзбекистон» 1997 й, 211 бет.

аҳамият беришни талаб қиласы. Инглиз олим А. Тойнбининг фикрига күра, цивилизациянинг ички моҳияти, рухиятининг маданий омиллар ташкил қиласы.

Цивилизацион концепция давлатни цивилизациянинг ўзгармас белгисидир, деб билади. Цивилизациянинг ривожланиш даражаси қандай бўлишидан қатъий назар давлат хукуқ тартиботини таъминлаш ва ижтимоий муносабатларни тартибга солиб туриш учун доим керак. Давлат тарихда жамиятнинг манфаатдор қатламларининг сиёсатини амалга ошириш, синфий антогонизмларни бостириш вазифаларини ҳам бажарган бўлсада, асосан у жамиятнинг иқтисодий ва маънавий ривожининг таъминловчи қудратли воситадир. У турли синфлар, табақалар, миллатлар ўртасида тинчлик ва тотувликни таъминловчи куч, ташкилотдир. Цивилизацион ёндашув конкрет шахс ҳукукларини биринчи ўринга қўяди. Конкрет шахс ҳукукларининг устуворлиги ғояси бу ёндашувнинг ўзига мафтун қиласидиган томонидир.

Формацион концепцияга биноан давлат синфлар пайдо бўлиши билан бирга пайдо бўлади. Иқтисодий жиҳатдан ҳукмрон бўлган синф ўзининг сиёсий ҳокимиютини амалга ошириш учун давлатдан фойдаланади. Синфлар ва давлат абадий эмас. Инсоният ўзининг ривожланиш тарихида ибтидоий тузумдан бошлаб қулчилик, феодал, капиталистик формацияларни босиб ўтади, ундан коммунистик жамиятга кириб боради. Коммунистик жамиятда синфлар ва давлат бўлмайди. Бу ғояни ҳаётда амалга ошириш кўп салбий оқибатларга олиб келди. **Биринчидан**, жамият тариқиётининг барча босқичларида иқтисоднинг кўп қатламлилиги инкор қилинади, оқибатда бир-бирига қарама-қарши асосий синфларгина таҳлил доирасига киради, ахолининг катта қисми ҳисобга олинмай қолади. **Иккинчидан**, иқтисодий базис усткурмага нисбатан белгиловчи асосий омил деб ҳисоблниб, унга ургу бериш, уни абсолютлаштириш инсон рухиятининг, ижодий фаоллигини менсимасликка, шахснинг умуминсоний идеаллар билан уйғунлашган қадриятларини инкор қилишга олиб келади. Инсонга бетакрор шахс сифатида эмас, синфнинг вакили сифатида, ҳукуқ эса ҳукумрон синфнинг қонун даражасига кўтарилиган иродасидир деб қаралади. Бу таълимотни ҳаётга тадбиқ этиш инсон ҳукукларини чеклашга, ахолининг катта қисмини манфаатларини ҳисобга олмасликка олиб келди. **Учинчидан**, формацион ёндашув синфлар, табақалар ўртасида зиддиятни кучайтиради, уларни бир-бирига қарама-қарши қўяди. Давлатни бир синфнинг устидан иккинчисининг ҳукумронлигини таъминловчи куч дея нотўғри хulosалар қиласи.

Ҳозирги замон илмий адабиётида формацион ёндашув аста-секин ўз ўрнини цивилизацион ёндашувга бўшатиб бермоқда, чунки бу ёндашув ҳукукий давлат ва ҳукуқ вазифаларига мосдир, уларни илмий таҳлил қилиш имкониятини беради.

Сиёсий ва хуқуқий таълимотлар тарихини ўрганишда ижтимоий иқтисодий шарт-шароитларни ҳам, маънавий, маданий омилларни ҳам ҳисобга олиш зарур. Энг муҳими бу омилларнинг бир-бирига қарама-қарши қилиб қўймасликдан иборат. Улар бир-бирини тўлдириб, бойитиб туриши керак.

Жамият ўзига хос тараққиёт қонунларига бўйсунган холда ривожлансада, ҳар бир ҳалқ ўзининг тарихий тажрибаси, ўзига хос маданияти ва анъаналари орқали умумий ривожланиш қонуниятларини бойитади. Сиёсий ва хуқуқий таълимотлар тарихининг ўрганиш услуби ҳар бир мамлакатнинг маданияти, дини ва анъаналари билан боғлиқ ўзига хос хусусиятларни назарда тутиш зарурлигини тақозо қиласди.

Сиёсий ва хуқуқий таълимотларнинг жамиятда тутган ўрни ва аҳамияти қандай мақсадга хизмат қилиши ва қандай манфаатларни ифодалashi билан белгиланади. Агар сиёсий ва хуқуқий таълимотлар ўз умрининг ўтаб бўлган ижтимоий-сиёсий тузумни ҳимоя қилишга қаратилган бўлса, бу таълимотлар ижтимоий тараққиётга ғов бўлиб қолади ва оқибатда инқирозга учрайди.

Жамият тараққиётининг эҳтиёжлари заминида пайдо бўлган янги илғор ғоя ва қарашлар, жамият тараққиётига, янги ижтимоий иқтисодий тузумнинг пайдо бўлишига ва мустаҳкамланишига кўмаклашади.

Сиёсий ва хуқуқий таълимотлар тарихини ўрганишда тарихий ёндашиш тамоили алоҳида ўрин эгаллайди. Тарихий ёндашиш таъмойили ўрганилаётган таълимотларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши йўналишини мумкин қадар ҳар томонлама таҳлил қилишни, уни баҳолашда воқеа ва ҳодисаларни танқидий ўрганиш билан чекланиб қолмасдан, ўша давр кишиларининг руҳиятини, анъаналарини, улар борлиқни қандай идрок қилишларини ўрганишни талаб қиласди. У ўтмишдаги таълимотларга баҳо беришда субъектизмга йўл қўймаслик, тарихий ҳодисаларга холисона, объектив муносабатда бўлишга кўмаклашади. Тарихий ёндашиш тамоили сиёсий ва хуқуқий таълимотларнинг муайян тарихий шароит билан ва шу даврнинг сиёсий ва хуқуқий билимлар тизими билан, ўтмиш ва ҳозирги замон сиёсий тажрибаси билан боғлиқ эканлигини кузатиш имконини беради.

Сиёсий ва хуқуқий таълимотлар ўзига хос ривожланиш қонуниятларга эгадир. Ўтмишда яратилган таълимотлар факат ўтмишгагина тааъллуқли эмас. Уларнинг вужудга келиши учун асос бўлган тарихий вазиятни ўзгариши ёки тугаб кетиши билан улар ҳам йўқ бўлиб кетмайди. Албатта, бу таълимотларнинг ўша давр тарихий шароити билан бевосита боғлиқ тамонлари ўзгаради ёки ҳаётини тугатади. Бироқ, ўша давр мутаффакирларининг давлат ва хуқуқ ҳақида баён қилган қўпгина назарий ғоялари ўз даврини ошиб ўтади, сиёсий ва хуқуқий билимнинг ривожланиш занжирига муҳим бўғин

бўлиб киради, ўзининг назарий аҳамиятини кейинги даврларда ҳам йўқотмайди. Масалан, Платон, Арасту, Цицерон, Рим ҳукуқшунослари, Форобий, Бурхониддин ал-Марғиноний, Алишер Навоий ва бошқа кўп мутафаккирларнинг таълимотларини вужудга келтирган тарихий вазият аллақачон йўқ бўлиб кетган, лекин уларнинг ғоялари ҳозиргacha ўзининг илмий аҳамиятини йўқотгани йўқ. Бу ерда Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг Форобийнинг машҳур «Фозил одамлар шахри» асари ҳақида айтган фикрини келтириш ўринлидир. «Бундан минг йилча муқаддам яратилганлигига қарамасдан, бугунги ўқувчи ҳам бу асардан ҳозирги ҳаётнинг мураккаб муаммоларини ҳал қилишда аскотадиган муҳим фикр ва йўл-йўриқларни топа олади.»¹

Қадимги Рим сиёсий ва ҳукуқий таълимотлар намоёндаларидан бири Цицерон мелоддан олдинги I асрда маҳаллий ўз-ўзини бошқариш ва давлат бошқарувини марказлаштириш таъмойиллари, шахсий ҳокимият ва унинг чегараси, ахлоқ ва давлат манфаатлари каби муаммоларини қўйдики, Европа бу муаммоларни ҳал қилиш учун кўп асрлар бош қотирди. Ҳукуқшунослик илмининг ривожига улкан ҳисса қўшган буюк аллома Бурхониддин ал-Марғиноний ўзининг «Ҳидоя» сини XIII асрда яратган бўлсада, бу асар XIX асрдагача бутун мусулмон дунёсида асосий ҳукуқ манбаи бўлиб хизмат қилди ва ҳозиргacha ўзининг илмий аҳамиятни йўқотгани йўқ.

Сиёсий ва ҳукуқий таълимотларнинг билиш жараёнида янги тушунчалар, ғоялар вужудга келади, бу эса назарий билимни бойитади ва чуқурлаштиради. Мана шундай жамғариш натижасида сиёсий ва ҳукуқий таълимотлар тарихининг барча давларida ҳам долзарб бўлган комил инсон, ахлоқ ва сиёсат, фуқаро ва давлат, эркинлик ва зарурат, ҳокимият ва зўрлик, адолат ва ҳукуқ алоқадорлиги каби “абадий” муаммолар шаклланади. Турли давр мутафаккирлари бу муаммоларни ҳал қилишга ҳаракат қилдилар ва бу ишга ўз хиссаларини қўшдилар.

Сиёсий ва ҳукуқий таълимотлар тарихидаги ворислик, унинг назарий мазмунини бойиши шу йўналишда боради. Бу жараён воқеаларни тасвирлаш билан бир қаторда назарий тахлил қилиш орқали ёритилади.

Сиёсий ва ҳукуқий таълимотлар тарихини ўрганишда хронологик ва муаммовий ёндошиш услуби ҳам қўлланилади. Хронологик услугуб мутафаккирнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти, яратган таълимотининг моҳияти, сиёсий ва ҳукуқий фикрнинг қандай оқими ва йўналишларига мансублигини ёритишни талаб қиласи. Бу услугуб таълимотнинг шаклланиш жараёнини, унинг ўз даври билан боғланганлиги, қандай манфаатларни

¹Каримов И.А., Жамиятимиз мафкураси ҳалени ҳале, миллатни миллат єилишга хизмат єилсин. Т. «Ўзбекистон», 1998 й. 12 бет.

ифодаланганлигини, жамиятда тутган ўрни ва ўйнаган ролини тарихан конкрет ва тўлароқ ёритиш имкониятини беради.

Муаммовий услуг таълимотнинг назарий мазмуни заминида қандай фалсафий таъмойиллар ётганлигини, таълимот муаллифи учун қандай ғоялар етакчи бўлганлигини ифодалайди. Бу услуг таълимотнинг сиёсий ва ҳукукий билимлар тизимида тутган ўрни ва аҳамияти, ундаги ворислик ва янгилик каби назарий муаммоларни аниқлаш ва таҳлил қилишни талаб қиласди. Бунинг сабаби шундаки ҳар бир тарихий давр, мамлакат ўзига хос хусусиятларга эга бўлиши билан бирга умумийлик, такрорланиш белгиларига ҳам эгадир. Мана шу умумийликни аниқлаш зарурати муаммовий услугни талаб қиласди.

Хронологик, муаммовий услублар бир-бири билан узвий боғлиқ. Буни ҳисобга олиш турли таълимотлардаги умумийлик ва алоҳидалик, такрорланмас ва такрорланувчи ҳодисаларни чуқурроқ англаш, аникроқ ажратиш имкониятини беради.

Сиёсий ва ҳукукий таълимотлар тарихини ёритишда қиёсий тарихий тадқиқ қилиш услуби ҳам ишлатилади. Бу услуг таълимотларга хос умумий ва ҳусусий белгиларни чуқурроқ англаш имкониятини беради. Масалан, маърифатпарварлик йўналишига хос таълимотларнинг бир-бирига таққослаб таҳлил қилсак, уларнинг барчаси илм-фан, инсон эркинлигининг улуғлаганлигини, қолоқлик, чекланмаган мустабид ҳокимиятнинг қаттиқ танқид остига олганлигини кўрамиз. Бу йўналишдаги мутафаккирлар турли мамлакатларда, турли даврларда яшаган ва ижод қилган. Бу хол уларнинг таълимотларига хос хусусиятларни белгилайди.

Таълимотга баҳо беришда мутафаккирнинг дунёқарашига, унинг ўз замони, ижтимоий-сиёсий тузумига бўлган муносабати, ғоявий сиёсий ҳайриҳохлиги каби субъектив ҳусусиятларга ҳам аҳамият бериш зарур.

Ҳозирги кунда олдимизда турган долзарб муаммолардан бири Ўзбекистон сиёсий ва ҳукукий таълимотлар тарихини яратишидир. Бу масулиятли вазифани амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари муҳим методологик асос бўлиб хизмат қиласди. Бу асарларда ўз аксини топган назарий ғоялар сунъий равища инкор қилинган таълимотларни ўрганиш ва фан доирасига киритиш имконини беради. Халқимиз ўзининг буюк алломаларига назар солмоқда, уларнинг ибратли ишларидан сабоқ олишга интилмоқда. «Мустақиллигимизни дастлабки кунлариданоқ аждодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратиб келинган ғоят улкан, бебахо маънавий ва маданий меросни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилиган ғоят муҳим вазифа бўлиб қолди»¹.

¹ Каримов И.А., Ўзбекистон XXI аср бўйасида..., «Ўзбекистон» 1997 й. 137 бет.

Аждодларимизнинг давлатчилик ғояларини ўрганиш, ижтимоий-сиёсий фикрга хос хусусиятлари-ни билиш зарурияти тобора ошиб бормоқда. Ўтмиш мутафаккирларини адолатли жамият ва давлат қурилиши ва бошқариш таъмойиллари ҳақидаги таълимотлари бизни ҳаяжонлантирган саволларга жавоб топишда, ибратли ишлардан сабоқ олишга кўмаклашади. Уларнинг барчаси одамлар ўртасидаги муносабатларни яхшилашга ва такомиллаштиришга қаратилган ижтимоий идеални излаш, адолат ва тенглик принципларига асосланган жамиятни қуриш ғояларини тарғиб қилдилар.

Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий фикрига хос хусусиятлардан бири шундан иборатки, унинг намоёндалари давлат, ҳокимият, адолат масалаларини ислом сиёсий маданиятга таёнган ҳолда ҳал қилишга ҳаракат қилдилар.

«Ватанимиз азалдан башарият тафаккури ҳазинасига унитилмас ҳисса қўшиб келган. Асрлар мобайнида ҳалқимизнинг юксак маданият, адолатпарварлик, маърифатпарварлик каби эзгу фазилатлари Шарқ фалсафаси ва ислом дини таълимоти билан узвий равиша ривожланди. Ва ўз навбатида бу фалсафий аҳлоқий таълимотлар ҳам ҳалқимиз дахосидан баҳра олиб бойиб борди. Бизнинг келажаги буюк давлатимиз ана шу фалсафага уйғун ҳолда Хўжа Ахмад Яссавий, Хўжа Баҳовуддин Нақшбандий, Имом Бухорий, Имом Термизий, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур Мирзо сингари мутафаккир аждодларимизнинг доно фикрларига уйғун ҳолда шаклланиши лозим»¹.

Маълумки исломда давлат ва хуқуқ масалалари мухим ўрин олган. Унда ҳокимият жамият учун зарур ва муқаддас қадрият сифатида ифодаланади. Ал-Фаззолийнинг айтишича Оллоҳ – таоло пайғамбарларнинг одамларга тўғри йўл кўрсатиш учун танлаган бўлса, хукмдорларни одамлар ўртасидаги низоларни бартараф қилиш учун танлаган.

Ҳокимият барқарорликни таъминлаш учун берилган, деган бу фикр кейинги давлардаги таълимотларда ҳам ўз аксини топган.

Исломда ўз аксини топган мухим қадриятлардан бири адолатdir.

Мусулмон дунёсида машхур XI аср хуқуқшуноси Ал-Мовардининг айтишича, давлат динсиз сақланиши мумкин, лекин адолатсиз яшайолмайди.

Ўрта Осиё ҳалқларининг илғор мутафаккирларининг сиёсий қарашларида одил хукумдор ғояси марказий ўрин эгаллади. Улар давлат тепасида турган хукмдор адолатли, хулқ-атвори пок, фуқароларга раҳм-шавқатли, ғамхўр бўлса давлат қудратли, жамият фаравон бўлади деб тушундилар. Шундан келиб чиққан ҳолда улар инсонни маънавий камолотга эришишга чакирдилар ва шу орқали адолатсизлик, хулқий бузуқликларни бартараф қилиш мумкин деб хисобладилар.

¹Каримов И.А, Биздан озод ва обод Ватан ёолсин, 2том «Ўзбекистон» 1996 й. 7-8бетлар.

Ўзбекистоннинг ижтимоий ва сиёсий фикрига хос хусусиятлардан яна бири шундаки, унда ахлоқ масалалари етакчи ўрин эгаллайди. Унинг намоёндалари эзгулик, яхшиликни билишга интилдилар, ахлоқий қонун ва тамойилларга амал қилиш инсоннинг олий маънавий бурчи деб билдилар.

Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий фикри маҳсус сиёсий ва ҳуқуқий трактатлардагина эмас, бадиий ижодда ҳам ўз аксини топди.

Форобий, Имом Мотрудий, Имом ал-Самарқандий, Бурхониддин Марғиноний ўз қарашларини маҳсус фалсафий ва ҳуқуқий асарларда ифодалаган бўлсалар, Яссавий, Алишер Навоий, Машраб, Фурқат, Муқимий ва бошқалар бадиий ижодда намоён қилдилар.

Бадиий асарларнинг барчасини бадиий шакл берилган фалсафий ёки сиёсий асар деб ҳисоблаб, шоир ва ёзувчиларнинг барчасини фалсафий ва ижтимоий сиёсий фикр тарихига киритиш ярамайди, албатта. Шу билан бирга ижтимоий ва сиёсий фикр тарихига илмий ёндашиш «соф файласуф» ёки «соф ҳуқуқшунос» бўлмаган мутафаккирлар ижодида ифодалангандай ижтимоий-сиёсий ғояларнинг ривожининг кузатишни талаб қилади. Бадиий мероснинг таҳлил қилиш ижодкорнинг ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий муаммоларга бўлган муносабатини тиклаш имконини беради. Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий фикр тарихига киритилган буюк шоир, ёзувчилар ўз асарларида замондош жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ҳолатини тасвирлаш билан бирга, жамиятдаги адолатсизлик, зўравонлик, инсоний муносабатларда учрайдиган сохталик сабабларини аниқлаш ва уларни бартараф қилиш йўлларини топишга уриндилар. Улар ҳақиқат ва адолатга асосланган инсоний муносабатларнинг ўрнатиш учун нима қилиш зарур деган саволга жавоб изладилар.

Ўзбекитсон сиёсий ва ҳуқуқий фикрда маънавият ва маърифатга катта эътибор берилади. Давлатнинг бошқарувчи хукумдорнинг ўзи ҳам, унинг атрофидаги мансабдорлар ҳам билимли, адолатпарвар кишилар бўлиши зарур деган фикр изчиллик билан уқтирилади.

3-&. Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихининг аҳамияти.

Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихининг ўрганишни нима аҳамияти бор, ундаги таълимотларнинг кўпчилиги ўз умрини ўтаб бўлдику?-деган савол туғилиши мумкин.

Биринчидан шуни таъкидлаш керакки, давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги ҳозирги фанлар тарихий ривожланишнинг маҳсулидир. Уларнинг пайдо бўлиш тарихини билмасдан туриб

чукур тасаввур қилиш мумкин эмас. Фанда ифодаланган ҳақиқат осмондан тайёр тушмайди. Унга эришиш учун қанча изланиш, куч-қувват, фидокорлик, хатто қурбонлик берилади. Буюк мутафаккирларнинг илм-фандаги кашфиётларигагина эмас, уларнинг бунга эришиш йўлида килган хато ва камчиликлари ҳам биз учун сабоқдир.

Бугунги куннинг яхши ва тўғри тасаввур қилиш учун ижтимоий тараққиётнинг олдинги босқичларининг билиш зарурлигини тақозо қиласди. Шунинг учун ҳам ўтмишга мурожаат қиласмиз. Ундан сабоқ олиш билан бирга бугунги айрим муаммоларнинг ечимини топиш имкониятига ҳам эга бўламиз.

“Тарихий хотирасиз келажак йўқ”, деган эди И.Каримов. Ўзликнинг англаш тарихни билишдан бошланади. Тарих хотираси инсонни истиқболга даъват этади, миллий истиқлол мафкурасини шакллантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қиласди.

Давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги таълимотлар тарихининг ўрганиш турли назарияларнинг пайдо бўлишининг назарий шарт-шароитларини англатади, янги ғоялар учун ижобий илхом бағищлайди. Ўтмишдошларимиз яратган буюк кашфиётларнинг кузатиш, ҳуқуқшунослик илмининг рухини хис қилиш, унинг янги қирраларни очиш имконини беради, бизни қироатхоналиқдан, биртомонлама юзаки қарашлардан эҳтиёт қиласди, мустақил фикр юритиш ва рўй бераётган ходисаларни баҳолай олиш қобилиятини шакллантиради.

Ушбу сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи ўзбек тилида нашр қилинган биринчи ўқув қўлланмасидир. Табиийки бунда Марказий Осиё ҳалқларининг буюк арбобларининг сиёсий ва ҳуқуқий қарашлари муносиб ўрин олган. Бу ҳалқимизнинг ҳаққоний тарихини тиклаш ва миллий ўзлигини англаш, миллий ифтихорни шакллантириш ва ўстириш ишига хисса бўлиб хизмат қиласди. “Шуни эсда тутиш муҳимки, ўтмишимизни “оқлаш” вазифалари умуман олганда бажариб бўлинди; ҳозир эса асосий вазифа тарихий таҳлилни илмий жиҳатдан холисона ва халол амалга оширишдан иборатдир”.¹

Сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар тарихининг аҳамияти яна шундаки, у бўлажак ҳуқуқшуносларни умумжахон миқёсидаги таълимотларнинг пайдо бўлиш ва ривожланиш қонуниятлари билан таништириш билан бирга, уларда бу таълимотларнинг моҳиятини англаб олиш малакасини шакллантиради.

¹ И.А.Каримов, Ўзбекистон XXI аср бўсаасида: хавфсизликка таҳдид, бареарорлик шартлари ва тараёсига кафолатлари. Т., “Ўзбекистон”, 1997 й., 141 бет.

II-боб. ҚАДИМГИ ШАРҚДА СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР

1-& Қадимги Шарқда сиёсий-ҳуқуқий таълимотларни пайдо бўлиши ҳақида (Миср, Бобил ва бошқалар)

Шарқда (қадимги Миср, Хитой, Ҳиндистон, Турон ва Эрон мамлакатлари) Фарбда (қадимги Юнон, Рим мамлакатлари) сиёсий ва ҳуқуқий қарашларнинг келиб чиқиши илк босқичларида михфологик-афсонавий ғоялар асосида ривожланган. Мирфология инсон, жамият, ҳокимият, давлат, ҳуқуқ ва қонунларни баҳолайдиган ҳолда илохий кучлар фаолияти билан боғлаган. Ердаги воқеаларнинг илоҳиёт билан боғланиш усуслари ва характеристи қадимги халқларда турли хил ҳал қилинган- ёки акс эттирилган. Бу муносабатлар, яъни ердаги сиёсий, ҳуқуқий тартибларнинг, ҳукмронликнинг илохий илдизлари, сабаблари ҳақидаги тасаввурлар, сиёсий ва ҳуқуқий қарашлар асрлар давомида ривожланди. Турли йўналишдаги таълимотларнинг келиб чиқишига сабаб бўлди. Қадимги Шарқ халқлари тарихида мавжуд бўлган мифологияларда худо барча борлиқнинг яратувчисидир. Қадимги Вавилония ва Ҳиндистонда эса худо жамиятни, одамларни яратган, одамларга бошқариш усулини ҳам ўргатган, у ҳамма вақт танҳо бутун оламнинг бошқарувчиси сифатида тасвиранади.

Қадимги яхудийларнинг диний-мифологик тасаввурларининг ўзига хос томонлари шундаки, ягона худо барча яхудий халқлар билан алоҳида шартнома тузган, у барча яхудийларнинг раҳномаси ва бошлиғидир. Яхудийларнинг барчаси муқаддас ғояларини Мусо пайғамбар бевосита худонинг ўзидан олган. Унга вақтинча ерда ҳукмронлик қилиш,

одамларни бошқариш вазифаси худо томонидан топширган. Оғир кунларда зарур бўлса у ўзи давлатни, мамлакатни бошқаради.

Қадимги Хитой халқарида мавжуд бўлган афсоналарга кўра барча ердаги ходисалар, одамлар ҳаёти ягона худо томонидан бошқарилади. Факат бош ҳукмдор-император худога энг яқин одам ҳисобланади.

Қадимги Миср халқарида кенг тарқалган ғояларга кўра, барча ҳақиқат, Адолат, одил судлов (Маат) худо томонидан бошқарилади. Судьялар Маат тасвири туширилган туморларни такиб юрганлар. Ердаги барча тартиботлар, сиёсат, қонунлар, одамлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар, бош ижодкорга сифиниш «Птахотеп насиҳатлари» (эранизгача XXVIII аср) каби қадимги ёзма манбачаларда ўз аксини топган.

«Птахотеп насиҳатлари» да таъкидланишича, барча эркин фуқаролар табиий рационал бир-бирига тенгdir, ҳар бир инсоннинг ҳатти-ҳаракатлари адолат ва яхшилик меъёрларига мос бўлиши керак. Албатта бу талаблар қадимги миср жамиятининг юқори табақа вакилларигина эди. Аҳолининг қўлчилигини ташкил этган қўллар бундан ташқарида эди.

Шуни таъкидлаш жоизки, қадимги сиёсий-хукуқий таълимотлар авваламбор халқ оғзаки ижодида кейинчалик ёзма манбаларда афсонавий қаҳрамонлар, халқ халоскорлари худолар тўғрисидаги ёзма манбаларда ифодаланган бўлса, кейинчалик "Авесто" (Ахура Мазда) ҳамда Сиптомен ҳақидаги афсоновий- диний таълимотларга мухолифат сифатида дунёвий таълимотлар ҳам тараққий этди. Масалан, қадимги Юнон мутафаккирлари Суқрот, Афлотун, Арасту шарқда эса Фаробий кабилар асарларида ўз ифодасини топди. Қадимги Вавилонияда тарқалган мифга кўра, адолат ҳомийси, эзилганларни ҳимоя қилувчи худо Шаман бўлиб, у барча адолатсиз ва ёмонликни кескин жазоларди. Кимдаким Шаманнинг адолатли, ҳақиқий тамойилларини бузса, ўша пайтда амалдаги қонунлар асосида қаттиқ жазога тортиларди. Шаман талабларини бузиш-бу оғир жиноят эди.

Шумер ва Вавилония ҳукмдорлари ўз ҳокимиятларини худо томонидан берилган деб ҳисоблардилар. Бу ғоялар эрамизгача XVIII асрда яратилган Хаммурапи қонунларида (бу қонунлар ўз даврида кенг тарқалган эди) ифодалаб берилган. Бу қонунлар одамларни эркинлар ва қулларга ажратарди. Эркинлар ҳам бир қанча табақаларга бўлинарди.

Қадимги Туронда, аниқроғи Хоразмда илк бор мифлар кейинчалик зардуштийлик динида намоён бўлди. Бу диний фалсафий таълимотнинг асосчиси зардўшт бўлган. У тахминан эрамизгача VIII асрда яшаган. Зардўштийлик ғоялари асрлар оша дунёга кенг тарқалди. Ҳаётдаги икки қарама-қарши қутбнинг яхшилик ва ёмонликнинг ўзаро кураши,

яхшилик ҳомийси Ахура-Мазда билан ёвузлик ҳомийси Ахура Ману ўртасида рўй беради. Бу кураш кескин, шафқатсиз ва абадийдир.

Дастлабки мифологик тасаввурларнинг аста-секин, конкретлашиб, ижтимоий ҳаёт, давлат, сиёsat, ҳуқук ҳақидаги дастлабки таълимотларнинг пайдо бўлиши тарихи узоқ тарихга эга. Бу жараён турли халқларда турли хил кечган. Лекин барча халқларга, мамлакатларга хос бўлган умумий қонуниятларни олсакadolatсизликка қарши адолат, зўрлик ва қонунсизликка қарши қонунийлик, раҳм-шафқат, урушга қарши тинчлик ғояларининг илгари сурилишини кузатамиз. Характерли жойи шундаки, халқ оғзаки ижодида, ёзма манбаларда диний ва дунёвий китобларда эзгуликка интилиш, инсон номини улуғлаш, социал адолатга эришиш учун кураш тарихи барча қадимги халқлар ҳаётига хосдир.

Хулоса шундан иборатки, энг қадимги давлат ва ҳуқук тўғрисидаги қарашлар, ғоялар Шарқда тахминан тўрт минг йил аввал халқ оғзаки ижодида, ёзма диний китобларда диний-мифологиялар тарзида шаклланди.

2-& Қадимги Ҳиндистонда сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар

Қадимги Ҳиндистонда илк бор пайдо бўлган сиёсий ва ҳуқуқий қарашлар мифология ва дастлабки динлар таъсирида шаклланди. Брахманизм ғоялари қадимги Ҳиндистонда эрамиздан олдинги 2-минг йилликда пайдо бўлган Ведалларда ифодаланган. «Веда» санкритда «билим» деган маънони билдиради.

Эрамиздан олдинги IX-VI асрда яратилган Ҳинд ёдгорлиги Упапишдаларда брахманизм янада ривожланган ва конкретлашган ҳолда тасвиrlenди. Веда ва Упапишдаларда таъкидланишича ҳар бир одам драхма яъни, қонун, бурч, одатларга, тартибларга риоя этиши зарур. Брахманизм турли мактаблари ташкил этувчи дхармасутра ва дхармашастрилар, ҳуқуқий тўпламлар брахманизм мафкурасини вужудга келтиради. Машхур сиёсий-ҳуқуқий ёдгорлик-«Ману қонунлари» эрамизгача II асрда ёзма равища бунёд этилди. Унда Ведалар ва Упанишадлардаги ғоялар ҳар томонлама ривожлантириб ҳимоя этилади. «Ману қонунлари» да асосий эътибор жазо белгилашга қаратиласди. Жамият варналарга бўлинган, улар ўртасида нотенглик мавжуд.

Эрамизгача VI асрда яшаган Сиддхартха брахманизм ва Ведда, Упапишаддаги ғояларни кескин танқид қилиб чиқди ва у ўзини «Маърифатли инсон»- Будда деб атади. Унинг уқдиришча, Олий ҳокимиёт худо ҳақидаги ғоялар инсони чалғитади, ҳамма гап инсоннинг ўзига боғлиқ. У барча сиёсий-ҳуқуқий нормаларни, ахлоқий тартиботларни одамлар ўзлари, яратиб олишлари керак деб кўрсатади.

Буддизмга хос бўлган жазо чораларини чеклаш хақидаги фикрлар «Дхаммпадада»да учрайди. Инсоннинг айби тасдиқланмасдан уни жазолаш мумкин эмас. Буддизмда дхаммани улуғлаш, қонунликни улуғлаш деган гап эди. Буддизм аста-секин барча ижтимоий сиёсий воеаларга, шу жумладан давлат фаолиятига ўз таъсирини ўтказа бошлади. Гарчи буддизмда асосий ғоя ҳар инсоннинг ўзи ўзини шакллантириб, ниҳоят нирванга руҳан юксалиб бориши билан боғлиқ бўлсада, аммо бу янги диннинг кўп томонлари ердаги ҳаёт билан боғлиқ эди. Шунинг учун ҳам эрамизгача 268-232 йилларда ҳокимиятни бошқарган Ашоки буддизмни давлат дини деб эълон қилади. Буддизм шу тариқа жанубий-Шарқий мамлакатларнинг бир қанчасига тарқалди.

IV-III асрларда (эрамизгача) яратилган Артхаастрида давлатнинг моҳияти, вазифалари, қонунларнинг яратилиши ва амал қилиши борасида брахманизмдан фарқли улар реал ғоялари ифодаланади. Вазир ва маслаҳатчи Каутиля бу китобнинг муаллифи дейилади.

«Ахтрашастра» дунёвий таълимотларнинг кенгайиб, чуқурлашиб боришида катта рол ўйнайди. Бу китобда ҳар бир сиёсатнинг, қонуннинг нечоғли амалий фойдаси борлигига асосий эътибор қаратилди. Бу қонунлар одамларнинг ҳаётини, демак давлат фаолиятини тўғри акс эттириши зарур.

3-&. Қадимги Хитойда сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар.

Қадимги Хитой фалсафаси ва ижтимоий-сиёсий фикрлари ривожида катта роль ўйнаган даосизм ва унинг асосчиси Лао-цзи (эрамизгача VI аср) ва у яратган «Дао Дэ-цзин» асари диний схоластикага катта зарба берди.

Бутун ижтимоий тараққиёт манбаларини илоҳий қудратга эмас, балки дао қилади, дао қонунчилик ва сиёсий бошқарувнинг асосидир, деб таъкидлади. Даога бўлган муносабатда барча тенгdir.

Лао-цзиннинг кўрсатишича, ўша пайтдаги барча нохушликлар, маданиятнинг чекланганлиги, одамлар ўртасидаги сиёсий-ҳуқуқий нотенгликларнинг асосий сабаби ҳақиқатни қарор топмаганидир. У ҳаётдаги, жамиятдаги барча адолатсизликларни қоралар экан, у бутун эътиборини ўзини ўзи яратувчи даога қаратди, дао адолатни тикловчи асосий восита деб уқтиради.

Даоизмдаги муҳим томон одамларни хотиржам яшашга ундашдир. Бойлик ҳам, мансаб ҳам ўткинчи, улардан четроқда юриш керак деган ғоялар илгари сурилган.

Қадимги Хитой ижтимоий-сиёсий фикр тараққиётида Конфуций (Эрамизгача 551-479 йиллар) таълимоти унинг шогирдлари томонидан тўпланган «Лунь Юй» (сұхбатлар ва муроҳазалар) китоби катта рол ўйнайди.

Конфуций ўзидан олдин пайдо бўлган билимларни умумлаштириб, янада ривожлантириб, давлат ҳақидаги ўз қарашларини баён этади. Давлат гўё катта бир оила, оила бошлиғи-император бош хукмрон, қолганлар унга бўйсуниши керак.

Конфуций мавжуд тартибларни кескин танқид қилиш йўлидан бормайди. У келишувчилик, мароса йўлинни танлайди. Мавжуд ижтимоий тузим ва тартиботларни тан олган ҳолда, уларни янада такомиллаштириш ҳақида фикр юритади. Давлатни бошқаришда адолат тамойилларига амал қилиш кераклигини уқтирад экан унинг таълимоти прогрессив йўналиш касб этади. Бу ғоя шу пайтгача хукмрон бўлган давлат бошқаришдаги зўрлик гояларига зид эди.

Конфуций хукмдорларни, раҳбарларни, мансабдорларни адолатли бўлишга чакиради. Энг муҳими бош хукмроннинг адолатлилиги барча аҳолининг ҳаётига таъсир қиласи. Давлат ишларида ҳам, жамиятда ҳам кичиклар катталарга, пастдагилар юқоридагиларга бўйсунишлари, ҳурмат кўрсатишлари зарур. Конфуцийннинг асосий мақсади жамиятнинг юқори табақаси билан қуий табақаси ўртасида тотувлик яратиш, жамият тараққиётини барқарорлаштиришга қаратилган. Конфуций ташқи урушларга ҳам, Хитой подшолариннинг ўзаро олишувларига ҳам қарши эди. Жамиятни бошқариш учун қилинадиган ҳаракатларнинг асосини фақат қонунлар эмас, балки ахлоқий нормалар ҳам ташкил этиши керак. Одамлар ўртасидаги барча муносабатлар мана шу ахлоқий-ҳуқуқий нормалар асосида (зўрлик ишлатмай) ривожланиб бориши керак.

Конфуций таълимоти пайдо бўлиши билан кўпчиликнинг эътиборига тушди, эрамизгача II асрда Хитойда бу таълимот маҳсус давлат мафкураси деб эълон қилинди.

Янги оқим асосчиси Мо-цзи (эрамизгача 479-400 йиллар) ўз қарашлари барча одамларнинг табиий равишда бир-бирига тенглигини, давлатнинг пайдо бўлишини халқ ҳокимияти билан амалга ошишини ҳимоя қиласи. У худо гоясини янгича талқин этди. Осмондан инсонлар учун фақат яхшилик ёғилиб туради. Шунинг учун худога катта ҳурмат ва ишонч билан қараш лозим.

Мо-цзи жамиятни бошқаришда халқ билан келишиш кераклигини уқдирди, зўрликдан халқ ҳоли бўлиши, зулм ва қашшоқликни бартараф этиш керак деди.

Ҳокимиятнинг марказлаштириш ва қонунчиликни ривожлантириш учун қаттиқўллик керак эди. Хитой императорлари мамлакатни бир марказга бўйсундириш учун кураш олиб бордилар, шунинг учун ҳам улар халқ манфаати ва курашдан ажралиб қолишга мажбур бўлдилар.

4-.& Қадимги Туронда сиёсий ва ҳуқуқий қарашлар («Авесто»)

Турон Ўрта Осиёнинг энг қадимги номидир. Турон тарихи айниқса, унинг давлатчилик тарихи қадимги тарих бўлиб, бугунги қунга қадар ўз ривожланиш жараёнида турли цивилизациялар таъсирида бўлди, кўплаб урушларни ўз бошидан кечирди. Ҳар бир жаҳонгир қадимги Туронга юриш қилар экан уни ўзгача номлади, қирғин бафот урушларга сайлаб бўлган юришларни амалга оширди. Масалан, Александр Македонский (Искандар Зулқайнар) Туронга бостириб келгандан (III аср эрамизга қадар) кейин Бақтрия давлати ташкил топди ва аввал Грек-Бақтрия, кейинчалик Бақтрия дея номланади. Туроннинг катта қисми шу Бақтрия давлати таркибига киритилди. Араблар келгандан кейин Турон тушинчаси Моварауннаҳр (дарёнинг нариги соҳилидаги мамлакат) деб атадилар ва давлат араб халифалигининг бир қисмига айлантирилиб, халифалик дея юритилди. Чингизхон юришларидан кейин бу ерлар Чигатой улуси дея аталди. Руслар бостириб келгандан кейин “Туркистанский край”, генерал губернаторлик ва ниҳоят Советлар даврида эса Ўзбекистон, Қозоғистон, Туркманистон, Қирғизистон, Тожикистон Республикалари ташкил топди ва бугун уларнинг ҳаммаси суворен давлат сифатида ривожланмоқда. Биз яна қадимги қайтадиган бўлсак,

Турон сўзи қандай пайдо бўлди. Турон заминда илк бор давлат қачон пайдо бўлган?-деган саволларга тарихий китобларда аниқ, тиниқ жавоб йўқдир. Олимлар, тарихчилар ўртасида ушбу масала бўйича ихтилофлар бўлиб, улар ўртасида қарама-қаршиликлар ҳам мавжуддир. Энг қадимги ёзма манбалар: “Тарихи табарий”, Фирдавсийнинг “Шоҳнома” асари, Навоийнинг “Тарихи мулуки Ажам”, “Авесто”, “Зафарнома”, “Тузук”ларда, баён қилинишича Турон биринчи маротаба тахминан 4 минг йил аввал давлатга раҳбарлик қилган Турнинг исми асосида Турон сўзи келиб чиқкан.

Навоийнинг «Тарихи мулуки Ажам», ҳамда «Тарихи Мулуки Анбиё ва Ҳукамо» асарлари бевосита давлатчилик тарихимизга боғлиқ бўлиб, қадимги Туронда давлатчилик ва бу давлатлардаги сиёсий, диний, ҳуқуқий қарашлар тўғрисида қимматли фикрлар баён қилинган.

Биринчидан, Навоий давлат сўзининг ўрнида "мулк" сўзини ишлатади. Демак, ўрта асрларгача китобларда давлат тушунчаси ўрнида кўп жиҳатдан «мулк» ишлатилган.

Иккинчидан, Қадимги ёзма манбаларда Турон, Эрон, Хуросон худудларида аниқроғи арабдан ташқаридаги мамлакатларни «Ажам» деб айтганлар. Шу маънода энг

қадимги давлатчилик тарихимиз Турон ва Эрон давлатлари Ягона «Ажам давлати» тушунчаси асосида берилган.

Ажам давлати (мулки) тўртта сулолага бўлинади: Пешдодийлар, Кайонийлар, Ашконийлар, Сосонийлар. Улар Навоийнинг фикрига кўра 4336 йил, 10 ой ҳукмронлик қилганлар. Навоий 65 дан ортиқ шоҳларнинг ҳукмронлик қилган йиллари ҳақида ва уларнинг ҳар бирининг олиб борган адолатли ва адолатсиз сиёсати ҳақида маълумотлар берган.

Ажам мулкида биринчи бўлиб, шоҳлик қилган одамнинг исми Қаюмарс эди деб ҳисоблайди. Навоий «Ҳар тақдир ила подшоҳлик андин бурун йўқ эди. Бу қоидани ул тузди» Табарий ва Фирдавсийларда ҳам Пешдодийлар сулоласига асос солган шоҳ Қаюмарс ҳисобланади.

Фариудун золим шоҳ – Захҳок ўрнига шоҳ бўлгандан кейин Тур (унинг ўғли) Туронга шоҳ этиб тайинланади. Турнинг исмидан Турон келиб чиқади ва биринчи бор давлатчиликка асос солинди деб ҳисоблайди «Шоҳнома»да Фирдавсий.

Турон, аникроғи унинг ажралмас қисмини ташкил этган Хоразм диний-сиёсий ва хуқуқий қарашларни ўзида мужассамлаштирган дин Зардустийлик дини ташкил топди ва у инсоният цивилизациясига ўзининг сезиларли таъсирини ўтказди. Унинг китоби «Авесто»нинг жаҳон маданияти ва динлар тарихида тутган ўрнини ҳисобга олган ҳолда ЮНЕСКО бош конференцияси 1999 йилнинг ноябрь ойида Парижда ўтган 30-сессиянинг «Авесто» яратилганлиги 2700 йиллиги муносабати билан дунё миқёсида кенг нишонлаш ҳақидаги қарори қабул қилди. Президент Ислом Каримов ташаббусига кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси №110 сонли «29» март 2000 йил қарор қабул қилди ва шу қарорга биноан. Хоразмда «Авесто»га бағишланган халқаро илмий конференция ўтказилди, боғ яратилди, ёдгорлик ўрнатилди, «Авесто»нинг ўзбек тилидаги тўлиқ нашри чоп этилди.

Зардустийлик дини пайдо бўлган замин ва «Авесто» ҳақида турли қарама-қарши фикрлар, баҳслар узоқ асрлардан буён давом этиб келмоқда. Бугун кўпчилик олимлар ўзидаги маълумотларга ва бизгача этиб келган ёдгорликларга асосланган ҳолда "Авесто"нинг ватани Хоразм эканлигини эътироф этмоқдалар. Е.Э.Бертельс «Авесто»нинг Хоразмда ёзилиши учун қулай шарт-шароитлар мавжуд эди. Бу китобнинг ilk саҳифалари «Гоҳлар» пайғамбар Зардуст томонидан Хоразмда ёзилган деган хulosага келган.¹

«Авесто»нинг энг қадимги қисми «Гоҳлар» Гоҳ сўзини китобларда «Госа», «Гота» Европаликлар эса уни «Гимн» тарзida атайдилар. «Авесто» да тасвиранган Айрани-

¹ Е.Э.Бертельс. История персидско-Таджикский литературы. М., 1960. с.49.

Вайжи (Ийрон Виж) худо томонидан илк бор яратилган мамлакат-Хоразм давлатидир. «Авесто»нинг биринчи муқаддас олови ҳам Хоразмда ёқилган. Худо Ахура-Мазда ҳам пайғамбар Зардуштга кўринган.

Хоразм «Авесто»нинг ватани эканлигини Кангакалъа, Бозорқалъа, Жамбасқалъа, Қирққизқалъа, Тупроққалъа каби қалалъалардан ва олов Сарой ва «Чилпик» эхром-ибодатхонадан топилган ёдгорликлар тасдиқлайди.

«Авесто»да ривоят қилишига қараганда Зардушт Амударё соҳилларида яшаётган дехқонлар ва бепаён сахроларда яшаётган кўчманчи қабилаларнинг турмушларидан яхши хабардор бўлган. Карвонлар билан бирга юриб ўзга мамлакатлар, халқларнинг турмушларини ҳам яхши билган инсон бўлган. Унинг сиёсий-хукуқий қарашлари ана шу урф-одатлари, удумлари, қонун-қоидалари асосида шаклланади. Қабилалар ўртасида тез-тез содир бўладиган диний низолар, урушлар, адолатсизликлар мамлакатларни, халқларни парокандаликка қараб олиб кетаётганликларини яхши тушунган эди. Шу сабабдан ҳам у ўзининг таълимотларида ягона худо тўғрисидаги фикр, ғояларни илгари сурди. У қуёш худоси Молоҳ шарафига болаларни, қизларни қурбонлик қилишдек ярамас одатларга қарши чиқди. Коҳинлар бундай ваҳшийона одатларни яъни болаларини тириклай қурбон қилишни қурғоқчилик, очарчилик, табиий оғат йилларида ҳам амалга оширганлар.

Зардушт буларнинг ўрнига «Наврўз»ни байрам қилишни, кўп худолик ўрнига ягона Ахура Маздага сифинишни, одамларнинг ўрнига қўйларни қурбонлик қилиш каби одатларни ўрнатди. У оддий меҳнаткаш дехқонни улуғлади.

«Эй, дунёни яратган зот!»

Мазда динини қандай таом тўйғизади? Ахура –Мазда жавоб берди:

Эй, Сипийтмон Зардушт!

“Буғдой экмоқ ва яна буғдой экмоқ”

- ...Эй, оламни яратган зот! Эй, ҳақиқат! Заминни ҳаммадан кўра кўпроқ баҳтиёр қилган бешинчи шахс ким?

Ахура-Мазда жавоб берди:

- Заминни яхшилаб шудгор қилган ва уни бир Ашаванга топширган зот!...»¹

Зардушт 1200 бобдан иборат китобни олтин тахтачаларга ёзиб, шоҳ Ваштапс оташхонаси (оловхонасига) топширади. Кейинчалик эса бу китоб Эрон шохи кутубхонасида 12000 сигир терисига олтин ҳарфлар билан ёзилган нусхаси бўлади. Турон ва Эрон давлатларида исломга қадар асосий давлат дини даражасида ҳукмронлик қиласи. Ислом ҳукмронлик қилган йилларда тақиб остига олинади «Олов»парастлика

¹ «Авесто» А.Маскам таржимаси. «Гулистон», 1999 й. №2

айбланади ва унинг тарафдорлари Ҳиндистон ва бошқа ўлкаларга кетишга мажбур бўладилар.

«Авесто» қадимги илк бор яратилган 16 юрт давлат: “Доктиё” дарёси соҳиларидағи Ийрон Виж, Марв, Балх, Нисоя, Ҳирот, Ваища Гирта, Аврава, Хнинта, Ҳаравачта, Ҳийрманд, Рай, Чапра, Варина, Ҳафтруд, Рангхи дарёси сарчашмаси атрофидаги бесар халқлар яшовчи макондир.²

Ана шу давлатларни шоҳ-“Кави” бошқарган. Оилаларнинг бирлашмаси – «Нмана», Оила бошлиғи – “Дмана”, катта оила оқсоқоли – “Нма”- “Напати”, уруғ жамоаси бошлиғи- “Вис”, катта қишлоқ оқсоқоли – “Виспати”, қабила бошлиғи – “Зантупати”, вилоят ҳокими – «Дахтапати». Оқсоқоллар Кенгashi «Варзанипти», халқ мажлиси «Въяха» дея юритилган. Олий судя вазифасини Коҳиннинг ўзи бажарган.

«Авесто»га кўра жамият тўрут табақага бўлинган: Коҳинлар, Ҳарбийлар, Чорвадорлар, Ҳунармандлар (Ясна; 19-боб). Айни пайтда жамиятда қуллар- “Вайса”, оила хизматчилари “виранмажа”, ҳуқуқлари чекланган чўпонлар - “Пайшаутар”лар ҳам бўлган.

“Авесто”га кўра давлатнинг шаклланиши уч даврга бўлинган («Гоҳлар 45»).

Биринчиси, энг қадимги давр-адолат ва инсоний соадат ҳукумронлик қилган давр («Ясна», 32).

Иккинчиси, эзгулик билан ёвузлик ўртасидаги кураш даври.

Учинчиси, маърифатли, адолатли шоҳлар қонунга биноан мамлакатни бошкарадилар. («Ясна», 48).

«Эй Ахура –Мазда, ҳар кимки эзгу андиша, эзгу сўз, эзгу амал билан ноҳақлик ва унинг тарафдорларига қарши курашса ва одамларни ростлик ва ҳақиқат йўлига хидоят этса, ўзининг пок муҳаббатидан сенга энг яхши тухфа келтирган бўларди.»

Бундан қўриниб турибдики, зардуштийлик таълимотида ҳақиқат ва ростлик учта ғояга асосланади: Эзгу фикр, эзгу калом (сўз), эзгу амал (иш) «Авесто»да ана шу учликка асосланган ғоялар, қарашларни кўплаб учратиш мумкин.

Инсон қалбида ростлик ва ҳақиқат туйғуларини уйғотишда икки қарама-қарши куч; Воху Мана («Эзгу фикр») ва Ако Мана («Ёвуз фикр») ўртасидаги кураш аҳамиятлидир.

Ахура-Мазда, эзгулик, яхшилик тимсоли бўлса, Анхро-Манс (Ахримон Майнйу) жаҳолат, ёвузлик ёмонликлар тимсоли сифати тасвирланади.

«Авесто»да жиноят ва жазо масалаларида ҳам кўп фикр ва мулоҳазалар, қонунлар битилган. Масалан, кимда-ким қарзни ўз эгасига қайтармаса, унинг бу амали унга омонатни ўғирлаган билан баробар бўлади. Қасамларга катта эътибор берилади. Қасамларнинг саноғи Ахура-Мазда таълимотига кўра 6-та.

² Бобоев С., Сасанов С., Авесто- “маънавиятимиз сарчашмаси”, «Адолат»-2001 й., 49-50 бетлар.

Биринчиси- сўз қасами
Иккинчиси-қўл қасами
Учинчиси – қўй қасами
Тўртингиси-сигир қасами
Бешинчиси-одам қасами
Олтинчиси-экин қасами
Бу энг обод, энг серҳосил ердаги ҳосил қасамидир.

Эй ҳақиқат! Кимда-ким ўз қасамини бузса, бу гуноҳи учун гирифтор бўладиган жазосининг андозаси нечукдир?

Ахура-Мазда жавоб берди.

- унинг ва энг яқин қариндошлари гуноҳининг товони ўша қасам баҳосининг уч юзтасига тенгдир. Агарда қўй қасамини бузса у ҳолда унинг товони, жазоси етти юзтасига тенгдир. Ана шу тариқа қасамларга қанчалик содик эканликларини турли усувлар, йўллар билан синаб кўрилган. Масалан, сувга тупуриш ёки икки томонлама ёниб турган олов орасидан ўтиш кабилар. Қайнаб турган суюқлик, қиздирилган метални танасига босиш ёки эритилган метални кўкрагига қўйиш ва шу кабиларни келтириш мумкин.

Кимда-ким бирорни урмоқ қасдида отланса, унинг гуноҳи «авауйрайта»дир...

Кимда-ким ғараз билан бирорни урмоққа қасд қилса, унинг гуноҳи «аридуш»дир. Ана шу тариқа жиноят тавсифланади (квалификация) қилинади ва қилган жиноятига яраша жазо таинланади. Масалан оширинта гуноҳ учун беш қамчин аспаҳиҳ-ашитра билан ва беш қамчин саравушу-чарапа билан саваланади. (ушбу масала батафсил “Авесто” маънавиятимиз сарчашмаси» китобида (Ҳ.Бобоев, С.Ҳасановлар, “Адолат”-2001 й. 62 б. ёритилган). “Авесто” да тавон тўлаш, қонунларга риоя қилиш, суд ишларини адолат ва қонунга кўра амалга ошириш яхши йўлга қўйилган эди.

«Авесто»да ҳақиқат, тинчлик, давлат, озодлик, эркинлик, мустақиллик, ҳаёт ҳақидаги ғоялар, карашлар жуда ўринли ва тушунарли баён этилган.

“Кимда-ким буғдой экса, у ошани (ҳақиқат) экади...

Қачонки буғдой гуркираб кўкарса, девлар даҳшатдан титрай бошлайдилар. Қачонки буғдой ун берса, девлар нола чекадилар...” ҳикоя қилинади.

“Авесто”да атроф муҳитни пок сақлашга, айникса, ер, сув, ўсимликларни асрар масалаларига катта эътибор берилган. 4 нарсани: ер, олов, сув ва ҳавони муқаддас деб билади ва уни ифлосланишига йўл қўйганларга нисбатан чора кўрилган. Биринчидан, аҳолини тарбиялаш ва иккинчидан, қонун, одат нормаларини қўллаш йўли билан уларни химоялаган.

Хулоса шундан иборатки, “Авесто”даги сиёсий-хуқуқий қарашлар ҳозир ҳам ўз назарий ва амалий қимматини йўқотмаган. "Авесто" ўзининг илғор ғоялари билан қадим замонда дунё цивилизациясига ўзининг таъсирини ўтказган. Биз учун у муҳим манбадир.

Ш-боб. ҚАДИМГИ ЮНОН (ГРЕЦИЯ)ДА СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР

1-&. Қадимги Юнон сиёсий ва ҳуқуқий таълимотларининг ўзига хос қирралари

Қадимги Грецияда эрамиздан олдинги биринчи минг йиллик бошларида давлатлар пайдо бўлади. Мустақил полислар-шаҳар давлатлар ён атрофидаги қишлоқларни ҳам ўз ичига олади. Ибтидоий тузумдан илк синфий тузумга ўтганда жамиятни сиёсий жиҳатдан ташкиллашга катта эътибор берилади, бу ишлар ахолини социал табақалаштиришни кучатириб юборади ва улар ўртасида зиддиятлар авж ола бошлайди. Бу шароитда полислар ичida ҳам, ташқарисида ҳам ҳокимият учун кураш кескинлашади.

Давлатларни бошқаришнинг турли шакллари келиб чиқади. Эрамизгача IV-V асрларда Афинада, Абдирда демократия қарор топади, Фива, Мегерада Олигархия,

Спартада аристократия шакллари давлатчиликнинг турли йўсиндаги бошқариш шаклларини келтириб чиқаради.

Қадимги Грецияда пайдо бўлган ва аста-секин ривожланиб борган сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихини уч даврга бўлиш мумкин. Илк давр (эрамизгача IX-V асрлар) қадимги грек давлатларининг пайдо бўлиш даврини ўз ичига олади.

Бу даврда сиёсий ва ҳуқуқий тасаввурларнинг мифологиядан озод бўла бошлишини, рационаллашувины кузатиш мумкин. бу жараён Гомер, Гесиод ва машхур “етти донишмандлар” ижодида ўз ифодасини топгандир. Шу даврда давлат ва ҳуқук муаммоларига фалсафий ёндашиш ҳам шаклана бошлайди (Пифагор ва унинг издошлари, Гераклит).

Иккинчи давр (эрамизгача V ва IV асрнинг биринчи ярми. Бу давр қадимги грек фалсафий сиёсий ва ҳуқуқий таълимотларнинг гуллаган даври. Бу даврда Демокрит, Суқрот, Плотон, Арасту фалсафий, сиёсий ва ҳуқуқий таълимот шаклланди ва ривожланди.

Учинчи давр (IV асрнинг иккинчи ярми ва II асргача). Бу давр тарихга эллинизм даври бўлиб. Бу даврнинг муҳим белгиси грек давлатчилигининг таназзулга юз тутган даври. Грек полислари дастлаб Македония, сўнгра рим тасарруфига ўта бошлайди. Бу даврдаги сиёсий ва ҳуқуқий қарашлар Эпикур, стоиклар ва Полибий ижодида ўз аксини топди.

Қадимги Юнонистонда пайдо бўлган ва ривожланган ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий қарашлар тарихини Гомер ва Гесиод достонларини таҳлил қилишдан бошлаймиз. Бу буюк шахслар яратган достонларда жамиятда пайдо бўлган ижтимоий муаммолар худолар образлари орқали изчил таъсирлагандир.

Адолат, қонунчилик ва полис ҳаётига оид бошқа тушунчаларнинг моҳияти, йўналишлари ва шаклланиши энг авво Зевснинг фаолияти билан боғланади. Бош Худо Зевс барча худоларни исканжага олиб, адолат ўрнатишни талаб қилган. Гомер поэмаларида Зевс худди мана шу тартибда, яъни қаттиққўл адолатли Бош Худо образида ифодаланган. Бунда адолат тушунчаси ердаги воқеалар билан боғланган ҳолда изоҳланади. Ердаги оддий қонун-қоида асослари одамларни бирлаштирувчи бир куч, умуминсоний қадрият сифатида намоён бўлади.

Гесиод (эрамизгача VII аср) асарларида адолат, ҳуқук-тартибот тушунчалари янада ёркинроқ ифодаланган. Унинг «Теогония», «Мехнат ва кунлар» номли асарларида турли тамойилларга эга бўлган ахлоқий-ҳуқуқий нормалар таърифланади ва ҳимоя қилинади.

Масалан, унинг «Теогония» асарида Зевс ва абадий табиий тартибининг тимсоли Фемида никоҳидан икки қиз Диже-адолат худоси ва Эвномия-қонунчилик худоси туғилди.

Дике адолатни ҳимоя қиласи, уни бузувчиларни қаттиқ жазолайди. Эвномия эса қонунчилик, тартиб-интизом илохият томонидан ўрнатилган одамлар орасида бўлиши шарт бўлган қонун деб ҳисоблаб уни ҳимоя қиласи. Дике ҳам, Эвномия ҳам барча ишларни бош худо-оталари Зевс буйруғи билан бажарадилар. Демак, адолат ҳам, қонунчилик ҳам илохий манбачага эга. У Бош худо ва бошқа худолар томонидан бошқариб борилади.

Гесиод «Мехнат ва кунлар» поэмасида патриархал тузим идеалларини ҳимоя қиласи экан, одамлар ҳаётида бешта бири-бири билан олмасиб турадиган босқичларини ўзига хос томонларини ифодалаб беради. «Олтин аср», «кумиш асли», «мис асли», «ярим худо-қаҳрамонлар асли» ва ниҳоят ўзи яшаб турган асрни «темир асли» деб баҳолайди. «Олтин аср» одамлари баҳтли эдилар, ғам-ташвишсиз умр кечирдилар. «Кумуш арининг» қайсар, худоларга итоат қилмаган одамларини Зевс қириб ташлади. «Мис асли» нинг одамлари ўзаро ракобатда ва чиқишимовчиликлар туфайли ўзлари бири-бирини янчиб ташлашди. Тўртинчи «Терм арининг» қонли урушларда Ярим худо-қаҳрамонлари ҳам ҳалок бўлдилар.

Гесиод «Темир арини» қора бўёқлар билан ғамгин тасвирлайди. Мехнат оғир, кун кўриш қийин, ҳақиқат топталган, одамлар ўртасидан инсоф, диёнат кўтарилган.

Гомер ва Гесиод ижодига хос бўлган ахлоқий, ҳукуқий тартиб-интизомнинг инсонлар ўртасида қарор топтириш ва уларга ақл нурини бағишлишга қаратилган интилишлар кейинчалик етти донишманд фаолиятида давом эттирилди. Бу етти донишманд-Фалес, Питтак, Пермандр, Биант, Солон, Клеобул ва Хилон. Бу донишмандлар жамият адолат тантана қилиши учун кураш олиб бордилар. Уларнинг айримлари ҳоким ёки қонун чиқарувчилар сифатида ўз ғояларини амалга оширишга ҳаракат қилдилар. Масалан, Солон хусусий ва давлат қарзларини бекор қилди, қарз беришни адолатли асосга қўйди. Солон томонидан ташкил этилган полис демократияси демос билан задогонларни, бойлар билан камбағалларни муросага келтириш учун ишлаб чиқилган қоидаларга асосланар эди. Солон бир томоннинг иккинчи томон манфаатларини ерга уриш асосида устунликка эришишларини очиқ қоралайди.

Ижтимоий, сиёсий-ҳукуқий тартибларнинг фалсафий ғоялар асосида қайта ўзгартириш фикрларини илгари сурган Пифагор (эрамизгача 580-500 йиллар) ва унинг издошлари (Архит, Лизис, Дигиголай ва бошқалар), ҳамда қадимги дунёнинг атоқли файласуфи Гераклит (эрамизгача 530-470) демократияни танқид қилиб аристократик бошқарув усулини, ақлан ва ахлоқий етук одамлар ҳокимиятини ёқлашиб чиқдилар.

Пифагор ва унинг ҳамфирлари дунёқараашлари бир қадар мистик бўлсада, аммо улар оламнинг асосини моддийлик белгиси сонлар ташкил этади деб ҳи-соблашди. Ҳамма нарсанинг моҳияти охир-оқибатда сонларга бориб тақалади. Ахлоқий ва сиёсий-ҳукуқий воқеаларнинг ҳам моҳиятини сонлар характеристикаси-дан излаш керак, масалан, адолат тушунчаси тенгларга тенглик билан жавоб қайтариш демакдир.

Пифагорчилар идеали полис эди. Аммо полисда адолатли қонунлар мавжуд бўлиши керак. Пифагорнинг кўрсатишича, худодан сўнг, ота-онани ва қонунни хурмат қилиш керак, худо, ота-она ва қонун. Пифагорчилар тартибсизлик, анархиядан қаттиқ нафратланар, инсоний муносабатлар анархия зулмидан озод этилиб ҳуқиқий тартиб ва гармонияга эга бўлиши керак деган ғояни илгари сурдилар.

2-&. Платон (Платон)нинг сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлари.

Платоннинг идеал давлат ва жамият ҳақидаги таълимоти унинг кейинги диалогларида («Давлат», «Қонунлар» ва бошқалар) ривожлантирилди. Унинг идеялар ҳақидаги қарашларининг моҳияти қўйидагича: ҳақиқий борлиқ-бу моддийликдан ташқари, ақл билан идрок этиладиган идеядир. Бизнинг қўзимизга кўриниб, ҳиссиётимизга таъсир қилиб турган нарсалар борлиққа алоқадор эмас, шунинг учун ҳам ҳақиқий билиш-бу борлиқни билишдан иборат, яъни идеяларни билишдан иборат. Борлиқни ҳамма ҳам билавермайди, факат файласуфларгина бунга қодир.

У ўзининг «Давлат» номли асарида адолатли идеал давлатни таърифлар экан, давлат полисдаги ижтимоий-сиёсий ҳаёт билан коинотнинг бирикувидан ҳосил бўлади, дейди.

Платоннинг таълимотига кўра адолат деганда биричи навбатда ҳар бир одам ўз иши билан шуғуллансин, бошқаларнинг ишларига аралашмасин, полис турли эҳтиёжларнинг умумлашган ифодасидир деган ғояни илгари суради. Бу турли-туман эҳтиёжларни қондириш учун давлатда одамлар ўртасида меҳнат тақсимоти қарор топган бўлиши керак. Идеал давлатда аёллар эркаклар билан баравар ҳуқуққа эга. Платон идеал давлатида уч табака файласуфлар, харбийлар ва дехқон, ҳунармандларни бўлишини эътироф этган.

Платон ўзининг «Қонунлар» номли асарида давлатнинг моҳияти ва қурилиши ҳақида батафсил тўхталиб ўтади. Платон идеал давлатнинг энг муҳим белгилари қўйидагилардан иборат. Унинг 5040 фуқароси чек ташлаш орқали ер майдони ва уй-жой оладилар, аммо бу ер ва уй уларнинг хусусий мулки ҳисобланмайди. Барча ерлар давлатнинг мулки бўлиб одамларнинг фарзандларидан бирига мерос бўлиб ўтиши мумкин. Мавжуд мулкнинг кўп ва озлигига қараб, одамлар тўрт тоифага бўлинадилар: Бойликнинг ҳам, камбағалликнинг ҳам маълум чегараси бўлиб, бу қонун томонидан белгилаб қўйилади. Қуллар ва чет эллардан келган дехқон, ҳунарманд, савдогарлар юқорида айтилган 5040 фуқаро таркибиға кирмайди. Биринчи давлатда ҳам, иккинчи давлатда ҳам ҳамма иш ўзаро келишув ва муомила асосида олиб борилади. Ёшлиар эркаклар билан teng ҳуқуққа эга бўлсаларда, аммо улар олий раҳбарликка кўтарила олмайдилар. Платон давлатининг бошида босқичма-босқич

сайловлардан ўтган 37 хукмдор турати. Ҳукмдорларнинг ёши 50 дан 70 ёшгача бўлади. 360 кишидан иборат бўлган сайлов кенгаши катта ҳуқуқларга эга.

Платоннинг идеал давлатида қонунчиликка эътибор қаратган. Қонун чиқарувчиларга Платон маслаҳат бериб қонунлар жуда қаттиқ бўлмасин, қонунга итоат этиш билан бирга ҳукмдорлар жамиятни эркин бошқара олсинлар, қонунларни ишлаб чиқсанда географик мухит, иқлим, тупроқ ва бошқа омиллар эътиборга олиниши зарур. Платон қонунларга риоя этмасликни қаттиқ қоралайди. Ҳар хил шоирлар, олимлар турли-туман янгиликлар яратиб, қонунларни бузишавермасин.

Платон ўз қарашларида мафкуравий масалаларга катта эътибор берди. Давлат ва қонунларнинг илоҳий ва муқаррар қудратини одамларга етказиш, уларнинг онгига сингдириш керак. Қонун-қоидаларни бузиш қаттиқ жазоланиши керак.

Платон томонидан икки ярим минг йил олдин айтилган "Қонун устиворлиги", "қонун ҳукумронлиги" фоялари бизнинг кунимиз учун шубҳасиз жуда фойдали.

3-& Арасту (Аристотель)нинг давлат ва ҳуқуқ тўғрисидаги таълимоти

Аристотел Платондан кейин энг улуғ мутафаккир сифатида майдонга чиқди. (Эрамиздан олдинги 384-322 йиллар). Ўзининг «Полития», «Афина сиёсати», «Этика» номли асарларида сиёсий, ҳуқуқий қарашларини баён этади.

Аристотел сиёсат фанини ҳар томонлама ишлаб чиқишига, сиёсатни ахлоқ доирасида қарашга харакат қилди. Ахлоқ сиёсатнинг бошланғич нұктаси, унинг муқаддимасидир, дейди у.

Аристотел адолатнинг икки хилини фарқлаб кўрсатади. Мувозанатга солувчи адолат мисоли арифметик тенглик, яъни мана шу тамойилни жамият тараққиётiga тадбиқ этиши. Белгиловчи адолат худди геометрик тенгликка ўхшайди. Яъни барча ҳақ-ҳуқуқлар, неъматлар одамлар ўртасида ҳар кимнинг ўзига яраша тақсимланиши керак.

Аристотелнинг этика соҳасидаги изланишларининг моҳияти шундаки, сиёсий адолат одамлар ўртасидаги тенглик, эркинликка асосланган бўлиб, ҳар бир одамнинг ўз эҳтиёжларини қондириши билан белгиланади.

Аристотел тасаввурида давлат кўплаб таркибий қисмларнинг ўзаро уйғунлигидан ташкил топади. Давлат ўзига хос бир ташкилот бўлиб, фуқароларнинг уюшишидан ташкил топди. Давлатнинг ҳар бир турида ўзига хос инсон ҳуқуқлари ишлаб чиқилган бўлади.

Аристотел давлатнинг сиёсий ташкилот эканини таъкидлаб, давлат бу олий ҳокимиятга эга бўлган сиёсий тизимдир, деб уқдиради. Давлатнинг тўғри ва нотўғри бошқариш шаклларини ажратади. Давлатнинг тўғри бошқариш шаклида халқка манфаат

келтиради. Нотўғри бошқариш шаклида фақат тор доирадаги одамларга фойда келтиради холос. Давлат бошқаришининг учта тўғри шакли монархия, аристократия полития. Давлат бошқаришининг нотўғри шакли тирания, олигархия, демократиядир.

Аристотел давлат бошқариш шаклларининг турли хилларини ҳам текшириб чиқади. Унинг фикрича, энг тўғри бошқариш шакли-бу политиядир. Бошқа давлат формалари политиядан озми-кўпми чекинишларга асосланади. Давлатни нотўғри бошқариш шаклидан энг ёмони бу тираниядир. Полития олигархия ва демократиянинг энг яхши томонларини бирлаштиради, аммо уларнинг ёмон томонларидан бутунлай холи давлат шаклидир. Аристотель ишлаб чиқкан идеал давлатнинг лойиҳасини оддий бир фактни тажрибада синааб кўришдек аниқ бир белгилар билан характерлаб бўлмайди, деб кўрсатади. Идеал давлатнинг аҳолиси етарли даражада бўлиб, аниқ кўзга ташланиб туриши керак. Унинг худудида куриқлик ва денгизга яхши йўналтирилган бўлмоғи зарур.

Барча ерлар иккига бўлинади. Бир қисми бутун давлат томонидан умумий тарзда фойдаланиладиган ерлар, икинчиси фуқароларнинг хусусий ерлари. Тинч-ликни жамиятнинг равнақи деб баҳолаган олим, урушларни хуқуқка қарши ҳодиса деб баҳолайди. Аристотел Сократ ва Платоннинг адолат ва қонуннинг бири-бирига мос келиши зарурлиги ғоясини ҳимоя қиласди. Умуман олганда, хуқуқ сиёсий ҳодиса бўлгани учун уни сиёсий хуқуқ деб атаса бўлади. Табиат қонунлари ҳамма жойда бир хил аҳамиятга эга бўлиб, тан олинниши ёки олинмаслигига қарамай мавжуд бўлаверади. Бундан ташқари, шартли хуқуқ ҳам бор. У шароитга қараб ўзгариб туриши мумкин. Табиий хуқуқлар ҳам шартли хуқуқлар ҳам давлат сиёсатига хизмат қиласди. Бу хуқуқ нормалари изчил, барқарор бўлиши зарур.

Қонун сиёсатга мос бўладиши учун аввло қонунлар адолат асосида шаклланиши зарур.

Аристотель қадимги дунёнинг энг машҳур, гениал тафаккур эгаси эди. Унинг асарлари асрлар оша ўз кучини йўқотмай қолмоқда. У воқеаларни чуқур, илмий таҳлил этишда ўз устози Платондан анча ўзиб кетган эди.

IV-БОБ. ҚАДИМГИ РИМДА СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР.

1 - &. Қадимги Римда сиёсий ва ҳуқуқий таълимотларнинг ўзига хослиги

Қадимги Рим сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи минг йилларни ўз ичига олади ва шу давр ичидаги Қадимги Римда ўзгариб турган социал-иктисодий, сиёсий-ҳуқуқий қарашларни воқеаларни акс эттиради.

Қадимги Рим тарихи уч босқичдан иборат. Подшолик (эрамизгача 754-510 й.), республика бошқариш усули (504-28 й), империаторлик (27 эрамизгача ва 475 й). Ягона Рим империяси эрамизнинг 395 йили батамом бўлинниб кетди. Фарбий (марказ Рим), Шарқий (маркази-Константинополь) Византия империяси-булар 1453 йилгача яшаб келди.

Қадимги Римдаги ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий қарашлар узоқ вақт давомида турли қарама-қарши кучлар-патрициялар ва плебейлар ўртасидаги, тўхтовсиз курашлар ичидаги шаклланиб боради ва шу кучлар нисбатини, манфаатларини ўзида акс эттиради.

Қадимги Римдаги сиёсий-ҳуқуқий қарашлар қадимги Юнонистонда шаклланган ижтимоий-сиёсий қарашлар таъсирида эди. Эрамизгача V аср ўрталарида плебейлар ёзма равишдаги қонунлар тайёрланишини талаб қилиб чиқдилар ва Юнонистонга одамлар юбориб, улардаги қонунчилик, давлатчилик асосларини ўрганиб келиш, хусусан Солон даврида яратилган қонунларга катта эътибор беришни топширдилар. Бу тажрибалар пухта ўрганилиб, ниҳоят XII жадвалдан иборат бўлган қадимги рим ҳуқуқ нормаларини ишлаб чиқишига асос бўлди.

Қадимги Юнонистоннинг атоқли файласуфлари Соқрат, Платон, Аристотель, Эпикур, стоиклар, Полибий ва бошқалар қадимги рим ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий қарашларнинг шаклланишига кучли таъсир қилди.

Қадимги Римда ҳуқуқшунослик фанининг ривожланиши катта воқеа эди. Рим ҳуқуқшунослари ҳуқуқнинг умумий назарияси муаммоларини ёритиб бердилар. Айrim ҳуқуқшунослик соҳалари (давлат ва ҳуқуқ назарияси ва маъмурий ҳуқуқ, жиноят ҳуқуки, ҳалқаро ҳуқуқ) мустақил тарзда ишлаб чиқилди. Рим ҳуқуқшунослари жамият ҳаётидаги рўй бербаётган янгиликларнинг назарий асосларини ишлаб чиқдилар. Рим юристлари томонидан кашф қилинган ҳуқуқшуносликка оид атамалар, фанлар бугун бизда ҳам ўрганилмоқда.

Рим империясида эрамиз бошида христианлик пайдо бўлади. Илк христиан таълимотлари барча эркинлик ҳақидаги қонунларни, мавжуд бўлган кўплаб табиий-ҳуқуқ гояларини янги дин ўз номидан, илоҳий рух, худонинг ифодаси деб талқин қила бошайди. Барча одамларнинг тенглиги, уни одамлар ўртасида қарор топиши зарурлиги ҳақидаги ғоя мухим аҳамиятта эга эди.

Христианликнинг пайдо бўлиши ва жаҳон дини сифатида кенгайиб, мустаҳкамланиб бориши инсоният тараққиётининг кейинги босқичларига кучли таъсир қилди.

Эрамизнинг II асрида христиан жамоаларида ахвол бир мунча ўзгаради. Жамоа бошлиқларининг хукмрон-лиги мустаҳкамланади, улар ўртасида алоқа кучаяди, руҳонийлар пайдо бўлади. Церков иерархиясининг пайдо бўлиши, диний доктрининг кучайтириб юборди. Илк христианлик таълимотларида қулчиликни йўқотишга, хусусий мулкчиликни бекор қилишга, одамлар ўртасидаги нотенгликни бартараф этишга қаратилган фоялар мавжуд эди.

Қадимги Рим сиёсий ва хуқуқий таълимотлар тарихида Марк Туаллий Цицерон (106-43 эрамиздан олдинги йиллар) алоҳида ўрин эгаллади. Машҳур аратор, давлат арбоби ва мутафаккир Цицероннинг давлат ва хуқуқ муаммоларига бағишлиланган “Давлат ҳақида”, “Конунлар ҳақида”, “Бурчлар ҳақида” ва бошқа асарларида сиёсий ва хуқуқий қарашлари ўз аксини топган.

Давлатнинг пайдо бўлишининг сабаби одамларнинг бирга яшашга интилишидадир. Бирга яшаш одамнинг табиий эҳтёжиридир, дейди, Цицерон. Давлат ҳалқнинг иши, бойлигидир. Цицерон давлатнинг тузилиш шаклларига катта аҳамият беради. У учта оддий давлат шаклини кўрсатади: подшоҳ ҳокимияти, аристократлар ҳокимияти ва ҳалқ ҳокимияти. Буларнинг ҳар бири ўзининг авзалликлари ва камчиликларига эга. Шунинг учун буларнинг барчасига хос бўлган авзалликларни ўзида бирлаштирган қўшма давлат шакли мақсадга мувофиқдир.

Зўрлик билан ўрнатилган якка шахс ёки оломон ҳукмдорлиги, ёки бир тўранинг хукмронлиги давлат шакли ҳисобланмайди, бунга йўл қўйиш мумкин эмас. Бу ерда умуминсоний манфаат ҳам барча, учун teng хуқуқ ҳам йўқ.

Цицерон изходида ҳақиқий давлат арбоби ва идеал фуқарога хос фазилатлар катта ўрин олган.

Хуқуқ заминида табиатга хос бўлган адолат ётиши керак, дейди у. Табиий хуқуки хоя белги ва хусусиятларни таърифлаш билан бир қаторда, Цицерон изжобий хуқуқнинг ўзини хусусий ва оммавий хуқуқларга бўлади.

Цицероннинг изходий мероси инсоният маданиятининг ривожига катта таъсир кўрсатди.

2-& Рим хуқуқшуносларининг сиёсий ва хуқуқий қарашлари

Эрамизгача II аср бошларида ҳуқуқшунослиқ, хусусан фуқаролар ҳуқуқи борасида М. Манилий, П. Муций Сцевола ва М. Юний Брут самарали фаолият кўрсатдилар. Ҳуқуқий масалалар қўйидаги соҳаларни қамраб оларди:

- 1) одамларнинг юридик саволларига жавоблар;
- 2) Битимлар тузишда тавсия қилиш ва ёрдам бериш;
- 3) Судда ишларни ҳал қилиш учун формулалар ишлаб чиқиш;

Рим ҳуқуқшунослиги республиканинг охирги дамларида, хусусан, империянинг дастлабки икки ярим асирида ўзининг энг юқори ривожланиш даражасига етди. III асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, императорнинг қонуний ҳокимиятга эга бўлишидан сўнг рим ҳуқуқшунослигининг ривожланиши пасая бошлади. Тўғри, класик даврда юристларнинг аҳволи ҳурмат эътибори янги даврда ҳам сақланиб турди. Худди мана шу класик даврда яшаган машҳур ҳуқуқшунослардан Гай, Панминак, Павел, Ульпиан, Модестинларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

Рим ҳуқуқшуносларининг фаолияти асосан ҳуқук амалиётида мавжуд бўлган эҳтиёжларни қондириш, мавжуд ҳуқуқий нормаларни ўзгариб турувчи вазиятга мослаштириб боришга қаратилган эди. Улар шу билан бирга берилган саволларга қайтарилган жавобларда, конкрет ишлар муҳокамасида бир қатор назарий масалаларни ҳам ишлаб чиқдилар.

Рим ҳуқуқшунослари анчагина тушунчаларга аниқлик киритдилар. Ўша вақтнинг тили билан айтганда амалий ҳуқук нормалари, оддий ҳуқук, қонун, магистрантлар, император конституцияси ва бошқа соҳалар шаклланди.

Табиий ҳуқук амалий ҳуқук учун асос бўлиб қолаверди. Ульпианнинг халқлар ҳуқуқларига табиий ҳуқуқларнинг бир қисми сифатида олиб қаралади. Уларнинг одамларга таъсири ўртасида фарқлар бўлган. Ана шулардан қилинган хulosаларга кўра жамиятда никоҳ, болалар тарбияси ҳам табиий ҳуқук таъсири остида шаклланиб боради. Ҳуқуқшунос Гайнинг қарашлари ҳам шунга ҳамоҳанг. Умуман ҳуқук борасидаги турли ҳолатлар, хусусиятлар ўртасидаги ўзаро алоқадорликнинг моҳиятини Павел изчилроқ ифодалаб берди. У ҳуқуқнинг турли қисмлари ҳакида эмас, балки ягона бир бутун бўлган ҳуқуқнинг ўзаро боғланган қўринишлари ҳакида фикр юритиш керак деб ҳисоблайди.

Умуман рим юристларининг аксарияти ҳуқуқнинг бир бутунлигини тан олиб, унинг турли тушунчаларини конкрет изоҳлаб берганлар. Жумладан зарурият адолатли ҳуқуқнинг мухим томони, ҳуқуқнинг барча қўринишлари ва йўналишларига хос бош хусусиятдир. Зарурият адолатга асосланади, ундан келиб чиқади.

Қадимги рим ҳуқуқшуносларининг юқоридаги талаблари ҳуқуқнинг барча соҳаларига тегишли бўлиши билан бирга конкрет қонунларга ҳам тегишилди. Қонунлар ҳуқук нормаларининг изчил, қатъий ишланган шакли сифатида қаралади.

Рим хукуқшунослари фаолиятига стоикларнинг таъсири яққол сезилиб туради. Улар мана шу таъсир остида кўплаб хукукий масалаларни, хусусан бурч масаласини ҳар томонлама тасвирлаб бердилар. Табиий хукуқ, қонунларнинг ғоявий асосларини ташкил қилиши ҳақидаги фикр ҳам дикқатга сазовор. Ҳукуқшунос Модестиннинг кўрсатишича, хукукнинг вазифаси рухсат этиш, ман этиш, жазолашдан иборат. Албатта бу талаблар ҳар қаерда ҳар хил бўлиб, асосан императив хукуқ нормаларини акс эттиради. Юлиан ҳам худди шу фикрни ифодалайди.

Рим хукуқшунослари хукукнинг умум назарий моҳиятини чукур тадқик этиш билан барча амалий ҳаётдаги хукукий нормалларнинг таъсири, уларга қай тарзда асосланиш зарурлиги ва бошқа хусусий масасалаларни аниқ конкрет мисоллар асосида характерлаб бердилар. Ижтимоий хукуқ нормалари ҳам ҳар томонлама ишлаб чиқилди. Давлат органларининг ваколатлари, мансабдор шахслар, ҳокимият, фуқаролик тушунчалари ва давлат ҳамда маъмурий хукукнинг кўплаб масасалалари ёритиб берилди.

V-БОБ. ЎРТА АСРЛАРДА ЎЗБЕКИСТОНДА СИЁСИЙ ВА ХУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР

**1-&. Ислом сиёсий ва хуқуқий таълимотининг ўзига хос томонлари ва
йўналишлари. (Имом Бухорий Бурхониддин Марғиноний) сиёсий ва хуқуқий
карашлари.**

Ислом динининг асосчиси Пайғамбар Мұхаммад ибн Абдулло (с.а.в.) 610 йилда дунёда янги ислом динини эълон қилди ва бу дин тез орада дунёга тарқалди. Ўрта Осиёга - Туонга кейинчалик араблар Мовароуннар деб атаган бизнинг мамлакатимизга Ислом VIII асрнинг бошида кириб келди. Исломга қадар бу ерда асосан Зардустийлик дини ва унинг қонун-қоидалари, урф-одатлари амал қиласа эди.

Ислом ўзидан аввал амалда бўлган урф-одатлар ва қонун-қоидаларни сиқиб чиқарди. Уларнинг ўрнига ўзининг қоидаларини ўрнатди. «Биринчи ҳижрий асрда ислом ҳуқуқи шаклана бошлаб, иккинчи ва учинчи ҳижрий асрларда тараққиёт босқичларига кўтарилиди. Ҳижрий иккинчи аср бошларида илк ҳуқуқий мактаблар (мазҳаблар) юзага кела бошлади ва янги шаклланган ислом жамияти ўзининг бошланғич ҳуқуқий ва қонуний институтлари- муассасаларини қуришга муваффақ бўлди»¹

Ислом ва унинг қонун-қоидаларига қизиқиш ҳамма замонларда ҳам юксак бўлган. Айниқса 11 сентябрь АҚШда, Ньюйорк шаҳрида содир этилган қўпорувчилик ҳаракатларидан кейин Америка ва Европа мамлакатларида унга қизиқиш янада ортди.

Ўзбекистонга ислом дини, ислом ҳуқуқи, турли мазҳаблар, ақидавий оқимлар ва ғоявий йўналишлар Бухоро, Самарқанд, Хоразм, Фарғона, Сурхандарё, Қашқадарё худудларига VIII аср бошида кириб келди.

Ислом қонуншунослиги, Ислом ҳуқуқи Ўзбекистонда, Бухаро, Самарқанд каби иирик шаҳарларда тез суратлар билан ривожланди ва ўзига хос ҳуқуқиий мактаб яратилди. Фиқҳ - Ислом ҳуқуқи дунёда машҳур олимлар томонидан ўрганилди. Мажид Хаддурий, Хербет Ж. Либес-америқалик ва уларнинг китобларини-«Исломда ҳуқуқ» мисол тариқасида кўрсатиш мумкин. Ўзбек тарихчиларидан Наршахнининг “Бухоро тарихи” асари, Рус олимларидан В.В. Бартольднинг Туркистон тарихига оид асарлари. Бизнинг мамлакатимизда бугун араб ва форс тилларидаги манбаларни яхши билган олим Абдулҳаким Шаръий Жузжонийнинг «Ислом ҳуқуқшунослиги» деган китобларини келтириш мумкин. Ислом Қуръон ва Суннага кўра ўз қонунчилиги-Шариатни ривожлантирас экан кўп жиҳатдан арабларда мавжуд бўлган одат ва қонунларнинг айримларини бекор қилиш, тақиқлаш ва айримларини эса Қуръонда, Суннада тасдиқлаш йўли билан қонунлаштириди. Ислом қонунларини аввалимбор араб қабилалари ҳаётига ҳамда янги араб халифалиги тасаруфига киритилган мамлакатларда жорий қилишни амалга оширди. Самарқанд шаҳри босиб олингандан кейин (таксминан 712 й.) Ўзбекистон араб халифалигининг бир қисмига айлантирилади. Ўрни келганда шуни айтиб ўтиш

¹ Абдулзаким Шабрий Жузжоний. «Ислом суёушунослиги. Санафий маззаби ва ўрта Осиё фиёслари». Ташкент-2002 й. 17 б.

керакки, араблар томонидан Ўрта Осиёни босиб олиш ва унинг халқларини Исломга киритиш жараёни осон бўлган эмас. Ўзбекистон аҳолиси узоқ курашлар ва юришлар натижасида исломни қабул қилди.

Ислом қанчалик «мустахкам” бўлмасин у ички зиддиятлар ва қарама-қаршиликлардан ҳоли эмас эди. Энг катта бўлиниш бу Хавориж (хорижийлар) ва Шиа оқимидағиларни аҳли Сунна ва жамоага қарши турганлари бўлди. Ички тафовутлар исломда турли йўналишлар ва мактабларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлди. Шариат (ислом қонунчилиги) «Шаркат», «Шариа», «Шар» сўзлари сувга олиб борадиган йўл маъносида ишлатилган»¹ Шу боисдан араблар ҳозирга қадар шоҳ кўчани (проспект) «аш-Шориъ» деб атайдилар. Демак шариат дегани сувга олиб борувчи, ҳаётга етакловчи, дин йўли, ёруғ йўл деган маънони англатади. Аҳли шаръ (шариат аҳли) деб эса мужтаҳид, қози, фақиҳ ва муфтийлар назарда тутилади.

Шариат ягона бир тизимга, таснифга эришмаган. Масалан, Суннийлар уни ташки кўринишига кўра уч қисмга бўлганлар: Ибодат (ибодатлар ва уларга тегишли мажбуриятлар); Муомалот (фуқаролик хукуқи); Уқубат (жазолар). Шиалар эса қуидагича таснифлаганлар: Ибодат, Уқуд (икки томонлама- шартномали хукуқий муомалат), Ийқоот (Битим-бир томонидан бўладиган хукуқий муамолат), Аҳком (бошқа хукуқий хукумлар). Усулил-фикҳ илми асосида Шаръий манбаларга асосланган ҳолда суннийларда тўрта масҳаб шаклланди ва ҳар бири ўзига хос йўналишда ривожланди.

Ҳар бир масҳаб тарафдори ўз имомига эргашган ҳолда ҳаракат қилиши белгиланди. Айрим фақиҳлар бундай қоидаларга итоат қилмасдан масҳаб доирасидан чиқиб Қуръон, Сунна ва Саҳобалар ривоятларига асосланган ҳолда эркин ҳаракат қилиши-ижтиҳод қилишни хоҳлаганлар, талаб қилганлар. Бундай эркинлик Ислом қонунчилигининг ривожланишига, бойишига ва дунёдаги энг мукаммал ишланган қонунчилик тизимларидан бирига айланишига ижобий таъсир этди. Ислом қонунчилиги-фикснинг ривожланишида бизнинг Ватандошларимизнинг ҳиссалари улкандир. Абу Мантур Матрудий, Бурхонуддин Марғиноний, Насафий, Баздавий Дабусий ва бошқалар.

Суннийлар таълимотига кўра ислом беш руҳн (вазифани) ўз аъзолари олдига мажбурият қилиб қўйган.

1. Шаҳодат (Аллоҳнинг борлиги ва элчисининг барҳақлигига гувоҳлик бериш) калимаси.
2. Намоз

¹ Абдулфазл ибн Манзур, «Лисонул-араб» 3-жилд 421-422 бетлар Барят, Дор Содир, 1997.

3. Рўза
4. Закот
5. Ҳаж (имкони бўлса)

Усули тарбия (шариат илми) Абдураҳмон ибн Халдун (1332-1406) ўзининг «Ал-Муқаддима» асарида илм икки қисмга: 1. Инсон учун табиий бўлган илм унга тафаккур орқали эришилади. 2. Нақл (ривоят) орқали пайғамбарлардан ўрганадилар. Биринчи даражадаги илмлар ҳикмат ва фалсафада ўрганилади. Инсон уларни Қуръон орқали турли масалаларга доир далиллар асосида унга эришади. Иккинчи гурух илмлар «Нақлий ва вазвий илмлар унда хабарлар (хадислар) орқали шариат асосчисидан нақл ва ривоят этилади. Ақлий» илмларни адабиётларда «Маъқул», «Нақлий»ларни эса «Манқул» илмлар деб юритилади.

Шариат илмлари ислом динига тегишли бўлган илмларни ўрганади улар: Қироат илми, тафсир илми, Ҳадис илми, фикҳ илми, Қалом илмларидан иборатдир. Қироғот илми Қуръонни ўзгаришлардан ҳимоя қилган. VII-IX асрларда «Қуръон Сабъа» («етти қори»)лар томонидан турли халқларда Қуръоннинг ўқилишини шеваларнинг тўғри ёки нотўғри эканлигини аниқлаганлар. Қироат илми энг камида етти хилга бўлинади. Бу тўғрида исломда кўп китоблар битилгандир.

Тафсир илми аввааламбор Қуръоннинг оятларини тушунтириш, пайғамбар хадисларини араб тили грамматикасига биноан тушунтириб бериш керак эди. Бизнинг мамлакатимизда И мом Бухорий, И мом ат-Термизийлар каби И момларнинг бу соҳадаги қилган ишлари мусулмон дунёсида мақтовларга сазовор бўлган. Фибин Аббас, Муҳаммад Бақирлар биринчи хадисчилардан ҳисобланадилар.

Қуръони Карим бўйича жуда кўп тафсифлар ёзилган бўлиб, уларнинг энг машҳури бўлган тарихчи Муҳаммад ибн Жарир ат-Табарий қаламига мансуб «Тафсири Табарий» номи билан шуҳрат қозонган «Жомиъул-басн фи тафсирил-Қуръон»дир¹.

Пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.)нинг сўzlари, амаллари, тасдиқлари ҳақидаги маълумотлар хадис илмидир. Машҳур Муҳаддисслардан: Саҳиҳ ал-Бухорий, Саҳиҳ ал-Муслим, Жоми ат-Термизий, Абу Довид, Ан-Насоний ва ибн Можаллардир. Шулардан иккита биринчилари Мовороуннаҳрда қолган тўрт нафари эса Хуросонлик хадисчилардир.

Фикҳ илми, ислом хуқуқидан иборат бўлиб, Қуръон, Сунна, Ижмо ва Қёс каби манбаларга асосан шаклланган. Хуқуқшунослар эса манбаларни Ижтиход² орқали

¹ Абдулҳаким шаръий Жузжоний. Ислом суеуешунослиги. Тошкент. 2002 й. 256.

² Ижтиход ғонунларни сўллашда ва шарслашда эркинлик.

ўрганганлар ва хулосалар чиқарганлар. Ижтиқодга йўл қўйилиши эса исломда турли ҳуқуқий мактабларнинг ва қарашларнинг вужудга келишига олиб қолган. Фикх икки асосий қисмга “Усулул-фикх” ва “Фурулъул фикх” га бўлинади.

Калом илми, ибн Халдун фикрига кўра, иймонга тегишли масалаларни ақлий далиллар билан исботлаш.

Ислом ҳуқуқининг манбалари. Дунёвий давлатларда ҳуқуқ манбалари табиий ҳуқуққа биноан давлат томонидан ўрнатилган қонунлар ва қонун остидаги актлардан иборат бўлса, исломда эса ҳуқуқ авваламбор илоҳий манбага яъни Куръон ва Суннага асосланади. Бизнинг фикримизча табиий қонунлар илоҳий қонунларга жуда яқиндир. Чунки табиий қонунлар ҳам инсон учун бирламчиdir.

Куръони Карим 23 йил давомида (610-632 й.й.) Пайғамбар Ҳазрат Мұхаммад алайҳиссаломга Аллоҳ томонидан нозил қилинган илоҳий китобdir. 114 сура, 6210 оят, 77434 сўздан иборат. Макка шаҳрида нозил бўлган сураларни Маккий суралар (13 йил 95 сура) Мадинада нозил бўлган (10 йил 19 сура) мадинаий суралар деб ата лади.

Маълумки Куръон оятлари оғзаки айтилган. Шу сабабдан пайғамбаримиз ҳаётлигига Куръон суралари одамлар томонидан оғзаки ёддан айтилган. У Ҳазрати Усмон халифалиги йилларида Зайд ибн Собит раҳбарлигидаги ҳайъат томонидан ёзма шаклга келтирилган.

Ҳазрати Усмон халифалиги даврида қайтадан ислом дунёси учун Куръондан нусхалар кўчирилиб йирик-йирик шаҳарларга юборилди. Ундин кўзланган максад турли ҳалқларда Куръонни ўқиш бир хилда бўлишилигини таъминлашдан иборат эди.

Куръоннинг мўъжизалиги унинг ўзида ақидавий-гоявий, қонун ва аҳлоқ қоидаларини (нормаларини) ўзида мужассамлаштиришидир. Олимларнинг фикрига кўра¹ фикхий –ҳуқуқий масалалар бўйича Куръонда қуйидаги оятлар мавжуд:

1. Ҳақкулоҳ (амалий ибодатлар) бўйича 140 оят.
2. Шахсий ҳуқуқ (оила, талоқ, васият...) 70 оят
3. Муомалот ёки фуқаролик ҳуқуқи 70 оят
4. Жиноят ва жазо-30 оят.
5. Суд ва суд жараёни-20 оят.
6. Давлат ва ҳуқуқ соҳасида эса- 3 оят. Ҳаммаси бўлиб, 333 та оят.

«Сунна»-йўл-йўриқ Пайғамбар сўzlари, фельлари (амалларга) тасдиқлари, шунингдек саҳобаларнинг сўzlари, амаллари йифиндисидир. «Сизлар учун икки нарса қолдирдим.», мадомики уларга амал қилиб юрсангизлар, ҳеч қачон адашмайсизлар, улар Олоҳнинг китоби ва менинг суннатларимдир деган эди Пайғамбар.

¹ Мусаммад Юсуф Мусо ва Абдулсаким Шаърий Жузжоний асарларида.

Пайғамбарга авваламбор ҳукмлар ваҳий бўлган. Ваҳий бўлмаган тақдирда у ижтиҳод асосида ҳукм қилган. Албатта Пайғамбар ва саҳобалар ижтиҳод қилишда Ислом фалсафаси ва таълимотларига асосланганлар. Ҳадис ва ҳадисшунослик тушунчаси ҳам мавжуд ҳадис суннанинг асосий қисмини яъни Пайғамбарга тегишли қисмини ўз ичига олади.

ИЖМО – келишув, иттифоқ маъносини англатади. Ҳуқуқшуносликдаги машхур олимларнинг у ёки бу масала бўйича бир қарорга келишларидир. Шулардан имомларнинг фикрлари ваҳий бўлганлиги сабабли мажбурийдир.

Қиёс яъни солиштириш, қиёслаш орқали аниқлашга айтилади.

Тўрта ҳуқуқий мактаблар мавжуддир.

1. Ҳанафийлар масҳаби Абу Ҳанифа (Ироқ) асосчиси
2. Маликий мазҳаби. Имоми Молик (Мадина)
3. Шофиъий мазҳаби. Имом Шофиъий (Мадина, Миср).
4. Ҳанбалий мазҳаби. Ахмад ибн Ҳанбал (қадимий Макка мактаби асосида) ташкил топган.

Исломда икки оқим мавжуд Суннийлик ва Шиалик оқимлари Ҳазрати Мухаммад (с.а.в.) сиёсатда, давлатчиликда катта ишларни амалга оширди. Биринчидан, тарқоқ араб қабилаларини Ислом таълимотлари асосида ягона давлат – халифаликка бирлаштириди. Уларда ягона қонунчиликни яъни шариатни жорий этди. Унинг сўzlари, амаллари қонун даражасига кўтарилди. Пайғамбар ҳаётлигига давлатни идора қилиш қийин бўлмади. Унинг вафотидан кейин ҳокимият тепасида ким бўлиши керак, деган сиёсий масалаларда турлича қарашлар пайдо бўлди. Бу эса турли сиёсий таълимотлар, йўналишларнинг пайдо бўлишига олиб келди.

Абулҳамид Шаръий Жузжонийнинг фикрига кўра давлат ишлари бўйича Қуръонда атиги учта оят бор эди.

1. «Аллоҳга, Пайғамбарга ва амир эгаларига (сизларга ҳоким бўлган кишиларга) бўйсунинглар»¹⁰⁵
2. «Ва (эй Мұхаммад), улар билан кенгашиб иш қилинг»¹⁰⁶
3. «улар ўзаро кенгаш асосида иш олиб борадилар» (Шуро сўраси, 38 оят)
4. Шу мавзуга оид икки ҳадис мавжуд.

"Менинг саҳобаларим юлдузлар сингариурлар. Улардан ҳар бирига иқтидо қилсангиз – изидан борсангиз, тўғри йўлдан борган бўлурсиз" ва «Имомлар қурайш (қабиласи) дан бўлурлар». Имомлар кимлардан бўлиши аниқ бўлсада «улул-амр» (амир

эгалари) давлат бошлиқлари кимлар бўлишлиги масаласида аниқлик йўқ эди. Абу Бакр ва Умарлар кенгаш асосида амр этиб сайландилар. Умар Халиф Абу Луълуъ исмли қул томонидан пичоқланади. У вафот этмасдан саҳобалардан ўзининг ўрнига халифа этиб бир кишини сайлашларини сўрайди. Саҳобалар Усмонни сайладилар. Усмон қаттиқкўл давлат бошлиғи бўлмаганлиги сабабли бошқарув ишларида қариндошлилик ва танишибилишчиликка йўл қўйганлиги сабабли унга қарши норозилик қўчаяди. У ўлдирилади. Ундан кейин халифа (имомни) танлаш мураккаблашади ва қуйидаги йўналишлар вужудга келади.

1. Миср ва Мадина аҳолиси пайғамбарнинг амакивачаси Али ибн Абу Толибни кўрсатишиади.
2. Басраликлар Пайғамбар сафдоши Талҳани кўрсатишиди.
3. Куфаликлар пайғамбарнинг холасини ўғли Зубайрн
4. Шом (сурияликлар) эса бўлажак халифа Усмон уруғидан бўлиши тарафдори бўлдилар.

Суннийлар таълимотида имом бўлиш учун тўртта талаб қўйилди:

1. Шариатни яхши билиш ва Ижтиҳод қилиш қобилиятига эга бўлиш;
2. Олий аҳлоқ ва юксак фазилатли бўлиш.
3. Ҳокимият шартлари бўйича етарли маълумотларга эга бўлиш ҳозирги замон тили билан гапирганда бошқарув санъатини яхши билиш; ҳарбий ишларни билиш;
4. Курайш наслидан бўлиш (ибн Холдун бунга қарши бўлган).

XX аср охири XXI бошларида Ислом дунёсида жиддий ҳаракатлар содир бўлди. Аниқроғи, исломни ниқоб қилиб олган турли оқимлар, таълимотлар жонланди. Масалан, Ваҳобийлар, хиезби таҳрир бизнинг мамлакатларимизда ўтиш даврида авж олди. 11 сентябрь 2001 й. Ньюоркда бўлган террористик ҳаракатидан кейин исломга бўлган «қизиқиши» дунёда яна ошди. Айниқса террорчиларнинг дунёқарashi, мақсади тўғрисида мақолалар чоп этилди. Уларнинг энг ашаддий террорчилари Афғонистон худудида тўпланган эди. Толибонлар ҳаракати ҳокимиятни қўлга олиб, Ал-Қоида каби ўта урушқоқ қўпорувчи ташкилотларга бошпана берган эди.

Дунё жамоатчилиги бунга қарши бирлашди ва уларга қарши муросасиз юришни бошлаб юборди. Бу курашда АҚШ давлати етакчилик қилди.

Матбуотда глобал ислом террорчилиги каби тарифлар, тушунчалар пайдо бўлди.

Индонезияда «Жамои ислом», Фаластинда “Хезбуллах”, дунёга террорчиликда номи чиққан «ал-Қоида» унинг етакчиси Белладин бўлди. Барча демократик, дунёвий кучлар, давлатлар бир томонда бўлиб, Исломдаги террорчи гурухлар, тўдаларга қарши муросасиз

курашга киришдилар. Бу ўринда шуни айтиш керакки, жиноят ва жазо фани соҳасидаги террорчилик таърифи, тушунчаси бугун дунёда содир бўлаётган глобал террорчилар ҳаракатининг фарқи бор.

XXI аср бошидаги террористик ҳаракат дунёда ягона халифалик давлатини тиклаш, соғ Ислом ва шариат қонун-қоидаларини ўрнатишни ўз олдига мақсад қилиб қўйдилар. Халифалик тарафдор-лари Ўрта Осиё, жумладан Ўзбекистонда ҳам «Хезби таҳрир», «Ислом ҳаракати» каби номлар остида яширин варақалар тарқатиб, ўзларининг «таълимотлари»ни омма орасида сингдирмоқчи бўлдилар. Аммо қўпчилик халқ уларнинг чақириғларини қабул қиласдан кўп жиҳатдан дунёвий таълимотларга асосланган давлат сиёсатини қўллаб-қувватладилар. Исломга азалий традиция ва одат қоидаларига биноан хурмат ва эъхтиром билан ёндашилмоқда. Ислом ниқоби остидаги террорчилар дунё жамоатчилиги олдида исломни обруқизлантириб, Европа, Америка мамлакатлари халқлари орасида уни “урушқоқ” зўрликка асосланган дин экан деган фикрларни туғулишига сабабчи бўлдилар.

Ислом ҳуқуқшунослигини ривожланишга улкан хисса қўшган Имом фақиқлар кўп бўлганлар.Хадисчилик соҳасида Имом Бухорий ва ат-Термизийлар кабилар бўлган Ахмад Яссавий, Нақшбандий, Кубро кабилар эса тасаввуф (сўфизм) таълимотини ривожлантиридилар. Бурҳониддин Марғиноний кабилар эса фикҳ илмига ривож бердилар. Xанафий мазҳаби таълимотларига биноан Мовароуннаҳрик факҳлар ислом ҳуқуки соҳасида ижод қилиб, кўплаб китобларни ёзиб қолдиргандар.

Марғиноний «Ал-Ҳидоя» (53 та китобдан иборат) энг мукаммал ишланган асар ҳисобланади.

У инглиз, форс, рус каби жаҳон халқлари тилларига таржима қилинган ва бугун ислом ҳуқуқини ўрганиш бўйича асосий манбалардан биридир.

Имом Бурҳониддин Абул-Ҳасан Али Ибн Абу Бақр Ибн Абдулжалил ал-Фарғоний ал-Марғиноний 1123 й. Фарғонанинг Риштон туманида туғилган. Xанафий мазҳабида буюк фикҳ ва муштаҳид даражасига кўтарилиган, шайхул-ислом лақабига сазовор бўлган олим эди. Унинг ўғиллари ҳам олимлик даражасига кўтарилиган ва китоблар ёзган ҳуқуқшунослар эди. Унинг ўзи фикҳ илмини ўз отасидан ҳамда ўз замонининг етук олимларидан: Имом Боҳовуддин Али ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад Исмоил ал-Асбижобийдан (вафоти 535 х.й.) (Асбижоб Сайрам шаҳридир), Абдулазиз Марғиноний Ҳасан ибн Мансур Ўзгандий, Муҳаммад ибн Аҳмад ан-Насафий ва бошқалар. Марғиноний Фарғонада туғулган бўлсада унинг фаолияти кўпгина Шарқ мамлакатларида бўлиб, умрининг охирги йиллари Самарқанд шаҳрида ўтади. У 593 ҳижрий (1196-97 йй.

милодий) Самарқанд шаҳрида вафот этган. 400 дан ортиқ Муҳаммад отли фақиҳлар дағн этилган Муҳаммадийлар қабристони («Турбат ул-Муҳаммадиййин») ёнида дағн этилган.

Унинг асарлари: «Нашрул-мазҳаб», «Китобутаносикил-хос», «Китоб фил-фароиз» (меросга тегишли), «Ат-тажтун-навозил» (икки фатволар мажмуаси), “Мухторотун-навозил”, «Мазийдун фи Фуруъ-ил-Ҳанафия», Имом ат-Шайбонийнинг асари-«ал-Жамиъ ал-кабийр» нинг шарҳи, “Бидоятул-Мубтадий”, «Ал-Ҳидоя»нинг қисқача варианти «Бидоятул-мубтадий» кабилардир.

«Ҳидоя»да Ислом хуқуқи Ҳанафия мазҳаби ғоялари асосида бир тизимга келтирилган. «Ҳидоя» авваламбор ислом қонун-қоидаларининг мажмуаси бўлса, шу билан бир вақтда кўплаб тарихий маълумотлар манбаи ҳамдир. Масалан, Саҳобалар ва имомлар исмлари 50 дан ортиқ, уруғлар номлари 12 та, жўғрофий ва тарихий номлар 55 та.

«Ҳидоя» ўзига хос жуда қисқа, аниқ ва мисоллар ёрдамида хуқуқ соҳалари баён этилади.

«Ҳидоя»нинг биринчи қисми илоҳийга-таҳорат ва амалий ибодатлар (намоз, рўза, закот ва ҳаж)га тегишилидир.

Иккинчи қисми эса оила хуқуқи, қул сақлаш хуқуқи, жиноят ва жазо, ҳалқаро хуқуқ, вакф хуқуқи ва бошқарувларга тегишилидир. «Ҳидоя»нинг биринчи қисмida кўплаб исломда машҳур бўлган саҳобалар, имомларнинг исми (50 дан ортиқ), уруғлар, табақалар номлари (12 та) тарихий жойлар (35 та) кўрсатилган ва уларнинг ҳар бири тўғрисида маълумотлар берилган.

«Ҳидоя»нинг ёзилиш услуби ҳақида гапирадиган бўлсак унинг ниҳоятда қисқа, масалаларнинг айнан моҳиятини амалий мисолларда бошқа масхаблар билан қиёслаш орқали тушунтирилиши ўзига хослигини белгилайди.

Бурҳониддин Марғиноний ёзган тўрт жилтдан иборат «ал-Ҳидоя» асари суннийлик йўналишида мукаммал ишланган хуқуқий бир тўплам бўлиб, унда 55 дан ортиқ китоб бўлиб, мерос хуқуқидан бошқа ҳамма хуқуқий соҳаларни ўзида мужасам-лаштиргандир. Нима учун мерос хуқуқи киритил-маган деган саволга келганда мутахассисларнинг фикрига кўра Имоми Аъзам Абу ханифа мерос муносабатларини алоҳида фан (Ал-Фариз) деб атаган ҳолда фикҳдан мустақил равишда ўрганишни тавсия этган.

«Ал-Ҳидоя»нинг жаҳон тилларига таржима қилиниши ва ўқилиши масаласига келганда шуни айтиш лозимки, Олмониялик олим доктор Экарт Шийвак тўплаган маълумотларга кўра, «Ҳидоя»нинг арабча асл матни 1818 й. (1234 х.й.) Калкуттада, кейинчалик Бомбейда, сўнгра эса Лакну, Кавнпур, Дехлида нашр этилди. XIX Қоҳирада ва Қозон шаҳарларида ҳам чоп этилган. Қоҳирада унинг танқидий 1908 й.й. ва 1980 й.й. нашр этилди. «Ал-Ҳидоя»нинг русча нашри Н.И.Гродеков томонидан инглизча

таржимасидан 1893 йилда Тошкент шаҳрида нашр этилди. 1994 й. Профессор А.Сайдов томонидан биринчи жилди тақороран нашр этилиди. Қолган жилдлари устида бугун ишланмоқда.

«Ал-Ҳидоя» нинг ўзбек тилида таржимаси Салоҳиддин Мухиддинов раҳбарлигига 2000 й. Биринчи жилди таржима қилинди ва нашр этилди. Қолган жилдлари устида бугун ишланмоқда.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш жоизки, Моварауннаҳр ҳуқуқий мактабининг етакчи олими Бурхониддин Марғинонийнинг сиёсий ҳуқуқий қарашлари дунёдаги кўпгина университетларда ўрганиб келинмоқда. У ҳуқуқий соҳа адолатлилик ва қонунийликнинг ёрқин тимсоли сифатида доимо ўрганилади.

2-&. Ҳалқ озодлик харакати сиёсий-ҳуқуқий қарашлари ҳақида.

Ўрта Осиё ҳалқлари қадим замонлардан мустақиллик учун ташқи душманларга қарши қурашиб келганлар. Юқорида кўриб чиққанимиздек, улар озодлик, мустақиллик йўлида ахеменидлар, македонияликлар, хитойликлар, араблар, мўғуллар зулмига қарши катта тажриба йўлини босиб ўтдилар. Айниқса, бу қураш араблар истилосига қарши қураш даврларида оммавий тус олиб кетади.

Араблар Ўрта Осиёни босиб олганларидан кейин бу ерларда яшаётган дехқонлар ва хунармандларнинг яшаш шароитлари янада оғирлашади. Тарихий маълумотларга қараганда араб босқинчилари Бухоро шаҳрида яшаётган аҳолининг ярмини уй-жойларини тортиб олиб, арабларга берганлар. Улар Ўзбекистон худудидаги жуда кўплаб маданий ёдгорликларни бузиб ташлаганлар, ўт қўйганлар.

Ўзбекистода "араб маданияти" Араб халифалиги давлати ва мусулмон ҳуқуқи шариат тизими ўрнатилади.

Йирик ер эгалари – феодаллар араблар томонига ўтиб, ўрта ҳол дехқонлар ерларини тортиб олиб, камбағал дехқонлар сонини кўпайтирумокда эдилар. Улар дехқонларга ўз ерларини ишлаш учун ижарага бериб, ярмидан кўп қисм ҳосилни ўзларига олар эдилар. Бундан солиқлар (хирож) миқдори тобора кўпаймоқда эди.

728 йилда араблар кўпроқ маҳаллий аҳолини исломга жалб қилиш мақсадида уларни солиқлардан озод қиласидилар. Лекин хазиналари бўшаб қолганлиги сабабли кўп ўтмай аҳолини яна солиқларни тўлашга мажбур қиласидилар. Яна зўрлик, террор кўпайиб кетади. Бундан ғазабланган Бухоро, Самарқанд, Фарғона, Хоразм ҳалқлари тинимсиз равишда уларга қарши қураш олиб борадилар.

Табарий 721-723 йилларда бўлиб ўтган қўзғолонлар вақтида арабларнинг Хўжанд атрофидаги ваҳшийликларини ҳикоя қилиб айтадики, жуда кўп дехқонларнинг бўйинларига араб ҳукмдорларининг тамғаси босилган эди.

Шундай қилиб, Ўзбекистондаги йирик ер эгалари, ва маҳаллий бойлар, зодагонлар кейинчалик араблар билан қўшилиб кетишиб, камбағал дехқонлар, хунармандларни шафвқатсиз эксплуатация қила бошладилар. Бу ўринда ислом сиёсий ғояларини ва араблар ҳукмдорлигини Ўзбекистонда ўрнатирилиши жуда катта роль ўйнайди. Ислом сиёсий таълимотлари ўзидан олдин Ўзбекистонда мавжуд бўлган барча ғояларни, урфодат нормаларини "коғирлар аҳлоқи" дея ман қилиб, эски қонунлар ўрнига шариат қонунларини ўрнатди. Масжид ва мадрасаларда муқаддас қуръон, хадис каби китобларни ва унга мосланган ғоя ва урф-одатларни қатъий жорий қилдилар. Эркин фикр қилган барча прогрессив мутафаккирлар қувғин қилиниб, таъқиб остига олинадилар.

Араб тили, маҳаллий аҳолига нотаниш ва бегона тил, давлат идора тилига, мадраса ва мачитларда намоз ўқиши, имомларнинг қуръон сураларини шарҳлаш тилига айланади. Шундай қилиб, араблар Ўзбекистон халқларини иқтисодий, сиёсий, маънавий жиҳатдан тобе қилишга ҳаракат қилдилар. Аммо шуни айтиш керакки, араблар қанчалик террорлик сиёсатини ўрнатмасинлар ва мачит, мадрасаларда қанчалик сиёсий ташвиқот қилмасинлар оғир турмуш кечираётган омманинг курашига барҳам бера олмадилар, шаҳарларда, қишлоқларда мусулмонлар билан бир қаторда исломга карши курашувчилар сони ҳам кам эмас эди.

Ислом қанчалик якка худоликни тарғиб қилмасин, унинг қонунлари абадий, адолатли деб уқтирумасин, бироқ унинг ичидаги зиддият (турли тармоқлар, оқимлар ўртасидаги кураш) ва ниҳоят босиб олинган мамлакатлар халқларининг олиб берган курашлари араб халифалигининг ҳам абадий эмаслигини кўрсатди. Сўғд халқи халифаликка қарши кураш, кейинчалик ҳокимиятни қўлга олган Абдусаидлар ҳаракатига катта умид боғлаган эдилар. Улар Абдусаидларни давлат тепасига келишларини ёқлаб, улардан озодлик кутган эдилар.

Абдусаид давлати ҳам халқ умидларини рўёбга чиқармади. Улар меҳнаткашларга берган бирорта ҳам ваъдаларини бажара олмадилар. Аксинча, эксплуатация даражасини янада оширишга, дехқонлар ҳаётини оғирлашишига сабаб бўлдилар. Натижада Ўзбекистонда тарих саҳифасидан жой олган йирик қўзғолонлар бўлиб ўтди. Масалан, Бухорода 133 ҳижрий (750-751) йили ҳали Омедлар ҳаракатини бостирмасдан туриб, Абдусаидларга қарши катта қўзғолон кўтарилади. Қўзғолончиларга Шекир ибн Шейх ал-Махри раҳбарлик қиласи.

755 йилда Абу Муслимнинг ўлимидан кейин Субод раҳбарлигидаги қўзғолончилар Нишопур, Рей каби шаҳарларда ҳокимиятни қўлга киритдилар. Лекин у раҳбарлик қилган қўзғолон атиги 70 кун давом этиб, ўзи билан 600 аскари ҳам қириб ташланади.

Золим шохлар, руҳонийлар томонидан олиб борилган террорчилик сиёсати қанчалик раҳмсизлик билан амалга оширилган бўлмасин, озодлик, тенглик учун бўлган ҳаракатларни бостира олмади. Аксинча, хукмдорларнинг шафқатсизлигидан ғазабланган ҳалқнинг сабр косаси тўлмоқда эди. Шерик ва Сумбодга ўхшаганлар мазлумларнинг феодалларга қарши кураш тарихига ўчмас излар қолдириб, кейинги авлодларини курашга чакирдилар натижада сунбодчилар ҳаракатидан сўнг Муқанна ғоялари остида бирлашган "Оқ кийимли кишилар" деб ном чиқарган қўзғолончилар ҳаракати Ўзбекистонда кенг тус олади.

Муқанначилар ҳаракати Мовароуннахрнинг марказий қисмларида, шунингдек, Зарафшон, Кеш, Самарқанд, Шош каби қатор вилоятларда ҳам кенг тарқалади. Маълумки, араб босқинчиларига ҳамда маҳаллий феодалларга қарши қаратилган барча қўзғолонларда маздакийлар ҳаракати ва уларнинг сиёсий таълимотлари муҳим роль ўйнади. VI асрда Эронда бўлиб ўтган маздакийлар қўзғолони Эрон давлатига жуда катта хвф солган эди. Маздак ғоялари эса Эрон худудидан узоқларда ҳатто Ўрта Осиё ҳалқлари орасида ҳам кенг қулоч ёйиб тарқалган эди. Хосров Анишрвон (531-579) хукмронлик қилган йилларда маздакийлар қўзғолони шафқатсизлик билан бостирилади, қўзғолон раҳбарининг ўзи ўлдирилади. Аммо Маздак ғоялари унинг ўлимидан кейин янада кучлироқ, қудратлироқ тус олади. Тарихий манбаларда, адабиётларда айтилишича, Маздакнинг бева қолган хотини Хуррама Рай шаҳрига қочиб бориб, унинг ғояларини кенг ташвиқот қилади. Бу тўғрида Низом ал-Мулк ўзининг "Сиёсатнома" деган китобида ҳам ҳикоя қиласиди.¹ Маздак тарафдорлари Мовароуннахр ва бошқа районларга жунаб кетишади ва у ерларда Маздак ғояларини ташвиқот қила бошлайдилар.

Аш-Шахристоний ўзининг "Китоб ал-милаль вам нихал" асарида ал Варракка исмли тарихчи фикрига асосланган ҳолда маздакийлар таълимоти ҳақида ёзади. Самарқандда Маздак таълимотлари таъсирида кейинчалик Ўзбекистон худудида "Оқ кийимли кишилар" деб номларган ҳалқ ҳаракат майдонга келади. Ўзбекистонда "Оқ кийимли кишилар" ҳаракати таҳминан VIII асрлардан бошлаб ҳаракат қила бошлайди. Маздак ғоялари Ўрта Осиёда қадимдан мавжуд бўлган прогрессив традицияларга асосланган ҳолда араб босқинчиларига қарши оппозиция шаклида ривожланади. Мовароуннахрда маздакчилар "Зиндик" атамаси билан ҳам номланган эдилар. "Зиндик"

¹ Якубовский А.Ю. Восстание Муканны-движение людей в "Белых одеждах" // Сов.Востоковедение. 1948. Т.5. С. 35-54.

атамаси аввалда зоостризм динда буддистларга нисбатан қўлланилган бўлиб, кейинчалик эса маздакчилар ("Оқ кийимли кишилар") ҳаракатларига нисбатан ҳам ишлатилган. А.Ю.Якубовскийнинг фикрича VII ва IX асрларда Хурросон, Мовароуннахрда ва Эронда маздакчилар "Хурремдинлар", "Хурремитлар", "Мухаммирлар" ва "Сурхаломлар" номлари билан номланганлар. Бу ерда А.Ю.Якубовский жуда қизик бир масалани қўяди. Унинг тахминича охирги икки ном, яъни "Мухаммир"- арабча атама бўлиб, "қизил либосга кийинган" ва "Сурхалем" форсча атама бўлиб, "қизил байроқлар" маъноларини билдириши бежиз бўлмаган, албатта. Ўша вақтлардаёқ қўзғолончиларнинг кураш символи сифатида байроқнинг ранги бўлган қизил ранг танлаган. Бу қўзғолончилар байроғининг ранги бўлиб, қўзғолончилар озодлик учун қон тўкишга, ҳатто ўз ҳаётларини қуръбон қилишга ҳам тайёр бўлганлар.

Муқанна ва унинг тарафдорлари - "Оқ кийимли кишилар"нинг сиёсий талабларини, ғояларини ўрганишдан аввал уларнинг дунёқараашларини шаклланишига ёрдам берган маздакчилар дунёқараashi, сиёсий таълимотлари билан қисқача танишиб чиқишимиз мақсадга мувофиқдир.

Маздакчилар дунёни тушунишда, асосан, манихейларга жуда яқин турадилар. Лекин баъзи масалаларни тушунишда уларни таълимотлари манихейлик таълимотларидан фарқ қиласи. Масаланинг ана шу томонига аш-Шаҳристоний кўпроқ эътибор беради. Маздак айтадики, "нур" ёруғлик бўлиб, бу барча борлиқнинг асосини ташкил қиласи асослардан биридан. У мақсад томон ҳаракат қилишда эркиндин. "Зулмат" эса дунёning иккинчи асосларидан бири бўлиб, ҳаётда кўр-кўrona тасодифга кўра ҳаракат қиласи. "Нур" бу билим ва сезгининг асосида ётса, "зулмат" бу билимсизлик ва ички дунёning кўрлигига асосланади. Маздак таълимотига кўра "нур" билан "зулмат"ни аралашуви эса режали (планли) озод ва эркин ҳаракатга тўскинлик қиласи. Бошқа қилиб айтганда, агар инсон зулматга, яъни "ёмонликка" қўл урса у ҳолда мақсад томон интилишда озод эркдан, планли ҳаракатдан маҳрум бўлади. Шундай қилиб, Маздакнинг таълимотига кўра дунёning асосида "нур" ва "зулмат" ётади. Нур бу яхшилик, тинчлик, озодлик бўлса, "зулмат" бу ёмонлик, шафқатсизлик, урушлар, қирғинлар ва барча жабр ситамлар асосини ташкил қиласи, деган таълимотни илгари суради. Маздак ва унинг тарафдорларининг бу фикрлари "Авесто" даги ғояларга ўхшаб кетади.

Маздакнинг фикрича, одамлар бир-бирига душманлик, жосуслик, хоинлик қилмасликлари керак. У кишилик жамиятида содир бўлаётган барча ёмонликларнинг асосини мулк ташкил қиласи деб ҳисоблайди ва жамиятда мулк шахсий бўлмасдан, балки умумий бўлиши керак. Одамлар сув, ҳаво, ўтдан умумий тарзда фойдалангандаридек, мулқдан ҳам умумий фойдаланишлари лозим. ана шундагина ёмонликка чек қўйиш

мумкин деб ҳисоблайди. Маздак таълимотларида шу нарса характерликк, у социал тенгликни ёқлаб чиқиб, келажакда унга эришишнинг бирдан-бирйўли кураш бўлиб, ҳукмрлардан, феодаллардан, бойлар ва руҳонийлардан ҳокимиятни қўлга зўрлик, қўзғолон йўли билангина олиш мумкин деб ҳисоблайди.

Маздакнинг ғоялари чуқур илдиз отиб, халқлар орасида кенг ривожланади. Уни янги босқичга қўтарган ва ривожлантирган эса Муқанна¹ бўлди.

Каза қишлоғи (Мари шаҳри яқинида) дан чиққан Муқаннанинг асл исми ҳақида икки хил фирм мавжуд. Ниршоҳи ва Беруний уни Ҳошим ибн Ҳаким деб атаган бўлсалар, ал-Ёқуби эса Ҳаким ал-Аъвар (бир кўзли) деб атайди. Ниршоҳининг айтишича, Муқанна ёшлиқ йилларида кир юувучи ва хизматкор бўлган. У ёшлиқ йилларидан бошлаб илмга анча қизиққан ва араб, форс, каби тилларни ўрганган. Маълумки, Ниршоҳи феодалларнинг идеологи бўлгани сабабли Муқаннани кўролмасдан ёзадики, у бошқа илмлар билан бирга авраш (сехргарлик) илмини ҳам ўрганган. Унинг отаси эса амир армиясида кичик бир мулозим вазифасида хизмат қилган.

Ал-Мамур шоҳлик қилган даврда Муқанна зинданга ташланади. У боғдод шахридаги зиндандан қочиб, Марв шахрига келади. Ана шу вактдан бошлаб у яна курашга отланади. 776 йил эса муқанначилар ҳаракатининг бошланиши ҳисобланади.

Муқанна ўз ватанига қайтганидан кейин араблар ҳукмдорлигига ва маҳаллий феодаллар зулмига қарши ҳаракатларни янада ривожлантириб, биринчи навбатда кўплаб шаҳар ва қишлоқларга ўзининг хатларини ҳамда мурожаатномаларини юборади. Бу ўринда шу нарса характерлики, Муқанна ўзиннинг ижтимоий-сиёсий ғояларига илохий куч бериш ва бу ғояларнинг кўпроқ ишончли бўлиши учун диний қарашлардан усталик билан фойлананган. У одамларга ўзини худонинг вакили, пайғамбар деб эълон қиласи. У айтадики, агар халқ олдидан Одамато, Иброҳим, Мусо, Исо ва ниҳоят Мухаммад. Абу Муслимларни пайғамбар деган бўлса, эндиликда уни пайғамбар деб аташ керак. Унинг гапича, энди у подшоларнинг подшоси. Шунинг учун қадрат, куч, машҳурлик эндиликда Муқаннадир. Агарда кимда-ким унга кўшилса, эргашса у жаннатий бўлади ва аксинча кимда-ким унинг тарафига ўтмаса у дўзах ўтида куяди. Муқанна ана шундай сўзлар ёзилган хатларини қишлоқ ва вилоятларга жунатади.

Хурросон Амирининг кучи катта бўлганлиги сабабли Мари атрофида қўзғолон қилиш оғир ва хатарли эди. унинг учун ҳам Муқанна ҳаракат марказини Амударёнинг нариги соҳилига – Зарафшон ва Мароканда атрофига кўчиради. Қашқадарё эса унинг марказига айланади.

¹ "Мусанна" сўзининг маъноси "парда орсанда ёки парда беркитилган" деган маънони билдиради.

Наршоҳининг айтишига кўра, Муқанна ўзинниг энг яқин кишиларидан бири Абдулла ибн Амир исмли шахсонаи Амударёдан ўтказиб юборади. Абдулла ибн Амир Қашқадарё вилоятида пайдо бўлиб, Насаб (ҳозирги Қарши яқинида) дехқонлар, шаҳарли хунармандлар ўртасида катта обрў-эътибор қозонади ва ташвиқот ишларини ривожлантириб юборади. Натижада Нашоб, Кеш (Шахризабз) каби шаҳарларда Муқанна тарафдорлари кўпайиб кетади. Кеш шаҳрига яқин бўлган Субах қишлоғи ахолиси биринчи бўлиб ўзларини тўла Муқанна томонига ўтганликларини билдиришади ва қўзғолон кўтариб араблардан бўлган амирни (ҳокимни) ўлдиришади. Шу тариқа қўзғолончилар соникун сайин, соат сайин тез суратлар билан ривожланиб, Зарафшон, Бухоро вилоятларида оммавий тус олади, Бухоро атрофи қўзғолончиларнинг асосий марказларидан бирига айланади. Ҳатто Бухоро ҳокими ислом динидан воз кечиб, Бухоронинг мустақиллигини таъминлаш мақсадида қўзғолончиларни ёқлаб чиқади. Қўзғолонлар муваффакиятли ўтаётган йилларни Ниршоҳи сўғд мусулмонлари учун энг оқир ва мураккаб давр бўлган деб ҳисоблайди. Қўзғолончилар шаҳар ва қишлоқларда араб халифалиги томонидан тайинланган ҳокимларни ўлдириб, уларнинг ерларини, мулкларини тортиб оладилар.

Қўзғолончиларнинг биринчи навбатдаги мақсадлари, албатта, араб ҳукмдорларига, босқинчиларга қаратилган эди. Шунинг учун қўзғолон антиараб характерида бўлганлигига ҳеч шубҳа йўқ. Маҳаллий зодогонлар эса араблар томонига ўтиб кетган эдилар. Демак, қўзғолончилар араблар билан бир вақтда уларнинг малайлари бўлган маҳаллий бойлар, руҳонийларга ҳам қарши курашмоқда эдилар.

Араб халифалигининг бошлиғи ал-Маҳди (775-785) Суғддаги воқеалардан ниҳоятда ташвишга тушиб қолган эди. У қўзғолонларга қарши кескин чора кўрилмаса, келажакда Сўғдда халифалик тугатилишига ва Бухоро, Самарқанд каби ислом динининг марказига айланган шаҳарлардан ҳам ислом ғоялари тугатилиб, у ерларда ҳам Муқанна ғоялари тантана қилишни тушуниб етади.

Ал-Маҳди 778 йилда Маъз ибн Муслимни Хурсонга ноиб қилиб тайинлади. У кўп сонли отлик ва пиёда аскар тўплаб, бир қисмини қўзғолонни бостиришга юборади, бир қисмини эса ўзи билан бирга Нишопур шаҳрига олиб кетади. У нишопурдан туриб қўзғолонни бостиришни ўз зиммасига олади. Муқанна халиф ал-Маҳдининг ёвуз ниятларини тушуниб, қўшни туркларга ёрдам сўраб мурожаат қиласди.

"Оқ киймли кишилар" ўз ҳаракатларини Бухоро вилоятида кучайтириб юборадилар. Бу вилоядта қўзғолончиларга раҳбарлик қилган ва Муқанна тарафдори бўлган кишининг исми Ҳаким ибн-Аҳмед эди. Ниршоҳий ўз асарида унинг уч

ўринбосрларини исмларини ҳам келтиради: Хашари ёки Хишри, Боғи Гурдак (ғиждувонлик).

Ниршохий дехқонлар тарафини ёқлаб чиққан бу қўзғолончилар раҳбарларини ҳақоратлаб, улар айёрлар, камбағаллар дейди. Қўзғолончилар Бухорони босиб ололмайдилар.

Қўзғолончилар қалъага айлантирган Ниршоҳ қишлоғи мустаҳкам яхши деворлар билан ҳимояланган эди (Бухоро тарихини ёзган автор Ниршоҳи ҳам шу қишлоқдан эди). Қишлоқнинг ҳокими хотин киши бўлиб, унинг эри Шараф Абу Муслим даврида сарҳанг бўлиб хизмат қилган эди. Номаълум сабабларга кўра Абу Муслим уни ўлдиради. Абусайдлар ҳокимиятидан қаттиқ ранжиган ўлдирилган сарҳангнинг хотини эса қўзғолончиларни ёқлаб, арабларга қарши чиқади. Бу ҳолдан ташвишланган Бухоро ҳокими қўзғолонни тезроқ бостирмаса яқин кунлар ичидан бу қўзғолон Бухорога ҳам ёйилиб кетади деган ташвишда уларга қарши армия юборади. Бухоро қўзғолончилари ўз қалъаларида қанчалик қаҳрамонлик қўрсатиб курашмасинлар улар армияга бас кела олмадилар. Натижада қўзғолон шафқатсизлик билан бостирилади. Улардан 700 дан ошиқ киши қурбон бериб, чекинишга мужбур бўлади.

Ал-Маҳди Жаброил ибн Яҳё исмли шахсни қўшинга қўмондон этиб тайинлайди ва уни Бухорога юборади. Жаброил тўрт ой давомида Ниршоҳ қалъасини қуршаб туради. Сўнгра унга ўт қўйиб, қўзғолончиларни ўлдиради. Қишлоқ ҳокими бўлган аёлни эса икки бўлиб ташлашга фармон беради.

Ниршоҳ қалъасининг тор-мор этилиши қўзғолончилар учун жуда катта талофат эди. Аммо ҳали ҳал қилувчи кураш олдинда эди. Улар халифанинг кўп сонли, яхши куролланган армияси билан учрашиш учун курашга отланмоқда эдилар.

Феодал ҳукмдорлар ҳам қўхғолончиларга қарши кураш учун тайёргарликни бошлаб юборадилар. Мамлакат икки катта лагерга айланади. Бир томонда ўз озодлиги, тенглигини талаб қилувчи дехқанлар, барча мазлум ҳалқ арабларга ва феодал ҳукмдорларга қарши курашга тайёрланса, иккинчи томонда эса Бухоро, Самарқанд ҳокимлари барча мусулмонларни қўзғолончиларга қарши чиқишига чақиради ва улар кўп сонли армия тўплай бошлайдилар. Араб ҳокимлари Муқанна қалъасини қамал қиласдилар. Кучлар нисбатан тенг бўлмаганлиги сабабли қўзғолончилар мудофаага ўтадилар. 3000 отлиқ усталар девор бузувчи турли техника, куролларини ясаш учун тўпланадилар.

Қўзғолончиларга ёрдамлашаётган турклар тез-тез душман лагерларига тўсатдан хужум қилиб, уларни саросимага солиб қўяр ва уларнинг молу мулкларини талон-тарож этар эдилар. Масалан, Хиротдан Амир Саид 10000 қўйни армияга озиқ-овқат сифатида юборганда, турклар Зарафшон дарёсининг чап соҳилида тўсатдан хужум қилиб, қўйларни

ўлжа сифатида ўзлари билан олиб кетадилар. Бу ходисалардан хавотирланган халиф ал-Мехди Бухоро, Самарқанд ҳокимларини ўзгартириб, уларнинг ўрнига бошқаларини тайинлайди.

Душман жуда катта куч билан қўзғолончилар қалъасини қамал қиласди. Қамал Ниршоҳининг фикрига кўра, 14 йил давом этган. Халиф армиясининг бошлиғи Муқанна қалъасини яқин йиллар ичида олиб бўлмаслигига кўзи етганидан кейин унинг атрофига ҳарбий лагер қуришни буюради.

Муқаннанинг охирги йиллардаги ҳаёти ҳакида бизгача ҳеч қандай маълумотлар етиб келмаган. Унинг ўлими тўғрисида адабиётларда турли қарама-қарши фикрлар мавжуд. Табарийнинг айтишича, у заҳар ичиб ўлган бўлса, Ал-Меҳдининг фикрига кўра, мусулмонлар уни ўлдириб, бошини холифга –ал-Меҳдига олиб бориб кўрсатганлар. Ниршоҳининг фикрича, у ўзини қўйдирган. Ниршоҳининг айтишича, Муқаннанинг ўлган куни 166 ҳижрий (782-783) йил бўлса, бирунийча, 169 ҳижрий (785-786) йил. Бируний "Оқ кийимли кишилар"га жуда юқори баҳо беради. У айтадики, Кеш ва Наршеб вилоятларида XII асрларгача Муқанна тарафдорлари зулмкорларга қарши курашиб келдилар ва улар озодлик, мустақиллик учун олиб борилган кураш тарихида ўзларининг ўчмас изларини қолдирдилар. Дарҳақиқат, Ўзбекистон сиёсий таълимотлар тарихида Муқанна ва унинг тарафдорлари - "Оқ кийимли кишилар" ҳаракати жуда катта оммавий тус олган антиараб, антифеодалистик ҳаракат бўлиб, ислом дини ва унинг қонун-қоидаларини никоб килиб олган маҳаллий халқларни талаганлари қарши қаратилган озодлик учун олиб борилган кураш эди.

Муқанна ва унинг тарафдорлари Ўзбекистонда маздакчилар сиёсий таълимотларини янада ривожлантириб, оздлик учун ташки душманларга қарши кураш олиб бордилар. Муқанна тарафдорлари ўз сиёсий қарашларида араблар, маҳаллий бойлар ва ислом динининг дин арбобларидан жабрланган мазлум халқ манфаатини биринчи бор кўтариб чиққан ва душманларни саросимага солиб, уларга катта талофатлар етказган курашчилар бўлдилар.

Муқанна ва унинг тарафдорларининг ҳаракатлари гарчи мағлубиятга учраган бўлса, у Аббосийларга қарши қўзғолонга қўтарилиган халқ қудратини намойиш қилди ва ёшларни Ватан мустақиллиги руҳида тарбиялашда ўз хиссасини қўшди.

3-&. Фаробийнинг сиёсий ва хуқуқий таълимотлари

Абу Насир Мухаммад ибн Мухаммад Фаробий (870-950) илк ўрта аср уйғониши даврининг буюк намоёндаси, қомусий илм соҳибидир. У Ўтрор яқинидаги Фароб

қишлоғида таваллуд топған. Унинг авлодлари қипчоқ түрк қавмидан эди. Фаробий жуда күп фанлар соҳасида илғор ғояларни асослаб бергани учун унга «иккинчи муаллим» "муаллими соний" (Арасту биринчи муаллим) муаллими аввал деган фахрий ном берилган эди.

Даврнинг сиёсий ва хуқуқий қарашлари чукур таҳлил қилиб, ўзининг ижтимоий сиёсий қарашларининг тўла асослаб берган. Фаробий Бағдодлик олимларнинг энг пешқадами эди. У мусиқадан тортиб Астрономиягача кўплаб фанлар соҳасида китоблар яратиб қолдирди. Айрим манбаларга қўра у араб, форс, юонон каби ўнлаб тилларда гапира олган ва ёза олган. У машҳур таржимон Абу Башар Матта билан ҳамкорлик қилиб турган.

Фаробий Моварауннахрнинг кўплаб илмий ва маданий марказларида бўлган, ижод қилди манбалардан шу нарса аниқки, у Ўтрор, Талас, Шош, Самарқанд, Бухоро, Хива, Марв, қобул, ғазна, Хирот, Боғдод, ҳалем, Дамашқ шаҳарларида бўлган.

Фаробий аввалимбор, файласуф олим эди. Рационалистик дунёқарашга эга бўлган Фаробий шундай ёзган эди: «Фалсафани ўрганишдан олдин табиат ҳақидаги билимларни ўрганиш керак. Чунки табиат ҳақидаги билмлар одамларга жуда яқин ва тушунарли, чунки инсон табиат билан биргадир».

Фаробий юонон мутафаккирларининг ижодини қунт билан ўрганди, унинг кўплаб асарларига шархлар ёзди. Арасту ва Афлотун ижодларида муштарак томонларни топишга интилди.

Фаробий Арастунинг «Метафизика», «Физика» асарларига ҳамда унинг мантиқа бағишлиланган асарларига, Птоломейнинг асарларига илмий шархлар ёзди. Фаробийнинг «Икки файласуф Арасту ва Афлотуннинг яхлит фикрлари ҳақидаги китоб», «Арасту билан Тален ўртасидаги воситачилик», «Фалсафа манбалари», «Ақл ҳақида трактат», «фалсафани ўргангунча нимани ўрганмоқ керак?», «Субстанция», «Давлат ҳақидаги трактат» каби асарларини алоҳида кўрсатиб ўтиш керак.

Фаробийнинг инсон ва жамият, уларнинг ўзаро таъсири, давлат, сиёсат, уруш ва тинчлик каби масалаларига бағишлиланган асарлари сирасига «фозил одамлар шахри» ҳақида китоб «»Баҳт саодатга эришиш» ҳақида рисола, «Фуқаролик сиёсати», «Жамиятни ўрганиш ҳақида», «Уруш ва тинч-тотув яшаш ҳақида», «Давлат арбоблари ҳақида ҳикматлар» номли асраларида инсон, жамият, сиёсат, адолат, одоб-ахлоқ, таълим-тарбия тўғрисидаги фикрлари баён этилган.

Фаробийнинг чукур фалсафий кузатишларига эътибор берсак, унда инсонни фаол ҳаракатда, яратишда бўлиши ва уни табиат билан муносабатига эътибор берган. Жамият ва инсон ягонадир, жамият ва давлат тараққиётини инсонлар фаолиятисиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Жамиятнинг келиб чиқиши ва унинг моҳиятини ўрганувчи маҳсус фан зарурлигини Фаробий чукур хис қиласи. Жамиятни ўрганиш инсонни ўрганиш демакдир. Одамлар ривожланишлари ва яхшироқ яшашлари учун улар жамоага бирлашишга, мажбур бўладилар. Шу тариқа жамият зарурият тақдири билан вужудга келади. Жамият ўз қонунлари асосида ривожлана бошлайди.

Фаробийнинг уқдиришича, инсон ижтимоий мавжудотдир. У табиий равишда бошқа одамлар билан ўзаро муносабатга киришга интилади, натижада ижтимоий фаолият вужудга келади. Жамият одамларни бирлаштириши ва уларга баҳт-садат бағишлиши керак. «Фозил одамлар шаҳри» номли асарда давлат бошлиғининг фазилатлари белгилаб берилади. Давлатни бошқарувчи киши соғлом, жасур, ақлли ва маърифатпарвар, адолатпарвар бўлиши, кишилар билан муомала қилиш, санъатини чукур билиши ва унга амал қилиши зарур.

Фаробий фикрича, яхшилик ва эзгулик, илм-маърифат ва нодонлик, ёвузлик ва жоҳилликка асосланган шаҳар бўлади. У шаҳар давлатлари тӯғрисида ёзади.

- 1) Ал. Мадина ал Фозила;
- 2) Ал Мадина ал Жоҳилия.

Ахолининг тинч-тотув яшашига, фаровон турмуш кечиришини таъминлаб берувчи давлатни идеал деб аташ мумкин. Фуқаролар ва шаҳар-давлат маҳкамаларининг ўзаро ёрдам ва ҳамкорликда яшашлари барча муваффақият-ларнинг бош омилидир. Давлатни бошқариш ҳам инсон танасида кечирувчи жараёнларини эсалатади. Тананинг барча аъзолари бири-бири билан маҳкам боғланганлиги сингари барча одамлар бир-бирлари билан ва давлат билан мана шундай маҳкам боғлангандирлар.

Фаробий Ал-Мадина, ал-Жахалия давлатларини таҳлил этар экан, бундай давлатларда инсон ҳуқуқлари паймол этилади, одамлар қулликка солинади, деб кўрсатади. Маълумки Фаробий ўзининг устози деб билган Арасту ўз асарларида қулликка табиий бир хол деб қараган эди. Аммо Фаробий эса қулликни разолат деб атайди. қуллик бор жойда фаровонлик йўқ.

Давлатни бошқарувчидан жуда кўп фазилатлар талаб қилинди. Жамоа бошлиғи мулоҳазали, ҳалол, камтар, ҳақиқатпарвар, донишманд бўлиши керак. Жамоа бошлиғи одамларга тўғри йўл кўрсатувчи мураббийдир. Идеал дастлабки ё пайғамбарлар, ё файласуф, ёки бўлмаса юксак фазилатларга эга бўлган бошқариши зарур пайғамбарлар ҳақиқатни ваҳий орқали ўргансалар ва билиб олсалар, файласуфлар ҳақиқатни ақл-идрок орқали оладилар ва ўргатадилар. Давлат бошлиғи бир қатор туғма фазилатларга ҳам эга бўлиши керак. Жумладан, унинг тани соғ, жисмининг аъзолари бутун, тиник фикрли балоғат соҳиби бўлиб, ҳар нарсани очиқ идора эта билиши шарт.

Фаробий жамиятни бошқаришда раҳбарда бошқариш маҳорати шаклланган бўлиши керак деб уқтиради. Бошқариш маҳоратининг энг мухим омиллари Фаробийнинг фикрича қуидагилар:

- 1) Хукм ва рух соғлиғи.
- 2) Ўзидан аввал ўтганларнинг қонун ва усулларини яхши билиш ва фойдаланиш
- 3) Эскиларнинг тажриба ва қонунларидан янги хукмлар чиқармоқ.
- 4) Ўзи идора қилаётган шаҳарнинг манфаатларини қўриқламоқ учун исботли қарорлар чиқармоқ.
- 5) Чиқарган хукмларни ва ижара учун мўлжалланган усулларни халқнинг шуурига (онгига) жойлаштиromoқ учун таълимга аҳамият бермоқ.
- 6) Урушда (ҳимоячи) тайёр турмоқ.

Фаробий қарашларининг асосий тамойили бу адолатпарварликдир. Идеал-шаҳарда ҳам адолат ҳамма нарсадан устун: ҳамманинг тенглиги, ҳамкорлиги ва ахиллиги мана шу давлатни асосий таянчи ва келажак равнақидир. Фаробий Шарқда биринчилар қаторида давлатнинг Монархия шаклида чекланиб қолмасдан уни бир неча киши томонидан бошқариш керак деган хulosага келади. Чунки бир инсонда Фаробий талаб қилган ўн иккита фазилат мужассам бўлмаслигини аниқ тушуниб етган мутафаккирдир.

Абу Насир Мухаммад ибн Мухаммад ибн Ўзлуғ ибн Тархан Фаробий 260 хижрий (873-874 милодий) йилда Фароб шахрида¹ туғилган.

Фаробийнинг шахсий ҳаёти ҳақида бизгача жуда кам маълумотлар етиб келган. Бу маълумотлардан шу нарса аниқланадики, унинг отаси турк қабилаларидан (ўғиз ёки қорлик) бўлиб, у ҳарбий киши эди. Истеъдодли ва зеҳни ўткир бўлган Фаробий ёшлигиданоқ илм-маърифатга астойдил қизиқади.

Маълумки, IX асрларда, яъни Фаробий яшаб, ижод қилган даврда Ўрта осиё тўла Араб халифалигининг бир қисмига айлантирилган эди. ғоявий дунёда эса ислом сиёсий идеологияси ҳукмронлик қилиб, мактаб, мадраса ва мачитларда асосан араб, форс тилларида ёзилган диний китоблар ўқитилар эди. Араб халифалигининг марказий шаҳарлари-Боғдод ва Дамашқда илм-фан бошқа шаҳарларга нисбатан тараққий қиласи. Шунинг учун ҳам Фаробий бошқа замондошлари каби араб тилини ўрганади ва Боғдод шаҳрининг етук энциклопедист олим даражасига кўтарилади.

¹ Бу шасар Арис дарёсининг Сирдарёга сўйилиш еридаги дарё өир|осларида жойлашган бўлиб, созирги Туркистон шасрига ясин жойда бўлган.

IX асрда Боғдод иқтисодий, сиёсий, маданий марказлардан бирига айланган бўлиб, унинг бозорларида Шарқ ва араб мамлакатларидан келтирилган камёб молларни кўплаб учратиш мумкин эди. Бу шаҳарнинг китобхоналарида турли давлатлар ва турли тилларда чоп этилган китоблар ҳам бор эди. Энг муҳими Боғдод олимлари, санъаткорлар, тарихчилар тўпланган йирик марказ эди.

Фаробий кўплаб хорижий тилларни ўрганиб, улар орқали Платон Аристотель каби буюк мутафаккирларнинг илмий меросидан баҳраманд бўлади. У математика, медицина каби табиий фанлар билан бир вақтда философия, логика, сиёсат, давлат ҳақидаги ижтимоий фанларнинг соҳалари билан ҳам шуғулланади ва ўзининг юздан ортиқ асарларини ёзиб қолдиради.

Фаробий камтар, тартинчоқ киши бўлиб, мулки ҳам, бойлиги ҳам бўлмаган. У умрини илм соҳаларини ўрганишга, китоблар ёзишга сарфлаган прогрессив мутафаккир эди. У ўз ватанидан узоқлашиб кетишига қарамасдан, ўз она тили – туркий тилни унитмаган ва ўз миллий кийимида юрган, миллий одатларга риоя қилган. У ўзининг юксак илми билан ҳаммани ҳайратда қолдиргани учун ҳам халқ орасида «муаълими соний», яъни «иккинчи муаллим» деган ном билан машҳур бўлган.

Фаробий бизга жуда катта ижодий мерос қолдирган. Бу асарларнинг тўлиқ рўйхати бўлмасада, илмий адабиётларда у 130-160 дан ортиқ асарлар яратгани ҳақида фикрлар мавжуд. Фаробий тўғрисида шарқ адабиётида турли-туман ҳикоя, афсоналар мавжуд бўлиб, уларнинг барчасида мутафаккирнинг ўз замонаси фаннинг турли соҳалари бўйича чуқур билимга эга бўлганлиги ҳақида ва у жуда кўплаб тилларни билганлиги ҳақида ҳикоя қилинади.

Мутафаккирнинг ижодий меросини ўрганиш борасида совет ва хорижий мамлакатлар олимлари самарали ижод қилмоқдалар. Фаробийнинг китобларини рўйхатини тузиш ва ундаги ижтимоий-фалсафий, сиёсий фикрларни ўрганиш борасида Байхаки, ал-Надима, ибн Усайби, Деххузо, Умар Таррух, Хортен, Дитерици, Штейншнейдер, Броккељман, Аҳмад Атин, М.М.Хайруллаев ва бошқалар самарали меҳнат қилганлар. Фаробийнинг асарлари Ленинград, Москва, Тошкент, Душанбе, Баку, Қозон, Каир, Байрут, Дамашқ, Стамбул, Лейден, Лондон, Париж, Мадрид, Нью-Йорк, Хайдаробод, Техрон ва бошқа шаҳарларнинг музей ва кутубхоналарида сақланиб келинмоқда.

Фаробийнинг асарлари кўплаб олимлар учун асосий қўлланмалардан бири бўлиб хизмат қилиб келди. Абу Али ибн Сино, Беруний, Хоразмий, Навоий, Жомий, Мархонд, Хондамир кабилар кўплаб жаҳон классикларибевосита ундан ўргангандар. Унинг асарлари фақат Шарқда эмас, балки ғарбий Европа мамлакатларида ҳам кенг тарқалган.

Фаробийнинг баъзи бир асарлари қадимий яхудий ва лотин тилларига таржима қилинган бўлиб, улар ана шу тилларда бизларгача етиб келган. Унинг асарлари орасида ҳажми, мазмуни ва маъносига кўра «Идеал шаҳар аҳолисининг қарашлари» деган асари мухим ўринни эгаллайди. Бу асар 37 бобдан иборат бўлиб, унда жамият, давлат, шахс ҳақидаги ижтимоий-сиёсий қарашлар берилган.

Фаробий Аристотелнинг асарларига, яъни логик асарлари («Биринчи аналитика», «Иккинчи аналитика») га, «Топика», «Категориялар», «Этика», «Риторика», «Метафизика», «Софистика» ва бошқа кўплаб асарларига шархлар ёзган.

Фаробийнинг ижтимоий-сиёсий, хуқуқий мероси жуда бой бўлиб, у ўзининг қатор асарларини ана шу мухим ижтимоий масалаларига бағишлади. Мутафаккирнинг жамият, давлат, хуқуқ, сиёsat, адолат, таълим ва тарбия ҳақидаги ғоялари, қарашлари қўйидаги асарларда берилган: «бахтга эришиш ҳақидаги трактат», «Уруш ва тинч-тотув яшаш ҳақида», «Жамиятни ўрганиш ҳақидаги китоб», «Давлат арбоблари ҳақидаги афоризмлар» ва ҳ.к.

Фаробий жамият, давлат ва хуқуқ масалаларини ўрганишда кўп жиҳатдан ушбу масалаларнинг назарий, умумий философик асосларини тушунтиришга ҳаракат қиласди. Масалан, жамиятнинг келиб чиқиши, давлатнинг пайдо бўлиши, унинг формаси, давлат арбоби ва унинг вазифаси, олдига қўйилган асосий талаблар, давлатни идора этиш усуслари ҳақида ўзининг фалсафий-сиёсий қарашларини баён қиласди.

Мутафаккир жамиятни ўрганишда «илм-ал-мадания» (гражданлик фани); фикх (хукуқ), қалам (ислоҳият) соҳаларига алоҳида эътибор беради.

Илм ал-мадания Фаробийнинг фикрига кўра, қўйидаги масалаларни ўрганиши керак: ижтимоий муносабатларнинг турлари, одат, аҳлоқ нормалари, ижтимоий муносабатларни содир қилишга қаратилган мақсад, бошқариш методи ва усуслари.

Инсон томонидан жамиятда яшаш учун содир қилинадиган ҳаракатларни эса Фаробий иккига бўлади:

- I. Адолатли, ҳақиқий ақлга мувофиқ ҳаракатлар. Бу ҳаракатлар орқали ҳақиқий баҳга эршиш мумкин.
- II. Адолатсиз, мақсадга мувофиқ бўлмаган ҳаракатлар бўлиб, биринчиси баҳт келтирса, иккинчи баҳтсизлик келтиради.

Фаробий жамият сиёсий ҳаётида давлат аппарати томонидан олиб бориладиган ишларга алоҳида эътибор беради. Унингча, давлат бошлиғи ва давлат хизматчилари бошқарув санъатини яхши билишлари керак. Фаробий ана шундай бошқарув кишилари баҳтга, тинчликка олиб боради ва бундай давлатбошқаруви адолатлидир. Аксинча,

бахтсизликка, уриш ва қирғинларга олиб борадиган бошқарувadolatsizdir, деб хисоблади.

У асарида идеал шаҳарлар, яъни идеал шаҳар давлатлари ва идеал бўлмаган шаҳар давлатлари хусусида ҳам фикр юритади.

Бошқарув (идора) санъати икки асосий қисмдан иборат бўлади: назарий ва амалий. Назарий қисм – бошқарувнинг асосий усул ва қонунларининг билими бўлса, амалий давлатни идора қилишдир. Уларнинг ҳар иккаласига сиёсий практика, тажриба ва кузатув натижасида эришилади.

Фаробий аҳлоқ, одат нормаларига давлат томонидан ўрнатиладиган, олиб бориладиган сиёсий режимнинг ҳуқуқий нормаларини қўшиб юбормасда, балки уларни жамият ҳаётидаги ролини, ўрнини кўрсатишга уринади. Сиёсий философиянинг асосий вазифаси, Фаробийнинг фикрга кўра, давлатдаги ҳақиқий нормалар ва принципларни ўрганишлардан иборат ва гражданларнинг турмуш даражаларини, тинчликларини таъминлаш ва ривожлантириш йўлларини, форма ва усусларини кўрсатиб бориши керак. Давлатнинг вазифаси эса шаҳар аҳолисининг баҳтли ҳаётини таъминлаш ва қўриқлашдан иборат деб хисоблади.

Фаробий кишилик жамияти, давлатни келиб чиқиши масалаларига тўхталиб, бу масаланинг жавобини традицион илоҳиётдан қидирмасдан, балки мавжуд жамиятдан излайди. Мутафаккир инсон табиятидан шундай яратилганки, у доимо бири иккинчисига нисбатан душманликка эмас, балки иттфоқда, алоқада, муносабатда бўлишга интилади деган фикрни ёқлаб чиқади. Худди ана шу ўзаро интилиш, ҳаракат асосида давлат келиб чиқишини эътироф этади. Фаробий «ҳар бир инсон ўз табиатига кўра шундай яратилганки, у яаш ва олий даражасидаги етукликка эришмоғи учун кўп нарсаларга муҳтож бўлади, у бир ўзи бундай нарсаларни кўлга кирита олмайди ва уларга эга бўлиш учун инсонлар жамоасига эҳтиёж туғилади... шу сабабли яаш учуг зарур бўлган нарсаларни бир-бирига етказиб берувчи ва ўзаро ёрдамлашувчи кўп исонларнинг бирлашуви орқалигина, одам ўз табиати бўйича интилган етукликка эришуви мумкин. Бундай жамоа аъзоларининг фаолияти бир бутун ҳолда уларнинг ҳар бирига яаш ва етукликка эришув учун зарур бўлган нарсаларни етказиб беради. Шунинг учун инсон шахслари кўпайдилар ва ернинг аҳоли яшайдиган қисмига ўрнашдилар, натижада инсон жамоаси вужудга келди»¹ деб ёзади.

Фаробий жамоани катта-кичиклигига кўра уч турга бўлади:

- I) буюк жамоа-дунёдаги барча ҳалқларнинг бирлашуви;
- II) ўрта жамоа-бир ҳалқ ёки миллатни тирлаштирувчи жамоа;

¹ Фаробий. Философские трактаты. М.: Наука. 1970. С.303.

III) кичик жамоа-алоҳида бир шаҳар давлатини бирлаштирувчи жамоа.

Фаробийнинг фикрига кўра, халқлар бир-бирларидан табиий одатлари, алоқалари ҳамда характери ва тили билан фарқ қиласидар. Фароби халқларнинг характерлари, одат ва ахлоқларининг шаклланишида географик мухитнинг таъсир кучига юқори баҳо беради.

Фаробийнинг айтишича, одамларнинг энг такомиллашган жамоаси бу шаҳр давлатлариdir. Қишлоқлар эса шаҳарлардан кейинда турувчи ва шаҳарларни озиқ-овқат билан таъминловчи жамоалар ҳисобланадилар. Бу ерда биз Платон ва Аристотелнинг шаҳар давлатлари (полислари) ҳакидаги таълимотларининг Фаробийнинг сиёсий қарашларига таъсирини кўрамиз.

У шаҳар давлатларини икки категорияга бўлади:

I. Ал-Мадина ал-Фозила.

II. Ал-Мадина ал-Жоҳилия.

Юқоридаги таъкидланганидек, у фазилатли ва фазилатсиз шаҳар давлатларнинг мавжуд бўлишини эътироф этади. Агарда барча шаҳар аҳолиси ўзаро бирлиқда, иттифоқда яшаб бир-бирларига ёрдам кўрсатсалар бундай шаҳарлар фазилатлиdir. Ушбу масалада Фаробий илгарилаб барча халқлар ўзаро тинч-тотув ва дўстлик асосида яшасалар ер юзида тинчлик ўрнатилишига ишонч билан қарайди, деб ҳисоблайди.

Фазилатли шаҳар – давлат аппаратини у инсон организмига ўхшатади. Инсон организмининг қисмлари бири иккинчисига ёрдам берганидек, давлат аппарати механизмлари ҳам ўзаро бир-бирларига ёрдам беришлари керак. Лекин насл организми табиий органлардир. Инсонни давлатларга бирлашиши ҳам табиий воқийлик бўлсада, унинг асосидан инсонларнинг эрки ётади. Шунинг учун ҳам Фаробийнинг фикрига кўра, кишилар ўзаро бир-бирларига ёрдам беришиб тинч-тотув яшасалар мақсадга мувофиқ бўлади.

Фаробий фазилатли ва фазилатсиз шаҳарлар ҳакида ёзар экан, у мавжуд феодал давлатларидаги адолатсизликларни, тенгсизлик, баҳтсизликларни қоралаб, давлат бошлиқларини ва барча гражданларни яхшилик қилишга, ўзаро ёрдам принципларига кўра яшашга даъват қиласиди. Фаробийнинг бу ғоялари ўз замонига нисбатан жуда прогрессив аҳамиятга эга бўлиб, диний таълимотлардан фарқ қиласиди.

У баҳтга эришишнинг асосида меҳнат ётишини, хунармандлар, дехқонлар, чорвадорлар, тўқимачилар каби меҳнаткашларнинг меҳнатини алоҳида таъкидлайди. Фаробий жамиятни турли синвлар ва табақаларга бўлинишига эътибор бериб, олий ва куйи поғоналарда турувчи табақалар мавжуд деб ҳисобласада, аммо кўпчиликка қарши чиқиб, бошқа мамлакатлар халқларининг мулкларини талон-турож қилиш уларнинг

ўзларини қулга айлантириш учун олиб бораётган сиёсат ва урушларни қоралаб, бундай ташқи сиёсатга амал қилаётган давлатни фазилатсиз давлат деб хисоблайди.

Фаробий ўз асарларида давлат терминини ишлатмайди. Аммо у шаҳар жамоалари деганда шаҳар давлатларини назарда тутади. Давлатнинг келиб чикиши сабабларини Фаробий илоҳиётидан қидир-масдан, балки одамларнинг жамоа бўлиб яшаш эҳтиёжларидан деб билади. У давлатнинг асосий функцияси, вазифаси ҳакида фикр юритиб, унинг ички вазифаси гражданларнинг баҳтли ҳәётини таъминлаш бўлса, ташқи вазифаси эса ўз аҳолисини ташқи ҳужумлардан химоялаш, муҳофаза қилиш деб хисоблайди.

Уруш ва тинчлик масаласида Фаробий уруш икки хил бўлади – адолатли ва адолатсиз урушлар ҳакида гапиради. У бошқа мамлакатларни босиб олиш учун олиб бориладиган урушлар адолатсиз урушлар деб ва аксинча, адолатсиз урушларга қарши мудофаа мұксадида олиб бориладиган урушларни адолатли деб хисоблайди. бу борада шу нарсани айтиш керакки, Фаробий давлатлар ўртасида олиб борилаётган, ўзаро қирғин келтираётган, душманлик мақсадидаги сиёсатни, урушни қоралайди. Бундай сиёсий фикрдаги кишиларни тубанликда айблаб, улар инсонийлий принципларини қўпол равишда бузაётганликларини кўрсатади. Инсон инсон бўлганлиги учун ҳам душманликни эмас, балки дўстлик, урушни эмас, балки тинчликни ёқлаши кераклигини уқтиради.

Шундай қилиб, Фаробий орзу қилган идеал шаҳар – давлатларининг асосий вазифаси – бу тинчликни таъминлаш, адолатли принципларни химоя қилиш, одил судловни ўрнатиш кабилардир.

Фаробийнинг дин ҳақидаги ғоялари ҳам характерлидир. Унинг фикрига кўра дин жамиятни идора қилиш учун зарур бўлиб, асосий вазифаси жамият учун хизмат қилиш керак. Унингча, ҳар қандай дин инсон баҳт-садати учун хизмат қилиши керак.

Мутафаккир динларни бир-бирларига қарши қўймасдан ҳар хил давлатларда, ҳалқларда турли хил динлар мавжуд бўлиши мумкин деб хисоблайди. Уларнинг асосий вазифаси ижтимоий тартиб, баҳтли ҳәёт қуриш учун хизмат қилишдан иборатдир. У динни инсонларнинг манбаатидан, давлатдан устун қўймасдан, аксинча у гражданлар давлатнинг вазифаларини амалга оширишда ёрдамчи, хизмат қилувчи қурол бўлишини айтади. Фаробий исломдаги турли дорматик қарашларни, диний қоидаларни танқид қиласди ва ўрта асрларнинг буюк гуманисти сифатида майдонга чиқади. Ўзининг «Ихсо ал-улум» асарида мутакаллимларнинг диний масалаларини ҳал қилишдаги нотўғри мутодларини, объектив ҳолатдан четга чиқиб кетаётганликларини очиб ташлайди.

Фаробий давлат формаси масалаларига ҳам тўхтаб, шоҳ донишманд бўлиши ва у ўз ловазимига лойиқ киши бўлишини эътироф этади. Бу билан Фаробий тахтни отадан

балога ўтиб келиши (мерос)хуқукини қоралаб, давлат бошлиғи ўз лавозимига мансуб бўлган шахс бўлишлигини ёқлади.

Маълумки, шарқ давлатларининг шакли асосан мутлоқ монархия бўлиб, бу кўп асрлар давомида сакланиб қолган. Ислом дини давлатнинг бу шаклини янада мустаҳкамлаб – шоҳ худонинг ердаги сояси, вакили деган ғояни кишилар онгига сингдириб юборган.

Фаробий ҳам ўзининг сиёсий қарашларида монархия давлат формасидан воз кеча олмайди. Унинг фикрига кўра, давлат бошлиғи ҳар томонлама етук шахс бўлиши керак. Аммо бу ерда шуни айтиш керакки, Фаробий монарх тўғрисида гапирав экан унинг олдига 12 талабни кўяди. Идеал давлат бошлиғи ҳақиқатни севувчи ва унинг учун курашувчи, бойликка хирс қўймайдиган, адолатсизлик ва жабр-зулм қилувчиларга қарши курашувчи, ботир, жасур булиши керак деб ҳисоблайди. Бу ерда шу нарса характерлики, Фаробийнинг ўзи ҳам ана шу 12 фазилатнинг ҳаммаси ягона бир кишида бўлишига шубҳаланиб, давлатни бир киши эмас, балки бир неча киши бошқариши керак деган ғояни илгари суради. Бу ерда биз Фаробийни монархия формаси доирасида чекланиб қолмасдан, балки ўз замонидан илгарилаб кетганини кўрамиз.

Лекин Фаробий ҳам ўз даврининг фарзанди бўлганлиги сабабли давлат ва хуқуқнинг моҳияти, формаси каби масалаларни ечишда ўз замонига нисбатан прогрессив бўлсада, лекин уларнинг асосий сабабини моҳиятини ечишда тарихий чекланишларга йўл кўяди.

Унинг ушбу масалалардаги фикрлари кўпроқ утопик характерда бўлиб, келажакда адолатли (фазилатли) давлатларни ва уларнинг раҳбарлари халқ орасидан чиққан донишманд шахслар бўлишини орзу қилиш билан чекланади.

Давлат, хуқуқ, дин одамларни ҳаётини яхшилаши, уларни баҳт-саодат, тинчлик билан таъминлаши учун хизмат қилиши керак деган фикрларни илгари сурган ва мамлакатда прогрессив сиёсий фикрнинг диний дормаларига қарши ривожланишида гуманистик ғояларнинг омма орасида кенг тарқалиши прогрессив мутаваккирларнинг сиёсий-хуқуқий қарашлари тараққиётда муҳим роль ўйнайди.

4-& Беруний, Ибн-Сино ва бошқаларнинг сиёсий ва хуқуқий қарашлари

Абу Райхон Беруний (973-1048) шарқнинг улкан олимни бўлиб, Хоразм ўлкасининг Кият шаҳри яқинидаги Берун қишлоғида туғилган. У астрономия, математика, медицина, тарих, география ва бошқа фанларга оид 200 га яқин асарлар ёзган. Беруний Хоразмшоҳ Маъмун ибн Маъмун саройида муҳим давлат ишларини бажаради, бироқ кейинчалик умрини бутунлай илм-фанга бағишилайди. Беруний ёшлигига карвонларга эргашиб, жуда

кўп шаҳарларга боради. Жуда кўп ўқиган, кўп нарса кўрган Беруний 20 ёшида таниқли олим бўлиб, элга машхур бўлади. Маъмун академиясида Шарқнинг энг машхур олимлари йиғилган эди. Жумладан, Абу Али ибн Сино, Абусахил Массих, Абулҳасан ибн ал-Хуммер ва Берунийнинг устози Абу Носир ибн Ироқ ва бошқа олимлар бор эди.

Беруний буюк олим бўлиши билан бирга йирик давлат арбоби ҳам эди. Хоразмшоҳ саройида у муҳим давлат сиёсати билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишда Абу Райхон Муҳаммад ибн Аҳмад ал Беруний 360 ҳижрий (973 милодий) йилда Кият шаҳрининг атрофидаги қишлоқлардан бирида дунёга келган. Берунийнинг ижтимоий-сиёсий дунёқараси Ўрта Осиё хонликлари ўртасида феодал тарқоқлик ва ислом сиёсий идеологияси ҳукмронлик қилаётган бир замонда шаклланади. Беруний ёшлигиданоқ илм-фаннынг турли соҳаларини эгаллаш билан машғул бўлади. У 16 ёшида глобус ясад, илм-фан аҳлларини ҳайратлантирган эди. Беруний 995 йилда Хоразмдан ҳорижий мамлакатларга кетишга мажбур бўлади. Мутафаккир шарқ ҳалқларининг ҳаёти, маданияти билан яқиндан қизиқиб, 1010 йилда ўзининг йирик асарларидан бири-«Ўтган авлодларнинг ёдгорликлари» («Аль Асар аль- Бакия») асарини ёзади. Беруний бу асарда биринчи манбалар асосида ва катта аниқлик билан қадимги греклар, римликлар, форслар, хоразим-ликлар еврейлар каби ҳалқларнинг динлари, урф-одатлари, қонун-қоидалари ҳақида ёзади. Масалан, «Оқ кийимлилар ҳаракатлари ҳақида ҳикоя» китобини яратади. Аммо ушбу асар ҳанузгача топилмаган.

Инсоннинг пайдо бўлиши ва идрок масалаларида у асосан, традицион идеалистик позицияда туради, яъни у олло томонидан яратилган деб ҳисоблайди. Беруний дунё ҳалқларининг тарихини, маданиятини географик муҳитга асосланган ҳолда ёритади. Одамларнинг ранг-лари, тиллари ва ташқи кўринишларининг турлича бўлиши фақат наслиги боғлиқ бўлмасдан, балки улар яшаётган сувга, ҳавога, тупроққа боғлиқдир деб ҳисоблайди.

Берунийнинг муҳим ғояларидан яна бири бу – моддий факторнинг роли ҳақидаги қарашларидир. Унинг фикрига кўра, одамлар ўз душманларига қарши куришиш ва ўзларининг зарурий эҳтиёжларини қондириш учун уюшган ҳолда яашаш ва ишлашга мажбурдирлар. У «Минераллар» асарида эҳтиёж томон-лари турли туман ва кўп бўлиши, фақат бир неча кишилар уюшмасигина уни қониқтириши мумкин. Ана шунинг учун одамлар шаҳарлар яратилишига муштарақдирлар, деб ҳисоблайди.

Беруний одамларни жамоа бўлиб яшашларининг асосий қоидалари бу ўзаро ёрдам, бир-бирлари билан тинч-тотув Яша, умумий манфаат учун ишлаш каби принцип ларга асосланган бўлиши керак деб ҳисоблайди. Инсоннинг асосий вазифаларидан бири бу меҳнатдир. Чунки барча нарсалар меҳнат орқали рўёбга чиқади, пайдо балади. Олим

асарда ижтимоий муносабатлар масаласига тўхтаб, меҳнат тақсимоти ҳамда меҳнат тақсимоти натижасида ортиқча маҳсулот (товарни) пайдо бўлиши ва айрбошлиши ҳамда пулнинг регуляторлиги каби муҳим ижтимоий масалаларга ҳам тўхтаб ўтади.

Кишиларнинг бой ва камбағалларга, эзувчилар ва эзилувчиларга бўлинишининг асосий сабабларидан бири мулкий тенгсизлик эканлигини яхши тушуниб етган Беруний фуқаролар ўртасида тузиладиган меҳнат ва айрбошлаш шартномаларини икки турга бўлади. Қонуний ёки адолатли бу шартномаларга кўра меҳнаткаш меҳнатига яраша иш ҳаки олиш зарур. Олим қонунсиз ёки адолатсиз шартномалар асосида тенгсизлик, зўрлик, қаллоблик ётишини ва бунинг натижасида бир киши томонидан эксплуатация қилинишини қоралайди ва қонунсиз шартномаларга қарши чиқади. У бу билан жамиятда кўпроқ социал адолатсизлик содир бўлаётганлигини кўрсатади.

Беруний давлат ва хуқуқнинг пайдо бўлиши ва уларнинг вазифалари масалаларини Фаробий каби табиий эҳтиёждан деб билади. Бошқача қилиб айтганда, одамлар ижтимоий адолатли тартиб, юкида ўрнатиш учун давлатга бирлашадилар деган фикрлар бўлади. Беруний давлатнинг шакли масаласида эса мамлакатни мутлақ ҳоким шоҳлар –деспотлар эмас, балки маърифатпарвар шоҳлар бошқариши кераклиги ҳақидаги ғояни илгари суради.

Олим динни ёқлаган бўлсада, ўз диний дунёқарашининг тор доираларида чекланиб қолмасдан янада илгарилайди. У кишиларни илм-фанга даъват қиласи ва динмас, балки илм-фан билан шуғулланиш унинг идеалига айланади. Беруний «Ҳиндистон» асарида миллатчилик каби дунёқараш доирасида чекланиб қолганларни танқид қилиб, ер-фақат бизнинг ерларимиз, одамлар фақат бизнинг халқларимизнинг вакиллари, шоҳлар фақат бизнинг хукмдорларимиз, дин эса фанат бизнинг динимиз”-, деб фикр юритувчиларни танқид қиласи. У халқлар орасида тенглик, тинчлик принципларини жорий қилинишини орзу қилди.

Берунийнинг сиёсий-хуқуқий қарашлари, юқорида қараб чиққанимиздек, энг илгор ва чуқур инсонийлик принципларига асосланади. У инсон номини, унинг тафаккурини улуғлаб, шоҳлар ва қонунлар ана шу ҳазрати инсон учун хизмат қилиши ҳамда уни босқинчилар, золим шоҳлардан ҳимоя қилишлари керак деган прогрессив ғояларни ўртага ташлайди.

ИБН СИНО. Абу Али ибн Сино 980 йилда Бухоро вилоятида Афшона (ҳозирги Вобкент райони) қишлоғида туғилган. Унинг ёшлиқдаги номи Ҳусайн бўлган, у 5 ёшга тўлганда оиласи Бухаро шаҳрига кўчиб келади. Ибн Сино ёшлигига астрономия, математика, логика, физика, методика ва фикх (хуқуқ) масалаларини яқиндан ўрганди. 999 йилда Бухоро қорахонийлар томонидан босиб олинганидан кейин у Урганч шаҳрига кетишга мажбур бўлади.

Ибн Сино шарқда «Аш-Шейх» ёки «Ар-Раис» деган тахаллус билан машхур бўлган бўлса, ғарбда эса Авицена деган ном билан танилади. Унинг ҳаёти, дунёқараши ҳакида адабиётларда турлича қарашлар мавжуд. Ўрта аср авторлари: ал-Байхаки, ал-Кифти, Ибн-Абу-Усайбиа, ибн-Халликан, ал-Каши каби ёзувчилар асарлари асосий манба бўлиб хизмат қиласи.

Ибн Синонинг сиёсий-хукукий қарашлари Аббосийлар халифалигининг сиёсий тушкунликка учраган ҳамда хонликлар, бекликлар ўртасида ўзаро урушлар кучайган бир замонда шаклланади. Мамлакат ҳаётида рўй бераётган сиёсий тушкунлик мутафаккирни ёшлиқ йиллариданоқ турли шаҳарларда, хонликларда сарсону-саргардонликда юришга мажбур этади. Аммо ҳаёт қанчалик шафқатсизлик қиласин, у ёшлиқ йиллариданоқ фалсафа, сиёсат ва медицина каби фанлар билан қизиқади. У мусулмон ҳукуки асосларини, норма-ларини ёшлиқ йилларидаёқ чукур ўзлаштириб олган эди.

Ибн Синонинг Бухоро шаҳрига келиб Абу Абдуллаҳ ан-Нотилий раҳбарлигига фалсафий фанларни ўрганган йиллари унинг ҳаётида ўзининг чукур изини қолдиради. Тез орада шогирд устоз даражасига қўтарилиб, фалсафа, логика ҳукуқ, математика, физика, медицинага оид китобларни мукаммал ўрганиб чиқади. Платон, Аристотель, Фаробий каби энциклопедик олимларнинг асарлари унинг асосий билим манбаига айланади. Замондоши Беруний билан эса бевосита хатлар орқали фикрлашиб туради.

Мутафаккир (1002-1005 йилларда) ҳокимият қорахонийларга ўтган даврда Бухородан Гурганжга кетишга мажбур бўлади. Гурганж шаҳрида «Маъмун академияси» мавжуд бўлиб, унда Абу-Райхон ал-Беруний, Абу Сахл ал-Масихий, Абул-Хайр ал-Хаммарларга ўхшаган кўплаб олимлар ижод қилаётган эдилар. Ибн Сино улар билан яқиндан танишиб, Хоразм шоҳ Али ибн-Маъмун саройида хизмат қиласи.

Лекин 1008 йилдан бошлаб, Ибн Сино ўзининг шогирди Абу-Убайд ал-Жузжоний билан биргаликда Хурросон шаҳар ва қишлоқларида муҳтоҷликда яшашга мажбур бўлади.

Маҳмуд Фазнавий Хоразмда машхур бўлган барча олимларни ўз саройига таклиф қиласи. Ибн Сино бунга рози бўлмасдан Хоразмдан чиқиб кетишга мажбур бўлади. Бундан ғазабланган Султон Маҳмуд Фазнавий атроф-ларга чопар юбориб, олимни ушлаб саройга олиб келиш-ни буюради. Мутафаккир Маҳмуд Фазнавийдан яшириниб (1015-1024) Хамадонда тўхтайди. Хамадон ҳокими Шамс ад-Даулий эса уни ўзига вазир қилиб тайинлади. Ибн Сино бевосита давлат арбоби сифатида давлат ишларини бошқариш билан машғул бўлади. Аммо Ибн Синонинг прогрессив фикрлари давлат аппаратидаги мулозимларни реакцион гурухларига маъқул келмайди.

VI-боб. АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДАГИ СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР

1-&. Темур "Тузуклари"да сиёсий ва ҳуқуқий ғоялар.

Амир Темур ва темурийлар даври ўзбек давлатчилиги тарихида алоҳида ўринга эгадир. Амир Темур номи билан Ўзбекистонда давлат ва ҳуқуқ ўзининг энг ривожланган босқичига кўтарилиган эди. Бу империянинг чегаралари Шарқда Хитой даворигача ғарбда Ўрта ер денгизигача, жанубда Ҳиндистон ва Шимолда Москов Князлиги худудлари билан чегараланган эди. Марказлашган ўз даврида дунёдаги энг кучли давлатга айланган эди. Амир Темур даврида давлат ва қонунчиликни юксалиши ўз навбатида сиёсий ва ҳуқуқий дунёқарашни ҳам юксакликка кўтарди. Самарқандда ўзига хос ҳуқуқшунослар, сиёсатшунослар мактаби ривожланди. Бунга мисол тариқасида Амир Темурнинг «Тузуклари» «Бобурнома» Амир Темур ва темурийлар даври Алишер Навоийнинг асарлари Шарофиддин Ал-Яздийнинг «Зафарнома»си каби асарларни келтирсак бўлади. Бу асарларда инсон, адолат, қонунчилик, давлатчилик, сиёсат, маданият равнақи ҳақида Бугунги кун учун ҳам назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган ғоялар, фикр ва мулоҳазалар баён этилган.

Амир Темурнинг таржимаи ҳолида шундай фикрлар бор:

«Биринчи энг мухим фазилат беғаразлиkdir. Ҳаммага бир хил қаттиқ, жиддий ва адолатли муносабатда бўлдим, одамларни тоифаларга бўлмадим, камбағални ёмонлаб, бойни мақтамадим. Мен ҳамма вақт эътиқодга содик қолдим, худо марҳаматига лойик топилган инсонларга катта ҳурмат билан қарадим.

Қашшоқларга хайру-эҳсонни аямадим, ҳар бир масалани хотиржамлик билан ҳал қилдим, ҳақиқатни аниқлашга кўп ғайрат сарфладим.

Бутун харакатимни умумий фойдали ишларга қаратдим, бирор бир заруриятсиз ҳеч кимга озор етказмадим, турли вазиятларда менга мурожат қилганлардан юз ўгирмадим.

Мен бир қўлимда адолат чироғини, иккинчи қўлимда самимият чироғини тутдим, мана шу иккала чироғ нури билан ҳаммавақт ўз ҳаёт йўлимни ёритдим.

Амир Темур давлат асосини ўн икки тоифа ташкил этишини, улардан ҳар бирининг ўз ўрни ва хизмати мавжудлигини кўрсатади.

Булар:

- 1) сайидлар (пайғамбар авлодлари), уламо, машойих фозил кишилар;
- 2) донишманд ва ишбилармон, тадбиркор кишилар;

- 3) Художўй ва тарки дунё қилган кишилар;
- 4) Нуёнлар, амирлар, мингбошилар, яъни ҳарбий кишилар;
- 5) Сипоҳи ва раият (солиқ тўловчи авом халқ);
- 6) Махсус ишончли кишилар;
- 7) Вазирлар, саркотиблар;
- 8) Ҳокимлар (файласуф, донишманд кишилар), табиблар, мунажжимлар, мухандислар;
а) тафсир ва ҳадис олимлари;
- 9) Суфийлар мушойихлар, худони таниган филосифлар;
- 10) Касб-хунар эгалари;
- 11) Савдогар ва сайёхлар;

Амир Темур давлатни бошқаришда сиёсий ва ҳуқуқий фаолиятини бошқариб боришда қўйидаги 2та тамойилга эътибор берган.

Биринчидан, дин ва шариатга катта эътибор берган.

Иккинчидан, давлатни бошқаришда юқорида айтганимиз икки хил раятнинг ҳар қайсисига ўзига хос муносабат ўрнатган.

Учинчидан, маслаҳат, кенгаш, тадбиркорлик, хушёрлик, эҳтиёткорлик.

Тўртинчидан, давлат ишларини маълум қатъий қонун-қоидаларга риоя қилиббошқариш.

Бешинчидан, Амирлар ва сипоҳийларни хизматларига яраша тақдирлаш.

Олтинчидан, адолат ва инсоф билан иш тутиш.

Еттинчидан, сайидлар, уламою, машойиклар, ақлли доноларга алоҳида эътибор бериш.

Саккизинчидан, ҳар бир ишни охиригача етказиш, қатъийлик, сабр бардош.

Тўққизинчидан, раият ахволидан огоҳ бўлиш, ҳаммани тенг кўриш.

Ўнинчидан, турли миллат вакилларига бир хил муносабатда бўлиш.

Ўн биринчидан, қариндошлар, қўшинлар, дўстларни эъзозлаш.

Ўн иккинчидан, сипоҳийларга алоҳида ҳурмат, ғамхўрлик кўрсатиш.

Амир Темурнинг хизмати улканdir:

Биринчидан, у мамлакатни мўғул босқинчилардан озод этди.

Иккинчидан, мустақил ўзбек давлатчилигига асос солди.

Учинчидан, Мамлакатни тузукларга (қонунларга) асосан бошқаришни таъминлади.

Тўртинчидан, адолат ва маърифат ишларини йўлга қўйди. «Куч-адолатда» деган шиорга асосан.

Бешинчидан, қўшни давлатларни ҳам босқинчилардан, зулм ва зўравонлик ўтказаётган диктаторлардан тозалади ва у ерларда қонуний тартиб ўрнатди.

Олтинчидан, Самарқанд (пойтахтининг) дунё марказига айлантириди. Бу ерга узок Испания, Франция, Англия, Хитой каби мамлакатлардан кўплаб элчилар, саёхлар, савдогарлар, олимлар келиб кетадиган пойтахтга айлантириди.

Амир Темур ўрта асрларда Туркистонда шундай шарт-шароит яратди, унда Улуғбек абсирваторияси, Алишер Навоий, бобур ва бошқалар ўз асарлари, одил сиёsatлари билан дунё жамоатчилигининг дикқат эътиборини тортишга муваффақ бўлди. Бу буюк ишларнинг амалга оширилишининг бошида, сўзсиз, Амир Темур турар эди.

У давлат ва жамият қурилишида, уни бошқаришда адолат ва қонунийликка асосланди. Ўз замонида халқлар орасида кенг тарқалган Ислом сиёсий идеологияси ва унинг қонунлар тизими-шариатни амалда кўллади ҳамда унга қўшимча тарзда ўз «тузукларини» яратди. Унинг сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлари, ўгитлари, кўрсатмалари темурийлар даврида дастури амал бўлиб хизмат қилди.

Бугун Ўзбекистонда Амир Темур ва темурийларга бўлган эътиборнинг сабаби ҳам ана шундадир.

2-& Захириддин Муҳаммад Бобурнинг сиёсий ва ҳуқуқий қарашлари

Тарих саҳифаларидан муносиб ўрин эгаллаган буюк ватандошларимиз-дан бири – ёзувчи ва шоир, саркарда ва давлат арбоби Захириддин Муҳаммад Бобур (1483-1530).

Бобур 1483 йил 14 февралда Фарғона вилояти (улуси)нинг пойтахти Андижонда туғилган. Унинг отаси Умаршайх Мирзо Амир Темурнинг набираси Султон Абусаид Мирзонинг катта ўғли бўлиб, Фарғона вилоятининг ҳокими эди. Онаси – Қутлуг Нигорхоним Тошкент ҳокими Юнусхоннинг қизи эди.

1494 йилнинг ёзида Умаршайх Мирзо бевакт вафот этгач, 12 ёшли Бобур тахтга ўтиради. У ҳали жуда ёш бўлишига қарамасдан, мамлакатни доноларча бошқара бошлайди.

Маълумки, ўша даврда Амир Темур яратган салтанат таназзулга юз тутган эди. Бобур Амир Темур давлатини қайта тиклаш мақсадида Самарқандга уч бор юриш қиласи.

Дастлаб 1495-1496 йилларда Самарқандни ишғол қиласи, лекин укаси Жаҳонгир Мирзо ва тоғаси Али Дўст Андижонда фитна уюштиргач, орқага қайтади. Иккинчи маротаба 1499-1500 йилларда Самарқандга юриш қиласи, аммо Шайбонийхондан ёнгилиб, Тошкентга чекинади. Унинг сўнгги марта 1504 йилда Самарқандни Эрон шохи Исмоил Сафавий ёрдамида босиб олиши муваффақиятсиз чиқади. Шундан кейин, Бобур юзага келган зиддиятли сиёсий шарт-шароит туфайли ватанини ташлаб кетишга мажбур бўлади ва Афғонистон томон йўл олади.

Бобур 1504 йилда Қобулни эгаллаб, у ерда қарор топади, Афғонистонда ўз ҳокимиютини мустаҳкамлайди ва ижод билан шуғулланади. У ўзга юртда доимо ватанини кўмсаб яшайди. Бобурнинг ватанга қайтиш орзуси амалга ошавермагач, Ҳиндистонни эгаллашга қарор қиласди ва 1519-1525 йилларда Ҳиндистонга бир неча бор юриш қиласди. Нихоят, 1526 йилнинг апрель ойида Панипат жангиди Султон Иброхим Лўдийни енгиб, Дехли ҳамда Агра шаҳарларини эгаллайди ва Ҳиндистонда Бобурийлар сулоласига асос солади. Шундай қилиб, Бобур ҳаётининг сўнгги йилларини Ҳиндистонда ўтказади ва 1530 йил 26 декабрда вафот этади.

Бобур Мирзо таниқли саркарда ва давлат арбоби бўлиши билан бирга, буюк ёзувчи ва шоир ҳам эди. У қисқа умр кўрган бўлишига қарамасдан, жаҳонга машҳур бўлган "Бобурнома", "Мубайин", "Аruz risolasi" ва "Хатти Бобурий" каби асарларни яратишга ҳам улгурди.

Албатта, Бобур яратган асарлар орасидан энг нодири "Бобурнома" қомусий асаридир. Машҳур венгер шарқшунос олими Ҳерман Вамбери бу асарни "Шарқ Цезарининг комментариялари"¹ деб баҳолайди.

"Бобурнома" уч қисмдан иборат. Биринчи қисмда 1493 йилдан 1504 йилгacha Мовароуннахрда бўлиб ўтган воқеа-ҳодисалар ҳақида баён қилинади. Иккинчи қисм 1504-1524 йилларда Афғонистон (Қобул улуси) даги воқеа-ҳодисалар билан боғлиқ.

Учинчи қисмда эса, 1525-1529 йилларда Шимолий Ҳиндистондаги сиёсий воқеа ва ҳодисалар ҳақида ёзилган.

"Бобурнома" да 1509-1518 йиллар, 1521-1524 ва 1529-1530 йиллардан бўлиб ўтган воқеа-ҳодисалар тўғрисидаги маълумотлар йўқолганлиги сабабли берилмаган.

Маълумки, Бобур ўз асарларида бошқа масалалар қатори, сиёсий ва хуқуқий масалаларга ҳам тўхталиб ўтган. У ўзининг давлат ҳақидаги қарашларида давлатларни икки турга бўлиб кўрсатади:

1. Адолатли, марказлашган давлат.
2. Адолатсиз, тарқоқ давлат.

Бобур доимо адолатли, марказлашган давлат тарафдори бўлган ва давлатни одил, адолатпарвар подшо ёки шоҳ бошқариши керак деб хисоблаган. Унинг фикрича, давлат бошлиғи ҳамиша оддий, меҳнаткаш халқ ҳақида ўйлаши ва ғамхўрлик қилиши зарур:

"Давлатқа етиб меҳнат элин унутма,
Бу беш кун учун ўзингни асру тутма".²

¹ Бобур З.М. Бобурнома. Т., Шаре. 23 -б.

² Бобир. Танланган асарлар. Т., "Ўеитувчи". 1976, 74-бет.

Бобур давлат бошқарувида диний эътиқод ва виждан эркинлиги масалаларига ҳам катта эътибор берган ҳамда ўғиллари Ҳумоюн Мирзо ва Комрон Мирзоларга ҳам ушбу масалалар юзасидан оқилона маслаҳатлар берган. Жумладан, ўғли Насириддин Муҳаммад Ҳумоюнга аталган васиятида шундай деб ёзган: "...Эй фарзанд! Ҳиндистон мамлакати турли мазҳаблардан иборат. Субхонолло таолло ҳаққи сенга буюрилдики, ҳар бир мазҳабга пок қалб билан қарагин, ҳар бир мазҳаб ва тариқатга адолатли бўл.

Хусусан, сигирни қурбон қилишдан сақлангинки, бу Ҳиндистон халқининг қалб ардоғи ва бу вилоят аҳли подшохга яхши назар билан боғланади. Подшоҳ фармонига бўйсунган халқни хароб қилмагин.

Адолатни ихтиёр қилгин. Шунда шоҳ раиятдан, раият шоҳдан хотиржам бўлади. Исломнинг тараққиёти эҳсон тифи билан яхшироқдир, зулм тифи билан эмас. Аҳли суннат ва шиаларнинг икир-чикирларидан кўзингни юм. Чунки исломга қаршилар бор. Турли эътиқоддаги халқларни тенг тутгинки, шунда салтанат турли ташвишлардан холи бўлади.

Ҳазрат Соҳибқирон Амир Темурнинг иш юритишлари доимо ёдингда бўлсин. Шунда давлатинг маъмур ва пухта бўлади....".¹

Бобурнинг ҳуқуқий қарашлари асосан унинг "Мубаййин" асарида ўз ифодасини топган. "Мубаййин" – Ислом дини асосларини баён этувчи йирик асар бўлиб, беш қисмдан иборат:

1. Эътиқодийя;
2. Китобу-с-салот;
3. Китобу-з-закот;
4. Китобу-с-савм;
5. Китобу-л-ҳаж.

Маълумки, Бобур ўз салтанатида асосан шариат қонун-қоидаларига амал қилиб иш тутган, лекин баъзи бир соҳаларда маҳаллий шарт-шароитдан келиб чиқиб, янги қонун-қоидаларни ҳам қўллаган ва ислоҳотлар ўтказган.

Масалан, у ўша даврда Ҳиндистонда амал қилган солиқлар тизимини ўзгартиради:

1. Муқассама – етиштирилган ҳосилнинг бир қисми натура шаклида тўланади.
2. Муваззаф – кадастрда қайд қилинган ердан олинадиган солик.

Закот моллари тўртга бўлинган:

- 1) нақдина – пул солиғи;
- 2) савойим – ҳайвонлардан тўланадиган солик;
- 3) тижорат – ер солиғи;
- 4) савдогарчилик асосида тушадиган даромаддан олинадиган солик;

¹ Бобур З.М. Бобурнома. Тошкент. «Шарқ» 2002, 331-бет.

- а) нақдина – мусулмон савдогарлардан олинадиган пул солиғи;
- б) тижорат амволининг баёни – мусулмон бўлмаган савдогарлардан олинадиган пул солиғи.

Бобур савдодан олинадиган тамға солигини бекор қилади.

У солиқлар адолатли даражада бўлиши ва бу солиқлардан йифиладиган маблағлар давлатнинг ва шу давлат аҳлининг равнақи учун хизмат қилиши тарафдори бўлган.

Захириддин Мұхаммад Бобур ўзидан сўнг бой илмий мерос қолдирган ва биз, бу меросни чукур ўрганмоғимиз ҳамда авайлаб-асрамоғимиз лозим, чунки Бобур яратган қадриятлар, мамлакатимизда фуқаролик жамияти ва демократик хуқуқий давлатни шакллантириш жараёни кетаётган ҳозирги бир даврда, ўсиб келаётган ёш авлод учун юксак маънавий-маърифий аҳамиятга эга.

3-&. Навоийнинг сиёсий ва хуқуқий қарашлари

Алишер Навоий (1441-1501) Ҳирот шаҳрида дунёга келди. Буюк шоир, мутафаккир, ўз даврининг илғор намоёндаларидан бири. Унинг бой ва серқирра илмий адабий меросида ижтимоий-сиёсий ҳаёти, даврнинг барча муаммолари ўз ифодасини топган. Улуғ мутафаккир фақат илмий-бадиий ижоди билангида эмас, ўзининг давлат арбоби сифатида ижтимоий-сиёсий фаолияти ва ғоялари билан ҳам машҳурдир.

Навоий Ҳусайн Бойқаро салтанатида мулқдорлик, яъни бош вазир вазифасини бажарган пайтида унинг илғор ижтимоий-сиёсий идеаларини амалга оширишга ҳаракат қилди. Унинг ижтимоий-сиёсий қарашлари меҳнаткаш халқ манфаатлари, орзуумидларига қаратилган эди. Ҳукмдорларни адолат ва инсофга чақириш Инсонни улуғлаш, адолат ва қонунийликнинг қарор тонтариш сиёсати Навоий барча асарларининг марказий ғоясидир. Ўзаро қирғин урушларга чек қўйиш, мамлакатда тенг хуқуқликни тиклаш учун энг аввало инсонпарвар бўлиш керак, деб уқтиради шоир.

Навоий Астробод ҳокимлигини бошқарган пайтларда у Ҳусайн Бойқарога мурожат этиб, саройдаги адолатсизликларга барҳам беришини талаб этади.

Алишер Навоий давлат қурилиши ишларига ҳам фаол иштирок этади, саройда тартиб-интизом, қонунларга риоя этиш, чинакам бошқариш усулини яратиш каби ишларни бажаришда ўз амалидан фойдаланади.

Алишер Навоий Амир Темур ва темурийлар қолдирган сиёсий, хуқуқий қарашларга катта хурмат билан қаради ва уни фаолияти, асарларида давом этирди. Шоҳларни, шаҳзодаларни адолатга, қонунчиликка риоя этишга тузукларни, "Зафарномаларни" ўрганишга

Навоийнинг «Хамса», «Махбубул қулуб» ва бошқа асарларида адолат ва адолатсизлик ўртасидаги жиддий кураш сабаблари ва оқибатлари таҳлил этилади. Бадиий образларнинг характерларнинг ички олами, улар ўртасидаги тўқнашувлар орқали шоир адолатни химоя қилади, адолатсизликка қарши чексиз ўз нафратини баён этади. Адолатсизлик қўпинча амалдорлар, ҳокимлар подшоҳлар фаолияи билан боғлиқ. Халқ ҳамма вакт адолат тарафдори бўлиб келган.

Адолатсизликнинг марказида дунёқарашдаги чалқашлик, дини исломнинг илоҳий талабаларини билмаслик ёки унга риоя этмаслик, айшу-ишратга берилиш этади. Хусусан мансабпарамастлик иллати барча адолатсизликларнинг бош омилидир. Дарҳақиқат, мансабпарамастлик шундай иллатки у виждан, диёнат, адолат деган муқаддас тожу-тахтга интилиш, бу борада ҳар қандай жирканчликдан ҳам қайтмаслик охир-оқибатда давлатчилик тизимиға катта зарба етказади. Адолатсизлик билан қўлга киритган тожу-тахтнинг умри бокий бўлмайди.

Навоий идеал шоҳ ҳақидаги, адолатли ҳукмрон ҳақидаги ўз ғояларини «Садди Искандарий» достонида ифодалайди. Искандар образи Навоийни орзузи унинг ижтимоий идеалидир. Бу идеални амалга ошироқ учун энг муҳим подшо билан халқ ўртасида адолатли муносабатларнинг ўрнатилишидир. Навоий бундай адолатли мамлакатни ўз замонасида амалда учрата олмагани учун бутун ғояларини, идеалларини, орзу-ўйларини ўз асарлари орқали тараннум эта бошлайди.

Искандар образи шоирнинг барча идеалларини ўзида жамлаган адолатли шоҳ образидир. Албатта, хаётда яшаб ўтган Александр Македонский Навоий тасвиrlаганидек адолатли ҳукмрон бўлмаган. Аммо шу образни ўз идеалига бўйсундириб, одил шоҳ қанақа бўлишини ўз даври ва ундан кейин келадиган ҳукмронларга намуна қилиб кўрсатган.

Навоий золим, адолатсизлик шоҳларга қарши курашнинг маърифатли шоҳ-Искандар орқали амалга оширилишини истайди. Давлат ва қонун асосий раҳбар куч деб билади. Алишер Навоийнинг «Фарход ва Ширин» достонидаги Фарход образи ҳам шоирнинг идеалини ифодалайди. Фарход халқпарвар, адолатпарвар, юксак билим ва эътиқодга эга бўлган олижаноб инсон. Фарход образи Навоий тасаввуридаги комил инсон образидир. Фарходнинг кичиклигидан илмга ҳаваси катта эканлигини, у Сукротдан дунё сирларини ўрганганини, илму-хунарнинг аксариятини эгаллаб олганлигини, халққа, одамларга меҳри катта эканлигини инобатга олсан, ҳақиқатдан ҳам Фарход барча даврлар, барча замонлар, барча халқлар учун юксак намуна, чинакам комил инсон образи бўлиб қолаверади.

Навоий асарларида эркин адолатли меҳнат тасвири кенг ўрин эгаллайди. Меҳнат қилиш ҳар бир кишининг инсоний бурчидир. Болоғат ёшига етган ҳар бир инсон мансаби ва келиб чиқишидан қатъий назар меҳнат қилмоғи зарур. Навоийнинг бу концепцияси ўша

даврда мавжуд бўлган ижтимоий тузум анъаналарига мос келмас эди. Аслзодалар, шоҳзодалар, бою бадавлат одамлар, руҳонийлар ўзлари меҳнат қилмай, бирорларнинг меҳнатлари асосида айшу-ишрат қилишарди. Навоий Фарҳод образи орқали меҳнатнинг ҳамма учун тенглиги ғоясини илгари суради. Шоҳзода, аслзодалардан келиб чиқкан. Фарҳод тинмай меҳнат қиласи, илм, хунар ўрганади, пайти келиб, у ўз хунарларини одамларга бағишлади.

Умрни зое этма меҳнат қил,
Меҳнат саодатнинг калиди бил.

Навоийнинг Хусайн Бойқаро вазифаларига қарата қилган мурожатномасида улуг мутафаккирнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари ўзининг яхлит якунини топган. Навоий Хусайн Бойқаро давлатни идора қилиш ҳақида «Муншаотлари»да (хатларида маслаҳатлар берган). Биз шу мактубдан бир-икки жойни келтириб ўтамиз Навоий шундай ёзади: «Сизларга ҳазрати ҳақ субҳоноҳу таоло бу давлат ва мартабани қарам қилиб, подшоҳга яқин бўлиш саодатини иноят қилган экан илтимос шуки, ўзини ғуур ва ғафлатга йўлламасалар ва у дунё охират ўткинчига қолмасалар, ожизаларга, кўл остидагиларга шафқату меҳр кўрсатсалар ва мазлумлар ишини марҳамату яхши сўз билан битирсалар ва дунё моли учун бир-бирлари билан олишмасалар, нафс қийналадиган сабр ва чидам паноҳига қочсалар».

Навоий давлат тарихига оид асарлар ёзган мутафаккир унинг "Тарихи мулуки Ажам", "Тарихи анбиё ва ҳукамо" асарлари Ажам (араблар Турон ва Эрондаги давлатни яъни арабдан ташқаридаги давлатни "Ажам" деганлар) давлатнинг тўрта сулолага (табақага) бўлади ва уни бундан тўрт минг йил аввал ташкил топгани тўғрисидаги маълумотларни берган. У давлат сўзини "мулк" атамаси билан алмаштиради. Асарда қадимги Ажамда 65 тадан ортиқ шоҳларнинг номлари эсланиб, уларнинг ишларига баҳо берилади. Энг биринчи шоҳ Қаюмарс эди дея ёзган. Бундан ташқари қадимги ҳукумдорлар ва пайғамбарлар тарихи ҳам баён этилган.

Навоий давлат арбоби сифатида мамлакатда тинчлик ва маърифат ишларини ривожлантириди. "Ихлосия", "Шифоия", "Низомия", "Халосия" каби кўплаб мадрасалар, мактаблар қурдиради. Бу мадрасаларда замонасининг етук шоирлари, тарихчилари, олимлари билим олишади. Мирхонд ва Хондомирлар ўз асарларини ана шу кутубхоналарда ёзганлар.

Навоий Адолат, ҳокимият, қонуни, маслаларини инсоннинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга даъват этган жаҳон цивилизациясига ўз ҳиссасини қўшган мутафаккир эди.

VII-боб. ФАРБИЙ ЕВРОПАДА ЎРТА АСРЛАР СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАРИ

1-&. Кириш

IV асрнинг охири ва VI асрнинг иккинчи ярми оралигига Рим империясининг қулаши билан бирга антик давр ҳам тугади, ўрта асрлар бошланди. Минг йилдан кўпроқ вақтнинг ўз ичига олган бу давр феодализмнинг пайдо бўлиши, ривожланиши ва инқирозга учраши давридир.

Феодал жамиятнинг иқтисодий асосини ерга бўлган феодал мулкчилиги ташкил қиласди. Қирол энг катта ер эгаси ҳисобланар эди. У ўз вассаларига ер тақдим этарди, вассалар бунга жавобан қиролга ҳарбий кўмак кўрсатиши ва солиқ тўлашлари шарт эди. Феодаллар ўз навбатида дехқонларни ишлатиш билан бир қаторда, хосилини ҳам бир қисмини ўзига олардилар.

Х асрдан бошлаб давлат ҳокимияти кучая бошлайди. Қиролнинг вассалар устидан ҳукумронлиги дам кучайиб, дам сусайиб борди. Ўрта асрларнинг охирларида марказлашган давлатлар юзага келди. Расмий ҳокимият абсолют монарх қўлига ўтди.

Давлат ҳокимиятининг кучайтириш мақсадида қирол томонидан ташкил қилинган хукумат ва унинг амалдорлари давлатни бошқаришдаги иштироки туфайли маълум ҳокимиятни қўлга киритдилар. Натижада қирол ва давлат аристократияси ўртасида кескинлик пайдо бўлди.

Бу кескинликни бартараф қилиш йўлида қирол пайдо бўла бошлаган учинчи табақадан таяч изларди. Тахминан 17-асрнинг охиргача учинчи табака асосан абсолютизмни қўллаб-кувватлаб келди.

Давлат билан бир пайтда черков ҳам ривожланиб борди.

Ўрта асрнинг илк давридан бошлаб ҳаётий муаммолар билан қизиқишилар доираси асосан маънавий масалалар билан чекланди. Одамлар ўз ҳаётидаги ўта оғир муаммолар ечимини диндан изладилар.

Сиёсий ҳуқуқсизлик, моддий начорлик ва жисмоний азоб-уқубатлар, ёвузилик ва ирода заифлашишига қарамай ҳар бир киши умид билан яшарди. Христианлик ҳар бир кишига мурожаат қиласарди ва умид берарди. Ердаги ҳаёт, деб уқтиради христианлик, драмматик тарихий жараённинг бир қисмидир холос. Унинг охирида ҳар бир кишини бу ҳаётдаги ноҳақликлар ва азоб-уқубатлар учун одил мукофат кутади. Булардан юқорида Тангри-Худо, яратувчи меҳрибон ва одил рух туроди. Ердаги барча мавжудод Худо томонидан одамларнинг макони сифатида паноҳ топиши учун яратилган. Барча учун умумий қонун Худонинг амри мавжуддир. Барча одамлар teng, зотан уларни Худо ўзига ўхшатиб яратгандир.

Бундай тушуниш табиий ҳуқук, умуминсоний бирдамлик ва тенглик ғоялари учун замин бўлиш имкониятини яратар эди.

Янги христианлик ғоялари сиёсий ва ҳуқуқий таълимотларда ҳам ўз аксини топди. Христианлик ҳукумрон динга айланган вақтдан бошлаб Ўрта асрлар сиёсий ҳаёти ва сиёсий тафаккурига жиддий таъсир кўрсатди. Жамиятда давлатдан ташқари черков институти юзага келди. Бу институт ривожланиб борди ва IV асрдан бошлаб Ўрта асрлар охиригача давлат ва черков ўртасидаги муносабатлар ўзаро рақобатда ўтди.

Амалдаги қонунларни асослаш учун табиий ҳуқуққа мурожат қилинарди. Яъни табиий ҳуқуққа таянган ва унинг ифодаси деб талқин қилинган қонунларгина мақсадга мувофиқ ҳисобланарди. Шунинг учун ҳам табиий ҳуқуқнинг расмий ваколатга эга бўлган талқинчиси ким эканлигини аниқлаш муҳим аҳамият касб этди.

Черков давлатнинг аҳлоқий ва диний масалалари бўйича расмий талқинчи мавқейини қўлга киритганидан кейин дунёвий ҳукмдорларнинг танқид қилиш учун маълум асослар пайдо бўлди. Бу Европада озодлик ғояларининг ривожланишида муҳим аҳамият кабс этди.

Черков дунёвий хукмдорларга итоат қилишни тарғиб қиласынан. Зотан черков дунёвий хукмдорлар этик ва диний талабларга риоя қилмаяпты деб топған тақдирда, ўзининг бу чакириғидан воз кечиши хам мүмкін эди. Назарий жиҳатдан давлат билан черков ўзаро ҳамкорлық қилишлари керак эди. Аммо улар нисбатан мустакил институтлар бўлгани туфайли, кўпинча хам папа, хам императорни улуғлаш керак бўларди. Дунёвий ҳокимият ва черков ҳокимияти ўртасидаги муносабатлар қўплаб қарама-қаршилик ва низолар билан характерланади. Тарғиб қилиш қобилиятига эга бўлиш учун черков етарли иқтисодий асосга, яъни маълум даражада дунёвий ҳокимиятга эга бўлиши керак эди. Хукмдорлар эса маълум диний обрўга эга бўлишлари лозим эди. Бу икки ҳокимиятлар ўртасидаги муносабатларни кескин тус олишга сабаб бўларди.

2-&. Августиннинг сиёсий-хуқуқий қарашлари

Мана шу икки ҳокимиятлар ўртасидаги муносабатларга ўзича изоҳ берган, антик даврни христианлик даври билан боғлаган дастлабки буюк теологлардан бири Августин эди (354-430). У лотин тилида жуда кўп асалар яратди. Ўзининг "Худо шахри ҳақида" асарида Августин тарих ҳақидаги тасаввурини ва икки шаҳар ("Подшолик")- Замин шахри ва Худо шахри ҳақидаги таълимотини ишлаб чиқди.

Августин фикрича инсон Худо яратган энг улуғ мавжудоддир, барча нарсалар инсон учун яратилгандир. Инсон эса паноҳ излайди. Инсоннинг ички дунёси турли- ҳис туйғулар, ирода, истакларнинг кураш майдонидир, паноҳ топишга бўлган истак соҳасидир. Бироқ инсон ўзининг ички дунёсини бошқаришга қодир эмас. У марҳаматга, илоҳий ёрдамига муҳтождир. Инсон эркин иродага эга бўлсада, Худонинг паноҳ топиш режасининг бир бўлагидир холос.

Августин рух ва тананинг ўзаро муносабати ҳақида шундай дейди: Рух инсоннинг илоҳий жиҳатларини ифодалайди. Тана эса гуноҳ манбаидир. Инсон бутун эътиборини имкон қадар танадан эркин бўлиб Худога яқинлашиш учун рухга, ўзининг ички оламига қаратиши керак.

Августин ҳар бир кишининг ичида Худо ва Иблис ўртасида кураш боради деб ҳисоблайди. Августин бундай курашни тарихий даражада Худо шахри ва Замин шахри ўртасидаги қарама-қаршилик шаклида ҳам қуради. Ҳар бир индивидуал ҳаёт паноҳ ва

гуноҳ ўртасидаги кураш майдони бўлгани сингари, тарих ҳам эзгулик ва гуноҳ "подшолиги" ўртасидаги кураш майдонидир.

Черков маълум маънода Худо "подшолиги"ни, Империя эса – замин "подшолиги" ни ўзида ифода этади, деб ҳисоблайди Августин.

Августин замин подшолигини бўлиши шарт ва зуур деб билади. Инсоннинг табиати гуноҳ қилиш оқибатида бузилгани боис, кучли ер подшолиги ёвузыкни жиловлаш учун зарур деб ҳисоблайди. Ҳатто гуноҳ бўлмаган тақдирда ҳам жамиятда маълум тартиб ва бошқарув шакли бўлиши керак.

Ер подшолиги ҳукумдорлари Худо томонидан тартиб сақлаш учун тайинланади. Ҳалқ, Ҳудонинг иродасига бўйсуниши шарт бўлгани боис, бу ҳукумдорларга ҳам бўйсунишга мажбурдир.

Дунёвий подшолик одамлардаги ёвузыкни Худо подшохлигисиз (чековсиз) бартараф қила олмайди. Христианлик давлатининг барча аъзолари бир вақтнинг ўзида ҳам папанинг, ҳам императорнинг фуқароларирилар, дейди Августин.

Давлат ва черков ҳокимиятларининг иккиси ҳам Худодан ва бинобарин, улар бир ҳилда қонунийдир, деган таълимотни илгари суриб V асрда Папа Геласий I майдонга чиқди.

800-900 йиллар мобайнида бу таълимотни черков ҳам, давлат ҳам қабул қилди. Аммо улар ўртасидаги келишув қўпроқ оғиздагина бўлиб қолди.

XIII асрга келиб Фарбий Европада, асосан черков доираларида, интелектуал фаоллик рўй берди. Араблар орқали Арасту қайта кашф қилинди. Фалсафа соҳасида Фома Аквинский христианлик ва аристотелизм синтезини амалга оширди. Бу синтез шу қадар муҳим аҳамият касб этдики, кейинчалик Рим-католик черкови Фома Аквинский таълимотига ўзининг расмий фалсафаси сифатида қарай бошлади.

3-&. Фома Аквинскийнинг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари

Фома Аквинский (1226-1274) ўрта аср диний сколастикасининг кўзга кўринган намоёндаси. Унинг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари "Теология мажмуи", "Хукмдорларнинг бошқаруви ҳақида", ҳамда Аристотелнинг "Сиёсат", "Ахлоқ" асарларига ёзилган изоҳларида баён қилинган.

Ҳуқуқ ва қонун муаммоларини Фома Аквинский христиан динининг инсон ва унинг ҳаёт мазмуни ҳақидаги тасаввурларига таянган ҳолда ёритади. У қадимги дунё мутафаккирларининг табиий ҳуқуқ ва адолат ғояларига, айниқса Арастунинг сиёсат ва инсон "сиёсий махлук" таълимотига диний нуқтаи назардан ёндошиб мурожаат қиласди.

Фома Аквинский таълимотига кўра олам ва ундаги тартибнинг ижодкори Худодир. Инсон ҳаёти ва ҳаракатларининг илдизи Худодадир.

Шу билан бирга инсон ақл ва эркин иродага эга мавжудотдир. Ҳар қандай эркинликнинг илдизини ақл-идрок (интелектуал қобилият) ташкил қиласи. Инсоннинг эркин иродасини яхшиликка ундовчи барча ҳаракат Худо амрига, ақл-идрок, адолат ва яхшиликка қаратилган бўлиши керак.

Фома Аквинский бу фикрини ўзининг қонун ва хуқуқ ҳақидаги таълимотида конкретлаштиради. Қонун, - дейди у, - ҳаракатнинг маълум қоидаси ва ўлчовидир. Унинг моҳияти инсон ҳаёти ва фаолиятини тартибга солишдан иборатдир. Қонун жамият аъзоларининг умумий фойдасини ифода қилиши зарур. У бевосита жамият томонидан, ёки унинг ишончига эга бўлган вакиллари томонидан жорий қилинади. Қонун эълон қилиниши шарт.

Фома Аквинский қонунларни қўйидаги туркумларга ажратади: абадий қонун, табиий қонун, инсон яратган қонун, илоҳият қонуни.

Абадий қонун илоҳий ақл-заковатнинг ифода этувчи коинотнинг умумий қонунидир. Бу қонун оламнинг мутлоқ қоидаси ва тамоилии сифатида табиий ва ижтимоий жараёнларнинг барчасини идора қиласи ва уларни ақлга мувофиқ ривожланишини таъминлади.

Абадий қонун умумий бўлганлиги учун ҳам барча бошқа қонунларнинг манбаъидир. Бу қонун бевосита табиий қонунда намоён бўлади. Табиий қонунга мувофиқ Худо яратган барча нарсалар, жумладан инсон ҳам, ўзининг табиий хоссаларига кўра ўз қонунларига эга ва шу қонунларга биноан ривож топади.

Инсон ўз табиатига кўра яхшилик ва ёмонликнинг ажратиш қобилиятига эга, эзгуликка интилади, яхшилик талабига мос ҳаракат қилишга мойилдир. Яъни инсон ўзининг амалий фаолиятида яхшилик қилиш ва ёмонликдан қочиш талабига амал қиласи. Бошқа одамлар билан бўладиган муносабатларда инсон табиий туғма интилиш, инстинкт ва иштиёқлари билан белгиланадиган қоида ва талабаларга риоя қиласи. Булар ўз жонини сақлашга тиришиш, оила қуриш ва фарзанд кўриш, бошқа одамлар билан мулоқатда бўлиш, Худога интилиш ва ҳакозолар.

Табиий қонун талабларига риоя қилиш инсон учун ақл-идрокка мувофиқ ҳаракат қилиш демакдир.

Одамларнинг жисмоний, эмоционал ва интеллектуал табиий хусусиятлари, ҳаёт шароитлари бир хил бўлмаганлиги сабабли улар табиий қонун талабларини ҳар хил тушунадилар ва тадбиқ қиласилар. Оқибатда барча учун бир хил мажбурий бўлган табиий қонун талабларига зид ҳаракатлар ҳам пайдо бўлади.

Инсон қонунининг пайдо бўлиши илдизи мана шундадир. Инсон қонуни табиий қонун талабларига асосланганда гина одамларнинг муҳофаза қила олиши, инсон ҳаётининг турли шароитларига мос ҳолда қўлланиши мумкин бўлади.

Инсон қонуни мажбур қилиш санкцияси билан таъминланган ижобий қонундир, дейди Фома Аквинский. Яхши фазилатга эга одамлар бусиз ҳам ашашлари мумкин, улар учун табиий қонуннинг ўзи кифоя, лекин насиҳатга қулоқ солмайдиган, эътиқодсиз одамларни заарсизлантириш учун жазо ва мажбур қилиш керак. Буни борлигидан одамлар қўрқиши керак. Шу туфайли одамларда аҳлоқий фазилатлар ривож топади, ақла мувофиқ, яхшиликка амал қилиш одатлари шаклланади.

Инсон қонуни табиий қонун талабларига мос келмаса у қонун эмас, қонуннинг бузиш, ундан четга чиқишидир. Шу фикрдан келиб чиқиб Фома Аквинский адолатли ва адолатсиз қонунларни ажратади.

Инсон қонунларининг мақсади одамларнинг умумий фойдаси, баҳт-саодатига хизмат қилишдан иборат. Бу инсоний қонуннинг асосий белгиси ва сифатидир.

Инсоний қонун оддий одамлар бажариши мумкин бўлган талабаларни қўйиши, уларнинг заифлик ва камчиликларини ҳам ҳисобга олиши керак. У барча учун тенг, бир хил талаб ва жазо белгилаши, тегишли инстанция томонидан қабул қилиниши шарт. Мана шу белги ва хоссалар бўлганда гина уни ижобий қонун деб ҳисоблаш мумкин, бўлмаса у қонун адолатсиз қонундир. Уни қонун деб қабул қилиш ҳам мумкин эмас.

Фома Аквинский икки хил адолатсиз қонун ҳақида фикр юритади.

Биринчиси, агарда қонунда унга хос биронта белги бўлмаса, масалан, қонун заминига умумий фойда ўрнига, қонун чиқарувчининг хусусий фойдаси қўйилган бўлса, ёки қонун чиқарувчи ўз хуқуқ доирасидан чиқиб кетса ва бошқалар. Фуқаролар учун бундай қонунлар мажбурий эмас. Лекин умумий тинчликни сақлаш ва қонунбузарлик одат бўлиб қолмаслиги учун уларга риоя қилиш тақиқланмайди.

Адолатсиз қонунларнинг иккинчи турини табиий ва илоҳий қонунларга зид бўлган қонунлар ташкил қиласи. Бу қонунларга риоя қилиш шарт эмас.

Диний қонунлар муқаддас кўхна васиятномаларда ифодаланган илоҳий ҳақиқат ва қоидалар. Фома инсоний қонун-қоидаларни илоҳий қонун қоидалари билан тўлдириш зарурлигини бир неча сабабларини кўрсатади.

Биринчидан, диний қонун инсон ҳаётининг охиратини эслатиш учун керак. Инсоннинг ўзи бунга ожиздир. Иккинчидан, диний қонун одамларнинг адолат, яхши фазилат ва камчиликлар ҳақидаги мунозараларида мезон вазифасини ўтайди. Учинчидан, диний қонун инсоннинг ҳар-хил талпинишларининг тўғри йўлга солиш учун керак. Чунки руҳий ҳаракатлар инсоний қонун доирасида эмас. Тўрттинчидан, диний қонун барча

ёвузлик, ёмонлик ва гуноҳ ишларни, шу жумладан инсоний қонун билан ман қилиб бўлмайдиган барча нуқсонларни таг-томири билан тутатиш учун керак.

Фома Аквинский ўзининг қонунлар ҳақидаги мулоҳазаларини ҳуқук ҳақидаги таълимоти билан тўлдиради. Унинг фикрича, ҳуқук Худо иродаси билан ўрнатилган турмуш тарзи, қоидалари ва ундаги адолат ҳаракатидир. Адолат бу аҳлоқий фазилатлардан бўлиб ҳар кимга ўзига тегишилисини, қилмишига яраша олишининг ўзгармас ва доимий ифодасидир.

Умуман Фома Аквинский ҳуқуқшуносликнинг изчил ва чуқур христиантеологик вариантини ишлаб чиқди. Унинг фалсафий-ҳуқуқий қарашлари табиий ҳуқуқнинг томистик ва неотомистик концепцияларида ўз ривожини топди.

VIII БОБ. ФАРБИЙ ЕВРОПАДА УЙГОНИШ ДАВРИ СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАРИ

1-&. Уйғониш даври хусусиятлари

Уйғониш даври XV- асрдан XVII- асрغا бўлган даврни ўз ичига олади. Бу давр қироллик ҳокимиятини абсолют монархияга айланиши ва мустаҳкамланиши, илк капитализмнинг вужудга кела бошлаши, феодал жамиятининг барҳам топиши билан характерланади. Феодализмдан секин-аста капитализмга ўтиш рўй бора бошлайди.

Янги давр марказлаштирилган ҳокимиятнинг кучайиши билан бир вақтда феодал тарқоқлигини тугатиш талаблари кучайиб борди.

Саноат ишлаб чиқариш, кемасозлик, ҳарбий ишни ривожлантириш эҳтиёжлари янги илмий тадқиқот методларини, ўрта асрчилликка хос схоластикадан воз кечишини тақазо қиласар эди.

Пайдо бўла бошлаган буржуа мафкураси номоёндалари диний ақидаларга нисабатан танқидий муносабатда бўладилар, мустақил илмий тадқиқотга интилиш кучайди. Инсоний эҳтиёжлар биринчи ўринга чиқди. Олимлар инсоннинг ижодий имкониятлари, унинг ақл-идрок қудратини улуғладилар. Антик маданиятнинг қайта тикланиши, диний Реформация, табиатшунослик фанларининг вужудга кела бошлаши уйғониш даврининг асосий хусусиятидир.

Бу ўзгаришлар сиёсий фикр соҳасида ҳам ўз аксини топди. Янги сиёсий таълимотларда черковга боғлиқ бўлмаган, марказлашган дунёвий давлат тузиш талаблари юзага кела бошлади.

Бу янги гояларнинг ҳимоячиси ва тарғиботчилари Италиядада Макиавелли, Францияда Боден ҳисобланади.

2-&. Макиавелли сиёсий қарашлари

Николло Макиавелли (1469-1527) сиёсий фикр тарихига ўзининг бир қанча ижобий асарлари билан кириб келди. Бу асарлар ичida унинг "Хукмдор" ("Государь") асари алоҳида ўрин эгаллайди.

Макиавелли биринчилардан бўлиб диний ақидалардан ҳоли бўлган сиёсий таълимот яратишга ҳаракат қилди. Унинг таълимоти сиёсий амалиётнинг кузатиш, тарих ва инсон психикасини ўрганиш асосига қурилган.

Макиавеллининг фикрича у одамларнинг хатти-харакатларини бир-хил хирс ва интилишлар белгилайди. Инсон табиатининг заминида амалпастлик, ғаразгўйлик ётади. Одамлар, дейди у, субитсиз, ношукур, қўрқоқ, мунофик, ичи қора, бошқаларни кўра оламайдиган хоссаларга эгадирлар. Қобилияти чекланган бўлса ҳам, хоҳишлари чекланмаган. Улар доим ҳозирги кундан норози, ўтмишни мақтайдилар, тахлид қилишни севадилар, лекин яхши нарсаларга нисбатан ёмон одатларни тезроқ ўзлаштирадилар. Инсон - "ўзининг дунёга келишини батамом асосли равища катта йиғи билан олқишлоччи энг ожиз ва ўрпешана махлукдир".

Донишманд ҳукмдор давлатни бошқаришда ўзини ахлоқ нормалари билан чекланмасдан одамларга хос мана шу хоссаларини ҳисобга олиши зарур, деб уқтиради. Шундагина у ўз олдига қўйган вазифаларни бажаришга қодир бўлади.

Макиавелли марказлашган миллий давлат тарафдори эди. У давлатни кучсизлантирувчи ва унинг яхлитлигини бузувчи барча нарсаларга нафрат билан қарайди ва аксинча, давлат қудратининг ошиб боришига, унинг бирлигини мустаҳкамлашга, чегараларини кенгайишига кўмак берувчи барча нарсаларни олқишлидай. У феодалларни, айниқса дворянлар тоифасини, черковни қаттиқ танқид остига олди. Уларни давлатнинг қудратли бўлишига тўққинлик қилувчи кучлар деб билди.

Макиавелли давлатнинг монархия ва республика шаклларини ажратади. У республиканинг афзалликлари ҳақида гапирса ҳам марказлашган ва қудратли давлат яратиш учун монархия қулайроқ дейди.

Қудратли давлатни яратиш йўлида ҳукмдор ҳеч нарсадан тоймаслиги керак, ахлоқ нормаларига ҳам риоя қилиши шарт эмас. У ҳукумдорга бераҳм ва айёр бўлишни, фуқароларга қўрқитув орқали таъсир қилишни маслаҳат беради.

Ҳукмдор шеърдан жассурроқ, тулкидан айёрроқ бўлиши керак, негаки, "тузоқни кўриш учун тулки, бўриларни жазосини бериш учун шеър бўлмоғи даркор".

Макиавелли ҳукмдорга қуролли кучга дикқат қилишни тавсия қиласди. "Агар яхши қўшинлар бўлса, яхши дўстлар доим бўлади". Яхши қонунлар қанчалик муҳим бўлмасин, давлатда қуролли куч муҳимроқдир, дейди у .

Макиавелли ҳукмдорга ўз душманларига нисбатан шафқатсиз бўлишни, жазолашда тезкор, жасур ва дадил бўлишни маслаҳат беради. Сусткашлик, иккиланиш ҳар қандай ишни йўққа чиқаради.

Макиавелли ўз даврининг сиёсий амалиётини акс эттирибгина қолмай, кейинги давр сиёсий ҳаёт хусусиятларини ҳам кўра билди. Сиёсий таълимотлар тарихида "макиавеллизм" номини олган тушунча Макиавеллининг фикрига мос сиёсатни англатади.

3-&. Боден сиёсий ва хуқуқий қарашлари

Жан Боден (1530-1596) француз сиёсий мутафаккири, хуқуқшунос, адвокат, прокурор лавозимларида ишлаган. Унинг асосий асари "Давлат ҳақида олти китоб" деб номланади. Бу асарда у сиёсий фикр тарихида биринчи бўлиб давлатнинг муҳим белгиси суверенитетга изоҳ беради.

Давлат бу оилалар мажмуидир, деб таъриф беради. Боден шу билан бирга давлатнинг оиласдан жиддий фарқ қилишини ҳам таъкидлайди. Бу фарқ давлат ҳокимиятининг олий суверен характерлигидадир. Суверен ҳокимият давлатнинг муҳим ва зарурий хоссасидир. Давлат ҳокимияти хеч кимга қарам бўлмаган олий ҳокимиятдир.

Боден суверен ҳокимиятнинг белгиларини кўрсатади. Суверенитет ягона ва бўлинмас: у қирол ва ҳалқ ўртасида бўлинмайди. Суверенитет ҳокимиятнинг мунтазамлигини билдиради. Уни вақтинча ёки маълум шарт билан бошқага топшириш мумкин эмас.

Боден қирол абсолютизимининг тарафдори сифатида суверенитет ҳокимиятнинг чекланмаганлиги, қонундан ҳам устиворлигини кўрсатади, дейди. "Суверенитет, - Боден таърифи бўйича, бу қонунларга итоат қилишдан озод бўлган гражданлар ва фуқаролар устидан ўрнатилган ҳокимиятдир". Суверен ўзи қабул қилган қонунлардан озоддир. Бироқ бу ҳокимият хеч нарса билан чекланмаган деган нарса эмас, дейди у. Ҳокимият Худо қонунларига ва табиий қонунларга итоат қилиши шарт. Бундан ташқари, дейди Боден, суверен фуқароларнинг хусусий мулкини хурмат қилиши, унга тажаввуз қилмаслиги зарур.

Суверенитет ягона ва бўлинмас бўлганлиги учун доим бир шахс ёки бир мажлис қўлида бўлади. Суверенитет ё қирол, ё аристократия, ё ҳалқ қўлида бўлиши мумкин. У бир неча турли органлар ўртасида таҳсимланмайди, ёки навбат билан ундан фойдаланилмайди.

Боденning суверенитет ҳақидаги таълимоти феодал тарқоқлигига қарши қаратилган бўлиб, Францияда марказлашган давлат вужудга кела бошлаган вақтида пайдо бўлди. У черковнинг дунёвий ҳокимиятга эга бўлиш учун қилган ҳаракатларига қарши қаратилган эди.

Боден давлат шакллари ичida монархияни афзал кўради. Демократияни мутлоқ рад қилади. Унинг айтишича, ҳалқ гўё тўғри қарорга келишига қодир эмас, демократия анархияга олиб келади.

Аристократия монархия билан демократиянинг ўртасидаги давлат шаклидур. Боденning фикрича, аристократиянинг афзаллиги шундаки унда ҳокимият саховатли

задогонлар ва бадавлат кишилар қўлида бўлади. Бироқ аристократия, дейди Боден,- турли партиялар жанжаллари ва шухрат-парастлар курашига гирифтор, исьёнларга қарши туролмайди.

Боден монархияни энг яхши давлат шакли деб билади. Монархиядагина бир бутун ва бўлинмас давлат ҳокимияти мавжуд. Бирлик бўлмаган жойда олий ҳокимият ҳам йўқ. Давлат ҳокимиятининг бирлигини таъминловчи бирдан-бир давлат шакли монархиядир. Давлат ҳокимиятини устида турган монарх қарама-қарши даво ва интилишларнинг бирбирига келишитиради ва қарама-қарши элементларнинг уйғунлашган бирлигини яратади.

Қонуний монархга бўйсунишни тарғиб қилиш билан бирга, Боден тиранияга қаршилигини билдиради. Зўравонлик йўли билан ҳокимиятга келган киши тирандир. Унга қаршилик кўрсатиш, уни оғдариш, хатто ўлдириб ташлаш ҳам ман қилинмайди, дейди Боден.

Боден давлат тўнтарилишларининг сабабларини таҳлил қиласди. Бу сабаблар ичидаги биринчи навбатда мулкий тенгизлигни қўрсатади. Кўпчиликни қашшоқланиши ва озчиликни ниҳоятда бойиб кетиши, хурмат иззатни ва бойликларни адолатсиз тақсимланиши ҳам давлат тўнтарилишига олиб келади. Сиёсатчи, дейди- Боден, - буларни олдини олиши керак. У ён бериш, келишиш, ислоотлар орқали низоларни бартараф қилиши лозим.

Боден Фарбий Европа жамиятининг ривожланишида кирол абсолютизми прогрессив роль ўйнаётган даврда уни химоя қилиб чиқди.

IX-боб. ФАРБИЙ ЕВРОПА МАМЛАКАТЛАРИДА ТАБИЙ ҲУҚУҚ ТАЪЛИМОТЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

1-&. Кириш

XVI-XVIII асрларда Фарбий Европа мамлакатларида капиталистик муносабатлар янада ривож топди. Саноат ва савдо буржуазияси анча кучая борди ва мустақил талаблар

билан майдонга чиқа бошлади. У ўзининг тадбиркорлик ташаббусига ғов бўлган барча тўсиқларни олиб ташлашни истарди ва талаб қиласади. Абсолют монархия ҳам энди уни қониқтирумай қолди.

Бу истак ва талаблар табиий ҳуқуқ ғояларига асосланган сиёсий таълимотларда ўз ифодасини топди. Бу таълимотларда феодал тартибларининг инсон табиий ҳуқуқларига зид эканлиги асослангандир.

Табиий ҳуқуқ ғояси Ўрта асрлар сиёсий таълимотларида ҳам қўлланганлигини кўрдик. Лекин унда табиий ҳуқуқ Илоҳий қонуннинг бир кўриниши сифатида ифодаланади. XVII-XVIII аср табиий ҳуқуқ таълимотларининг кўпчилик номоёндалари табиий ҳуқуқ таълимотларини диний тасаввурлардан озод қилиш, феодал имтиёзларини тугатиш ва янги буржуа давлатчилигини яратишга қаратилган интилишларни ифодаладилар.

Бу таълимотларда ҳозирги замон тасаввурларининг айрим элементларини, ҳуқуқий асосда қурилган адолатли жамият ҳақидаги орзу истакларни учратиш мумкин. XVIII-XIX асрларга келиб ҳуқуқ асосларини мукаммал тушунтириб беришга даъвогар маҳсус табиий ҳуқуқ концепциялари пайдо бўлади. Бу таълимотлар ўзининг фундаменталлиги, назарий жиҳатдан чуқурлиги билан ўтмиш табиий ҳуқуқ таълимотлардан ажралиб туради.

XVI-XVII асрларда Фарбий Европада мустақил давлатлар вужудга келиши натижасида уларнинг ўртасидаги ўзаро муносабатлар ҳуқуқий ечимини топиш масаласи ҳам пайдо бўлди.

2-&. Гуго Гроцийнинг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари

Голландиялик ҳуқуқшунос Гуго Гроций (1583-1645) табиий ҳуқуқ ғоясига мурожат қилиб, миллий давлатлар ўртасидаги муносабатларни тартибга соловчи халқаро ҳуқуқ асосларини яратди.

Гроций ўзининг "Уруш ва тинчлик ҳуқуки тўғрисида" деган асарида ҳар қандай шароитда ҳам, жумладан уруш шароитида ҳам, ҳуқуқ қўлланиши шарт деган ғояни ишлаб чиқди. Тинч-тотув яшашга интилиш, дейди Гроций, - фундаментал табиий заруриятдир. Уни амалга ошириш учун ҳамма муайян қонунларга амал қилиши лозим.

Гроций давлатнинг жаҳон ҳамжамиятининг teng ҳуқуқли аъзоси бўлиши учун бажариши лозим бўлган шартларни кўрсатади. Бу шартлардан энг муҳими давлат барқарорлиги ва тузилган шартномаларга амал қилишидир.

Гроций халқаро ҳуқуқ соҳасида ақл ва ҳуқуқ, тенглик ва ҳамкорликка асосланган янги халқаро муносабатларни шакллантириш тарафдори сифатида ижод қилди.

Давлат бу хукукқа риоя қилиш ва умумий фойда учун тузилган ижтимоий шартнома маҳсулидир, дейди Гроций. Давлат хусусий мулкий муносабатларининг ривожланиши натижасида вужудга келди, чунки бу муносабатлар тенгсизлик ва низоларни пайдо қиласи. Давлат шахс ва унинг мулки дахлсизлигини таъминлаш учун тузилган шартномадир.

Давлатнинг асосий белгиси-суверенитет. Унга фақат давлатнинг ўзи эгалик қиласи. Қачонлардир халқ суверенитет эгаси бўлган бўлиши мумкин, лекин кейин у ихтиёрий равишда суверенитетни ўзи сайлаган одамларга берган, дейди Гроций.

3-&. Томас Гоббснинг сиёсий-хуқуқий қарашлари

Табиий хуқуқ назариясининг йирик номоёндаларидан бири, инглиз файласуфи Томас Гоббс эди. (1588-1679). Унинг сиёсий ва хуқуқий қарашлари "Гражданин ҳақида", "Левиофан" асарларида ўз аксини топган.

Давлат ва хуқуқнинг пайдо бўлиши сабабларини Гобс инсон табиатидан излайди. Унинг фикрича инсон ўз табиати билан эгоист. У хукумронлик қилишга интилади. Уни бошқа одамлар билан мулоқатга киришишга ундовчи куч муҳаббат эмас, шухрат ва қулайликка эришишдир. Инсон фақат ўзининг манфаатини кўзлайди, жафо чекмасликка интилади. Лекин барча одамларнинг куч-қудрати тенг, чунки табиат уларга ҳамма нарсани тенг берган. Шунинг учун одамлар табиий ҳолатида бир бирига нисбатан душманлиқда яшайдилар. "Одам одамга бўридир". Гоббс сўзи билан айтадиган бўлсак, табиий ҳолат ҳаммани ҳаммага нисбатан уруш ҳолатидир. Бу ерда умумий ҳокимият, қонун, хусусий мулк йўқ.

Ақл бундай ҳолатдан чиқиш зарурлигини, тинчликни таъмилашни талаб қиласи. Бунинг ягона чораси, дейди Гоббс, ижтимоий шартнома тузишдан иборатдир.

Бу шартноманинг бажарилишини таъминлаш учун унга риоя қилиш зарур. Мана шу талабдан келиб чиқиб, Гоббс тинчликни таъминловчи, бажарилиши шарт бўлган қонун-қоидаларни кўрсатади. Булар орасида миннатдор бўлиш, ўтган хафачиликларни кечириш, бошқаларга хурмат, ўз табиатига кўра одамлар тенг эканлигини тан олиш ва бошқа шунга ўхшаган аҳлоқий қонун-қоидалар.

Давлат мана шу шартнома маҳсулидир. Одамлар умумий тинчлик ва ўз муҳофазасининг таъминлаш учун ихтиёрий равишда уруш ҳолатини бартараф қилишга қодир ҳокимиятни жорий қилишга келишадилар. Бу келишувда ҳар бир индивид давлат фойдасига ўз эркидан воз кечади.

Гоббс давлатга жисмоний куч сифатида қарайди. Жисмоний куч бўлмаса шартнома бузилиши мумкин. Ёлғиз жисмоний кучгина ҳар бир кишининг жони ва соғлигини ҳимоя қилиш учун тузилган шартноманинг бузилишининг олдини олиши мумкин. Гоббс давлат ҳукмронлигини таъминловчи омил ҳокимиятни ягона органнинг қўлида бўлишидадир, деб билади. Унинг фикрича, демократия, ҳокимиятлар бўлиниши принципи ҳокимиятнинг битта орган қўлида бўлишини бузади.

Гоббс мутлоқ эркинликка эга бўлган ҳукмдор ҳокимияти-абсолютизм тарафдори эди. Агар монарх индивидларнинг хавфсизлигини таъминлай олмай қолса, барчанинг барчага қарши фуқаролар уруши ҳолати юзага келади. Шунинг учун янги шартнома ва янги ҳукмдорга зарурат пайдо бўлади. Абсолют монарх учун энг яхши ҳимоя ворислик ҳуқуқи ва Худо марҳаматининг уйғунлашуви орқали тахтга келишдир.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, Гоббс таълимотидаги шартнома қирол билан ҳалқ ўртасида тузилган шартнома эмас. Бу эгоист ва ақлга эга индивидларнинг бир-бири билан тузилган шартномасидир.

Давлат мана шу шартноманинг маҳсули сифатида индивидларнинг тинчлигини таъминлаши керак. Бу абсолютизмни ҳимоя қилиш ва асослаш доирасидан кенгроқ талаб эди. Гоббс таълимотида кейинчалик юзага келган буржуа либерализмига асос солувчи айрим элементлар борлигини кўриш мумкин.

4-&. Жон Локкнинг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари

Табиий ҳуқуқ назариясига катта ҳисса қўшган мутафаккирлар орасида Жон Локк (1632-1704) алоҳида ўрин эгаллади. У сиёсий назария классикларидан бири ҳисобланади. Унинг давлат ва табиий ҳуқуқ ҳақидаги ғоялари "Бошқарув ҳақида трактат" номли асарида ифодаланган. Бу асарни либерализмнинг библияси деб ҳам атайдилар.

Локк одамларнинг табиий ҳолатини тасвирлашда Гоббснинг ҳаммани ҳаммага қарши уруш ҳолати ҳақидаги фикрига қарама-қарши фикрини баён қиласди. Унинг фикрича, табиий ҳолатда эркинлик ва тенглик ҳукм суради. Табиий эркинлик хеч қачон бегоналаштирилмайди. Локк мулкка эгаликни ҳам эркинлик каби одамнинг табиий ҳуқуқи деб ҳисоблайди.

Одамларнинг эркинлиги ва уларнинг мулки, дейди Локк, табиий ҳолатда ишончли муҳофаза қилинмайди. Умумий тенглик туфайли барча ўзини қирол деб тасаввур қиласди. Бироқ, кўпчилик ҳамма вакт ҳам адолат талабларига риоя қиласди деб бўлмайди. Бу ҳол ўз мулкига эгалик қилишни қийинлаштиради. Одамларнинг олий мақсади ўз мулкини,

табиий эркинлигини мухофаза қилишдан иборатдир. Шу мақсадда улар ижтимоий шартнома асосида ўзларининг табиий эркинлиги, ҳаёти ва мулкини мухофаза қилиш хуқуқини жамиятга топширадилар. Лекин табиий хуқуқнинг барчасидан воз кечилмайди. Индивид факат ҳокимиятнинг сақланиши учун зарур бўлган миқдордагина табиий хуқуқ ва эркинликларини чеклайди.

Колган қисми инсоннинг ўзида дахлсиз қолади. Давлатнинг вазифаси дейди Локк, ўз тадбиркорларининг хорижий рақобатчиларидан ҳимоя қилиш, хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш, тартиб сақлашдан иборатдир. Лекин давлат савдо-сотик ва саноатни бошқариш ишларига аралашмаслиги лозим. Давлат индивидларга ижтимоий ва иқтисодий тенгликни эмас, балки хуқуқий тенгликни таъминлаши керак.

Мадомики, индивидлар ижтимоий шартномани мақуллар эканлар, унда уларнинг ҳаммаси кўпчиликнинг иродасига бўйсуниши лозим.

Локк абсолютизмга қатъий қарши чиқади. У хукмдорлар ҳокимиятини чеклаш муаммоси билан жиддий шуғулланди, ҳокимиятнинг бўлиниш принципини қўллаб-кувватлади.

Локк қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва иттифоқ, (федератив) ҳокимиятларни ажратади. Улар битта орган қўлида бўлмаслиги керак. Суд ҳокимиятини Локк ижро этувчи ҳокимият ихтиёрига беради.

Локк ўзига замондош Англиядаги сиёсий шароитнинг назарий ҳимоячиси сифатида ижод қилди. Унинг таълимоти буржуа давлатчилиги принципларини асослашга қаратилган эди. Шунинг учун ҳам у кейинги давр буржуа сиёсий таълимотлари ривожига катта таъсир қўрсатди.

5-&. Спинозанинг сиёсий-хуқуқий қарашлари

Табиий хуқуқ назариясининг ривожланишига Голландия файласуфи Б.Спиноза (1632-1670) ҳам ўз ҳиссасини қўшди. Унинг сиёсий ва хуқуқий қарашлари "Диний-сиёсий трактат", "Сиёсий трактат", "Этика" асарларида ўз ифодасини топган.

Спиноза давлат ва хуқуқнинг моҳияти, келиб чиқишини табиий зарурат нуқтаи назардан тушунтиришга ҳаракат қилди. Унинг таълимотининг бошланғич нуқтаси табиий хуқуқ тушунчасидир. Унинг фикрича табиий хуқуқ бу дунёдаги барча нарсалар итоат қиласидиган табиий қонунлар ёки қоидалардир.

Табиий хуқуқка биноан инсон кучи етганича хохлаган нарсасини қилишга хақлидир. Лекин инсоннинг куч-кудрати, ўз жонини сақлаши ақлга итоат қилиш билангина таъминланади. Ақл эса инсонни бошқа одамлар билан мулоқатда бўлишини буюради,

чунки одам ҳаёт кечириши учун зарур нарсаларни ёлғиз ўзи топишга қодир эмас. Одамнинг хавфсизлиги, унинг табиий ҳукуқлари жамиятдагина таъминланиши мумкин. Жамиятдан ташқарида унинг куч-қудрати мадад олиш имкониятидан маҳрум. Натижада одам муқарар равишда бегона бир кучга бўйсунишга мужбур бўлади.

Шунинг учун одамлар табиий ҳолатдан гражданлик ҳолатига ўтадилар. Улар ўзларининг кучи ва табиий ҳукуқларини бирлаштиради ва хавфсизликда яшаш учун давлат ҳокимиятини ўрнатадилар. Давлат билан бирга "умумий ҳукуқ" ҳам пайдо бўлади. Бу ҳукуқ давлатга бирлашган барча одамларнинг куч-қудрати билан белгиланади. Алоҳида одамларнинг табиий ҳукуқларининг бирлаштирилиши ва одамларнинг бир бутун бирикмаси ҳокимиятни ташкил қиласди.

Спиноза таълимотига кўра табиий ҳолат давлатнинг пайдо бўлганидан кейин ҳам сакланади, бекор қилинмайди. Давлатда у фақат ўзгартирилади.

Спиноза давлат ҳокимиятининг чегарасини аниқлаш, табиий ҳукуқларнинг даҳлсизлиги, қирол ҳокимиятини чеклаш масалаларини қўйди. Айниқса, дейди Спиноза, олий ҳокимият эркин фикрлаш ва виждан эркинлигини чекламаслиги керак.

Спиноза давлат шакллари ҳақида ўз фикрини баён қилиб, демократик давлат тизимини тарафдори эканлигини билдиради. Демократияда беъмани қонунларнинг чиқиб қолиш хавфи деярли йўқ, чунки қўпчилик беманиликка йўл қўйиши мумкин эмас.

Спиноза чекланмаган монархиянинг жиддий душмани эди. Унинг давлат ва ҳукуқ ҳақидаги таълимоти фикр ва виждан эркинлиги принципларини асослашга қаратилгандир.

6-& Шарль Луи Монтескьенинг сиёсий - ҳуқуқий қарашлари

Табиий ҳукуқ назариясининг ривожланишига француз файласуфи маърифатпарвар сиёсий мутафаккир ва ҳуқуқшунос Шарль Луи Монтескье (1689-1775) катта хисса қўшди.

Монтескье асарлари ичida унинг "Қонунлар рухи ҳақида" асари алоҳида ўрин эгаллайди. Бу асарда баён қилинган таълимот буржуа дунёсининг сиёсий-ҳуқуқий фикр тарихи ва давлат муассасаларининг ривожланишига катта таъсир кўрсатди.

Монтескье таълимотининг моҳияти ҳар бир халқ қонунларининг "рухи" бир қанча конкрет шарт-шароитлар билан белгиланганлиги, бу шарт-шароитларнинг ҳар бири ўзига хос аҳамият касб этишини аниқлашга қаратилганлигидадир.

Монтескье фикрича, қонун чиқарувчи биринчи навбатда иқлим билан ҳисоблашиши зарур. Иссик иқлим халқни нозиклаштиради ва эринчоқ қиласди. Шунинг учун бу ерда

жазо билан қўрқитиши одамларни ишлашга мажбур қиласди. Давлат депотизм шаклида бўлади.

Иқлимдан ташқари Монтескье ернинг ҳосилдорлиги, тоғлар ва ороллар, текисликлар, иқтисодий ахвол, диннинг роли ҳақида ҳам фикрлар баён қиласди. Мўтадил иқлим конунлар руҳига ижобий таъсир қиласди, деб ҳисоблайди.

Монтескье фикрича, географик муҳит жамият ривожининг бошлангич даврида хал қилувчи роль ўйнайди, чунки бу даврда табиат ва иқлимининг таъсирини чеклашга қодир ҳонун чиқарувчи одамнинг ўзи бўлмаган.

Қонун "руҳини", унинг мазмунини белгиловчи муҳим омил давлатнинг бошқариш шакли, жамиядаги сиёсий тузимдир. Бу омил географик омил таъсирини чеклаб қўйиши ҳам мумкин, деб ҳисоблайди Монтескье.

Мана шунинг учун Монтескье давлат шаклларига алоҳида тўхталади. У учта тўғри давлат шаклларини ажратади: демократия, аристократия ва монархия. Буларнинг барчасига таъриф беради ва ўзига хос ҳусусият ва белгиларини қўрсатади. Унинг ўзи конституцион монархия тарафдори эди. У деспотизмни қоралайди, уни табиий ҳуқуқка мутлоқ зид сиёсий тузум деб билади.

Сиёсий тузумнинг қонунлар руҳига таъсири ҳақидаги фикрларини Монтескье эркинлик ва уни таъминлаш масаласи билан боғлайди. Унинг фикрича, эркинлик бу ҳавфсизликни хис қилишдир. Бу ҳиссиёт қонунларнинг хукмронлигидан келиб чиқади. Давлатдаги эркинликнинг энг муҳим белгиси қонунчиликдир.

Бинобарин, сиёсий арбобнинг асосий вазифаси қонунчиликнинг таъминлаш чора ва воситасини топиш ва қўрсатиб беришдан иборатдир. Бундай восита, дейди Монтескье, ҳокимиятлар тақсимлаш принципини жорий қилишдир. Мана шу принцип жорий қилинган давлатдагина эркинлик таъминланиши мумкин. Бу сиз деспотизм ҳукм суради.

Монтескьенинг ҳокимиятларни тақсимлаш таълимоти ўз замондошлари орасида машҳур бўлди. Бу таълимот XVIII аср охири Француз буржуа революциясининг конституцион ҳужжатларида ўз аксини топди. Масалан, 1789 йилги "Инсон ва гражданин ҳуқуқларининг Декларацияси" да шундай дейилган: "Ҳуқуқлардан фойдаланиш таъминланмаган ва ҳокимиятларнинг тақсимланиши ўрнатилмаган жамият конституцияга эга эмас". Ҳокимиятларни тақсимлаш принципи 1787 йил АҚШ конституциясида ҳам ўз аксини топган. Кейинчалик бу принцип барча демократик давлатлар, жумладан Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам ўз аксини топди.

7-.& Жан Жак Руссо, Волтер ва бошқалар

XVIII асрда табиий ҳукуқ назариясида икки йўналиш пайдо бўлади. Улар жамиятда ёмонлик қандай пайдо бўлган деган муаммони ҳал қилиш билан бир-биридан фарқ қиласади. Биринчи йўналиш вакиллари Жан Жак Руссо (1702-1778) Жольен Офре де Ламетри (1709-1751) ва бошқалар фикрига кўра, инсон ибтидоий ҳолатда эркин ва мустақил бўлган, баҳтли ҳаёт кечирган, одамлар ўртасидаги муносабатлар адолатли табиий қонунлар билан тартибга солинган. Табиат ёмонликнинг вужудга келишига сабаб бўлиши мумкин эмас. Бу ибтидоий жаннатнинг бузилиб кетишига хусусий мулкчиликнинг пайдо бўлиши ва натижада одамларнинг бой ва камбағалларга бўлинниб кетиши сабаб бўлди.

Руссонинг фикрича, давлат ҳукмронликни мустаҳкамлаш, хусусий мулкни қўриқлаш учун пайдо бўлган. Бу одамлар орасида тенгсизликни янада кучайтирди. Айниқса деспотик давлатларда инсон қулга айланган. Инсон эркин туғилган, лекин у ҳамма ерда кишанлангандир. Бу ҳолатдан чиқишнинг қонуний йўли нимадан иборат, деган саволга Руссо ўзининг машҳур "Ижтимоий шартнома" номли асарида жавоб беришга ҳаракат қиласади.

Руссонинг фикрича, қонун чиқаришда бутун ҳалқ иштирок этгандагина эркинлик таъминланади. Давлат демократик принципларга амал қилгандагина одам йўқотган табиий эркинлиги ўрнига сиёсий эркинликка эга бўлади. У ҳокимиятга бўйсунади, лекин деспотизмдаги қулликдан озод бўлади. Барчага таъаллукли умумий ироданинг хато қилиши мумкин эмас. У доим умумий манфаат учун хизмат қиласади, дейди Руссо.

Қонун умумий ироданинг ифодаси бўлиши керак. Агар бу шарт давлатда амалга оширилса фуқаролар эркин бўладилар, чунки улар ўзлари қабул қилган қонунларга бўйсунадилар.

Руссо ҳалқ суверенитети тарафдоридир. Унинг фикрича, суверенитет бўлинмас, ягона, бегоналаштирилмайди, унга фақат ҳалқ эгалик қиласади. Ижтимоий шартноманинг асосий талаби шундадир. Давлат ҳокимияти шу талабга мос ҳолда ташкил қилиниши керак. Бунда инсон табиий ҳуқуқларининг маълум қисми сақланади, дейди Руссо.

Табиий ҳукуқ назариясидаги иккинчи йўналиш вакиллари Франсуа-Мари Волтер (1694-1778) Клод-Анри Гельвеций (1725-1771).

Волтернинг таъкидлашича, эркинликка интилиш одамнинг табиий инстинктидир. Бу инстинкт унинг жон сақлаши ва яшashi учун зарур жамиятни яратишга ундейди. Жамият инсоннинг такомиллашишига имкон беради.

Вольтер нуқтаи назарига кўра, табиий қонунлар-бу ақл қонунлари, инсониятга табиат инъом қилган қонунлардир. Инсон эркинликда яшашни истайди, шунга интилади.

Эркинлик бу фикр эркинлиги, матбуот, виждон эркинлиги, ўзбошимчаликка йўл кўймаслиkdir.

"Эркинлик фақат қонунларга қарам бўлишдан иборатdir", - дейди Вольтер. У маърифатли абсолютизм тарафдори эди.

Гельвеций табиий ҳуқуқ назариясига "ижтимоий манфаат" тушунчасини киритди. Кейинчалик бу тушунча ижобий ҳуқуқ яратишнинг асосий белгиси ва принципига айланиб қолди. Умумий манфаат одамлар ҳаракатларининг баҳолаш мезонига айланди. Ибтидоий тартибсизлик ҳолатида, дейди Гельвеций, яхшилик нима, ёмонлик нималигини ажратиш мумкин эмас эди, одамлар ҳар бири ўзининг шахсий мақсадларини кўзлар эдилар. Унинг ўрнига келган жамиятнинг янги ҳолатида умумий манфаат вужудга келади. Умумий манфаат одамлар ҳаракатларининг жамият учун фойдали, зарарли ёки бефарқлигига қараб фазилатлик, ярамас ёки ижозат этилган ҳаракатлар деб баҳолаш имконини берди. Манфаат инсон хатти-ҳаракатларининг ўлчови бўлиб қолди. Хусусий ва ижтимоий мафаат муносабатлари ҳуқуқий муносабат бўлиб қолди. Гельвеций фикрича, ҳалқ тасаввурларидаги ибтидоий ёввойиликни қонун чиқариш йўли билан ўзгартириш мумкин. "Феъл-атворлар ислоҳотини қонунлар ислоҳотларидан бошлаш керак". Одамларнинг ёмон қилмишлари қонунларнинг мукаммал бўлмаганлигининг оқибатидир, дейди у.

XVII-XVIII асрлар Германияда табиий ҳуқуқ мактабининг йирик номоёндалари Пуфендорф, Томазий, Лейбниц, Вольф каби мутафаккирлар ижод қилдилар.

8-& Иммануил Кантнинг ҳуқуқий қарашлари

Табиий ҳуқуқ таълимотини мукаммал тизимга солган мутафаккирлардан бири буюк немис файласуфи Иммануил Кант эди (1724-1804). Кант ўзининг "Соф ақлни танқид", "Амалий ақлни танқид", "Мулоҳаза лаёқатини танқид", асарлари билан фалсафа тарихида чукур из қолдирган. Унинг сиёсий қарашлари "Ахлоқ метофизикаси асослари", "Боқий дунё сари" асарларида ўз аксини топган.

Кант фикрича, "табиатнинг олий мақсади-инсонда мужассамлашган табиат имкониятларининг барчасини ривожлантиришдан иборатdir". Инсониятнинг бу мақсадга мустақил эришишининг асосий шарти-адолатли фуқаровий жамият барпо этишдан иборатdir.

Кант назариясининг бошланғич нуқтаси индивиддир. Индивиднинг ўз-ўзидан қадр-қимматга эгалиги ҳақидаги ғоя унинг сиёсий таълимотининг асосий ғоясидир. Индивид ахлоқий қонунлар яратиш ва бу қонунларга мос тарзда ҳаракат қилиш қобилиятига эгадир.

Бу ҳол барчанинг принципиал жиҳатдан тенглигини билдиради. Ҳукуқ ва сиёсий институтлар мана шу эрк ва тенгликни ҳимоя қилишга хизмат қилишлари керак. Кант учун индивид ҳуқуқларини поймол этиш ҳар доим ёмонликдир.

Ахлоқий холатда яшаш учун индивидга зарур бўлган ҳуқуқлар бошқарувнинг конституцион шаклини, қуллик ва тенгсизликни бекор қилишни, шунингдек урушларни таъкиқлашни талаб қилади. Мана шундай шароитдагина ҳар бир одам ўзига ўзи эгалик қилиши, ўзлигини англаши мумкин.

Кант ўзининг таълимотини яратишда инсоннинг ахлоқий мавжудод эканлигидан келиб чиқади. Унинг фикрича, ҳар бир инсон ўз ахлоқий қонунининг ижодкоридир. Ҳар бир индивид ахлоқий жиҳатдан мустақил. Одамларда ахлоқий қонунларни белгилаш эрки бор ва улар шундай қилиш учун етарли ақлга эгадирлар. Эркин ва оқил шахслар фақат ўзларигагина маъқул қонунларни ўрната олмасликларини тушунадилар, чунки улар ўзларидан бошқа тенг ҳуқуқлик индивидлар ҳам борлигини, уларга восита ёки нарса сифатида қарашиб ярамаслигини биладилар. Инсон ўзига ҳам бошқаларга ҳам эркин, оқил, ўз мақсадларига интилевчи кишилар сифатида қарашиб керак. Шундагина у ўзининг ҳам, бошқаларни ҳам эркига зарап етказмайдиган ҳаракатларгина яхшилик эканлигини, индивид ҳуқуқларини паймол қилиш ёмонлик эканлигини англайди.

Оқибат-натижада Кантнинг қуйидаги қатъий императивига дуч келамиз. Унинг талаби: "Сен ўз қиёфанг ёки бошқа одам қиёфасидами инсониятга орзу, мақсад сифатида муносабатда бўл, хеч қачон унга восита сифатида қарама" ва ўзингнинг ҳам ўзгаларнинг ҳам, эркига зарап етказма. Қатъий императивнинг бу талабларига амал қилиш учун индивидлар "амалий ақл" талабларига эркин қулоқ солиш имкониятига эга бўлишлари керак. Шу нуқтаи назардан у абсолютизмни инкор қилади ва давлат бошқарувининг демократик шаклларини асослайди.

Кант ўзининг ҳуқуқ фалсафасида одамларнинг ҳамжиҳат яшашини таъминловчи умумий мезонни излайди. Мана шу мезон мавжуд ҳуқуқий тизим ва бошқарув шаклларини сиёсий адолат талабларига жавоб бериши ёки бермаслигини баҳолаш имконини беради. Давлатнинг фуқаролар эркига қонун доирасида аралашувининг чегараси қаерда? Инсоннинг табиий эркинликларини тартибга солиш ва уни ажralmas ҳуқуқларига аралашиб умуман қонунийми? Кантнинг ҳуқуқий фалсафаси мана шундай саволларга жавоб беришга ҳаракат қилади.

Кантнинг фикрича, фуқаролар ўзларининг мақсадларини ўзлари амалга ошириш учун қонуний ҳукуқка эгадирлар. Нима баҳт келтиришини уларнинг ўзлари танлайдилар. Бироқ бизнинг мақсад ва лойиҳаларимиз ҳар доим ҳам рационал эмас. Одамлар бир-

бирлари билан низолашувлари мумкин. Бир индивид хатти-харакатларидаги эркинлик бошқа бирининг ҳаракат эркинлигига таҳдид туғдириши мумкин.

Бошқа одамлар эркига ҳалақит бермасдан энг кўп эркинликни қандай таъминлаш мумкин?-деган масала Кант учун муҳим муаммо эди. Кант ҳам эркни, ҳам биргалиқда яшашни кафолатлаши мумкин бўлган универсал юридик таъмойилни топишга уринади. "Хуқуқ бу эркнинг умумий қонуни нұқтаи назаридан бир кишининг ихтиёрини бошқа киши ихтиёри билан мос келишини таъминловчи шароитлар йифиндисидир". Бошқача айтганда, хуқуқ бир одамнинг эркин танловини бошқа одамларнинг эркин танлови билан мос келиши учун шароит яратувчи воситадир.

Кантнинг фикри шундан иборатки, умумий таъмойилга кўра шахснинг чекланмаган ҳаракат эркинлиги бошқаларнинг худди шундай эркинлиги билан мос келадиган даражагача чекланиши керак. Амалдаги қонун ҳам худди шу тарзда ҳар бир кишининг ҳаракат эркинлигини чеклайди. Турли хил мақсадларга эга бўлган одамларнинг тинч-тотув яшаш шарти мана шундан иборат.

Эркнинг шундай чекланиши эркинликларни кўпроқ таъминлайди, энг аввало, низоларниadolатли тарзда тартибга солиш имконини яратади.

Қонунларнинг умум аҳамиятлилиги мезонини Кант фуқароларнинг ўзлари киритган қонунлар билан боғлайди. Амалда қонун чиқарувчилар шундай қонунлар қабул қилишга ҳаракат қилишлари керакки, уни барча фуқаролар қўллаб-куватласин. Қонунлар легитимлигининг бош мезони ана шунда. Шу мезонга мос келган қонунларгина фуқаролар орасидаги муносабатларни тартибга солиш учун яроқлидир. Кант амалдорларнинг имтиёzlари, крепостнойлик, деспотизм ва тан жазолари каби ҳодисаларни шу нұқтаи назардан қоралайди. Унинг айтишича бундай институт ва ҳаракатлар хуқуқнинг универсал таъмойилларига зиддир. Кант либерализм руҳидаги демократик ислохатлар ғоясининг ёрқин ифодачиси эди.

Кант инсон ҳуқуқлари масаласини умумий таъмойил сифатида қўйган энг биринчи сиёсий матафаккирлардан ҳисобланади. Ҳар бир инсон, дейди Кант, туғма ва табиий ҳуқуқларга эгадир. Бу ҳуқуқлар ҳуқуқнинг рационал тушунчасига мос келади. Умумий қонунга кўра, ҳар бир одам бошқа ҳар қандай одамнинг ҳаракат эркинлиги билан мос келадиган даражадаги ҳаракат эркинлигига эга. Инсон ҳуқуқларига ҳақиқий кафолат бериш учун бошқа одамларни эркинликларини паймол қилаётган шахс ва институтлар фаолиятига баъзан аралашиб туришга тўғри келади. Демак, инсон ҳуқуқлари бузилган холларда давлат аралашиш учун қонуний ҳуқуқقا эга.

Кант ҳалқаро муносабатлардаги келишмовчиликлар, низолар, қонунбузарлик каби холатларни инсонларга ярашмайдиган ва ноокил ҳаракат деб баҳолайди. Унинг фикрига

кўра низоларни тартибга солиш учун қўйидаги адолат тамойилларига амал қилиш лозим: "бирорта мустақил давлат бошқа давлат томонидан на мерос тарзида, на айирбош, на савдо, на совға йўли билан узлаштирилиши мумкин эмас".

Кант қонунлар халқнинг иродасини ифодалаши керак деб чиқкан бўлсада, у барча фуқаролар учун тенг сайлов ҳуқуки бериш тарафдори эмас эди. Хотин-қизлар, моддий ва ижтимоий жиҳатдан "мустақил" бўлмаган (вақтли ишчилар, хизматчилар ва хокозолар) ни Кант бундай ҳуқуқлардан маҳрум деб хисоблайди.

Кант марифатчиликнинг фарзанди эди. У шахснинг маърифати ва мустақиллиги учун курашади. Кант учун маърифат индивид ақлининг оммавий қўлланишидир. Одамлар ўзгалар билан ҳамжамиятда фикр юритар экан, марифатли ва мустақил бўлиб борадилар.

Мунозара юритаётган хусусий шахсларнинг бундай ҳамжамиятига фақат ақлли одамларгина аъзо бўлиши мумкин. Кант назарида, биргаликда муҳокама юритиш мулкка эга бўлган эркин фуқароларгагина хос. Иш ҳаққи олаётганлар эса, жамиятнинг тўла қонли аъзолари бўла олмайдилар. Бироқ, қаттиқ меҳнат ва омад туфайли келажакда улар ҳам жамият аъзолари бўлиши мумкин.

Кант фикрига кўра, моддий жиҳатдан мустақил бўлган фуқароларгина маданий, китобсевар ва мунозара юритувчи оммани ташкил қиласидилар. Уларгина ақлдан оммавий фойдаланишлари мумкин.

Шундай қилиб, ақлга эга индивидлар иштирокидаги эркин мунозаралар ҳақиқатнинг аста-секин равшанлашига ёрдам беради. Тарих шу тарзда пайдо бўлаётган муаммоларни очиқ муҳокама қилиш ва ўзаро эркин фикр алмашиш имкониятини берадиган маърифатли ҳамжамият қуриш орқали ҳақиқатга яқинлашиш масаласини хал қиласиди.

Кант сиёsat ва рационалликни бирлаштиromoқчи бўлди. Бир томондан, рационаллик рўёбга чиқиши учун муайян сиёсий шарт-шароит талаб қилинади, иккинчи томондан эса, рационаллик маърифатли сиёsat юритишнинг муҳим шартидир.

9-&. Георг Вильгельм Фридрих Гегельнинг ҳуқуқий қарашлари

Немис файласуфи Георг Вилгельм Фридрих Гегель (1770-1831) ҳуқуқ таълимотига катта хисса қўшди. Унинг "Рух фенаменологияси", "Мантиқ илми", "Ҳуқуқ фалсафаси" каби асарлари фалсафа ва ҳуқуқий таълимотлар тарихида алоҳида ўрин эгаллади.

Гегельнинг ҳуқуқ фалсафасига кўра, инсон табиий ҳолатда табиатга мутлоқ қарам бўлган. Бу ҳолатда зўравонлик, варварлик, маданиятсизлик ҳукм суради. Инсониятнинг бу ҳолатдан чиқарувчи ягона восита фуқаролар жамиятининг ташкил этишдан иборат. Фақат

фуқаролик жамияти ҳар бир одам эркинлигини таъминлашга қодир ҳуқуқнинг пайдо бўлишига шароит яратади.

Фуқаролик жамиятида ҳуқуқ одамлар эркинлигининг чеклашга қаратилган ҳатти-харакатларга барҳам беради, шахс хаёти, соғлиғи, мулки, ор-номус ва қадр-кимматини муҳофаза қилиш учун хизмат қиласди.

Гегельнинг ҳуқуқ таълимотининг марказий тушунчасини эркинлик тушунчаси ташкил қиласди. Эркинлик инсоннинг асосий сифатидир.

Эркинлик ирова эркинлигига, ҳаётий фаолиятдаги хилма-хил иродавий харакатларда намоён бўлади. Бу эркинликлар орасида гражданлик эркинликлари, сўз эркинлиги, сиёсий ва виждан эркинликлари алоҳида аҳамият касб этади.

Иродавий ҳаракат ҳар доим турли сабаб, истак ва ниятлар билан боғлиқдир. Бироқ бундан инсон ҳаракати тўлиқ ташки омиллар билан белгиланади, деган хулоса чиқмайди. Эркинлик соҳиби инсон ташки омиллар таъсирига қаршилик кўрсатмаган ҳолда ҳам ҳар доим фаолдир. Унинг ҳаракатлари ҳамма вақт унинг ўзига боғлиқдир.

Қонунлар, дейди Гегель, умумий ироданинг ифодалайди ва барча учун баробар. Ҳар бир индивид умумий иродага бўйсунади. Унинг ҳаракатини ҳамма ҳуқуқ нормаларига мос деб баҳолайди, чунки унинг ҳаракатида барча ўзининг шахсий иродасини намоён бўлгандай ҳис қиласди. Ҳар бир одам ўзининг индивидуаллиги орқали ифодаланган умумий иродани ўзида мужассамлайди. Мана шу умумий ирова ҳуқуқни амалга ошириш, умумий қонунларни конкрет индивидга етказиш имкониятини яратади.

Оддий онг учун эркинлик ўзбошимчаликка ўхшаш бир нарса бўлиб тўйилади. Бироқ ўзбошимчалик нисбий эркинликдир. Мазмун жиҳатдан у ҳаракат предметига боғлиқ, яъни у шу ҳаракат предмети билан чекланган. "Мутлоқ эркин ирова нисбий эркин иродадан, ёки ўзбошимчаликдан шу билан фарқланадики, мутлоқ ироданинг предмети ироданинг ўзидир, нисбий эркин ироданинг предмети – чекланган бир нарсадир. Нисбий иродани, масалан, нафсни фақат предметнинг ўзи қизиқтиради". Ҳуқуқ ўзбошимчалик, ярамас истак ва ниятларнинг чеклаш учун ҳизмат қиласди. У эркин ироданинг ҳақиқий амалга ошириш воситаси ва шартидир. Ҳуқуқнинг инсон табиий ва зарурий қисматлари қизиқтиrmайди. Ҳуқуқ инсоннинг индивидуал истакларини таъминламайди, чунки индивиднинг энг яхши истаклари ҳам ноқонуний ҳаракатларга, яъни бошқа одамлар эркинликларини чеклашга олиб келиши мумкин. Ҳуқуқ нормалари жиноятчига нисбатан адолатлилигини у англайдими ёки англолмайдими ҳуқуқ учун аҳамияти йўқ. Ҳуқуқни бу масала қизиқтиrmайди. Ҳуқуқ умумий ирова ифодасидир. Буни фуқаролар биладими; билмайдими? ёки ҳуқуқка риоя қилиш сабаблари қўркишданми ёки мукофот олиш умидиданми ҳуқуқ ўз йўлида ривожлана беради.

Гегель фикрича, ҳуқук – бу одамларнинг бир-бирига бўлган муносабатидир. Одамнинг эркинлик доирасини чекловчи ҳар қандай ҳаракат ҳуқукка зид ҳаракатдир. Ҳуқуқий муносабат одамнинг шахс сифатида тан олишни талаб қиласди.

Гегель фикрича, ҳуқуқий муносабатлар давлат томонидан амалга оширилади. Давлат ҳуқуқий муносабатлар орқали жамиятни бирлаштиради, феъл-атвор, маълумот, фикр ва ҳаракатлар тарзини бирлаштиришга кўмаклашади. Шунинг учун ҳуқук заминида алоҳида ҳар бир одамнинг эрки ётиши керак. Мана шу эркнинг таминлаш бир вақтнинг ўзида менинг шахсий эркимнинг ҳам таъминлаш демакдир. Конкret шахс ҳуқуқларини бузиш барчани қадр-қимматини ҳақоратлайди. Умумий ироданинг ўзида номоён этувчи шахсларни бир-биридан индивидуал фарқ қилишга қарамай, ҳуқуқда ифодаланган умумий ирова барчанинг бойлигидир.

Ҳуқук нуқтаи назаридан бошқа одамларнинг эркларининг чекламайдиган ҳаракатга рухсат берилади. "Тўғрисини айтганда, ҳуқук факат тақиқлайди, буйруқ бермайди, нимаики тақиқланмаган экан, демак унга рухсат", - дейди Гегель.

Гегельнинг ҳуқуқий назарияси ҳуқук ривожига янги жиҳатларни киритди. Гегельгача бўлган табиий ҳуқук назариялари одамлар ўз табиатига кўра табиий ҳуқуқларга эгадирлар, бундан ташқари жамиятда табиий ҳуқуқдан фарқ қиласдиган, ижобий ҳуқук ҳам мавжуд. Бу ҳуқук кўп жиҳатлари билан табиий ҳуқук таъмойилларига тўғри келмайди, аслида эса табиий ҳуқук мазмунига мос келиши керак, деган ғояни асослашга уринган эди. Бутун маърифатпарварлик даври шахснинг табиий ҳуқук нормаларининг тиклаш учун кураш билан боғлиқ бўлди. Гегель бу икки турдаги ҳуқуқни бир-бирига қарама-қарши қўймайди. Унинг айтишича, фуқаролик жамияти туфайли якка шахс эркини таъминлашга қаратилган маҳсус ҳуқуқлар пайдо бўлади холос.

Гегель фикрича, фуқаролик жамияти ва давлатнинг пайдо бўлишига табиий зарурият, табиат қонунларининг қатъий таъсири билан бир вақтда эркин ирова тасири ҳам сабаб бўлди. Шу нуқтаи назардан фуқаролик жамият ва давлат ҳуқук ва ахлоққа асосланган индивидуал халқ руҳи, халқнинг колектив онгидир. Халқнинг умумий иродасини ҳуқук орқали таъминлаган давлатгина адолатлидир. Фуқароларнинг давлатга нисбатан муносабати унинг буйруқ ва талабаларига кўр-кўрона бўйсунишида эмас, унга бўлган ишончда ва оқилона бўйсунишда намоён бўлади, дейди Гегель.

Гегель ўз замоносидаги Прусс давлатини қўллаб-қувватлайди. Гегель томонидан ошкора баён қилинган идеал, бу конституциявий кучли ҳукуматдир. Гегель ҳукмдор ўзининг инжиқликлари асосида бошқариши мумкин, деган қарашга қатъий қарши чиқади. Гегель қонун ва ҳуқук асосида бошқариладиган давлат тарафдори эди.

Гегельнинг сиёсий ва ҳуқуқий таълимоти келгуси сиёсий ва ҳуқуқий фикр тарихига катта таъсир кўрсатди. Гегель фалсафаси консерватив қарашларга ҳам, танқидий оппозицион қарашларга ҳам, ўзларининг концепцияларини асослашга кенг имконият яратар эди. Бу хол Гегель таълимотининг ҳар хил ғоявий нуқтаи назардан талқин қилинишларида яққол кўзга ташланади.

Х-боб. АҚШНИНГ МУСТАҚИЛЛИК УЧУН КУРАШ ДАВРИ СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАРИ

1-&. Кириш

XVIII аср иккинчи ярмида Америка Кўшма Штатларининг мустақиллик учун кураши кескин тус олди. Бу 1775-1783 йиллар гражданлар урушда яққол намоён бўлди.

Метрополия зулмiga қарши ҳаракатлар демократик ғояларни ривожланишига, табиий ҳукуқ назарияларини тарқалишга катта туртки берди.

Мустақиллик учун кураш даврининг сиёсий ва ҳуқуқий фикрида 1776 йилда қабул қилинган Америка Кўшма Штатларининг мустақиллик декларацияси алоҳида аҳамият

касб этади. Унда барча кишилар яшаш, эркка, мулкка эга бўлиш ва ҳавф-ҳатарсиз турмуш кечириш табиий ҳукуқларига эгадирлар, халқ-ҳокимият манбаидир, суверенитет халққа тегишилдири, ҳукумат-халқ хизматкори, барча давлат идоралари халқ манфаатлари учун хизмат қилади, ҳокимият бўлиниш принципини жорий қилиш каби ғоялар ўз ифодасини топган. Бу ҳужжатнинг тарихий аҳамияти шундаки, унда сиёсий таълимотларнинг асосий ғоялари, айниқса халқ суверенитети ғояси давлатнинг амалий принциплари сифатида биринчи бўлиб эълон қилингандир.

Мустақиллик декларациясининг асосий ғояларини ишлаб чиқиш ва уларни сиёсий тажрибага жорий қилишда Америка Кўшма Штатлари демократлари Т.Джефферсон, Т.Пейн катта рол ўйнадилар.

2-&. Томас Джэфферсоннинг сиёсий-ҳукуқий қарашлари

Томос Джэфферсон (1743-1826) атоқли мутафаккир ва сиёсий араб, Америка Кўшма Штатлари мустақиллиги Декларациясининг муаллифиидир.

Джефферсон ижтимоий шартнома ва инсон табиий ҳукуқ назариясига асосланиб монархия давлат тузумини танқид остига олди ва халқ суверенитети ғоясини асослаб чиқди. Унинг фикрича, қирол ҳокимияти халқ ҳокимиятидан ҳосил бўлган, унга қарамдир. Давлат ҳокимиятининг тузиш ва уни назорат қилишда барча иштирок қилиш ҳукуқига эга, ҳеч ким бу ҳукуқдан маҳрум қилиниши мумкин эмас.

Агар ҳокимият халқ ҳукуқларини оёқ ости қилгудай бўлса, халқ бундай ҳукуматни алмаштириш ҳукуқига эгадир. Тенглик, эркинликни халқдан тортиб олишга ҳеч кимни ҳаққи йўқ, буларнинг барчаси бегона қилинмайдиган табиий ҳукуқлардир. "Дунёда инсон ҳукуқларидан бошқа барча нарса ўзгаради", дейди Джэфферсон. Унинг фикрича, табиий ҳукуқлар давлат чиқарган қонунлардан устундир. Улар ўртасида пайдо бўладиган зиддиятлар ҳар доим табиий ҳукуқ фойдасига ҳал қилиниши керак. Давлат табиий ҳукуқларнинг таминлаш учун яратилгандир.

Джефферсон сиёсий таълимотининг асосий муаммоси шахс ҳукуқлари ва ҳокимиятни демократик усуlda тузиш муаммосидир. Шахс ҳукуқларини ҳукумат ҳукуқларига нисбатан устувор қўйиш орқали Джэфферсон шахсни ҳокимият ўзбошимчалигидан муҳофаза қилмоқчи бўлади.

Джефферсоннинг сиёсий идеали давлатни халқ сайлаган вакиллар орқали бошқариш ва назорат қилиш имконини берувчи демократик республика эди.

Барча мансабдор шахслар маълум бир муддатга сайланиши ва халқ назорати остида бўлиши шарт, дейди Джефферсон, ва шу нуктаи назардан Монтескъенинг монархия ҳақидаги фикрларини танқид остига олади.

Джефферсон ташаббуси билан 1787 йилда қабул қилинган АҚШ конституциясига ўнта қўшимча киритилиши зарур деб топилди. Бу қўшимчалар сўз эркинлиги, матбуот эркинлиги каби демократик ҳуқуқ ва эркинликларни ўз ичига олган эди. Бу қўшимчаларнинг барчаси 1791 йил кучга кирган АҚШ Конституциясида ўз аксини топди.

3-&. Томас Пейннинг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари

АҚШ мустақиллиги учун курашни назарий асослаб чиқсан сиёсий матуфаккирлардан яна бири Томас Пейн эди (1727-1809). У инглиз қирол ҳокимиятини АҚШ халқига нисбатан олиб борган мустамлакачилик сиёсатини табиий ҳуқуқ нуктаи назаридан танқид қиласди, унга қарши озодлик кураши зарурлигини асослайди. Унинг фикрича, мустақиллик учун кураш ҳар бир халқнинг бегоналаштириб бўлмайдиган табиий ҳуқуқидир.

Пейн инсон эрки ва ҳуқуқларининг таъминлаш масалаларига катта аҳамият беради. "Барча одамлар насл-насаби билан бирдирлар, демак, уларнинг барчаси тенг туғуладилар ва тенг табиий ҳуқуқларга эгадирлар". Пейн сўз эркинлиги, матбуот, виждан эркинлиги, тенглик, фаравон ҳаёт ва бахтга эришиш каби ҳуқуқларни табиий түфма ҳуқуқлар деб билади. Табиий ҳуқуқ асосида фуқаровий ҳуқуқ пайдо бўлади. Бу ҳуқуқ одамларнинг табиий ҳуқуқларига зид бўлмаслиги керак. Пейннинг айтишича, табиий ҳуқуқ асосида пайдо бўлган ҳокимият ҳеч қачон якка шахс қўлида ва инсон табиий ҳуқуқларига зид бўлмайди. Шундан келиб чиқсан ҳолда, Пейн халқ суворенитети ғоясини асослайди. Ҳокимият манъбаи – халқнинг ўзидир. Қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг халқ томонидан ташкил қилиш халқнинг бегоналаштириб бўлмайдиган табиий ҳуқуқидир.

Пейн жамият ва давлат бир эмаслиги, уларнинг ўртасидаги фарқ ҳақида ўз фикрини баён қиласди. "Жамият бизнинг эҳтиёжларимиз туфайли пайдо бўлади, хукумат эса бизнинг нуқсонларимиз туфайли", дейди Пейн.

Давлат ва жамият келиб чиқиши нуктаи назаридангина эмас, вазифалари жиҳатидан ҳам бир биридан фарқланади. Агар одамлар нуқсонларига эга бўлмай ўзаро муносабатлариниadolat асосида курганларида эди, хукуматларга эҳтиёж бўлмас эди. Хукуматнинг асосий мақсади хавфсизлик ва эркинликни таъминлашдир. Шунинг учун

давлатнинг идора қилишнинг энг яхши шакли халқнинг хавфсизлигини, унинг хуқуқ ва эркинликларини таъминлавчи демократик республикадир.

Джефферсон, Пейн, Линкольнларнинг демократик анъаналари АҚШда прогрессив сиёсий ва хуқукий фикрнинг ривожига катта таъсир кўрсатди.

ХІ-боб. РОССИЯ СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАРИНИНГ АЙРИМ ХУСУСИЯТЛАРИ.

1-&. Кириш

Россия сиёсий–ҳуқукий маданияти ўзининг хусусияти ва анъаналарига эгадир. Улар бир қанча омиллар тасирида шаклланди. Бу омиллар орасида Россиянинг жуғрофий-сиёсий ҳолати, унинг Шарқ билан Фарб ўртасида жойлашганлиги, катта худудий маконга эгалиги ва иқлимий шароитлари, аҳоли таркибининг хилма-хиллиги, хўжалик фаолияти, ижтимоий-маданий турмуши, анъаналари ва эътиқодларини эслатиб ўтиш кифоядир.

Россия давлати кўп миллатли бўлганлиги учун муайян даражада миллий, тарихий, диний, ижтимоий-маданий хусусиятларни ҳисобга олишга мажбур эди. Масалан, муайян

сиёсий мақсадларга бўйсундирилган шаклда рус давлати қонунлари билан бир қаторда шариат, одат ҳуқуқи ва бошқа ҳуқуқ тизимлари ҳам ҳаракатда бўлган.

Кўп асрлар давомида Россияда ҳукм сурган мустабид ҳокимият тузуми, аҳолининг аксарият қисмини ҳуқуқсизлиги, ички ва ташқи сиёсатда асосан зўрлик усусларига амал қилиш, мамлакатнинг бошқаришда марказлашган бюрократик тизимга таяниш, ҳар қандай эркин фикрнинг бостириш сиёсати мамлакатнинг иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий ҳаётининг қолоқ ва тўргун холатда қолишига сабаб бўлди.

XI-асрда вужудга кела бошлаган рус сиёсий ва ҳуқуқий таълимотларида мустақиллик, давлатнинг марказлаштириш, қучли, чекланмаган мустабид подшох ҳокимиятини ўрнатиш ғоялари ўз аксини топади. Бу таълимотларда православ черков билан давлат ўртасидаги ўзаро муносабатлар масалалари ҳам катта ўрин олган. Проваслав черкови давлатнинг идораларидан биридир. У подшоҳ ҳокимиятига бўйсуниши шарт, деган фикр кенг тарғиб қилинди.

Мамлакатни қолоқлиқдан чиқариш зарурлигини англаш Петр I давридан бошлаб рус давлатчилигининг энг муҳим стратегик вазифаларидан бири бўлиб қолди. Кейинги даврларда ҳам Россиянинг Фарбий Европа илғор мамлакатларига нисбатан орқада қолганлиги, иқтисодий ва маданий, сиёсий ва ҳуқуқий аҳволининг Европага таққослаб баҳолаш ва зарур бўлган ислоҳотларни амалга ошириш муаммолари сиёсий фикр диққат марказида бўлади.

Рус давлати ўзининг ҳудудий ва этник таркиби жиҳатидан Европа континентига мансуб давлат сифатида шаклланди. Бунга христианликнинг таъсири катта бўлди. Христианлик 988 йил Киев Руси князи Владимир даврида қабул қилинди ва давлат дини сифатида Россия ижтимоий-сиёсий ҳаётида катта роль ўйнади.

Рус давлати тараққиётининг ҳамма босқичларида рус давлатчилигининг бошланиши ва илдизи Киев Руси эканлиги ҳақидаги ғоя ўқтирилиб келинди. Россиянинг мўғуллар зулмидан озод қилиниши, Москва князлиги заминида марказлашган рус давлатининг шаклланиши ва мустахкамланиши даврига келиб Киев Руси ва Москва давлати тарихининг илдизи бир эканлиги ҳақидаги ғоя хукумрон давлат мафкураси даражасига кўтарилди. Бу ғоя Москва хукумдорларининг Киев буюк княzlари орқали дунёподшоҳи ҳисобланган Рим императори Август билан ворислик алоқаси борлигини ва проваслав христианлигининг ягона ҳомийси Москва хукумдорларидир, деган фикрни асослашга хизмат қилиши керак эди. Москва қадимий Рим ва Константинополдан кейинги "учинчи Рим", деб эълон қилиниши шу билан изоҳланади. Бу таълимотни Псков монастирининг монархи Филофей батафсил ишлаб чиқди. Унинг таълимоти рус давлатининг Рим ва Византиядан кейинги энг буюк давлатдир, Москва хукумдорлари эса

худо танлаган буюк ҳукумдорлар ҳокимиятининг қонуний ворислариридир, деган фикрни асослашга қаратилган эди. Филофей давлатга ҳукумдорнинг мулки сифатида қарайди.

Россия давлатчилиги тарихига хос ҳусусиятларидан бири шундаки, бу ерда мўғуллар зулмидан кейин Москва подшолиги вужудга келиши давридан бошлаб, сиёсий дикқат ҳудудни кенгайтириш ва марказий ҳокимиятни мустахкамлашга қаратилган. Аҳолининг манфаатлари ўз аҳамиятини йўқотиб борди. Вақт ўтиши билан бу жараён кучайиб борди ва Россияни бу соҳада Фарбий Европадан фарқланишини яққол қўрсата бошлади. Фарбий Европада феодал муносабатларидан Янги давр жамияти ва давлати томон ўтиш жараёни тезлашди, инсон ҳуқуқи ва эркинликлари борган сари кенгроқ тан олина бошланди ва натижасида олий ҳукумдор ҳокимияти чекланиб борди.

Россияда эса аҳолининг барча қатламларининг ҳуқуқсизлиги XVIII асрнинг иккинчи ярмигача давом этди. Россиянинг сиёсий ва ҳуқуқий тарихида биринчи бўлиб император Петр III фармони билан дворянлар мажбурий давлат хизматидан озод қилинди. Бундан кейин Екатерина II-XVIII асрнинг 70-80 йилларида дворянларга айrim бошқа гражданлик ҳуқуқ ва эркинликларни шу жумладан ҳусусий мулкка эгалик қилиш ҳуқуқини берди. Россия аҳолисининг асосий қисмини ташкил қилган дехқонларнинг крепостной қарамлиқдан озод қилиш учун яна 100 йил керак бўлди. Бу Александр II томонидан 1861 йилда амалга оширилди.

Инсон ҳуқуқи ва эркинликлари, ҳуқуқий қадриятлар ва умуман ҳуқуқ масалаларига салбий муносабат аҳолининг ҳуқуқсизлигини янада мушкуллаштиради.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш зарурки, Россия давлати йирик евроазия мамлакати сифатида ривожланишида Европага таҳлид қилиш йўлидан борди. Петр I ислоҳотларидан бошлаб Россиянинг асосий ислоҳотлари мана шу фундаментал вазифаларни ечишга қаратилди.

XVII-XVIII асрларда Россия сиёсий фикри янги давр Фарбий Европа ғоялари тасири остида ривожланди. Сиёсий таълимотлар аста-секин диндан ажралиб борди, дунёвий тус ола бошлади. Бу жараённинг тезлашишга Петр I нинг ислоҳотлари катта туртки берди.

Бироқ Европа маърифатпарварлигининг "ижтимоий шартнома:", "табиий ҳуқуқ", "ҳокимиятлар бўлиниши" каби тушунчалари Россияда ўзига хос йўлда талқин қилинди, ёки умуман тадбиқ қилинмади. Маърифатпарвар абсолютизм ғоясининг тарафдорлари: Ф.Прокопович. В.НТатищев, И.Т. Посошков ва бошқалар давлат бу "умумий маъфаат", "умумхалқ фойдаси" учун хизмат қилувчи, ўз фуқароларининг орзу истакларига қулоқ соловучи кучдир, деган ғояни асослашга ҳаракат қилдилар.

Шу билан бир вақтда рус тарихий жараённининг ўзига хос ҳусусиятлари ва демократик институтларнинг йўқлиги ижтимоий ўзгаришлар факат юқоридан, давлатнинг

инъоми сифатида амалга оширилади, бундай давлатнинг энг қулай шакли абсолют монархиядир, деган холоса чиқаришни тақозо қиласа эди.

XVIII-асрнинг иккинчи ярмида Россия сиёсий фикри янги босқичга кўтарилди. Унда француз маърифатпарварлиги таъсири остида давлатнинг идора қилувчи ҳукмдор ҳокимияти билан шахс ва жамият ўртасидаги ўзаро муносабати, шахс қадр-қиммати, унинг табиий ҳуқуклари каби муаммолар тахлил қилина бошланди.

Сиёсий фикрда консерватив, маърифатпарварлик ва унинг радикал йўналишларини кўрамиз. Консерватив йўналишининг кўзга кўринган намоёндаси М.М.Щербатов (1733-1790) чекланмаган монархия давлат шаклини, крепостной тузумни сақлаб қолиш ғоясини ҳимоя қилиб чиқди.

2-&. Маърифатпарварлик йўналиши вакилларининг сиёсий-ҳуқукий қарашлари

Маърифатпарварлик йўналиши вакиллари С.Е.Десницкий Я.П.Козильский, Н.И.Новиков, А.Я.Поленов ва бошқалар крепостной ҳуқуқ тузумини танқид остига олдилар. Уларнинг айримлари "Маърифатли ҳукмдор" ғоясини ҳам шубҳа остига олдилар.

XVIII аср иккинчи ярмида маърифатпарварлик йўналишининг сиёсий ва ҳуқукий қарашлари ўз ифодасини биринчи рус ҳуқуқшунос-профессори С.Ч.Десницкий (1740-1789) асарларида топди: С.Ч.Десницкий Г.Гроцийнинг табиий ҳуқуқ ҳақидаги қарашларига хайрихохлик билдиради.

Маърифатпарварлик радикал йўналишининг намоёндаси А.Н.Радищевdir (1749-1789). У крепостной ҳуқуқни, мустабид монархия давлатини кескин танқид остига олди. Мустабид монарх ҳокимияти мамлакатнинг тараққий этишига ғовдир, ўзбошимчалик маконидур, деб баҳолади. Радищев маърифатли ҳукумдор назариясини ҳам рад қилди.

А.Н.Радищев "ижтимоий шартнома" назариясига асосланиб, халқ шартномага амал қилмаган давлатдан воз кечиш ҳуқуқига эгадир, деган холосага келди.

Пётр I ислоҳотларидан бошланган Россиянинг европалаштириш ҳаракати жамият консерватив кучларнинг қаттиқ қаршилигига учради. Улар мамлакатни европалаштиришга мутлақо қарши эдилар.

XIX асрнинг 30-40 йилларида Россия ижтимоий-сиёсий фикрида славянофиллар ва ғарбчилар номини олган оқимлар вужудга келди. Бу оқимлар Россиянинг тарихий тақдиди масалаларини муҳокама қилдилар ва ўзаро баҳслашдилар.

3-&. Славянофиллар ва ғарбчилар йўналиши вакилларининг сиёсий-хуқуқий қарашлари

Славянофиллар Россия ўзига хос ривожланиш йўлига эгадир ва шу йўлдан бориши зарур, деб чиқдилар. Буларнинг йирик намоёндалари А.С.Хомяков, И.В. Криевский, Ю.Ф.Самарин, И.С.Аксаков ва бошқалар.

Россия ўзининг патриалхал дехқон общинаси, ижтимоий ва маънавий психологик анъаналари билан Европадан ажralиб туради, бу миллий хусусиятни сақлаш ва ривожлантириш зарур деб биладилар.

Славянофиллар Фарбнинг иқтисодий, сиёсий ва хуқуқий тажрибасини ўрганиш ва жорий қилиш ижтимоий ва давлат тизимида ижобат ислоҳатлар ўтказишга мутлақо қарши чиқдилар. Улар мустабид монарх ҳокимияти тарафдори эдилар.

Ғарбчилар оқимининг намоёндалари А.И.Герцен, Т.Н.Грановский, Ю.П Огарев, В.П.Боткин ва бошқалар Россияда ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар ўтказиш зарурлигини, Фарбий Европа мамлекатлари эришган ютукларининг ўзлаштириш ва уларга амал қилиш ғояларини тарғиб қилдилар.

4-&. Либерал йўналиш вакилларининг сиёсий-хуқуқий қарашлари

XIX аср охири ва XX аср бошларида рус сиёсий ва хуқуқий фикрида либерализм ғоялари ривож топа бошлади. Либерал йўналиш вакиллари Россия ва Фарбий Европа давлатларининг ривожланиш йўллари бирдир, деган ғояни асосладилар. Улар мустабид монархияни конституцион монархия билан алмаштиришга қаратилган ислоҳатларни амалга оширишни талаб қилиб чидилар. Бу талабларнинг асослашда улар табиий хуқуқ назариясига, Кант ва Гегелнинг хуқуқ фалсафасига мурожат қилдилар.

Бу йўналиш намоёндалари Б.Н.Чичерин, П.И.Новгородцев, И.А.Ильин, К.Д.Кавелин, С.А.Муромцев, М.М.Ковалевский ва бошқалар.

Б.Н.Чичерин (1828-1904) қаламига мансуб асарлар орасида "Хуқуқ фалсафаси" ва 5 жилдлик "Сиёсий таълимотлар тарихи" алоҳида ўрин олган.

Б.Н.Чичерин таълимотига кўра, инсон ўз табиати билан энг сезгир ва ўз қадр-қимматини онглашга қодир мавжудотдир. Уни оддий куролга айлантириш мумкин эмас.

Кишилик жамиятларининг барчасини ҳаракатланувчи кучи мана шу онгдир. Ҳукуқ ғояси мана шу онгдан келиб чиқади ва борган сари кенгайиб онгда ҳукумронлик қила бошлайди.

Бироқ одам жамиятда яшайди ва узлуксиз ўз эрки доирасини кенгайтиришга интилевчи бошқа одамлар билан тўқнашади. "Шундан, дейди Чичерин, уларнинг ҳар бирига нима тегишлилигини аниқлаш ва ўзаро тортишувларни бартараф қилиш учун муайян қоидалар ўрнатиш зарурати пайдо бўлади. Ҳукуқ кишилик жамоасининг илк босқичларида мана шундай пайдо бўлади ва ўсиш, мураккаблашиш натижасида энг юқори босқич томон ривожланади. Ҳукуқ бу эркинликни умумий қонун остида ўзаро чекловчи, барча кишилик жамиятларининг ажralmas белгисидир".

Шундай қилиб Чичерин ҳукуқнинг пайдо бўлиши ва яшаш сабаларини жамиятда мавжуд икки қарама-қарши элементдадир деб кўрсатади: Эрқдан иборат шахснинг руҳий табиати ва эркинликни чекловчи қонунда ифодасини топган ижтимоий омил. Буларнинг ўзаро муносабатларини уйғунлаштириш асосий масаладир.

Б.Н.Чичерин ҳукуқ фалсафасининг аҳамияти ва ролини кўрсатишига уринди.

Унинг фикрича, ҳукуқнинг фалсафий асослари амалиёт учун кўргазма вазифасини ўтайди, чунки "ҳукуқ соҳаси ижобий қонунчилик билангира чекланмайди".

Амалдаги қонунлар одамлар эҳтиёжи ва қарашларининг ўзгариши билан ўзгариб боради ва инсон иродаси билан яратилганлиги учун яхши ва ёмон бўлиши мумкин. Уларни одамлар баҳолайдилар. Қонун чиқарувчининг ўзи ҳам қонунларга баҳо беради. Қонун чиқарувчи ўзининг кўргазмаларига итоат қилиши шарт бўлган одамларнинг ҳукуқ ва мажбуриятларини белгилашда нимага асосланиши керак? У бундай кўргазмани амалдаги ҳукуқнинг ўзидан ололмайди, чунки унинг ўзини баҳолаш ва ўзгартириш керак. Бунинг учун бошқа юқори даражадаги тасаввур ва тушунчалар керак бўлади. Қонун чиқарувчи ҳаётий тажриба кўргазмалари билан ҳам кифоялана олмайди, чунки улар бирбирига қарама-қарши тушунишни талаб қиласиган ҳар хил элемент, манфаат ва талаблардан иборатдир. Амалдаги қонунларнинг нисбий кучи ва қадр-қимматини аниқлаш учун умумий тарози ва ўлчов, яъни йўл кўрсатувчи қўлланма бўлиши керак. Бу вазифани фақат фалсафа бажара олади.

Одамларнинг ҳукуқ ва мажбуриятларини қонунда ақилга мувофиқ белгилаш учун ҳукуқ нима, унинг манъбай қаерда ва ундан қандай талаблар келиб чиқади, каби масалаларни билиш керак. Бу муаммолар инсон шахси билан узвий боғлиқ. Бунинг аниқлаш инсон табиати, унинг хусусиятлари ва ҳаётий мақсадларини тадқиқ қилишни талаб қиласиган ҳар хил элемент, манфаат ва талаблардан иборатдир. Бу масалаларнинг барчаси ҳукуқ фалсафаси доирасига киради, дейди Чичерин. У Гегель ҳукуқ фалсафасига асосланади.

Шахс ва жамият масалаларини тахлил қилишда Б.Н.Чичерин ўзининг индивидуализм концепциясини баён қиласди. Инсоннинг ақл-заковатли мавжудод эканлиги эркин иродада намоён бўлади. Мана шу туфайли инсон шахс сифатида тан олинади ва унга хукуклар берилади. Шахс барча ижтимоий муносабатларнинг илдизи ва белгиловчи асосидир.

Қонуннинг эркинликка нисбатан муносабати иккни хил булиши мумкин: мажбур қилиш (давлат қонунини) ва ихтиёрий (аҳлоқий қонун). Биринчиси ташқи эркинлик доирасидан ташкил топган ташқи харакатларга таалукли, шуларгина мажбур қилинишга мансубдир; иккинчиси ички эркинликдан чиқадиган интилишларга мурожат қиласди. Биринчисидан хукуқ пайдо бўлади, иккинчиси аҳлоқ маънбани ташкил қиласди.

Чичерин хукуқнинг субъектив хукуқ ва объектив хукуқ маънода тушуниш лозим дейди. Субъектив хукуқ бу аҳлоқий имконият, бошқача айтилса, қонун доирасида эркин харакат қилиш имконияти. Объектив хукуқ эркинликни белгиловчи қонуннинг ўзи. Бу икки маънонинг бирлаштириш натижасида хукуқнинг умумий тарифини беради. "Хукуқ қонун билан белгиланган эркинлиқдир".

Б.Г.Чичерин ижобий хукуқ заминида табиий хукуқ ётиши керак деган ғояни олға суради. Табиий хукуқ инсон ақл-идроқидан келиб чиқадиган, мажбурий бўлмаган умумий юридик нормалар тизимиdir. Табиий хукуқнинг адолат, тенглик ва эркинлик каби нормалари ижобий қонунлар учун асосий ўлчов ва қўлланма бўлиши керак, дейди Чичерин.

Б.Г.Чичерин жамият тузилиши ҳақида фикр юритар экан, 4 бирликни ажратади: оила, фуқаролар иттифоқи (фуқаролар жамияти, индивидларнинг ташқи эркинлик соҳаси), черков иттифоқи (ички эркинлик ва виждон, инсоннинг худо билан мулоқатда бўлиши ва аҳлоқий қонуннинг бажарилиши соҳаси), давлат ижтимоий иттифоқлар ривожининг энг юқори босқичи.

Чичерин фикрига кўра, давлат барча иттифоқлар ичida энг устиворидир. Лекин у бошқа иттифоқлар мустақиллигига тўсқинлик қиласлиги керак. Барча иттифоқлар муассасага эмас, шахсга, эркин одамларга таянади. Иттифоқларнинг мақсади ҳам шундадир. "Шахслар муассасалар учун эмас, муссасалар шахслар учун. Муассасаларнинг такомиллаштириш ҳам шунга боғлиқ".

Б.И.Чичериннинг таълимоти рус мустабид тузумини ислоҳ қилишга, конституцион монархиянинг жорий қилиш зарурлигини асослашга қаратилган эди. Б.Н.Чичерин ғоялари рус хукуқий фикр ривожида чукур из қолдирди.

Россия сиёсий ва хукуқий таълимотлар тарихида И.А.Ильин ғоялари диққатга сазовордир.

И.А.Ильин (1883-1954) рус файласуфи ва хукуқ назариётчisi, Москва университети юридик факультетининг профессори. 1922 йил Росиядан сургун қилинган. Германия, Швецарияда яшаган.

И.А.Ильин хукуқ муаммоларини инсоният тарихи ва маданиятининг таркибий қисми сифатида тадқиқ қиласди. Унинг фикрига кўра ҳар бир конкрет одам маҳсус дунёқарашга эга. Хукукий онг дунёқарашнинг муҳим таркибий қисмидир. Ушбу дунёда мендан бошқа одамлар ҳам борлигини, шахсий ҳаётим бошқа одамларга бўлган муносабатимга боғлиқ эканлигини англашдан келиб чиқади. Хукуқ, қонун, одатнинг субъектив-психологик илдизи одамларнинг тўғри ва адолатли ҳаракатларидан ташқари чидаб бўлмайдиган ёмон ҳаракатлари ҳам борлигини чукур хис қилишдадир.

Бу эътиқод хукуқ ва аҳлоқ ўртасидаги фарқни билмайди, ҳар қандай қонун ва одатнинг асосини ташкил қиласди.

Одамларнинг ички эътиқоди "адолат" ва "адолатсизлик", "қонунийлик", "қонунсизлик"нинг мавжудлигига қатъий ишонч ҳосил қилганлигидадир. Бу ишонч "хукукий хис", "хақлилик инстинкти"да намоён бўлади. Улар одамларнинг ўзаро муносабатларига қаратилгандир. Бу инстинкт хиснинг мазмунини очиб бериш, уни хиссиёт ҳолатидан билим даражасига ўтказиш-етук табиий хукуқ онгига асос солиш демакдир.

Шундай қилиб, объектив мавжуд табиий хукуқ онгги табиий хукуқнинг предметини ташкил қиласди. Бу хукукий қонун учун асосдир. Уларнинг мажмуи эса ижобий хукуқдир.

Табиий ва ижобий хукуқ ўзаро муносабати хукукий онгнинг реал мазмунини белгилайди. Табиий хукуқ ижтимоий онгнинг маҳсус шакли, инсон рухиятининг зарур элементи сифатида намоён бўлади. Табиий хукуқ одам бошқа одамларнинг хукуқ ва эркинликларига ҳурмат билан муносабатда бўлишини, бусиз у жамиятда яшashi мумкин эмаслигини назарда тутади. Одамзодга хос объектив нимадир борки, унга риоя қилиш ҳар бир одам учун муқаддас бурч ҳисобланади. Ижобий хукуқ муайян шароитда амалга оширилган ва шу шароит билан боғлиқ хукуқдир. У табиий хукуқнинг таъминланишига ва ўзида сақлашга ёки уни чеклашга ва бузишга қаратилган бўлиши мумкин. Унинг табиий хукуққа мос келиши ёки келмаслигига қараб ижобий хукуқнинг прогрессив ёки реакцион эканлигини ажратиш мумкин.

Ижобий хукуқ шундай шароитда яратиладики, дейди Ильин, унинг мазмуни тамаъгири ирова, бехабарлик, нотўғри назария ва билмаслик таъсири остида қолиши мумкин. Шунга қарамасдан шу омиллар таъсири остида хукуқ мазмунига кириб қелган чекиниш ва бузилишлар қанчалик катта ва даҳшатли бўлмасин, бу хукуқ ўзининг

табиатига кўра табиий ҳуқуқнинг асосий мағзини ўзида сақлаб қолади, чунки у табиий ҳуқуққа ҳизмат қилиш учун пайдо бўлган.

И.А.Ильин қўйидагиларни ижобий ҳуқуқнинг ташқи омиллари деб кўрсатади: куч ва ундан фойдаланувчи ҳокимият тизимлари, қонунларнинг обруи, давлат органларининг қонун чиқариш фаолияти, жамиятнинг муайян табақаларининг манфаатлари, қонунда ифодаланган ёки шунга интилевчи ирода.

Реал ҳуқуқ, дейди Ильин, доим табиий ҳуқуқ билан ижобий ҳуқуқ ўртасидаги муносабат сифатида намоён бўлади. Табиий ҳуқуқ мақсадга эришиш бўлса, ижобий ҳуқуқ мақсадни амалга ошириш воситасидир. Ҳеч қандай қонун мутлоқ бенуқсон бўлмайди. Шунинг учун ҳам қонуннинг яхшилаш, такомиллаштиришга қаратилган иш тўхтовсиз олиб борилади. Табиий ҳуқуқнинг қонун йўли билан таъминлашга интилевчи ҳуқуқшунос ижтимоий муносабатларнинг доимий ислоҳатчисидир. Агар давлат ва ҳуқуқ муайян гуруҳларнинг тор манфаатлари йўлида фойдаланадиган бўлса, ҳуқуқшуноснинг ҳаракатлари салбий оқибатларга олиб келади. Ижобий ҳуқуқ табиий ҳуқуқ ғоясини расмий, юзаки баён қилиб ўз вазифасини бажармаган ҳолда ҳам ҳуқуқ сифатида тан олинади. Мана шунда ҳуқуқий ҳаётнинг фожиавий ва қулгили томонлари намоён бўлади. Ҳуник ва бузилган ҳуқуқий онг, мазмуни бузилганлигига қарамай ҳуқуқий онг бўлиб қолмоқда. У ҳуқуқ ғоясига мурожат қилмоқда, лекин ундан фақат андозасинигина олмоқда, ундан ўз хохишича фойдаланмоқда, ҳиёнат қилмоқда, уни номуносиб, бузук мазмун билан тўлдирмоқда. Ноҳақ ҳуқуқ пайдо бўлмоқда, лекин у ҳуқуқ деб кўрсатилмоқда, оқибат натижада одамлар онгидаги ҳуқуқ ғояси обрўсизлантирилмоқда, унга бўлган ишонч йўқолмоқда.

И.А.Ильин табиий ҳуқуқ муаммолари билан бирга ҳуқуқ ва аҳлоқнинг ўзаро муносабати, зўрлик ва унинг ижтимоий ҳаётдаги роли каби ҳуқуқ фалсафаси муаммоларини ҳам тадқиқ қилди.

Россия XX асрга мустабид монархия давлати сифатида кириб келди. Қонун чиқариш ва ижро этиш ҳокимиятлар тўлиқ монарх қўлида эди.

Ижтимоий ҳаёт эҳтиёжлари мавжуд давлат тизимини ўзgartириш, монарх ҳуқуқларининг чеклаш, ваколатли ҳокимият органларини шакллантириш зарурлигини талаб қиласарди.

Бу йўлда биринчи қадамлар 1905 йил рус революцияси таъсири остида қўйилди. Монарх қонун чиқаришнинг ташкил қилиш ва амалга ошириш соҳасида айrim ўзгаришлар қилишга, фуқароларнинг бир қатор демократик ҳуқуқ ва эркинликларини тан олишга мажбур бўлди. Давлат Думмасини жорий қилиш орқали қонун чиқариш соҳасида монарх ҳокимиятини чеклашга қаратилган тадбир алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Бироқ

ҳокимиятнинг бўлиниш принципини ва конституцион монархияни амалда жорий қилишга хали узоқ эди. Реал ҳокимият асосан подишоҳ қўлида сақланарди.

Умуман олганда мамлакат олдида турган асосий муаммоларни ислоҳатлар орқали ҳал қилиш имконияти йўқотилган эди. Ўтказилган ислоҳатлар ўз олдига қўйган вазифаларни бажара олмади. XX аср бошида Россияда инқилобий вазият вужудга келган эди.

Буржуазиянинг кучсизлиги, ҳал қилиниши керак бўлган муаммоларнинг фундаменталлиги ва кескинлиги, жамиятнинг қарама-қарши тоифаларга бўлиниши, юқори табақалар билан қуи табақалар ўртасидаги антоганизмнинг кескинлашиши, аҳолини талайгина қисмини қашшоқлиги, уруш оқибатлари, вайронгарчилик ва очлик, мамлакатда инқилобий куч ва ташкилот-ларнинг тарғиботчилик иши 1917 йил Феврал революциясидан кейин пайдо бўлган буржуа демократик тузумини тутатилишига олиб келди. Мамлакатда диктаторлик социалистик тузум ўрнатилди.

ХII- боб. ЛИБЕРАЛИЗМ СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ФОЯЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

1-&. Либерализм таълимотининг моҳияти

XVIII аср охири XIX асрнинг биринчи ярмида Фарбий Европада капитализм қарор топди ва ривожланди. Саноатда юз берган кескин ўзгаришлар мануфактура ишлаб чиқаришнинг йирик машина индистрияси билан алмашув жараёнининг тезлаштириди. Бу жараён энг олдин Англияда, кейин Франция ва бошқа Европа мамлекатларида юз берди.

Йирик саноат, савдо, алоқва воситаларини ривожланиши, умумжахон бозорининг вужудга келиши ва бошқалар капитализмнинг жаҳон ижтимоий-иқтисодий тизимига айланишини таъминлади.

Мана шу ўзгаришларга мос холда сиёсий-ҳуқуқий тизим вужудга кела бошлади. XIX- асрнинг биринчи ярмида инсон ҳуқуқи ва эркинликларининг мустаҳкамланишига мос конституциялар қабул қилинди. Хусусий ва давлат ҳуқуқи тизими ташкил топди. Сиёсий партияларнинг харакати фаоллашди. Конституционализм ва сиёсий ваколатчилик институтлари вужудга кела бошлади. Конституцион монархия ва республика шаклидаги замонавий ваколатли давлатлар пайдо бўла бошлади. Сиёсий ҳаётда эркинлик ва тараққиётга, қонунчиликка интилиш кўчайди.

Фарбий Европада ўрнатилган капиталистик тузум ўзининг мағкурасини либерализмда ифода қилди.

Либерализмнинг асосий ғоялари: ҳар бир шахс қадр-қиммат ва эрк эгаси ва ўз харкатлари учун масъулдир; шахс эркинлигининг зарурий шарти хусусий мулқидир; эркин бозор, эркин рақобат ва эркин тадбиркорлик, teng имкониятлар; сиёсий соҳада-ҳокимиятлар бўлиниши, қонун устиворлиги, ҳуқуқий давлат ғояси; шахснинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш; умумий сайлов ҳуқуқи ва бошқалар.

Либерализм турли ижтимоий-тариҳий ва миллий-маданий шароитларда шаклланди ва ривожланди. Унда турли хил бир-биридан фарқ қиласидан қирралар, босқичлар ва қарама-қаршиликлар борлигини кўриш мумкин. Турли даврларда у ҳар хил шаклларда намоён бўлди. Бу холни ҳисобга олсак турли хил либерализм борлиги ҳақида тасаввур пайдо бўлиши мумкин.

Лекин либерализмнинг хиллари кўп бўлишидан қатъий назар унинг илдизлари, асосий ғоя, тамойил ва идеаллари умумийдир. Мана шу умумийлик либерализмнинг ижтимоий-сиёсий фикрнинг маҳсус тури сифатида намоён қиласи.

Либерализмнинг илдизлари уйғониш даврлари билан боғлиқ. Унинг бошланишида Ж.Локк, Ш.Л.Монтескье, И Кант, Т.Джефферсон ва бошқалар турган эдилар. Либерализмнинг шаклланишига маърифатпарварлик харакатининг намоёндалари, немис классик фалсафаси вакиллари ҳам мухим хисса қўшдилар. Юқорида кўрганимиздек, улар ўз қарашлари билан бир биридан фарқ қиласаларда, уларнинг барчаси ўз даврининг мухим ижтимоий –иқтисодий ва сиёсий муаммоларини ҳал қилишда эскириб қолган қадрият ва ёндашувларни, ўз самарадорлигини йўқотган ижтимоий-сиёсий ва давлат институтларини янгидан қуриш зарурлигини онглаганлар.

Мана шундай ёндашув асосида класик либерализм меросий ҳокимият шаклларини, табақавий имтиёзларни инкор қилди. Унинг вакиллари якка индивиднинг эркинлик ва табиий қобилияtlарини биринчи ўринга қўйдилар. Ҳар бир одамнинг яшаш, эркинлик ва хусусий мулкка эга бўлиш хукуқлари ғояси замирида мана шу индивидуализм ётади. Сиёсий ва гражданлик эркинликлар иқтисодий эркинлиқдан чиқарилди. Индивидуал эркинлик ғоясининг шаклланиши ва қарор топиши давлат ва шахс муносабатлари, давлатнинг индивид ишларига аралашиш чегаралари муаммоси аниқ ажralиб чиқа бошлади. Шу қоидалар асосида хукуқий ва сиёсий концепциялар вужудга келди. Бу концепциялар хукуқ ҳар бир индивиднинг қадр-киммати ва эркинлигини ҳимоя қилиш воситаси сифатида талқин қилинди.

Бу индивидуалистик идеал тадбиркорлик, меҳнатсеварлик, янгиликка интилиш каби фазилатларни шаклланишига туртки борди. Капитализмнинг ўзгарувчан тизим сифатида ривожланишида мана шу қадриятлар катта рол ўйнади. Либерализмнинг вакиллари инсоннинг иқтисодий, жисмоний ва интелектуал эркинлиги, максад ва манфаатларини амалга ошириш йўлида тенг имконият ва хукукларга эга бўлиши учун курашдилар.

Либерализм инсон ҳаётининг янги харакатчан кучларини очди. У Европага тадбиркорлик ва бинес йўлидан ҳар қандай тўсқинларни улоқтириб ташлашни ўргатди. Эркинлик бўлмаган ерда тадбиркорлик ривожланмаслигини кўрсатди.

Либерализм ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида плюрализм принципи жорий қилинишининг талаб қилди. Ижтимоий соҳада турли синф, қатлам ва тоифалар, манбаатдор гурухлар эркинлиги; маданий соҳада турли хил миллий маданиятлар, сиёсий соҳада-сиёсий харакатлар, партия ва жамоат ташкилотлари эркинлиги.

Либерализмнинг шахс эркинлиги талабаларидан ҳар ким хохлаганини қилиши мумкин деган хуласа чиқмайди Шахс эркинлиги ғоясининг ажралмас иккинчи томони шахснинг жамият олдида маъсуллиги ғоясидир. Либерализм вакиллари умумий баҳт-саодатнинг таъминлашда давлат ижобий рол ўйнаши мумкинлигини ҳам инкор қилмайди.

Конституциявийлик, парламентаризм ва хукуқий давлат қадрияти ва принципларини ишлаб чиқиша либерализмнинг роли катта бўлди.

Умуман олганда либерализм догматизм, схематизмга зид тафаккур тарзидир. Унда ўзгармас, бир хил меъёр ва қоидалар йўқ. Либерализм шароитнинг ўзгариши билан ўзгариб борди, унга мослашди. У ўз вазифасини ўтаб бўлган ижтимоий-сиёсий институт, меъёр ва қадриятларни қайта кўриб чиқиш, хатто уларни ўзgartiriшдан ҳам қўркмади. Либерализм вакилларининг кўпчилиги классик меросни ўзгарувчан шароитга мослаштириш билан банд бўлганлар.

&-2.Бенжамен Констан, Иеремия Бентамнинг сиёсий ва ҳуқуқий қарашлари

Европа либерализмининг кўзга кўринган намоёндаларидан бири, Франция либерализми сиёсий дастурини ишлаб чиқкан мутафаккир ва сиёсий арбоб Бенжамен Констан эди (1748-1832). У ўзининг фояларини "Конституция очерклари", "Сиёсий принциплар", "Янги халқлар эркинлигига нисбатан қадимги халқлар эркинлиги ҳақида" ва бошқа асарларида ифодалади.

Б.Констаннинг дикқат марказида шахс ва давлатнинг ўзаро муносабати муаммоси туради. Унинг айтишича, инсонга хос мухим хусусият эркинликдир. Фуқаронинг барча ҳуқуқлари эркинликдан келиб чиқади. Эркинлик инсон ҳаётининг асосидир. Фуқаролар хеч қандай ижтимоий ва сиёсий ҳокимиятга боғлиқ бўлмаган индивидуал ҳуқуқларга эгадирлар. Бу ҳуқуқларни бузувчи ҳар қандай ҳокимият ноқонунийдир.

Констаннинг фикрича, эркинлик ҳокимиятнинг халқ қўлида бўлганлигига эмас, шахснинг давлат ҳокимиятига нисбатан мустақил бўлганлигидадир. Ҳокимиятларни чеклаш, уларни билиш ва мувозанатни ўрнатиш талаблари шундан келиб чиқади.

Констан икки хил эркинликнинг фуқаровий (шахсий) ва сиёсий эркинликларни ажратади.

Қадимий халқлар эркинликлари сиёсий эркинликдан иборат эди. Яъни ҳар бир фуқаро давлатни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқига эга эди. Бу қонун чиқариш, одил судловни амалга ошириш, мансабдор шахсларни сайлаш, уруш ва тинчлик масалаларини ҳал қилишда иштирок этиш билан чекланар эди. Янги халқлар эркинлиги асосан шахсий фуқаровий эркинликдир. Бу шахснинг маълум даражада давлат ҳокимиятидан мустақил бўлишидир.

Констан шахсий эркинликни қуидагича изохлади: бу асоссиз қамоққа олмоқдан дахлсизлик, ўз фикрини эркин ифода этиш, ўзига хоҳлаган хунар танлаш ва у билан эркин шуғулланиш, ўз мулкидан хоҳлаганича фойдаланиш ва унга эгалик қилиш, хоҳлаган жойда яшаш, хоҳлаган динга сиғиниш, мажлис ва йиғилишлар ўтказиш ҳуқуқларига эга бўлишдир. Энг охирида Констан мансабдор шахсларнинг сайлаш орқали ҳукумат ишларига таъсир қилиш ҳуқуқини ҳам эркинлик таркибиға киритади.

Констан индивид эркинлигининг таъминлаш ва давлат ҳокимиятининг чеклаш воситаси сифатида жамоатчилик фикри ва ҳокимиятлар бўлинишини кўрсатади.

Констан жамоатчилик фикри ҳақида гапирганда парламентни назарда тутади. Парламент бу жамоатчилик фикрини уюштириш шаклидир. Унинг асосий вазифаси жамоатчилик фикрини ва муайян манфаатларни ифода этишdir. Парламентга сайлаш ҳукуки мулкий цензга асосланган бўлиши керак, чунки жамоатчилик фикрини мулк эгаларигина муносиб ифода эта олиши мумкин дейди Констан.

Эркинликнинг таъминловчи иккинчи омил ҳокимиятлар бўлиниши. Констан Монтескъенинг машхур таълимотига муайян ўзгаришлар киритади, уни янги шароитга мослаштиради. Монтескъенинг уч ҳокимиятига Констан қирол ҳокимиятини қўшади. Бундан ташқари Констан қонун чиқарувчи ваколатли ҳокимиятни иккига бўлади-юкори палата ҳокимияти ва жамоатчилик фикрини ифодаловчи қуйи палата ҳокимияти. Бу ҳокимиятлар ичига маҳаллий ҳокимиятни ҳам қўшади.

Констан қирол ҳокимиятига алоҳида аҳамият беради. Унинг айтишича, қирол ҳокимияти бошқа ҳокимиятлар ўртасида пайдо бўлиши мумкин бўлган келишмовчиликларни бетараф ва холисона ҳал қилади. Констан конституцион монархия тарафдори эди. Унинг сиёсий таълимоти буржуа индивидуализми ва ривожлана бошлаган капиталистик муносабатларнинг асослашга қаратилган эди.

Француз буржуазиясининг феодализмга қарши мағқурасини XIX асрнинг биринчи ярмида ифода қилган сиёсий мутафаккирлар орасида демократия муаммоларининг назариётчиси, изчил либерал А.Токвил (1805-1859) ҳам алоҳида ўрин эгаллайди.

Англияда либерализм таълимотини И.Бентам асослаб чиқди. (1748-1832)

Иеремия Бентам ўзининг "Қонунчилик принциплари", "Конституциявий кодекснинг барча давлатлар учун раҳбар коидалари" ва бошка асарларида сиёсий ва ҳукукий институтларнинг демократиялаштириш дастурини ишлаб чиқди. Ўзининг давлат ва ҳуқуқ таълимотида Бентам фойда тамойилига асосланади. Унинг фикрича инсон ўз фаолиятида фойда олишга интилади, лаззат истайди ва азоб, заарли нарсалардан қочишга харакат қилади. Хуллас инсон доим лаззат ва азоб хукмонлиги остида яшайди.

Одамлар амал қиладиган ягона тамойил баҳтга эришиш, фойда олишга интилишдан иборатдир. Энг аҳлоқли ва соҳоватли одам ҳам, аҳлоқсиз ҳам фойдасини, баҳтини ўйлайди ва унга эришишга харакат қилади.

Аҳлоқ ва қонун чиқарувчининг асосий вазифаси одамга нима кўпроқ фойда бериши мумкинлигини кўрсатиб беришдан иборатдир. Қандай харакат одамга кўпроқ фойда ва баҳт келтириши мумкин, унинг лаззати ва азоби қанчалигини ҳисоблаб чиқиш керак. Масалан, ичкилиқдан келиб чиқадиган лаззат ва азобни бир-бирига таққослаб чиқиш натижасида биз фойдадан кўра зарарни кўпроқлигини кўрамиз.

Бентам индивид оладиган фойдани жамият фойдаси билан тенгдир деб билади. Хусусий мулк эгасининг фойдасини кўпчилик фойдаси, умумий фойдадир, дейди у . Шунинг учун бу тамойилга якка

индивидларгина эмас, қонун чиқарувчи ҳам амал қилиши шарт. Бу тамойил қонун чиқарувчи учун асосий мақсад бўлиб хизмат қилиши керак. Қонун чиқарувчи, дейди Бентам, у ёки бу меъёрнинг қўллашда иложи борича кўпчилик баҳтини таъминлашга интилиши, қонундан келиб чиқадиган лаззат ва азобни ҳисобга олиши керак. Ҳар қандай қонун маълум даражада индивид эркинлигининг чеклайди. Қонун чиқарувчи буни назарда тутиши керак. Шундан келиб чиқиб, Бентам жамиятнинг хўжалик ҳаётига мумкин қадар давлатнинг аралшмагани макуллар, дейди. Иктиносий ҳаётнинг яхши натижаларга эришишининг таъминловчи ягона омил эркин рақобатдир. Давлат ва унинг қонунлари фуқароларнинг ҳавфсизлигини таъминлаш билан чекланиши керак. Ҳавфсизликнинг энг муҳим қисми мулкнинг муҳофаза қилишдир. Қонун ва мулқ, дейди у, бир бири билан чамбарчас боғлиқдир; улар бирга туғулган ва бирга ўладилар.

Бентам буржуа давлатчилиги тарафдори эди. У фойда таъмойилини таъминлашга қодир давлат – бу демократик республикадир деб билади. Унинг фикрича, ҳавфсизликка таҳдид солувчи иккита ички душман мавжуд. Биринчisi, норасмий душманлар-жиноят содир қилувчи фуқаролар; иккинчisi, расмий душманлар-қонун бузувчи ва ўзбошимчалик қилувчи мансабдор шахслар. Фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатловчи сиёсий тузум бу демократик республикадир. Бунда барча мансабдор шахслар ҳалқ назорати остида бўладилар. Бентам сайлов тизимининг ислоҳ қилиш таклифлари билан чиқди. Хусусан, у парламент сайловларини ҳар йил ўтказиш, очиқ сайловни бекор қилиш, сайлов цензини камайтириш, умумий сайлов ҳуқуқини жорий қилиш каби талабларни қўйди. Шу билан бирга Бентам саводсизларни сайлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш керак деб ҳисоблайди. Хотин қизларнинг сайлов ҳуқуқларини жорий қилиш ҳам хали эрта, дейди у.

Бентам ҳуқуқий тизимда сақланиб қолган эскилик қолдиқларини демократияга мутлоқ зид деб билди ва кескин танқид остига олди. Хусусан, у ўз даври низомларини чалкашлиги, тушуниш қийин сўзлардан иборат эканлиги, суд далилларининг сунъийлиги, айрим юристларнинг лўттивозликларини фош қилди. Бентам биринчилардан бўлиб юриспруденция тили масаласини кўтарди ва ундан мафкуравий найранг ишлатиш, эскилик қолдиқларини ҳимоя қилиш воситаси сифатида фойдаланиш ҳавфини кўрсатиб берди. Юристлар тили, дейди Бентам, одамларга тушунарли эмас. У яширин бир удум яратувчи асбоб вазифасини ўтайди. Ҳуқуқ норозиларнинг қўрқитишга қаратилган сирли ва дахлсиз бир нарсадек кўрсатилади. Юриспруденция тили "ғаразлар" ва "софизмлар" билан ифлосланган. Бетараф ва тушунарли терминлар ўрнига (масалан, "қонуннинг ҳаётга тадбиқ этиш" ёки "ҳукumatга итоат қилиш" сўзлари ўрнига "тартибни сақлаш" ва шунга ўхшаш "алдовчи" сўзлар ишлатилади. Бу сўзлар заминида ҳокимият эгаларининг ҳимоя қилиш мазмuni ётади, албатта. Бундай терминлар кўпинча сустеъмол қилиш ва зўравонликнинг яширувчи парда вазифасини ўтайди. Юридик маросимлар (унвонлар, маросимлар, дабдаба ва бошқалар) ҳам шу мақсадга хизмат қиласи. Буларнинг барчаси, дейди Бентам, ҳуқуқнинг инсон ижодининг маҳсули эканлигини тушунтиришга тўсқинлик қиласи. Ҳуқуқка кийдирилган бу ниқоб ёрдамда ўз умрини яшаб бўлган ва адолатсиз

институтлар ҳимоя қилинади. Натижада ҳукуқ индивид фойдаси ва инсоният баҳтига хизмат қилиш ўрнига тараққиётга ғов бўлиб қолади.

Бентам юриспруденция тилини тозалаш, суд маросимларини соддалаштириш, умуман ҳукукий ҳаётнинг эркинлаштириш ва демократиялаштириш зарурлигини уқтиради.

Бентам тинчликни таъминловчи ҳалқаро ташкилот лойихасини ишлаб чиқди.

Умуман олганда Бентам таълимоти Англия ва бошқа мамлакатларда демократик харакатнинг ривожланишига, капитализмни янада мустаҳкамланишига ижобий таъсир кўрсатди.

XIX аср бошларида Англиядаги либерализмнинг яна бир вакили Жеймс Милл (1773-1836) эди. У умумий сайлов ҳукуки асосида сайланган вакиллар ассамблейяси назоратида бўлган кучли ҳукумат ва кучли ҳокимиётни ёқлаб чиқди.

Унинг ўғли Жон Стюарт Милл (1806-1883) отаси ва Бентам таълимотига хос камчиликларни бартараф қилишга харакат қилди ва либерализмни шакланишига катта хисса қўшди. Унинг "Озодлик тўғрисида", "Утилитаризм", "Аёлнинг тобеълиги", "Сиёсий иқтисод асослари" каби асарлари либерализм тарихида алоҳида ўрин эгаллади.

XIX асрнинг биринчи ярми немис либерализмининг йирик намоёндалари В.Гумбольдт (1767-1835), И.Штейн (1815-1890).

В.Гумбольдт давлатга гуманистик индивидуализм нуқтаи назаридан ёндашади. Уни кўпроқ инсон ва давлат ўргасидаги муносабатлар қизиқтиради.

Л.Штейн давлат ва жамият ҳакида қатор фундаментал асарлар яратди. Унинг либерализми инсон, унинг ҳукуклари ва мулкий муаммоларга бўлган муносабатида ёрқин намоён бўлади.

&-3. XX аср либерализмининг ҳусусиятлари

XIX асрнинг охри ХХ асрнинг бошларида либерализм янги босқичга кўтарилиди. Бу капитализмнинг янги босқичга ўтиши билан боғлиқ эди. Шу даврда либерализмнинг кучли томонлари билан бир қаторда бўш томонлари ҳам намоён бўла бошлади. Ҳусусан, классик либерализмнинг эркин бозор муносабатлари ва эркин рақобат каби муҳим қоидалари аҳолининг имтиёзли қатламлари манбаатларини ҳимоя қилишга бўйсундирилди. Шунинг учун ҳам Европа ва АҚШ да бу уринишларга қарама-қарши ғоялар билан бир қанча атоқли сиёsatшунослар, иқтисодчилар гурухи классик либерализмнинг муҳим қоидаларини қайta кўриб чиқиши, корпорацияларнинг ўзбошимчаликларини чеклаш ва аҳолининг муҳтоҷ қатламларини ахволини енгиллаштиришга қаратилган ислоҳотларни амалга ошириш таклифлари билан майдонга чиқадилар. Булар орасида Германияда Ж.Гобсон, Т.Грин, Л.Хобхауз, Ф.Науман, Италияда Б.Кроче, АҚШ Л. Уорд, Ж.Кроули, У.Бирд, Ж.Дьюи ва бошқаларни эслатиш мумкин.

Улар янги либерализмни номини орган бир қанча янги ғоя ва принципларни ишлаб чиқдилар. Энг аввал улар эркин бозор ва эркин ракобат ғояларини қайta қараб чиқиши зарурлигини асослашга

уриндилар. Биринчи галда улар либерализмга хос индивидуализмнинг маълум даражада янгича талқин қилдилар. Улар давлатнинг жамият иқтисодий ҳаётида ижобий рол ўйнашини тан олдилар. XX асрнинг 30 йилларида юз берган иқтисодий кризис ва бу кризисдан чиқиш йўлида АҚШнинг ислохотчи-президенти Ф.Д.Рузвельтнинг иқтисод соҳасида тутган "янги йўли" иқтисодий дастурларни амалга оширишда давлат ижобий рол ўйнашини яққол намоён қилган эди. Бу ходисалар либерализмнинг шаклланишида бурилиш ясада.

Иккинчи жаҳон уришидан кейин либерализмда муҳим ўзгаришлар юз берди. Шуни таъкидлаш керакки XIX аср давомида ва XX асрнинг биринчи ун йилларида либерализмнинг асосий ғоялари сиёсий амалётда текширилди ва яхши натижалар берди. Кўпчилик ривожланган мамлакатларда демократик меъёр ва принциплар сиёсий амалиётга жорий қилинди. Бу хол либерализмда ютуқларни сақлаб қолиш асосий вазифадир деган тасаввурларни туғдирди. Хатто либерализм ўз вазифасини ўтаб бўлди, унга ўрин қолмади, у ўлди ҳам дейишиди. Лекин либерализм ўлган эмас эди. Аксинча, XX асрнинг 70-80 йилларига келиб либерализмнинг қайтадан тикланиши ҳақида гапирила бошланди.

Либерализм тарафдорларининг кўпчилиги жамият давлат ва индивид муносабатлари, капитализм ва демократия, эркинлик ва ижтимоий тенглик, адолат масалаларига доир қарашларни қайтадан кўриб чиқишга уриндилар. Бу уринишлар ижтимоий-сиёсий фикрда турли хил оқимларнинг юзага келишига сабаб бўлди. Бу оқимлар ичida икки йўналишни ажратиш мумкин. Уларнинг ҳар бири жамият олдида турган муҳим муаммоларни хал килишда ўзига хос умумий ғоя, принцип ва ёндашувларга эгадир. Биринчи йўналиш вакилларини иқтисодий консерваторлар деб баҳоласа бўлади. Улар классик либерализмнинг асосий қоидаларини, айниқса, эркин бозор тамойилларини муайян ўзгаришлар билан такрорладилар. Иккинчи оқим намоёндалари ижтимоий-иқтисодий соҳада муҳим ислохатлар ўтказиш, давлатнинг иқтисодий-ижтимоий ҳаётдаги ролини қайта кўриб чиқиш, кам таъминланган ахоли қатламларига ёрдам кўрсатиш каби масалаларни кўриб чиқдилар. XX аср охирида либерализмнинг хусусияти мана шундан иборат бўлди.

Шу билан бирга либераллар давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий соҳаларга аралашиб боришининг кучайишидан хавфсиардилар. Шунинг учун ҳам улар бозор механизмларини рағбатлантириш ва шу билан бирга давлатнинг тартибга солиш вазифаларини чеклаш талабларини ҳам кўйдилар. Давлатнинг аралашувининг муқаррарлиги ва зарурлигини тан олиш билан бирга, либераллар бу аралашувни чегараларини белгилаш зарурлиги ҳақида хавотирланиб гапирадилар. Улар иқтисодий кризис ва унинг оқибатларини юмшатишда давлатнинг аралашуви имкон берганлигини хотирасидан чиқармаган бўлсада, давлатнинг аралашув чегаралари қанча бўлишини англардилар.

Либерализм ўзининг икки юз йиллик тарихидан ҳар доим шароитга мослашиб ўзгариб борди. Инсон эркинлиги, унинг ҳаётига давлатнинг аралашмаслиги ғоясидан муайян даражада давлат аралашуви керак, деган ғояга келди. Ҳар бир одам эркин, хоҳлаган ишини қилиши мумкин, лекин қоидага риоя қилган ҳолда қилсин. Давлат мана шуни таъминлаши зарур.

Давлатнинг идора қилиш шакли масаласига келганда либерализм адолат принципларига асосланган қонуний ва самарадор идора қилиш шакли тарафдоридир. Либерализм умумий қонун ва принципларни, фуқаролар эркинлиги ва хуқуқларини таъминловчи адолат бу "сиёсий адолат" ёки "расмий адолат"дир, деб биладилар. Ижтимоий хуқуқлар ва уларнинг амалга ошириш масаласида улар ҳар бир фуқарога муайян даражада фаровон ҳаёт таъминланишини талаб қиласидилар. Бу таълим олиш, меҳнат қилиш, қарилик нафақаси билан таъминланиш каби хуқуқлардир.

Кўпчилик либераллар ижтимоий тенгликка нисбатан имкониятлар тенглигини устун қўядилар. Уларнинг фикрича, давлат қонун устиворлигини, барча фуқароларнинг сиёсий ҳаётда иштирок этишда тенг хуқуққа эгалигини ижтимоий-иқтисодий соҳада тенг имкониятларга эгалигини таъминлаш гаровидир. Адолат принципларини амалда таъминловчи омил шундан иборатдир. Либералларнинг энг заиф томони ҳам шу ерда. Уларнинг биронтаси ҳам инсоният олдида қадимдан турган тенглик, эркинлик ва адолат ўртасидаги жумбокни ҳал қила олмадилар.

XIII-боб. МАРКСИЗМНИНГ ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ ТАЪЛИМОТИ ВА УНИНГ ИНҚИРОЗИ

1-&. Марксизмнинг шаклланиш хусусиятлари

Марксизмнинг пайдо бўлиши ижтимоий-сиёсий фикр тарихида муайян бир босқични ташкил қиласиди. У Европада XIX асрнинг 40 йилларида ишчилар синфининг мустақил сиёсий куч сифатида майдонга чиқиши шароитида вужудга келди. Бу жараён билан боғлиқ ижтимоий ва синфий зиддиятларнинг кескинлашуви мафкура соҳасида ҳам ўз аксини топди. Бу ҳол марксизмнинг ижтимоий-сиёсий фикрнинг бошқа оқимларига нисбатан кескин ва чидамсизлик билан муносабатда бўлишини белгилади. Марксизм

таълимотига хос бу хусусият уни ижтимоий-сиёсий фикрнинг бошқа оқимларига қарама-карши қилиб қўйди ва ривожланишига салбий таъсир қилди.

Марксизм таълимотининг салбий хусусиятларидан яна бири шундаки, у пайдо бўлиши билан ўзини бехато, энг тўғри таълимот деб кўрсатишга уринди, бу хulosаларини ақидалаштира бошлади. Бу ақидалаштириш ишига марксизмнинг кўзга кўринган тарғиботчилари К.Каутский, Г.В.Плеханов, Ф.Меринг, А.Лабриола ва бошқалар ўз хиссаларини қўшдилар. Булар марксизмгача бўлган ижтимоий-сиёсий фикр ҳақиқатни излаш ва уни топишга қаратилган тайёргарлик, муқаддима эди холос, деган хulosани асослашга харакат қилдилар. Бу марксизм ақидалаштирилишининг биринчи босқичи эди.

К.Маркс таълимотини илоҳийлаштириш ва ақидалаштиришнинг иккинчи босқичи марксизм бу мутлоқ ҳақиқатdir, ундан кейин ижтимоий назарияда кашф қиладиган ҳеч нарса қолмади, ижтимоий фикрнинг вазифаси марксизмга изоҳ бериш, айрим хусусий масалаларга қўшимчалар киритишдан иборатdir, деган фикрни сингдиришдан иборат бўлди.

Марксизмнинг ақидалаштириш доирасида қандайдир маҳсус фалсафага даъвогарлик пайдо бўлди. Бу фалсафа ижтимоий фикр ривожининг чўққиси деб изоҳланган диалектик ва тарихий материализм эди.

Марксизм ақидалаштириш, фалсафий ва ижтимоий-сиёсий фикрнинг бошқа оқимларига менсимаслик билан қараш натижасида бу таълимотнинг ўз ақидалари доирасида, бикиқликда қолиб кетишига олиб келди. Марксизм коммунизм қуришга қаратилган фаолиятнинг назарий асоси деб таърифланди. Бу унинг бирёклама, ўта сиёсийлаштирилган таълимот сифатида шаклланганлигининг кўриниши эди.

2-&. К.Маркс ва Ф.Энгельснинг сиёсий ва хуқуқий қарашлари

Маркс ва Энгельс жамиятни бир босқичдан иккинчи босқичга ўтувчи тарихий жараён сифатида ўргатдилар. Улар ижтимоий-иктисодий формация ҳақидаги таълимотларида жамиятни беш босқичга бўлдилар. Ибтидоий тузумдан қулчиликка, ундан феодализмга, сўнг капитализмга ва ундан коммунизмга ўтиш ижтимоий-зарурӣ жараён деб тушунтирдилар. Бу формацион қарашнинг асосий сиёсий мақсади коммунизмни асослашдан иборат эди.

Марксизмга хос хусусиятлардан яна бири сиёсатга ва мафкурага синфий ёндашишдан иборатdir. Жамият ривожининг харакатлантирувчи кучи синфий курашdir, жамият тарихи эса синфлар кураши тарихидан иборатdir, деган ақидага асосланган ҳолда

пролетариат диктатурасини ўрнатиш орқали синфсиз коммунистик жамият барпо қилиш мумкин деган хулоса чиқарилди.

Марксизм таълимотига кўра давлат ижтимоий тараққиётнинг муайян босқичида, ҳукмрон синфнинг қуроли сифатида пайдо бўлган. Жамият тараққиёт муайян босқичга кўтарилигандан кейин давлат “ўлади”, чунки синфсиз коммунистик жамиятда давлатга эҳтиёж қолмайди.

“Илмий коммунизм” ижодкорлари ҳуқуқий давлат, ҳокимиятлар бўлиниши принципларини рад қилдилар.

Улар ҳуқуқни ҳукмрон синфнинг қонун даражасига кўтарилиган иродасидир, деб таърифладилар. Шу таърифга асосланиб ҳуқуққа ҳукмрон синфнинг қўлидаги бостириш қуроли сифатида қаралди. Амалиётда бу қонунчиликни бузилишига, репрессияларга олиб келди.

Марксизмнинг асосий моҳияти пролетариат диктатурасини асослашга қаратилган эди. Бу ғоя тарих сабоқларида ўз тасдиғини топмади.

3-&. В.И. Лениннинг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари

Ленин пролеториат диктатураси ғоясига ургу берди ва инқилобий зўрлик ёрдамида социализм қуришга интилди. Пролетар диктатураси, инқилобий зўрлик тушунчалари абсолютлаштирилди, амалиётда узоқ вақт қўлланилди. Бу ўз навбатида, мамлакатда авторитар, буйруқбозлик асосида қурилган давлатнинг шаклланишига олиб келди. Ленин ғоялари танқидсиз амалиётга татбиқ қилинди. Бу ижтимоий ходисаларга синфий ёндашишда, фалсафа, санъат ва адабиётга синфий-партиявий принципни қўлланишида, динга, бошқа фикр ва қарашларга қарши кескин курашда ёрқин намоён бўлди. Ленин меросини илоҳилаштириш бошланди.

Марксизмнинг хусусий мулкчиликни тугатиш ва унинг ўрнига ижтимоий мулкчиликни ўрнатиш ҳақидаги ғоясининг реал социализм тажрибасида жорий қилиниши жамиятнинг ижтимоий, сиёсий ва маънавий соҳаларида зўравонликка асосланган тадбирларнинг амалга оширилишида намоён бўлди.

Мулкнинг ялпи давлат ихтиёрида бўлиши, хусусий мулкка ва фукароларнинг хусусий тадбиркорлик фаолиятига йўл қўймаслик, ҳар бир одамнинг ҳаёти ва меҳнати тўлалигича давлатга қарам эканлиги, моҳиятан демократиянинг йўқлиги, ягона коммунистик мафкурага асосланган сиёсий тоталитаризмнинг хукумронлиги, бозор рақобатлари ва механизмининг йўқлиги оқибатида туғилган товар тақчиллиги социалистик тузимнинг ажралмас белгилариданdir.

Хамманики, лекин хеч кимни бўлмаган социалистик мулкчиликни ўрнатиш , давлатнинг зўрлик ишлатишига асосланган эди. Зўрликка таянган бундай муносабатлар асрлар давомида такомиллашиб келган иқтисодий ва ҳуқуқий муносабатлар ва кўнижмаларни барбод қилди. Тарихий тажриба бундай муносабатларнинг мукаррар равишда инқирозга учрашини тўла тасдиқлади.

4-& Марксизмнинг амалиётда қўлланиши ва унинг инқирози

Реал социализм тажрибаси шуни кўрсатадики, меҳнатни социалистик мулкчилик асосида ташкил қилиш, унинг натижаларини ноиқтисодий ва нохуқуқий усуслар билан ўзлаштириш табақавий эксплуатация ўрнига ундан баҳайбатроқ давлат эксплуатациясини вужудга келтириди. Бу хол жамиятда сифатли меҳнат қилишнинг хоҳламаслик, сиёсий пассивлик ва бефарқлик, маънавий тушкунлик, боқимандалик, сўз билан иш ўртасида узилиш, барча ерда ўртамиёналик ҳукм суриши қаби салбий оқибатларга олиб келди.

Социализм шароитида ўрнатилган тоталитар тизим коммунистик партия сиёсий ҳокимиятидан иборат эди. Бу ҳокимиятнинг тузилиши ва амалий фаолияти давлат ва ҳуқуқ шакллари ва принципларини инкор қиласди, уларнинг пайдо бўлишига тўсқинлик қиласди.

Давлат –ҳокимиятнинг ташкил қилиш ва амалга оширишнинг олий ва ҳуқуқий шакли ҳисобланар эди.

Тоталитаризм давлатнинг суверенлиги, унинг шакллари, у билан ички боғлиқ бўлган умумий ҳуқуқий нормалар, тартиб ва қўнижмалар ўрнига зўрликка асосланган сиёсий ҳокимлик тизими, институтлари ва нормаларни ўрнатади. Тоталитаризм ўзининг заифлигини давлат, ҳуқуқий тартиб бордек қўринадиган шакллар билан яширишга уринади. Бу ташқий безак тоталитаризмнинг моҳиятини, ғайри ҳуқуқийлигини яшираолмайди. Тоталитаризм ҳуқуқ ва давлатни, инсон эркинлиги ва ҳуқуқларини, фуқаровий жамият мустақиллигини инкор қиласди. Совет тузуми даврида ҳуқуққа берилган таърифлардан юзаки, демогогик сўз ўйинлари олиб ташланса, ҳуқуқ бу диктаторлик ҳокимиятининг буйруқлариdir, деган мазмун қолади халос.

Ҳуқуқнинг зўрлик ишлатиш қуроли сифатида таърифланиши зўравонлик ва қўркув ҳукм сурган шароитда Совет юридик фанининг барча тармоқларига сингдирилди ва тоталитар диктатурасининг репрессив сиёсати эҳтиёжларига бўйсундирилди. Ҳуқуқнинг бундай талқини узоқ вақт яшади. Бунинг сабабларини мавжуд ижтимоий-сиёсий муҳитга мослиги, социализм шароитида том маънода ҳуқуқнинг йўқлиги, тоталитаризмнинг ҳар томонларига жорий қилиниши, ҳокимият тепасида ягона партиянинг ҳукумронлиги билан

изоҳлаш мумкин. Ҳуқуқнинг шундай талқин қилиш орқали коммунистик партияning буйруқлари, мафкуравий кўргазмаларини ҳуқуқ деб кўрсатиш учун қулайлик яратар эди.

"Тўлиқ коммунизмда" давлат ва ҳуқуқни "ўлиши" ҳақидаги марксизм мафкурасидаги башорат ҳақиқатда давлатчилик ва ҳуқукий меъёрлар ва институтларнинг (шу жумлада давлат ҳокимиятининг бўлиниши) инкор қилишдан иборат бўлди. Чунки социализм даврида ёқ ҳуқукий меъёрлар пролетар диктатурасининг буйруқ актлари ва жазолаш муассасалари билан амалга ошира бошлади. Реал ҳокимият коммунистик партия кўлига ўтди. Турли ваколатли, ижроия ва суд тузилмалари тўлиқ партия қарорларига боғлиқ эди, улар безак вазифасини бажарап эди холос.

Коммунистик партияning пролетариат диктатураси тизимида тутган раҳбарлик роли ҳокимиятнинг бўлиниш принципини инкор қиласди. Бу ерда социалистик амалиёт барча бошқа муносабатлардаги каби тўлиқ коммунистик таълимотга таянар эди. Бу таълимот партиявий-синфий диктатурадан бошқа давлатчиликни тан олмас эди.

Ўзини обрўсизлантирган (айниска шахсга сифиниш, катафонлар даврида) "пролетариат диктатураси" тушунчаси 60 чи йиллар бошида пролетариат диктатурасидан умумхалқ давлатига ўтиш қоидаси билан алмаштирилди. Бироқ бу қоиданинг ўзи ҳам, унинг 1977 йил Конституциясида ифодаланиши ҳам расмий ҳарактерга эга эди, чунки КПСС раҳбарлиги остидаги пролетар диктатурасининг илгариги базис ва усткурма тузилмалари ҳаммаси ўз жойида, ўзгармаган ҳолда қолди. Улар қайта қуриш даврида ҳам ўзгаргани йўқ.

1988 йилда социалистик ҳуқуқий давлатнинг шакллантириш принциплари аҳамиятга эга иш деган қоида эълон қилинди. Бироқ бу ҳам сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий ва миллий давлатчилик ўзгаришлари ҳақидаги қоидалар каби декларация бўлиб қолди холос. Реал социализм (жумладан қайта қуриш тажрибаси ҳам) социализм билан ҳуқуқий давлат бир бирига мутлоқ мос эмаслигини, бир бирини инкор қилишини, социализмга мос тузум тоталитаризм эканлиги тажрибада исботланди. Марксизм-ленинизм модели асосида қурилган социализмга хос белгилар - социалистик мулкчилик, диктатура хукмронлиги, партия ҳокимиятининг монополияси, буйруққа teng план, расмий мустақил ҳисобланган республикалар устидан марказнинг хукмронлиги, хўжаликни бошқариш ва идора қилишнинг зўравонлик усусларини қўлланишлари ва хоказолар. Социализм бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас эди.

Ҳуқуқ, шахс эркинлиги, одамларнинг ишлаб чиқариш воситаларига эгалик қилиши, бозор муносабатлари, фуқаровий жамият ва ҳуқуқий давлат томон интилишлари, харакатлари социализм доирасида амалга ошириш мумкин эмаслиги яққол кўринди. КПСС раҳбарлиги остида амалга оширилмоқчи бўлган айрим ислоҳатларни

мувофиқиятсиз бўлишининг сабаби ҳам шундадир. Хукмрон партия ва хукумат доираларининг бундай ўзгаришларга қаршилик кўрсатиши уларни эски тартиб ва тузумни сақлаб қолиш тарафдорлари эканлигига эди. 1991 йил август ойидаги ҳарбий-коммунистик пурчда бу яққол намоён бўлди.

Умуман қайта қуриш йилларида бошланган ўзгартириш жараёни социализмнинг замонавийлаштиришга, уни одам башара шаклга солишга қаратилган эди.

Бироқ қайта қуриш йиллари ва ундан кейинги ўзгаришлар тоталитар тузимини инкор қилишга, социализмдан воз кечишга олиб келди. Қайта қуриш ташаббускорлари бундай оқибатларни ҳаёлига ҳам келтирмаган эдилар.

Қайта қуриш йилларида коммунистик идеологиядан аста-секин чекиниш, жамоатчилик фикрининг эрканлашуви ва ошкоралик кўртакларини ривожлана бориши, мафкуравий ва сиёсий плюрализмнинг, кўп партиявийлик ва жамоат бирлашмалари эркинликларини расмий тан олиниши, Иттифоқ маркази роли ва ваколатларининг заифлашуви ва республикалар мустақиллигининг қучайиши, мулкчиликнинг турли шакларини тан олиниши каби ўзгаришлар аста-секин социализмга қарши сифатга айланиб кетди.

Иттифоқ марказининг хукмронлигини енгиб ўтиш жараёнида миллий давлат суверенитети томон бўлган харакатнинг қучайиши ҳал қилувчи рол ўйнади.

Бу жараёнда Ўзбекистон биринчилар қаторида ўзини мустақил давлат деб эълон қилди.

Ўзбекистон мустақиллигининг эълон қилиниши ва бу тарихий ҳодиса муносабати билан қабул қилинган норматив ҳужжатлар мамлакатимизнинг социализм доирасидан чиққанлигини, янги иқтисодий ва ҳуқуқий тузумга ўтганлигини намойиш қилди.

XIV-606.. ЎРТА ОСИЁДА XVI-XIX АСРНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИДА ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ФИКР

1-& Кириш

XVI асрга келиб Амир Темур яратган буюк давлат заифлашди. Феодал тарқоклиги, улусларни ажралиб чиқишига интилишлари бунга сабаб бўлди. Мухаммад Шайбонийхон (1451-1510) давлатни бирлаштиришга, тарқоқликни бартараф қилишга уринди..

XVI аср охирида Шайбонийлар сулоласининг хукмронлиги тўғатилди. 1599 йилдан бошлаб хокимият Аштарийхонийлар сулоласи қўлига ўтди. Бу сулола хукмронлиги даврида ўзаро низолар янада кучайди.

Марказий хонлик ҳокимиятини мустахкамлашга харакат қилган И момкулихон (1611-1642) тадбирлари бирмунча ижобий натижаларни берган бўлсада вазиятни тубдан ўзгартира олмади. Унинг вафотидан кейин таҳт учун бўлган кураш нихояг чуккурлашди ва XVIII асрнинг биринчи ярмида аштарийлар давлати тушкунликка учраб парчалана бошлади.

XVIII асрнинг биринчи ярмида давом этган ўзаро феодал урушлар ва унинг натижасида мамлакатда юз берган иқтисодий ва сиёсий вазият Мовароуннахрнинг учта хонликка бўлиниб кетиши учун замин тайёрлаб берди..

Аштарийлар сулоласининг энг сўнгги хукмдори Абулфайзхон (1711-1747) манғит уруғидан чиқкан Мухаммад Раҳимбой томонидан ўлдирилади. У ўзини Бухоро хонлигининг амири деб эълон қиласди..

Давлат маъмурий бошқарилиши жиҳатдан вилоят ва туманларга бўлинган бўлиб ҳокимият тепасида хон туради. Давлатдаги энг мартабали лавозим оталик эди. Оталиклар хонлар хузуридаги энг муҳим ишларни назорат қиласдилар. Давлатдаги энг олий қароргоҳи девон деб аталарди. Уни девонбеги бошқарар эди.

Шунингдек, давлат ишларида кўкалдош лавозими ҳам юқори мансаблардан ҳисобланар эди. Бу лавозимдаги амалдор хон атрофидаги одамлар ва душманлар ҳақида тўпланган маълумотларни назорат қиласди. Булардан ташқари давлатнинг маъмурий бошқарувида миршаббоши, додҳоҳ, иноқ, миросоҳур, дастурхончи, каби лавозим ва мансаблар ҳам бор эди.

Маъмурият тизимидағи амалдорлардан ташқари давлатни бошқаришда олий табақали уламолар ҳам иштирок этишарди. Энг кучли хонлар ва амалдорлар ҳам уламолар билан маслаҳатли сиёсат олиб борарадилар.

Ўрта асрчилик даврининг иқтисодий асосини қишлоқ-хўжалик ташкил қиласди. Ерларнинг асосий қисми умумдавлат ерлари бўлиб, унга хон эгалик қилган. Ерлардан фойдаланган маҳаллий

феодаллар ва руҳонийлар ерни дехқонларга фойдаланишга топширган. Дехқонлар ҳам давлатга, ҳам феодалга солиқ тұлаганлар. Солиқ турлари ва хажми ҳар хил бўлган.

Феодалларнинг жабр-зулмлари, ўзаро урушлар, очлик ва қашшоклик ҳалқ оммаси норозилик харакатининг кучайишига олиб келди. Ўрта Осиёning вилоятларида ҳалқ харакатлари ва қўзғолонлари бўлиб турди.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш зарурки, XVI-XIX асрнинг биринчи ярмида Ўрта Осиё ижтимоий-иктисодий ва маданий ҳаёти тўхтаб қолгани йўқ. Тараққиётни тарихий одимини тўхтатиб булмайди.

Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Ургенч, Кўқон ва бошқа шаҳарларда савдо ва хунармандчилик фаолияти давом этди, адабиёт ва тарихий фанлар, меъморчилик ва тасвирий санъат ривожланди. Шеърият равнақ топди. Ўша даврда Хасан Нисорий, Мутрибий, Хофиз Таниш, Маҳмуд ибн Вали, Муҳаммад Амин Яроқчи, Муҳаммад Амин Бухорийлар каби тарихчилар ижод қилдилар.

Бу даврнинг маънавий ҳаётида мадрасалар катта роль ўйнаган. Бухоро, Тошкент, Самарқанд ва Балхда бир катор янги мадраса ва масжид бинолари қурирган.

XVII-XVIII асрларда илм-фан, айниқса табиий фанлар ривожининг даражаси кескин пасайиб кетган бўлсада маънавий бойликларнинг йигиш ва тарқатиши жараёни тўхтамади. Бу даврнинг илгор кишилари Улугбекнинг илмий ғоялари, Жомий ва Навойининг хайратомуз асарларидан руҳланиб илм-фан равнаки, инсон билими уфқларини кенгайтириш учун харакат қилдилар, бидъат ва жаҳолат кўринишларига карши қурашдилар, инсон ақл-идроқи қудратини, хақиқат ва адолат ғояларини тараннум этдилар. Турди, Сайидо Насафий, Машраб ижодлари шу даврнинг маҳсулидир.

Хива хонлигига Огоҳий, Мунис, Комил Хоразмий, Қуқон хонлигига Маҳмуд, Гулханий, Нодира, Увайсий, Дишод, Бухорода Мужрим Обид, Шавқий Каттақурғоний каби шоирлар ўз давриннинг муҳим сиёсий ва маънавий муаммоларини ифодаладилар. Уларнинг асарларида инсонпарварлик, Ватанга садоқат ғоялари, ижтимоий адолатсизликка нафрат, илм-маърифатга интилиш каби хислатлар тарғиб қилинади..

2-&. Ўрта Осиё ҳалқларининг XVI -XVII аср ижтимоий-сиёсий фикри.

Ўрта Осиё ҳалқларининг XVI-XIX аср бошларидағи ижтимоий-сиёсий фикр ўзига хос хусусиятга эга эди.

Унинг намоёндалари давлат, ҳокимият, адолат масалаларини ислом сиёсий маданиятига таянган ҳолда ҳал қилишга харакат қилдилар.

Маълумки исломда давлат ва ҳуқуқ жамият учун зарур ва муқаддас қадрият сифатида ифодаланади.

Ўрта Осиё ҳалқларининг XVI-XIX аср бошларида ижод қилган илғор мутафаккирларнинг сиёсий қарашларида ҳам одил подшоҳ ғояси марказий ўрин эгаллайди. Улар давлат тепасидаги хукмдор адолатли, фуқароларига нисбатан раҳм-шафқатли бўлса, жамият фаровон бўлади. Хукмдорнинг курдати ва абури фуқароларига бўлган ғамхўрлигидадир, деб тушундилар.

Шундан келиб чиқкан ҳолда улар инсонни маънавий камолотга эришишга чақирдилар ва шу орқали жамиятда адолатсизликни бартараф қилиш мумкин деб ҳисоблайдилар.

XVI аср ижтимоий-сиёсий фикри тарихида Подшоҳўжа муносиб ўринэгаллайди..

Подшоҳўжа дунёқараси исломнинг диний-фалсафий оқими бўлган суфизм (тасаввуф) га асосланган. Суфизм VIII-IX асрларда араб мамлакатларида вужудга келди. Ўрта асрларда Эрон, Хурросон, Ўрта Осиёда кенг тарқалди ва бу мамлакатлар маданиятида, ижтимоий-сиёсий ва фалсафий фикр тарихида чуқур из қолдирди. Суфизм хилма-хил шакл ва оқимларга эга таълимот. Унинг асосий ғояси инсоннинг рухий камолотга эришириш орқали Оллоҳ-таолонинг висолига етишиш йўлларини кўрсатишdir.

Подшоҳўжа суфизмнинг Ўрта Осиёда шакллацган нахшбандийлик оқимига мансуб эди. Бу оқим издошлири зоҳидлик ва мистика билан бир каторда дунёвий, реал ҳаёт масалаларига жиддий эътибор бердилар. Улар таркидунё қилишга, дунё ишларидан воз кечиб факат ибодатта берилишга карши чиқдилар, билимга, нағсни тийишга чақирдилар.

Подшоҳужа бу талабларга амал килмайдиган, сузда ўзини худоѓўй қилиб кўрсатувчи риёкор кишиларни танқид остига олади.

Подшоҳужа қарашларида ижтимоий адолат масаласи муҳим ўрин эгаллайди. Ижтимоий адолат жамият аъзоларининг бир-бирига хурмат, ўзаро ёрдам бериши, имонли бўлишига, шариат қонунларига риоя қилиши асосида вужудга келади. Бу фазилатларнинг намунасини биринчи навбатда давлат тепасида турган хукмдор, унинг амалдорлари, шайху имомлар кўрсатишлари зарур. Унинг тасаррувида ислом ақидаларига, шариат талабларига чин дилдан амал қилиш жамиятда адолат ўрнатилишининг таъминлайди.

Хукмдорларга мурожаат қилиб, Подшоҳўжа амал, бойлик ўткинч нарса эканлигини уқтиради. Жамият учун қилинган яхшилик абадийдир, чунки у одамлар хотирасида сақланади. Мисол тарикасида у буюк шоир ва мутафаккирларнинг номларини кепиради.

XVI-XVII аср ижтимоий-сиёсий ва фалсафий фикрнинг иирик намоёндаларидан Мирзажон Шерозий, Машраб, Юсуф ал-Қорабогий, Мухаммад Шариф ал-Бухорий - Хиндистонда ижод қилган Бобурийлар давридаги Ўрта Осиёлик мутафаккирлар Амир Хисрав Дехловий, Абдул Файз, Файзий Абдул Кодир Мирзо Бедил номларини эслатиб ўтиш зарур.

Муҳаммад Шариф ал-Бухорий 1697 йилда Бухорода вафот этган. У фалсафа билан бирга тарих, ҳукуқ ва бошқа илмлар билан ҳам шугулланган. Унинг каламига мансуб 20 асар бизгача етиб келган. Булар орасида унинг «Хоқонларга фойдали китоб» деб номланган асари дикқатга сазовор.

Ким хукмдор бўлиши мумкин, у қандай фазилатларга эга булиши керак? деган саволга жавоб бериб, ал-Бухорий ёзди: «Халиф мусулмон бўлмоғи керак, оқил, балоғат ёшига етган, нутқ қуриш ва эшитиш қобилияти бор бўлмоғи лозим”

Хукмдорларнинг асосий вазифаси шариат кўргазмаларига амал қилиш, ислом давлати худудларини ғайридин ва босқинчилардан асрар, мазлумларни зулмдан, ёвузиқдан ҳимоя қилишдир. «Агар халиф ана шу сифатларга эга ва яна хушфеъл бўлса, у вактда хукмронликка лойиқдир».

Ал-Бухорий фикрича ҳокимият Оллоҳ-таолонинг инъомидир. Хукмдор унинг олдида маъсулдир. Шунинг учун у адолатли бўлиши, куръон ва пайғамбар хадислари асосида хукмронлик қилиши лозим. «Одил мусулмон шоҳ билан ҳақиқат талашувчи одам исёнкордир» -дейди у.

Ал-Бухорий солиқ ва уни ундириш, шоҳ ундан қандай фойдаланиши мумкинлиги ҳақида муҳим фикрларни баён қиласди.

Мутафаккир фахш ишлари билан шуғулланиш, май ичиш, ҳақорат қилиш каби харакатларни жамият учун хавфли жиноят деб билади, уларга қарши кескин курашиш зарурлигини уқиради.

Мұхаммад Шариф Бухорийнинг давлат ва хуқуқ ҳақидағи фикрларини чуқур таҳлил қилиш Ўрта Осиё халқларининг XVII аср сиёсий ва хуқуқий таълимотлари тарихининг ўрганилмаган сахиғаларини тұлдирали.

XVII аср ижтимоий-сиёсий ва фалсафий фикр тарихида Бобораҳим Машраб алоҳида ўрин әгаллайди. У 1653 йилда туғылди. Бириңчи билимларини ўз ватани Намангандан олди. 1671 йилдан Машраб адолат ва илм излаб Мовароуннахрнинг кўп шаҳар ва қишлоқларини кезди. 1711 йили риёкор рухонийлар ва амалдорларни ўз асарларида фош қилғанлиги учун Балх хокими томонидан дорга осиб ўлдирилган. Машрабнинг қабри Афғонистоннинг Хонобод шаҳрига яқин Ишқашим қишлоғида жойлашған. Машраб ўзининг кўплаб ғазал ва рубоийлари билан машхур бўлди, ҳозир ҳам халқ хотирасида сақланиб келмоқда. У тасаввупнинг каландарлик окқимига эътиқод қилди ва ундан ижтимоий адолатсизликка қарши курашиш учун фойдаланди.

Машраб илохий севгини, худога булган муҳаббатини жуда жозибали тасвиrlайди. Унинг фикрича, худони севган киши гўзал инсоний фазилатларини ўзида мужассамлантирган бўлиши, бошқа инсонларни ҳам севиши керак. Шундан келиб чиққан ҳолда, Машраб дин йўлидан чиқиб кетган, шариат қонунларига риоя қилмай, риёкорлик, бузукчилик билан шуғулланувчи хукмрон тоифа вакилларини фош қиласди.

Машраб ҳам адолатли, ислом дини ва шариат қонун-қоидаларига амал қилувчи хукмдор бўлишини орзу қилди. Ўз замонасининг хукмдорларига мурожаат ҳам килди. Бироқ унинг мурожаатлари натижада бермади. Шунинг учун ҳам Машраб хукмдорларнинг адолатсизлигини фош қиласди.

Адолатли амирим, балки, хоконим, деб арз қилдим,
Кунгул шаҳрига тушган, шохи Султоним, деб арз қилдим,
Вужудим кишварига мамлакатдоним деб арз қилдим,
Йироқдин арз қилдим, гүшини кар қилди-ю кетди.

Машраб аҳлоқ масалаларига катта эътибор билан қарайди. У инсон қадр-қимматини улуғлайди, одамларни халол меҳнат эвазига беминнат яшашга чакиради. «Амирнинг қандидан гадонинг ёвғон оши яхшироқдир», дейди у.

Машраб дўстлик, хақиқатни гапириш, сахийлик, бошқаларга хамдард блиш, ота-онани хурмат қилиш каби инсоний фазилатларни тарғиб қилиш билан бирга, одамларни ярамас хулқ-авторлардан сақланишга ундаиди. Хусусан, у одамларни такаббарлик, ёлғон сўзлаш, имонсизлик, нокаслик ва баҳиллик каби ярамас хулқ-авторлардан сақланишга чақиради.

Кўриниб турибдики, Машрабнинг ижтимоий қарашларида жабр-зулм, зўравонликка қарши нафрат, адолатли жамиятга эришиш орзуси ўз аксини топгандир. Шу билан бирга унинг ижодида умидсизлик, таркидунёчилик ҳам мавжуд. Бу ғоялар Машраб яшаган даврнинг ижтимоий-иктисодий шароитидаги зиддиятларнинг ифодасидир. Машраб ўзининг инсонпарварлик рухи билан суғорилган асарлари туфайли ҳалқимиз хотирасида сақланиб келмоқда.

3-&. Ўрта Осиё ҳалқларининг XVII асрнинг охири XVIII асрнинг биринчи ярмида ижтимоий фикр

XVII асрнинг охири XVIII асрнинг биринчи ярмида яшаган ва ижод қилган мутафаккирлардан бири Сўфи Оллоёр эди. Унинг асарлари асосан ислом дини ва тасаввуфнинг қонун-қоидалари ва маросимларига бағищланган бўлсада, уларда инсоннинг аҳлоқий поклик ва руҳий камолотга чақирувчи гоялар катта ўрин эгаллади. Сўфи Оллоёрнинг фикрича, инсон сахий, очик юзли, муруватли, ширинахан ва хушмуомали бўлиши лозим. Бундай хислатларга эга бўлган одам аждархони енгиши, гумроҳларни тўғри йўлга бошлиши, харом-ҳариш ишлардан ўзини тиши мумкин. Бу маслаҳатларни хукмдорларга ҳам уқтиришга харакат қилди. Мамлакатда тинчлик ва осойишталик ўрнатишни истаган хукмдор ўз фуқароларига раҳмдил ва хушмуомала бўлиши лозим, дейди у.

Сўфи Оллоёрнинг маънавий меросини ўрганиш ва илмий таҳлил қилиш фалсафий ва ижтимоий-сиёсий фикр тарихига катта ҳисса бўлиб киради.

Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий фикр тарихида из қолдиранг илғор қишилардан бири Мунис Хоразмий (1778-1829). Тарихчи, таржимон, хаттот, маърифатпарвар шоир Мунис Хива хонининг саройида фармонларни ёзувчи котиб бўлиб хизмат қилган, замонасининг машхур олим, шоир ва санъаткорлари билан яқин алоқада бўлган, бор билими, салоҳияти ва куч-кувватини ижодга, илм-фан ва маърифатбабанишлаган.

Мунис Хива хонлиги тарихи устида ишлади, кўп илмий ва бадиий асарларнинг таржимасини қилди, инсонпарварлик ва тараққиётга ундовчи ғоялар билан суғорилган шеърлар яратди.

Сиёсий қарашлари жиҳатидан Мунис одил ва маърифатли хукмдор тарафдори эди. У мамлакатда адолат ўрнатилишини, илм-фан, санъат ривож топишини орзу қилди. Хукмдорларни шу йулда харакат қилишга чақиради.

Ўзбек халқининг XIX аср ижтимоий-сиёсий фикри тарихида Муҳаммадизо Огоҳий алоҳида ўрин эгаллайди (1809-1874 йй.) Огаҳий Хоразмда туғилди ва умрининг охиригача шу ерда яшади ва ижодқилиди. У шоир, тарихчи, таржимон ва давлатарбоби ҳам эди.

Огоҳий ўз умри мобайнида бир неча Хива хонларининг идора қилиш фаолиятининг гувохи бўлган. У саройда бош мироб лавозимида хизмат қилган, хонларнинг яқин маслаҳатчиси ва насиҳатгўйи бўлган. Огоҳий Хоразмшоҳлар давлатчилиги, уларнинг юксалиш ва инқирозга учраш тарихини ҳам ўрганган, айрим сиёсий масалаларни тадқиқ қилган ва асрлар яратган.

Огоҳийнинг сиёсий идеали маърифатли, одил хукмдордир. У ўзининг «Огоҳнома» қасидасида бўлгуси хукмдор қандай хислатларга эга бўлиши кераклигини баён қиласи. Булар: ҳиммат, шиҷоат, адолат, сиёсат, мардлик, ғайрат, саховат, ҳаёв, ваъдага вафо қилмоклик, яхши ният, мурувват, шариат хукмига ривож бермоқ, куфр дардига илож топмоқ, лутфу карам билан лашкар кўнглини олмоқ. Огоҳий фикрича, ана шу омилларга амал қилингандагина давлатда тартиб ва интизом ўрнатилади.

Давлатни инқирозга олиб келувчи сабаблар: огоҳликни унитиш, сустлик, шариатни унитиш, халқнинг арзини тингламаслик, жаҳолат, фисқ-фасод ва бидъатга йўл бермоқ, жабру зулмга мойил бўлмоқ хасислик, баҳиллик, лашкарни тушкун ахволда қолдириш, айш-ишратга берилиш, давлат ва мамлакат ахволидан бехабарлик, азизларни хор ва беэътибор этиш, безори, баттол одамларга мурувват кўрсатиш, хиёнаткор хасадгуйларга яқин бўлиш ва шу каби нуқсонлар. Бу қусурлар давлат ва хукмдор учун ўта заарали ҳамда хатарлидир, дейди Огоҳий ва огоҳликка даъват этади.

Огоҳий адолат ғоясига ҳам катта аҳамият беради. У шоҳга мурожаат қилиб айтадики, офтоб ўз нурини вайронна ва обод маконларга тенг сочгани сингари, хукмдор ҳам раҳм-шавкат, ҳиммат-саховат кўрсатганида барча инсонларга баробар муносабатда бўлиши керак. Шундагина жамиятда адолат таъминланшишумукин

Огоҳийнинг фикрича, хукмдор давлатни бошқаришда донишманд, давлатчилик тажрибаларини яхши биладиган, хайриҳох-эзгулик истовчи қишиларга таянмоғи лозим. Пастхиммат, нодон, давлатчилик илмидан бехабар кишилар хукмдорга мададкор бўлаолмайди. Бундай одамлар эл молини ўз нафсларини қондириш ишларига сарфлайдилар. Шоҳ бу огоҳларни унитмаса халқ тинч, мамлакат осойишпа булади.

Огоҳий ижодидаги бу ғоялар ҳозирги миллий давлатчилигимизни тиклаш ва шакллантириш ишига кўмаклашади.

4-&. Ўрта Осиё халқларининг XIX асрда ижтимоий-сиёсий фикри

XIX аср ижтимоий-сиёсий ва фалсафий фикр тарихида Комил Хоразмий (1825-1899) узига хос ўрин эгаллайди. Унинг асли исми Муҳаммадниёз, Комил унинг таҳаллусидир.

Комил Хоразмий Ўзбекистон маърифатпарварлик ҳаракатининг илк намоёндаларидан биридир. У Шарқ адабиётининг йирик намоёндалари ижодини, араб ва форс тилларини мукаммал билган. Европа маданияти билан ҳам таниш бўлган. Комил Хоразмий Хива хонлари саройида хаттот, мирзабоши вазифаларини бажарган. Хонлиқда юз берган кўп воқеаларнинг гувоҳи бўлган. Бу ҳол унинг ижтимоий-сиёсий қарашларида из қолдирмасдан иложи йук эди, албатта.

Комил Хоразмий ўз асарларида инсон зотига бўлган хурмат ва эҳтиромини, тенглик, инсон баҳтсаодатини кўйлади, адолатсизлик, риёкорликни қоралади. Сиёсий қарашларига келсак, Комил Хоразмий маърифатли, одил хукмдор тарафдори эди. У адолат ва маърифат ғояларини тарғиб қилибгина қолмай, амалий ишлар қилишга ҳам харакат қилди. Хусусан, у Европа нота тизимидан илхомланиб «Хоразм танбур чизиги» деб номланган маҳсус нота ихтиро қилди. Хива шахрида нашриёт ташкил қилди. 1883 йилда эса Комил Хоразмий рахнамолигида рус-тузем мактаби очилди. Комил Хоразмийнинг қарашлари зиддиятли ва муайян доирада чекланган бўлишига қарамай, ўзбек халқининг маънавий таракқиётидаги ижобий рол ўйнади.

XIX асрнинг биринчи ярмида яшаган ва ижод қилган шоирлар - Нодира (1721-1843), Увайсий (1789-1850), Дилшод (1800-1906) Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий фикри тарихида алоҳида ўрин эгаллайдилар. Улар ўзининг бутун ижоди давомида инсонпарварликни, адолатни, инсоний муҳаббатни, ўзбек аёлларининг орзу-умидларини куйладилар. Улар ҳам жамиятдаги адолатсизлик, зулм донишманд ва одил хукмдор бўлганда бартараф қилиниши мумкин, деган фикрда бўлдилар.

XV-боб. XIX АСР ОХИРИ XX АСР БОШИДА ЎРТА ОСИЁДА ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ФИКР

1-& Киринш

XIX асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиё тарихида янги давр бошланди. 60-70 йиллар давомида Ўрта Осиё рус чоризми томонидан босиб олинди ва Россия мустамлакасига айлантирилди. Чоризм бу ерда ўзининг мустамлакчилик сиёсатини амалга оширди. Бу сиёсат Ўрта Осиёни хом ашё манибаига айлантиришга, маҳаллий аҳолини қолоқлик ва нодонлиқда сақлашга, миллий

маданиятнинг ҳар қандай қўринишларини йўқ қилишга қаратилган эди. Чоризм Ўрта Осиёда мана шу мустамлакачилик мақсадларни амалга оширишга мослаштирилган идора этиш усулини ўрнатди.

Мустамлака маъмурий тизимини Туркистон генерал-губернатори бошқарар эди, вилоятларда - харбий губернаторлар, уездларда уезд бошликлари ва уларга буйсунган участка приставлари идора қилар эдилар. Мустамлакачиларнинг маҳаллий аҳолига бўлган муносабатларини Сирдарё вилояти харбий губернаторининг уезд бошликлари ва приставларга ёзган қўйидаги кўргазмасидан аниқ кўриш мумкин. «Маҳаллий аҳоли, - дейилади унда, - бизни фақат материал сифатида қизиктириши керак. Улардан яқин келажакда, мусулмон динида бўлса ҳам, оддий рус дехқонларини тайёрламоқ зарур. Кимки бунга бўйсунмаса, унинг хароб бўлиши шубҳасизdir: улар ерсиз гадо бўлиб, ўлиб кетишади ёки Россия улардан воз кечади. Бунинг хаммасини назарда тутмоқ зарур, бироқ бу мавзуда ортиқча гап қилинмасин».

Чоризм ўз мақсадларини амалга ошириш учун маҳаллий ҳукмрон доиралардан ҳам фойдаланди. Шу ниятда чоризм Туркистонда «маҳаллий» маъмурий органларни тузди. Бу органлар маҳаллий аҳоли вакилларидан «сайланган» мингбоши, элликбоши, қозилар ва уларнинг маҳкамаларидан иборат эди. Улар мустамлака ҳокимиятининг таянчи бўлиб хизмат килди. Сенатор К.Пален бу хақда, рус маъмурий органлари маҳаллий бойлар орқали идора қилишни қулай деб билади, чунки ҳукумат буйруқлари шулар орқали амалга ошади, деб ёзган эди.

XIX аср охири ва XX аср бошларида Ўрта Осиё иқтисодий жихатдан ҳам қолоқ ўлкалардан бири эди. Бу ерда асосан, феодал муносабатлари ҳукм сурарди. Чоризмнинг бутун сиёсати бу ерда феодал зулми ва тартибларини саклаб қолишга қаратилган эди. Бироқ, чор ҳукуматининг бу уринишларига қарамай, ўлқада объектив равишда капиталистик муносабатлар аста-секин ривожлана бошлади. Рус капитализми қолоқ миллий ўлкаларни, хусусан Туркистонни ҳам, товар обороти доирасига тортди. Ўрта Осиёнинг капиталистик муносабатлар таъсири доирасига тортилишида темир йуллар қурилиши мухим омиллардан бири бўлди.

Капиталистик муносабатларнинг Ўрта Осиёга кириб келиши. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишлайдиган бир неча саноат корхоналари вужудга келишига, шаҳар ахолисининг кўпайишiga сабаб бўлди. Капиталистик муносабатлар аста-секин қишлоқ хўжалиигига ҳам кира бошлади. Бу жараён дехқонлар оммасини янада қашшоқлаштириди, уларнинг ерсизланишини тезлаштириди. Бу ҳол Фаргона водийсида тез борди, чунки бу ер пахта сотишга ихтисослашган йирик районлардан эди. Энг яхши ерлар ва ишлаб чиқариш қуроллари бойларнииг қўлида тўпланган эди.

Мустамлака Туркистонда йирик саноатнинг йўқлиги сабабли ердан ажралган дехқонлар қишлоқда қолиб, бойларнинг ерларини асоратли шартлар билан ижарага олардилар, аҳолининг асосий қисмини ташкил қилган дехқонларнинг катта бир қисми чоракорлик билан яшашга мажбур эди. Дехқонларнинг аҳволини турли солиқлар янада оғирлаштиради.

XIX аср охири ва XX аср бошларида Туркистонда ижтимоий-иқтисодий ҳаётда юз бера бошлаган ўзгаришлар маданий ҳаётда ҳам ўз ифодасини топа бошлади.

Чоризм Ўрта Осиёни босиб олганидан кейин, маданий ҳаётда ўзгариш ясашни хаёлига ҳам келтирмади, чунки у маҳаллий халқларни нодонликда сақлашдан манбаатдор эди. Чоризм ўзининг мустамлакачилик сиёсатини амалга оширишда мусулмон рухонийларнинг фаолиятини ўз мақсадларига мувофиқ йўлга солишга ҳаракат қилди. Чоризм мусулмон рухонийларнинг катта куч эканлигини, маҳаллий аҳолининг маънавий ҳаётида катта рол ўйнашини назарда тутиб, уларнинг кучини бўшаштиришга, мустақиллигини чеклашга қаратилган бир қанча тадбирларни ҳам амалга оширди.

Чоризм Ўрта Осиё бойликларини аниқлаш ва эксплуатация қилиш ва ундан имконият борича кўпроқ фойда олиш мақсадида улкани табиати, иқтисодий имкониятларини, маҳаллий аҳолининг турмуш тарзи, урф-одатларини ўрганишга киришди. Бу ишга рус зиёлилари жалб қилинган эди.

Ўрта Осиёда илмий жамият ва муассасалар пайдо бўла бошлади. Буларнинг айримларининг фаолиятида маҳаллий миллат вакиллари ҳам катнашдилар. Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Кўкон, Хива ва бошка шаҳарларда почта, телеграф ва босмахоналарнинг вужудга келиши, ўзбек тилида газета ва журналлар чоп қилиниши маҳаллий аҳолининг жаҳон маданиятидан баҳраманд бўлишига муайян хисса бўлди.

Туркистонда юз бера бошлаган ўзгаришлар маҳаллий халқларнинг илгор намоёндалари орасида илм-фанга, янги маориф тизимиға қизиқиши қучайтирди. Бу жараён феодал жамияти негизида эски тартиб ва қарашларга қарши дадил қурашиб қобилиятига эга бўлган янги ижтимоий кучлар ўзига йўл очиб бора бошлаганидан далолат берарди. Буни биз халқ оммасининг орзу-исгакларини ифода этувчи маърифатпарварлик ҳаракатининг шакланишида яққол кўрамиз.

2-&. Маърифатпарварлик ҳаракатининг вужудга келиши ва хусусиятлари

Маърифатпарварлик тушунчасини прогрессив буржуазиянинг мафкурасидир деб тор маънода талқин қилиш ҳам, билим ва адолат ғояларини тарғиб қилиш деб кенг маънода талқин қилиш ҳам чалкашчиликни келтириб чиқаради.

Маърифатпарварлик капиталистик муносабатларининг вужудга келиш даврига хос тарихий конкрет, муайян синфлар ва тоифалар манбаатлари билан боғлик, феодал тузумига қарши ғоявий-маданий ҳаракатdir. Унинг ичida уз хусусиятлари билан бир-биридан ажralиб турадиган оқимлар мавжудdir. Бироқ уларнинг барчаси объектив равишида жамиятнинг капиталистик йуналиш томон ривожланиш эҳтиёжларини ифодалайди.

Маърифатпарварликни феодализмга қарши қаратилган ғоявий харакат сифатида вужудга келиши, юқорида кўрганимиздай, умумий қонуниятдир. Лекин бу қонуният турли ҳалқларда турлича ва хар хил тарихий даврда намоён бўлади.

Туркистон маърифатпарварлиги ҳам мамлакатни феодал қолоқлигидан чиқариш учун курашувчи прогрессив кучларнинг манфаатларини ифодаловчи ғоявий харакат эди. Бироқ, Туркистон маърифатпарварларининг фаолияти XIX аср охири ва XX аср бошлари Европада капитализмнинг тўла тантана қилганлиги, улкани Россиянинг мастамлакаси сифатида кескин сиёсий кураш доирасига тортилганлиги даврига туғри келади. Бу хол Туркистон маърифатпарварлигига феодал қолоқлигидан чиқиши ғояси билан бир қаторда мустамлакачилик зулмига қарши курашиш, мустакиллик ғосини ҳам кучайтириди.

Маърифатпарварлик мағкураси капиталистик муносабатларини Туркистонга кириб келиши натижасида содир бўла бошлаган ижтимоний-иктисодий, сиёсий ва маданий ўзгаришларни акс эттириди ва ривожланди. У маънавий мазмунини бойитиб борди, турли босқичларни босиб ўтди. Унинг олдидаги турган вазифа феодал қолоқлигидан чиқиш ва тараққиёт йўли ва чораларини топишдан иборат бўлган бўлсада, хаёт тақозоси билан кўйилган масалалар ва уларни хал қилиш чоралари турли босқичда турлича бўлди.

3-&. Аҳмад Доңишининг сиёсий ва ҳуқуқий қарашлари

Маърифатпарварлик ҳаракатининг ilk намоёндаларидан бири Аҳмад Доңиш эди (1827-1897).

Аҳмад Махдум ибн Носир Бухоро шаҳрида туғилди. Доңиш унинг таҳаллусидир. Уни Аҳмад Калла ҳам дейишарди. Бу таҳаллуслар Доңишининг билимдонлиги, ўз даврининг илғор олими ва мутафаккири эканлигини ифодалар эди.

Аҳмад Доңиш мадрасада олган билимлари билан кифояланмай математика, астрономия, мусиқа, архитектура, тарих ва фалсафа билан шуғулланади. У айниқса шарқ шоирлари ва мутафаккирларининг асарларинн кўп ўқиди ва ўрганди. Доңиш юқори малакали каллиграф, архитектор ҳам эди. Мана шунинг учун ҳам у Бухоро амири саройига яқинлаштирилган эди.

Аҳмад Доңиш Бухоро амири делегациясининг таркибида уч марта Петербургда бўлиб, Европа маданияти, илм-фан соҳасидаги ютуқлар билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлади. Бу мутафаккир дунёқарашида катта бурилиш ясади.

Аҳмад Доңишининг ижтимоий-сиёсий қарашлари «Наводирул воқеа», «Рисолаи мухтасар аз тарихи салтанати хонадони мангития» асарларида ўз аксини топгандир. Бу асарларда - Аҳмад Доңиш ижтимоий тараққиётга ғов бўлиб қолган феодал ижтимоий-сиёсий тузумини танқид остига олади. Доңиш ўз ватанининг иқтисодий ва маданий жиҳатдан орқада қолганлигини кўрсатиб, бунинг сабаби илм-фанни ривожланмаганлигига, давлат тизимида хукм сурган адолатсилик, идора қилишда ўз манфаатидан бошқа хеч нарсани кўраолмайдиган нодон амаддорларга таянишдадир, деб билади.

Аҳмад Дониш мамлакатни қолоқлиқдан чиқариш учун Бухоро хонлиги давлат тузумини ислоҳ қилиш зарур деб билиб, ислоҳ лойиҳасини тузади ва уни амирга тавсия қилади.

Дониш лойиҳасига биноан давлат бир гуруҳ кишилар эхтиёжларини қондириш учун эмас, ҳалқ манфаатлари учун, мамлакатни обод қилиш учун хизмат қилмоғи зарур, деган ғояни асослайди. Бунинг учун хукмдор билимдон, маърифатли, одил ва ўз фуқаролари манфаатлари учун хизмат қилмоғи шарт. У қандай масалани ҳал қилмасин, энг аввал ўзини фуқаро ўрнида, фуқароларни эса ўз ўрнида тасаввур қилмоғи лозим. Буadolatни таъминлашга имкон яратади. Мамлакатни идора қилишда, дейди Дониш, хукмдор муҳим давлат муаммоларини ўз атрофидаги маслаҳатчилар билан биргаликда ҳал қилиши керак. Маслаҳатчилар ҳам донишманд ва адолатли кишилар бўлиши керак ва уларни фикри билан хисоблашиши шарт, чунки купчиликнинг ақли, бир кишининг ақлидан ортикроқдир.

Дониш фикрича, давлатни тепасида турган киши учун зарур хислатлар барча амалдор шахсларга ҳам хос булиши шартдир. Шундагина мамлакатда тартиб ва адолат хукм суради ва жамият фаровонбулади.

Кейинчалик Аҳмад Дониш ҳаётий тажриба таъсири остида «донишманд ва одил хукмдор» га умид боғлаш фикридан қайтди. Адолатсизликка асосланган, ўз фуқаролари хақида гам емаган давлат узоқ яшай олмайди, чунки золим амир ва жохил амалдор ва уламолар зулмига узоқ чидаб туриш мумкин эмас. Албатта ўзгариш бўлиши керақ, деган хуносага келади. Аҳмад Дониш ўз Ватанини қолоқлиқдан чиқариш йўлларини тинмай излади. У Шарқ мутафаккирлари таълимотларини ўрганиш билан бир қаторда, Фарбда тарқалган ижтимоий-сиёсий таълимотлар билан ҳам қизикди. Гарчи бу таълимотларни Дониш қабул қилмаган бўлсада, буларга нисбатан бўлган унинг муносабати мутафаккирнинг ижтимоий-сиёсий орзуларини кенг кўлламда эканлигини кўриш имконини беради.

Аҳмад Дониш илғор рус зиёлилари оркали социал - утопик ғоялар билан танишган ва уларга ўз муносабатини билдирган.

Бу-назарияга кўра, ёзади Дониш, ер юзидағи барча бойликлар одамлар ва ҳалқлар ўртасида тенг тақсимланади. Одамлар қадим замонларда тенг бўлишган. Кейинчалик кучлилар кучсизларнинг мулкларини тортиб олиши натижасида тенгсизлик келиб чиқкан.

Агар адолат нұқтаи назардан ўйлаб қаралса, дейди Дониш, ҳар ким ўз ери билан қаноатланиши керак. Кучлилар тортиб олинган ерларни ўз эгаларига қайтариб беришлари керак. Агар кимда-ким қайтариб беришни истамаса одамлар иттифоққа бирлашиб ночорларга тегишли бойликларни кучлилардан тортиб олишлари керак. Ўшанда одамлар ўртасида келишмовчиликлар, подшолар ўртасида уриш ва адватлар тўхтайди. Оқибат натижада ҳалқлар ўртасида тинчлик ва ҳамкорлик ўрнатилади.

Аҳмад Дониш бу таълимотни амалга ошириш мумкинлигига шубҳа билдиради, чунки, дейди у, хеч ким ўз мулкидан осонлик билан кечмайди. Бундай тартибни ўрнатиш учун кўп қон тўқилиши мумкин ва у шанда ҳам унинг амалга ошиши номаълумдир.

Аҳмад Донишнинг ғоялари ўзининг чекланганлигига карамасдан муҳим аҳамиятга эга эди. Дониш мавжуд сиёсий тузум тараққиётта ғов бўлиб қолганлигини кўрсатиш билан бирга, бу ғовни олиб ташлаш йўларини излаб топишга ҳаракат қилди.

4-& Бердимурод Бердахнинг сиёсий-хуқуқий қарашлари

Эзилган меҳнаткашлар оммасининг феодал-қашшоқлик тузумига қарши норозилиги ва ғазабини қорақалпоқ халқининг буюк шоири ва мутафаккири Бердимурод Бердах (1827-1900 йил) ўз асарларида ифодалади.

Бердах ўз замонидаги жамиятнинг ижтимоий тартибларини, унинг сиёсий тузумини қаттиқ танқид қилди. Ўз танқидида у гуманизм принципларига, меҳнаткаш омманинг ахлоқий тушунчаларига асосланди.

Бердахнинг фикрича, инсон учун энг олий баҳт - бу ўз Ватанига, халқига ҳалол ва беғараз ҳизмат қилишдир.

Ишни ишл а, тугилган эл учун,

Жонингни аяма элда эр учун,

Киндиқ кони томган азиз ер учун,

Улиб кетганингча хизмат яхширок

Бердах ҳалққа хизмат қилишга чақирав экан, у даставвал тўғрилик, ҳақиқатгуйлик, адолат, инсон кадр-қимматига хурмат билан қарашиб, эзилган ва хукуксизларни ҳимоя қилишни кўзда тутади. Бундай хислатларга эга бўлмаган кишини инсон деб бўлмайди. Бердак ўз асарларида ҳалқ оммасини оғир аҳволини ёритиш билан чекланиб қолмай, балки теварак - атрофидаги ижтимоий адолатсизликлар хақида умумлаштирувчи социал хулосалар чиқариш даражасига кўтарила олди.

Бердахнинг айтишича ҳалқ оммасининг фожиали ахволда қолганининг сабаби хон ва унинг амалдорларининг бераҳмлиги, ҳалқ тақдирига бефарқ, бепарво қарашлигидадир. Бердах жабр-зулмга асосланган ижтимоий тузум йўқ бўлишига, озодлик ва адолат ўрнатилишига ишонч билдиради. Лекин у адолат ўз-ўзидан келмаслигини, бунинг учун ҳаракат зарурлигини англағанди. Бердах ўз ижоди билан ҳалқ оммасини адолат учун курашга илхомлантириди.

Бердах баҳтли ва адолатли жамият одил ва доно хукмдор пайдо бўлишига боғлик, деган тушунчага асосланади. У мамлакатни виждонлик, одил, ҳалқ манфаатларини биринчи уринга куювчи кишилар идора килишгандагина зулм ва зўравонлик, қашшоқлик ва эркинсизликдан кутилиш мумкин деган орзуни баён қилди.

Бердахнинг ғоялари қорақалпок халқининг маънавий ҳаётида катта рол ўйнади.

5-& Сатторхон ва Фурқатнинг сиёсий-хуқуқий қарашлари

Илғор маърифатпарварлик ғоялари Сатторхон (1843-1902) ва Фурқат (1858-1909) асарларида ҳам ифодалангандир. Улар мамлакат колоклигининг асосий сабаби феодал-хонлик ижтимоий тартибларида деб билиб, уни танқид остига олдишар.

Сатторхон хонлик тузумини ўзбошимчаликда, қонунсизлик ва порахўрликда, мамлакат фаровонлиги, илм-фан ривожи ҳақида хеч қандай ғамхурлик йўқлигига айблади. Унинг кўрсатишича, мамлакат ҳамма жиҳатдан кулгили даражада қолоқ бўлсада, хон, бек ва хокимлар ўз машнатини кўзлаган. Хоннинг бек ва хокимларга муносабати, уларнинг ишига эмас, олиб келадиган совғасига қараб белгиланарди, мактаб, илм-фан, ўқиш-ўқитиши устидан деярли назорат йўқ эди. Шу сабабдан, деб ёзди Сатторхон, мамлакат қолоқлика қолди.

Сатторхон фикрича, жамият тараққиётининг асосини илм-фан, маърифат ташкил қиласди, бу ҳар қандай ақлга мувофиқ жамиятнинг фаровон яшаш гаровидир. Унингча илм-фанга, тараққиётга эришиш воситаларидан бири – бошқа халқлар билан дўстона алоқада бўлиш, ибрат олиш ва ўрганишдир. Биз мусулмонлар, деб ёзди Сатторхон, бикиклика Европа халқларидан четлашган ҳолда яшардик, эндиликда биз Европа халқлари билан яқиндан алоқага киришишимиз, умуминсоний хаёт ва илмий тараққиёт ишпирокчилари бўлишимиз зарур.

Сатторхон маъмурий органларга чоризм томонидан ўтказиладиган сайловларни танқид қилди. Унинг айтишича, Туркистон шароитида ўтказиладиган бу сайловлар сохта бир нарсадир, чунки у сунқасдликка, адолатсизликка асосланган.

Сатторхон давлатни бошқарувчи кишилар жамиятдаги ўзбошимчалик ва сунқасдликларни чеклашлари мумкин, деган фикрга амал қилган.

Сатторхоннинг маърифатпарварлик фаолияти ўз халқига чуқур мухаббат, халқ оммасини маърифатли қилиш ишига садоқат туйғулари билан суғорилганди.

Фурқат ҳам феодал-хонлик тартиблари - мамлакат ривожига ғов, деб қарайди ва уни фош қиласди.

Фурқат илм-фан жамият тараққиётининг асосий кучи деб тушунади. Хонлар, дейди у, илм-фан, халқ фаровонлиги, мамлакат ривожи ҳақида ғамхурлик қилиш ўрнига ўзларининг рохати ва машнатлари билан банд бўлдилар.

Фурқат хон ва бекларнинг ўзаро уруш ва низоларини қаттиқ қоралайди, бу урушлар халққа оғир кулфат эканини, мамлакатни вайронликка олиб келганлигини таъкидлайди.

Фурқат феодал хонлик тартибларини фош қилиб, ўз ватандошларига илм ва маърифатнинг, умуминсоний маданият ютуқларига ёндашиб зарурлигини тушунтиришга харакат қиласди.

Сатторхон ва Фурқатнинг бутун фаолияти ўз халқини зулм ва жаҳолат дунёсидан озодликка олиб чиқиш ишига қаратилган эди. Улар жамиятнинг тараққиётидаги фан ва маърифатни асосий куч деб билиб, ўзларининг бутун имкониятларини халққа билим тарқатишга сафарбар килдилар. Бироқ улар чор маъмурлари илм-фан ва маърифат тарқатишга ёрдам бериши мумкин, деган янгилиш тушунчага ишонган эдилар. Улар «доно ва маърифатпарвар хукмдор» тасаввури доирасидан батамом чиқиб кета олмадилар. Уларнинг феодал

қолоқлигига қарши, маърифат ва ижтимоий тараққиёт учун олиб борган кураши ижтимоий эхтиёжларни ифодаларди.

6-&. Муқимий, Завқий, Анбар Отин, Аваз Ўтар, Ҳамза Ҳаким-Зоданинг сиёсий-хукуқий қарашлари

XIX асрнинг охирларида Туркистонда капитал, пистик муносабатлар жонлашиши натижасида ижтимоий зиддиятлар кескинлашди. Мехнаткаш халқнинг чоризмга ва маҳаллий эксплуататорларга қарши норозилиги ошиб борди. Бу хол ижтимоий-сиёсий фикрда ҳам ўз аксини топди. Унда «доно ва маърифатпарвар» хукмдор хақидаги ғояни инкор қилиш тенденцияси кучайди. Бу Муқимий (1850-1903), Завқий (1853-1921), Анбар Отин (1870-1914), Аваз Ўтар (1884-1919), Ҳамза Ҳаким-Зода (1889-1929) асарларида яққол кўзга ташланади. Булар ҳам феодал хонлик тартибларини қаттиқ танқид қилдилар. Мамлакат қолоқлиги, илм-фанни ривожланмаганлигининг сабаблари шу хонлик тузумидадир, деб билдилар. Бироқ уларнинг танқиди ўз кескинлиги билан ажралиб туради. Улар жамиятда маърифат, ижтимоий адолат ва халқ фаровонлигини таъминловчи тартиблар ўрнатиш зарурлигини англалилар, ўтмиш тарихига ва ўз замонасига ана шу нуктаи назардан баҳобердилар.

Муқимий зулм ва жаҳолат остида эзилган меҳнаткаш дехқонлар ва шахар камбағалларининг оғир аҳволи, чиновникларнинг ўзбошимчалиги, жабр-зулмларини жуда ўткир ва ёрқин тасвирлаб берди. Муқимий ўз меҳнати билан моддий бойликларни яратувчи меҳнаткашларни очлик ва қашшоқликда яшаётган бир пайтда бойларни айшу-ишратда турмуш кечираётгани билан ҳеч келиша олмайди.

Муқимий ижтимоий ходисаларни меҳнаткашлар мавқeidан туриб тасвирлаб, эзувчиларни фош қилиш билан чекланмади. У замондош жамиятда ҳокимияг «гирчиллама ковуш ва силлик салла»ликлар кўлида эканлигини тушуниш даражасига кўтарилди ва халқ оммасининг диққатини мавжуд ижтимоий тузумнинг адолатсиз тузум эканлигини чуқурроқ англашга жалб қилди, унга нисбатан халқнинг нафрат ва ғазабини оширди.

Ватанга ва ўз халқига бўлган қизгин муҳаббат, ҳаётнинг битмас-туганниси кучига бўлган ишонч, шоирга қуидаги эътиrozли сузларни айтишга имкон берди.

Келар охир сени ҳам йўқлагидек бир замон яхши,

«Доно ва маърифатпарвар хукмдор» ғоясини инкор қилиб майдонга чикқан мутафаккирлар ичida Анбар Отин қарашлари диққатга сазовордир. У ўзининг «Рисолаи фалсафа сиёхон» асарида мазлум меҳнаткаш халқ манфаатларини ҳимоя қилиб, Туркистонда ўрнатилган мустамлакачилик ижтимоий-сиёсий тузумини танқид қиласди. Баъзи подшоҳлар одил бўладилар, деб айтадилар. Одил подшоҳ бўлмаган ва бўлиши мумкин эмас, дейди у. Зулмдан кутулиш учун одамлар нодонликни тарқ этиб, ақл-идрокка амал қилган ҳолда бирлашиб харакат қilmokлари зарур, деб таъкидлайди.

Анбар Отин рус зиёллари вакиллари билан мулокотда бўлган ва улардан рус халқининг чоризмга қарши кураши ҳақида эшитган ва ўз халқини ҳам нодонлик ва зулмга қарши курашишга чакирган.

Ўзбек маърифатпарварлигининг сиёсий программасини «одил ва маърифатпарвар хукмдор» тоғасидан монарх ҳокимиятини инкор килиш жараёнини Завқийнинг ижтимоий қарашларида ёрқин қуриш мумкин.

Ўз фаолиятини бошлангич даврида Завкий ҳам «одил ва маърифатпарвар» хукмдори қўли билан адолатли жамият тузиш мумкин, деган фикрда бўлган ва шу нуқтаи назардан феодал хонлик даври ва унинг идора этиш усулини фош қилди. Унинг фикрича ҳон чексиз ҳокимият эгаси бўлиб, бу ҳокимиятдан узининг худбинлик мақсадларида фойдаланиши, фуқароларнинг фаровонлиги ҳақида ўйламаслиги, майшат ва бузуқчиликда яшashi, атрофидаги ўзига ўхшаганлар маслаҳати билан идора қилиши натижасида мамлакат харобага айланди. Хоннинг бу килмишлари халқ норозилигини қучайтирди. Агар мамлакатни доно, одил ва маърифатли кишилар идора қилганларида эди, ахвол бу даражада мушкул бўлмасди.

Завкий учун хонлик ҳокимиятини тугатилиши мамлакатни тараккиёт йўлига киришни муҳим омилларидан бири бўлиб кўринганди. Бу масалада у ўз дўстлари Фурқат ва Муқимий фикрларига кўшилишарди.

Бироқ бу Завқийга, Муқимий каби чор мустамлакачилик тузумини танқид қилишга халақит бермас эди. У ҳаётий тажрибасида рус подшоси ва унинг чиновниклари феодал золимларидан фарқ қиласлигига икror бўларди.

Завкий хам жамиятда манфаатлари, иқтисодий ахволи жиҳатидан бир-биридан фарқ қилувчи социал гурухлар борлигини яққол куради. Унинг фикрича, одамлар ўз табиатлари жиҳатидан бир-биrlари билан тенгдирлар, шу сабабли бир гурухнинг бошқалардан устун бўлиши учун ҳеч қандай асос йук.

Завкий инсон қадр-қимматини оёқ ости қилувчи, тенгсизлик ва зўравонликка асосланган жамиятни ақлга ва табиатга ёт, адолатсиз жамият, деб билади. У меҳнаткаш халқ оммасини мушкул ахволга дучор қилган замонасидан ғазабланди ва унга қарши норозилик билдириди.

Завкий хам Муқимий каби, ҳокимият вакиллари бойлар билан узвий боғлик эканлигини, уларнинг манфаатлари бир эканлигини аниқ кўрсатиб берди, махаллий ҳокимият органларига бўладиган «сайлов» ларни қалбакилигини фош қилди.

Завкий ўз халқининг эркин ва баҳтли ҳаётга эришишига ишонч билдиради: Бу кунлар, дейди у, бошимизда бир «саҳоб»дир, чунки зулм ва зўравонликка асосланган давлат сув юзидағи хубобга ўхшаш, узок яша олмайди, халқ уни ағдариб ташлаши мукаррардир. Ушандан кейин жамиятда адолат ва осойишталик урнатилади, жаҳон обод бўлади, деган фикрни баён килади. Мана шунинг учун ҳам Завкий 1917 йил Февраль революциясига юксак баҳо берди. Бу унга чидамсизлик билан кутган орзусини амалга ошганлиги бўлиб кўринди.

Энди бемор замон кетди, зулматда ётган элнинг чироги ёнди, деб ёзганди шоир.

Лекин социал-иктисодий ва сиёсий ҳаётда хеч қандай муҳим ўзгаришлар юз бермади. Туркистанда, илгаригидек, мустамлакачилик идора этиш аппарати, миллий зулм хукм сурди. Мана шунинг учун ҳам Ўрта Осиё ижтимоий фикрининг илғор намоёндалари Февраль революциясидан умидни ўзиб, муваққат хукумат сиёсатига золимликнинг янги шакли деб қарай бошладилар. Завқий, Ҳамза, Аваз, Айний каби илғор ижтимоий фикр намоёндалари Октябрь инқилобининг миллий озодлик, миллатнинг ўз тақдирини ўзи ҳал қилиш ҳукуки ҳақидаги сохта гояларидан илхомланиб, уни тарғиб ҳам қилилар..

XVI-боб. ЖАДИДИЗМНИНГ СИЁСИЙ ДАСТУРИ

1-& Кириш

Ўзбекистон сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихини яратишда жадидчилик харакатини тадқиқ қилиш муҳим илмий муаммолардан биридир. Бу соҳада охирги вақтда анчагина илмий ва оммабоп рисола ва мақолалар чо п қилинди. Уларда жадидчиликка берилган бир томонлама, ҳақиқатга зид баҳоларни нотўғри эканлигини исботловчи фактлар ва изоҳлар берилган.

Хозир асосий вазифа жадидчилик харакатининг илмий жиҳатдан холисона ва ҳалол тадқиқ қилишдан иборатdir.

Жадидизмнинг ўрганишда қўлга киритилган бой материалларни умумлаштириш, унга ёндошишнинг назарий масалаларини чукурлаштириш, объектив илмий ҳақиқатни аниқлашга мос келадиган тадқиқот йўлларини ишлаб чиқиши муҳим муаммолардандир. Жадидизм Туркистан маърифатпарварлик харакатининг юкори боскичидир. Унинг намоёндалари мамлакатни феодал қолоқлиқдан чақариш, миллий мустақилликка эришиш учун қурашдилар.

Жадидлар харакатида миллий зиёлиларнинг деярли барча илғор вакиллари қатнашди. Булар орасида Ҳамза, Авлоний, Холмуҳаммад Ахундий, Иброҳим Даврон, Сиддикий, Мирмуҳсанн Шермуҳамедов, Назир Тўракулов ва бошқалар бор эди.

Жадидизм намоёндаларининг қарашларида хилма-хиллик, баъзи масалаларда жиддий фарқ борлигини инкор қилмаган ҳолда, жадидизм мафкура, муайян қарашлар тизими сифатида капиталистик тараққиёти эктиёжларини ифодаларди.

Жадидлар харакатининг социал илдизлари миллий буржуазиянинг вужудга келиши ва уни миллий озодликка интишигабоғлиқдир.

Туркистанда жадидчилик харакатининг шаклланиши ва ривожланишига Россия мусулмонларининг миллий озодлик харакати мафкурачиларини таъсири ҳам катта бўлди. Туркистанда Шарқда ривож топган мустамлакачилик зулмига қарши қаратилган мафкуравий оқимлар ғоялари ҳам кириб келарди.

1906 йилдан бошлаб жадидлар Туркистанда ўзларининг газета ва журналларини нашр қила бошладилар. Уларнинг сахифаларида мустамлакачилик сиёсатига, феодал тартиботларининг химоячиларига қарши қаратилган кескин маколалар ҳам босилиб турарди.

Жадидчилик харакатининг диққат марказида турган масалалардан бири маориф тизимини ислоҳ қилишдан иборат эди. Миллий манфаатларни ҳимоя қила биладиган, иқтисодий ва сиёсий қарамлик ва қолоқликдан чиқиш муаммоларини биладиган замонавий билимга эга саводли кадрлар зарурлигини жадидлар яхши англашарди.

Мана шунинг учун ҳам дунёвий билимларни ўрганиш ишлари, маориф тизимини ислоҳ қилиш масаласи XIX аср охири ва XX аср бошлари Туркистон ижтимоий фикрининг диққат марказидаги сиёсий масала бўлиб қолди. Биз динимиз ва мамлакатимизни ҳимоя қилишга қодир ишонарли ва мустаҳкам воситага эга бўлмоғимиз шарт. Бу восита маорифдир, деб ёзган эди Бехбуди.

Бехбудийнинг бу фикрлари ўзахамиягини ҳозир ҳам йўқоттанийук. Жадидлар матбуотида маорифни ислоҳ қилиш масалалари хар томонлама муҳокама қилинди. Унда мактаб ишини иқтисодий ва молиявий томонлари, уламолар ва чоризм маъмуриятини янги усул мактабларига муносабатлари, ўкувчилар психологияси ва одобига ижобий таъсир қилиш методикаси, ўқитиш дастурлари ва мактаб ишига оид бошқа кўп масалалар ҳакида мақолалар мавжуд.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш зарурки жадидлар ўз мақолалари ва асрларида маориф, ижтимоий ҳаёт ва турмуш тарзини айрим томонларини ислоҳ қилиш зарурлигини уқтириш билан бирга ёшлар диққатини мусулмонларнинг ўтмиш маданиятига, илм-фан соҳасида эришган шуҳратларига, диний ва хулқий поклик масалаларига жалб қилганлар, бу ўтмишни мавжуд аҳволга таққослаб кўрсатишга ҳаракат килдилар.

Жадид зиёлилари орасида ва матбуотда «Турон» ғояси ҳам кенг тарқала бошланди.

Шу билан бир қаторда жадидлар миллий доирада чекланиб қолмаслик, умуминсоний маданият ютуқлари, фан ва педагогик фикр янгиликларидан фойдаланиш зарурлигини уқтириш соҳасида маълум тарғибот ишларини олиб бордилар.

Жадидлар сиёсий дастури Туркистанни мустакиллиги учун курашиш вазифасига қаратилган эди. Бирок жадидлар бу олий мақсадни амалга ошириш чора ва воситаларини танлашда конкрет ижтимоий-иктисодий ва сиёсий вазият билан хисоблашдилар, имкониятларидан келиб чиқдилар.

2-& **Махмуд-Хўжа Бехбудийнинг сиёсий-хуқуқий қарашлари**

Жадидлар харакатининг йирик намоёндаси, унинг назарий асосичларидан бири Махмуд-Хўжа Бехбудийdir (1879-1919). Бехбудий фикрларининг теранлиги, сиёсий онгининг юксаклиги билан жадидлар орасида ажralиб турарди.

Бехбудий Россия сиёсий ҳаётидаги турли партияларга бўлган муносабатини ифодалаб, қорагурухлар партияси фаолиятини қоралайди. Бу партия, дейди Бехбудий, подшох билан халқнинг бирбири билан мулоқотда бўлишига ғовдир. Хусусан., биз мусулмонлар ўз талабларимизни, дин ва иқтисод соҳасида камситилишимизни подшохга арз қила олмаймиз, чунки Олий Кенгаш аъзолари бизнинг барча арзларимизни рад қилиб подшохга етказмайдилар. Бехбудий социал-демократик ва эсерлар партияларининг дастурлари ва фаолиятини ҳам салбий баҳолайди. Биз мусулмонлар учун, дейди Бехбудий, бу партияларга қўшилиш заарлидир. Уларнинг мулкчилик ҳақидаги талаблари хато ва шариатга мутлоқ зиддир. Шахс эркинлиги, оила ҳақидаги фикрлари ҳам биз учун мутлоқ тўғри келмайди.

Сиёсий партиялар ичida, дейди Бехбудий, биз учун тугри келадиган кадетлар партиясидир, чунки бу партия подшоҳнинг халқ билан мулоқотда бўлишига имконият яратувчи давлат думаси тарафдоридир.

Бехбудий 1905 йилда ташкил топган мусулмонлар партиясига хайрихохлигини алоҳида таъкидлайди. Бу партия, дейди Бехбудий, ўзининг умумий сиёсий талаблари ва эътиқоди билан кадетлар партиясига яқин бўлсада, у мусулмонларни манфаатларини ҳимоя қилиш учун ташкил қилинган. Шунинг учун, биз Туркистан мусулмонлари, сиёсатда кадегларни кўлласакда, мусулмонлар партиясига қушилишимиз даркор. Бу партияга хизмат қилиш, уни тарафдори бўлиш, динимиз, ватанимиз ва миллатимизга хизмат қилиш демақдир.

Мусулмонлар партияси 1905 йил Нижний Новгород шаҳрида ташкил қилинди. Унинг сиёсий талабларидан асосийси мусулмонларнинг динишиларига хукumat маъмуриятини аралашмаслигини таъминлаш ва маҳаллий ўзини-ўзи идора қилиш тизимини ўрнатишдан иборат эди. Буни фақат давлат думаси орқали амалга ошириш мумкинdir, деб билдишлар.

Бехбудий Туркистанда мусулмонларнинг диний ва гражданлик ишлари билан шугулланадиган маҳаллий бошқарма тузиш зарурлигини таъкидлайди.

Туркистан маҳаллий бошқармаси қозилар суди, вақф мулкини тақсимлаш, мактаб ва мадраса масалалари ва бошқа диний ва миллий муаммоларни ўз қарамоғига олиши керак.

Биз Туркистон мусулмонлари учун, дейди Бехбудий, диний гражданлик бошқармаси сув ва нон каби зарурдир, чунки бусиз биз имонимизни йўқотамиз ва фалокатга гирифтор бўламиз.

Бехбудий мақолалари ва ислоҳ лойихаларида баён қилинган ғоялар жадидлар харакатининг асосий дастур хужжатлари, харакат қўлланмаси сифатида хизмат қилди.

1917 йил февраль буржуа демократик инқилоби жадидлар тасаввурида дастурларни амалга ошириш учун имконият пайдо бўлганилигига ишонч ҳосил қилди, миллий-озодлик туйгуларининг кучайишига олиб келди. Ўлкадаги туб ахолининг сиёсий онгида ва курашида кескин ўзгаришлар содир бўлиб, «Шурий Исломия». «Шурий Уламо» сингари партиялар ташкил топди.

«Шурий Исломия» партиясининг раҳбарлари - Минаввар-Қори, Мустафо Чоқаев, Бехбудий ва бошқалар Туркистонда Мухторият таъсис этилишини, молия, адлия, бошқарув, маориф ва бошка соҳаларда мустакилликни, матбуот эркинлигини талаоб қилдилар.

Бехбудий Туркистон мухторияти қандай бўлишини шундай тушунтиради: «Мухторият, биз Туркистон мусулмонлари истаймизким, Россия мамлакатига ёпишиб туриб, хорижий ва ишларга анинг ила бир булиб туриб, дахил ишлар ва тирикликларимизни ўзимиз идора этсак.

Беш вилоятдан иборат Туркистоннинг ҳар бир шаҳар ва уездидан бир неча нафардан-киши сайланиб Тошкентда катта марказ бир мажлисимиз булурки, барча олур-солик ва минбад жорий булатурган қонун ва низомномаларни алар тузиб Туркистонда жорий қиласидилар.

Русия хукумати ила мусулмонлар орасинда шул мажлис восита булур.

Ўзимизнинг муҳофазатимиз учун миллий жандарма, аскаримиз булур. Мамлакат хазинасидан бошка миллий ва **маданий** ишларимизнинг масрафи учун ўзимизнинг алоҳида хазинамиз бўлур. Мактаб ва мадрасаларимиз, вақф ва дорил казоларимиз ўз қарамогимизда булур. Хулоса калом давлат ва сиёsat ишларидан бошка барча ишларимиз ўз ихтиёrimизда булур ва бунинг учун замонавий ва маданий низомнома ва қонунномаларни таҳrir этмоқ лозимдур. Туркистонда рус, яхудий, армани ва бошқалар бўлиб, алар ила муомаламиз туғрисида яна янги ва замонавий қонунлар керакдур».

Бу мақсадларни амалга ошириш учун Таъсис мажлиси олдида талабларни қатъий қўйиш зарур. Таъсис мажлиси ҳам ўз ихтиёри билан мустакилликни бизга бермайди. Биз, Туркистон мусулмонлари, бирлашиб мухториятни таъсис мажлисидан олмоғимиз керакдур. Биз жонсизлик кўрсатганда мухторият агарда юз сана сўнгра булсун, бизга беришмайдур. Афсуски, «Хақ олинур, берилмас».

1917 йил август ойида «Кенгаш» газетасида мўхторият лойихаси эълон қилинди, Бу лойихани тувишда Махмуд-Хужа Бехбудий, Мунаввар Кори, Абдурашидхоновлар фаол иштирок қилдилар.

1917 йил сентябрида «Марказий .Шурий-Исломия» нинг ташабbusи билан чиқарилган, ўлка мусулмонлари съезди бўлиб ўтди. Съезд қабул қилган қарорда ёзилади: «Съезд ҳокимиёт ишчи, солдат ва крестяnlлар Советларига ўтишига қарши чиқади. Ҳокимиёт коалицион бўлиши ва мамлакатнинг - ҳамма кучларига таяниши керак, бу дегани умумхалқ ҳокимиёти бўлиши керак». Шунга қарамасдан большевиклар бутун ҳокимиёт Советларга берилишини талаоб қилиб чиқишиди.

Мана шу вазиятда Бехбудий, Мунаввар Қори, «Шурои Исломия» билан «Шурои уламо» партияларининг биргаликда ҳаракат қилишга даъват қилдилар. Бу даъват 17-20 сентябр 1917 йил чақирилган умуммусулмон съезди қарорларида ўз ифодасини топди. Унда «Шурои Исломия», “Турон”, «Шурои Уламо» партиялар биргалашиб, ягона куч сифатида иш кўриш вақти келгани алоҳида таъкидланди.

Съезд ишида 500 киши иштирок қилди. Улар орасида Урол ва Тургай вилоятларининг вакиллари ҳам бор эди. Съезд қабул қилган хужжатларда Туркистоннинг келажак ижтимоий-сиёсий тузуми қонун чиқарувчи олий орган - парламентга эга бўлган республика бўлиши ифодаланади. Бу парламент «умумий, тўғридан-тўғри, тенг ва яширин овоз бериш йули бйлан беш йил муддатга Туркистонда яшаб турган барча миллатларнинг тенг вакиллари асосида сайланмоғи лозим эди. Туркистон парламентининг қонун чиқарувчилик вазифалари Россия республикасининг асосий қонунлари ва шариат талабларига мос булмоғи зарур деб топилди. Бунда Туркистон федерацияси ўз пули, ўз милициясига эга бўлиши, тинч вақтларда чет давлатлар билан ўз чегарасини кўриқлаш учун сақлаш мумкин бўларди».

Мусулмонлар қурултойларида Туркистонга муҳтор жумхурияти мақоми бериш тўғрисидаги қабул қилинган қарорлар большевиклар томонидан инкор қилинди.

1917 йил 15 ноябрь куни Тошкентда солдат, ишчи ва крестьянлар депутатлари Советининг ўлка съезди ҳокимият шу Совет қўлига ўтганлигини баён қилди. Ўлка Совети тузган хукumat таркибида маҳаллий аҳоли вакилларидан бир киши ҳам йўқ эди. Съезд қабул қилган деклорацияда баён этилишича «Ҳозирги вақтда мусулмонларни ўлка инқилобий ҳокимиятининг олий ташкилотига киритиш мақсадга мувофиқ эмас, чунки маҳаллий аҳолининг солдат, ишчи ва крестьянлар Советлари ҳокимиятига муносабатлари ноаниқ, шунингдек, маҳаллий аҳоли орасида пролетар синфий ташкилотлари бўлмагани туфайли улар ўлканинг олий ҳокимиятида ваколат ташкил этиб, фракциянинг мададига таяна олмайдилар».

1917 йил 12-15 ноябрида «Шураи Уламо» раҳбарларидан Шерали Лапиннинг ташаббуси билан ўтган «Турли мусулмон гурухларининг бирлашган мажлиси» «Туркистонда ҳокимиятини ташкил зтиш тугрисида» ги масалани мухокама қилди ва Советлар ҳокимиятига муносабатини баён қилди. Қабул қилинган қарорда «Ҳокимиятнинг маҳаллий аҳоли манфаати учун деярли зид бўлган бегона ва ўткинчи, тасодифий кишилар гурухи - харбийлар, ишчилар ва крестьянлар ташкилотлари кўлида бўлиши демократик қоидалар талабига жавоб бермайди ва маҳаллий аҳолига халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш асосида туғри ҳаёт кўришга кафолат бермайди”, Туркистон миллий маданий муҳторият ҳукукига зиддир», деб топилди.

1917 йил, 27 ноябрь IV улка мусулмонлари фавқулодда съезди ўтказилди. Съезд «Куқон муҳторияти» ни эълон қилди. Бу Туркистон мустақиллигини тиклашга қаратилган курашнинг дастлабки ифодаси эди.

Жадидлар съездда фаол -иштирок қилдилар. Туркистон Муҳториятйнинг ташкил топишига уз хиссасини күшдилар. Мақола ва мурожаатномаларда улар муҳториятни ҳимоя қилишга чақирдилар. Бехбудий Туркистон халқига мурожаат қилиб ёзган эди: “Туркистон халқи иттифоқ этса қон

тукилмас. Ери ва амлок ҳам тақсимланмай қолур. Дин ҳам ривож топур. Бутун Туркистон иттифоқ 15 миллионлик бир қувват имлога келурки, мунга ер титрайдур. Агар сўзимни фахимлата олган бўлсан ўзумни баҳтлик хисоблардим».

Шундай килиб, жадидлар Туркистонда миллий-озодлик харакатининг кучамишига ва унинг мағкурасинни яратиш ишига ўзларининг муносаб хассалирини кўшдилар.

Жадидлар харакати миллий ўзлигимизвинг хис қилиш жараёнини усишга кумаклашди, миллий зулмдан қутилиш муаммоларига жамоатчилик дикқатини жалб қилди.

3-&. Ёш бухороликлар: Фитрат, Файзулло Хўжаев ва бошқаларнинг сиёсий-хуқуқий қарашлари

Ёш бухороликлар ва ёш хиваликлар ҳам ўз мамлакатларини қолоқлиқдан чиқариш ва тараққиёт йўлига киргизиш учун курашдилар. Бу йўлда улар Туркистон жадидларининг гояларига таяндилар. Бехбудийлар учун ғоявий рахнамо хисобланар эди. Ўзларининг ижтимоий-сиёсий режаларини Бехбудий маслаҳатларига амал қилган холда тузардилар. Бироқ Бухоро ва Хива жадидларининг фаолияти феодал - хонлик тузуми хукмронлик қилган шароитда ўтди. Бу хол бухороликлар ва ёш хиваликлар харакатининг сиёсий дастурларини ўзига хос хусусиятларини белгилар эди.

1917 йил Феврал инқилобининг таъсири остида ёш бухороликлар ва ёш хиваликларнинг сиёсий фаолияти анча жонлашиб борди.

Ёш бухороликлар амирнинг чекланмаган ҳокимиётини чеклаш талаблари билан чиқа бошладилар. Бу талаблар амир ва беклар қошида ваколатли идоралар ташкил қилиш, амир маъмурияти фаолиятининг ҳалқ вакиллари томонидан назорат қилинишини таъминлаш, шариатда кўрсатилмаган барча солиқларни бекор қилиш, маориф ва матбуот эркинлигини таъминлаш, ҳалқ манфаатларига зид харакатда бўлган жохил мансабдор шахсларни алмаштириш кабилардан иборат эди. Ёш бухороликлар ўз ижроия кумиталарининг ташкил кила бошладилар. Бу кўмита аъзолари Фитрат, Файзулла Хўжаев фаол иш олиб бордилар. Кумитанинг асосий мақсади ёшбухороликлар талабини Амир қўли билан, унинг ислоҳатлар қилдириш йўли билан амалга оширишдан иборат эди. Лекин бу талаблар амалга ошмагандан кейин ёш бухороликларнинг ижро кўмитаси ислоҳат дастурларини инқилоб йўли билан амалга оширишга қарор қиласди.

Ёш бухороликларнинг бир қисми шу жумладан Марказий Кумитанинг раиси Мухиддин Мансур ҳам ислоҳотларнинг зурлик билан амалга оширишга қарши чиқди. Шунингдек, у Туркистон Советлар Комиссарларининг ёш бухороликларнинг ишига аралашувига ҳам қарши булди.

Бухоро амирлигига қарши курашда қурол ишлатиш кераклигини ҳимоя қилувчилар янги Марказий Кўмита туздилар. Бу кўмитанинг ишида Абдулвоҳид Бурхон (раис), Фитрат, Файзулла Ходжаев ва бошқалар сиёсий иш олиб бордилар.

Ёшбухороликлар Бухорода кузголон кутариш имкониятига эга эмасликларига иқрор бўлганларидан кейин Советлар қучига таянишга, улардан кўмак олишга харакат қилдилар: Амирлик режимини йиқитишга қаратилган режаларини Совет хукумати вакиллари билан муҳокама қилиб иш олиб бордилар.

1918 йил 1 марта Туркистон Xалқ Комиссарлиги раиси Ф. Колесов ва Ёш бухороликлар Ижроия Кумитаси раиси Файзулла Хужаев имзоси билан Бухоро амирига ултиматум юборилди. Унда ёш бухороликлар партиясининг Марказий ижроия кўмитасининг талабларига мувофик янги хукумат тузиш, амир хукуматининг тугатиш, давлатни бошқариш-тизими и адолат ва шариат асосида ташкил қилиш каби талаблар кўйилган эди.

Амир бу шартларни қабул қилмади. Шундан кейин ёш бухороликлар ва Ф. Колесов отрядлари Бухорога хужум бошладилар. Бироқ улар маглубиятга учрадилар. Ёш бухороликлар амир кувғинидан қочиб Туркистонга келиб туришга мажбур бўлдилар. Бу ерда ҳокимиятни қўлга олиш хақидаги уларнинг ўртасидаги келишмовчиликлар янада кучайди. Амир ҳокимиятини зўрлик билан ағдаришга қарши гурӯҳ ҳам, амир ҳокимиятини инқилобий йўл билан ағдариш тарафдори бўлган инқилобчи ёш бухороликлар ҳам ўз фикрларидан қайтмадилар. Бу гурӯхнинг раҳбари Файзулла Ходжаев 1918 йил октяброда Москвада ёш бухороликлар партиясининг Москва кўмитасини ташкил қиласди ва 1919 йил декабригача ўзбек ва тоҷик тилларида турли инқилобий рисола, варақаларни нашр қиласди ва Бухорода тарқатади.

1920 йил бошида Файзулла Ходжаев Тошкентга қайтади ва инқилобчи ёш бухороликлар партиясининг Туркистон марказий бюросини ташкил қиласди. Унинг программасида ижтимоий адолатсизлик, зулм ва зўравонлик ва жаҳолат қаттиқ танқид қилинади, инқилобий ғоялар, инсон хуқуқи ва эркинларни, ҳалқ иштироки ва хоҳиши билан ўрнатилган янги тузум ўрнатиш зарурлиги тарғиб қилинади.

1920 йил 2 сентябрда Бухорода юз берган давлат тўйнарилишидан кейин инқилобчи ёш бухороликлар партияси Марказий бюро қарорига мувофик тарқатилди, унинг аъзолари умумий қоида асосида Бухоро Коммунистик партиясига аъзо бўлиш хуқуқига эга бўлдилар.

Ёш хиваликлар сиёсий дастурининг ўзгаришига ҳам 1917 йил феврал инқилоби катта таъсир кўрсатди. Ёш хиваликлар мустақил партияга уюшдилар. Уларнинг раҳбарларидан Бобоохун Салимов, Полвон-Ниёз Юсупов. Хоразмда Олий ҳокимият умумхалқ сайлови асосида ташкил килинган мажлис (Парламент) қўлига ўтишини, мансабдор шахсларнинг коидасини жорий қилиш, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, ҳалққа эркинлик бериш талаблари билан чиқдилар. Уларнинг бу талаблари хонга топширилди. Хон бу талабларни қабул килди ваузининг «Манифести»шаклида ҳалққа эълон кидди.

Манифест эълон қилингандан кейин ёш хиваликлар мажлисга сайлов утказишга киришдилар. 30 депутатдан иборат мажлис сайланди ва иш бошлади. Бироқ кўп ватқ ўтмай хон мажлисни таркатиб юборди. ёшхиваликлар кувғин остига олиндилар. 1917 йил декабрь ойида ёш хиваликлар Тошкентда Хива инқилобчилари қўмитасини ташкил қилдилар. Улар Совет ҳокимияти вакиллари билан алоқа ўрнатиш, қунгилли отрядлар тузиш, хонлик аҳолисинииг ўртасида тарғиботчилик ишларини фаоллаштириш масалалари билан шуғулландилар, Ёш хиваликлар ўз чақирикларида хонлик

хокимиятини тугатиш, меҳнаткаш халқнинг эҳтиёжларига жавоб берадиган хокимият ўрнатиш зарурлигини уқтирилар.

1920 йил февраль ойида Ҳоразмда содир бўлган давлат тунтаришида ёш хиваликлар иштирок этдилар. Уларнинг бир қисми Ҳоразм Коммунистик партиясига қўшилдилар.

ХVII-БОБ. МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОНДА XX АСР ОХИРИ ВА XXI АСР БОШИДА СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР.

1-&. Мустақил Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат ғояларининг шаклланиши ва уларни жорий қилиниш

1991 йил 31 август куни тарихимизнинг туб бурилиш нуктаси бўлди. Ўзбекистон мустабид тузумдан воз кечиб очик демократик ва ҳуқуқий давлат, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш йўлига ўтди. Халқимизнинг асрий орзу умидлари ва интилишларига жавоб берадиган ҳаётга қадам қўйдик.

Ҳуқуқий давлатчилик шакллари, унга ўтиш йўллари хар хил бўлиши мумкин. Бу хар бир мамлакатнинг ижтимоий тараққиёт хусусиятлари, миллий маънавий анъаналари, давлатчилик тажрибаси, сиёсий ва ҳуқуқий маданият даражаси, геополитик вазияти ва бошқалар билан белгиланади.

Ўзбекистон мустақиллик имкониятларини олдиндан пайқади, мамлакат ижтимоий-сиёсий жараёнларининг боришини тўғри баҳолади ва биринчилар қаторида ўз мустақиллигини эълон қилди. Мустақиллигимизнинг биринчи ҳуқуқий асоси "Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўррисида"ги қонунда (1991 йил 31 август) ўз ифодасини топди. Бу қонунла Ўзбекистон Республикаси "Миллати, диний эътиқоди ва ижтимоий мансублигидан қатъий назар, республика худудида яшовчи хар бир кишининг муносиб хаёт кечиришини, шаъни ва қадр-қимматини таъминлайдиган инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишга" интилишини тантанали равища эълон қиласи. "Мустақил ўзбек давлати, - деб ёзган эди Президент И.Каримов, - халқимизнинг тарихий ютуғидир. Халқи юз йиллар мобайнида орзу қилган Ўзбекистон чинакам мустақилликни кўлга киритиб, гуллаб-яшнаши ва фаровонликка эришиши, тараққиёт этган демократик давлатлар қатори халқаро хамжамиятда муносиб ўрнини эгаллаши - биз кўзлаган олий мақсаддир".

Ҳуқуқий давлат қуришнинг назарий асослари ва амалий муаммолари Ўзбекистоннинг 1992 йилги Конституциясида, мамлакатимиз Президенти И.А.Каримовнинг "Ўзбекистон келажаги буюк давлат", "Буюк келажагимизнинг ҳуқуқий кафолати",

"Ўзбекистоннинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари", "Хозирги босқичда демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари", "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари", "Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон хаёт - пировард мақсадимиз", "Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда", ва бошқа асарларида атрофлича белгилаб берилган.

Бу асарларда жамият аъзоларининг кафолатини бойитиб бориш, ҳуқуқий нормаларнинг бажарилишини таъминлаш, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ташқи муносабатларни тартибга солиб турувчи такомиллашган қонунлар ва бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатларнинг мавжуд бўлиши ва уларни тегишли давлат органлари назорати остида бажарилиши, ҳуқуқий маданият, қонунга хурмат ва унга амал қилиш каби муаммолари назарий асослангандир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов республикада ҳуқуқий давлатнинг шакллантириш шиорлар ва чақириқлар билан амалга ошириб бўлмаслигини, бу иш ижтимоий ҳаётнинг янги шакллари, институтлари ва муносабатларининг яратиш билан боғлиқ мураккаб иш эканлигини узликсиз уқтириб келмоқда. Бу ишлар орасида жамиятнинг барча соҳаларини эркинлаштириш, жамоат фикрини демократиялаштириш, янги ҳуқуқий ва сиёсий қадриялатларни ўзлаштириш ва ҳаётга жорий қилиш муҳим ўрин эгаллади.

Ҳуқуқий давлатчиликнинг шакллантириш учун биринчи галда кенг қўламли сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, давлат суверенитетини мустахкамлаш, эски маъмурий буйруқбозлик тизими ва унга мос бўлган хокимият ва бошқарув органларининг тугатиш, миллий давлатчиликнинг иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий асосларини яратиш.

Мамлакатни тарихи ва хозирги қуни ўртасидаги ўзаро алоқадорликни, келажагимиз стратегик йўлларини тўғри танлаш, амалга оширилаётган ислоҳотларнинг тарихий асослаб бериш, ўтмиш қадриятларнинг қайтадан баҳолаб чиқиш, ўзбек давлатчилик ривожининг янги йўлларини излаб топиш муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Бугунги ислотҳотларимизнинг муваффақиятлари кўп жиҳатдан миллий тарихий тажриба ва сабоқларнинг умуминсоний тарих натижалари ва сабоқлари билан, хозирги замон жаҳон хамжамияти ва давлатларининг ривожланиш тенденциялари билан уйғунлаштириб олиб боришга боғлиқдир.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Президенти И.Каримов ватанимизнинг ўзига хос миллий хусусиятлари ва тарихини, жаҳон хамжамияти тажрибаси ва хозирги замон муаммолари билан уйғунлаштириб олиб бориш зурурлигини уқтириб келмоқда.

Ўзбек давлатчилигининг шаклланиши, ривожланишида ва шу доирада юзага келган сиёсий-ҳуқуқий маданиятнинг ўзига хос хусусиятларининг вужудга келишида иқлим,

худуд, хўжалик фаолиятининг даражаси ва характери, ижтимоий-маданий турмуш тарзи, миллий анъаналар, кўпдинлилик, мустақиллик учун кураш ва бошқа омиллар таъсир қилди.

Давлат қурилишида бошқалардан андоза олиш, мамлакат хусусиятлари ва миллий рухиятини ҳисобга олмаслик мамлакатни боши берк кўчага киритиб қўяди.

Ўзбекистон Президенти бу масалага ўзининг муносабатини аниқ ва равshan баён этди. Хар бир миллат ўз миллий рухиятидан келиб чиқиб бу масалага ёндошиши зарурлигини, халқ эхтиёжларини ҳисобга олмаслик, "демократик жараёнларни четдан нусха олиб кўр-кўrona кўчириш асло самара бермайди. Аксинча, бутунлай йўл чалкаш ва хатарли оқибатларга олиб келиши мумкин" - деб таъкидлади.

"Хар бир давлат - бетакрор ижтимоий ходисадир. У ҳар қайси халқ тарихий ва маънавий тараққиётининг хосилидир, унинг ўзига хос, ўзига мос маданияти ривожининг натижасидир"¹ - дейди И.Каримов.

Ўзбекистон ўзига хос тараққиёт йўлини танлаб олган давлатdir. Бу йўл жаҳонда ўзбек модели деб тан олинган ривожланиш йўлидир. Юрбошимиз томонидан илмий асосланган бу йўлнинг беш тамойили вужудга келди. Булар иқтисоднинг сиёsatдан устунлиги, давлатнинг бош ислохотчилиги, қонун устиворлиги, кучли ижтимоий сиёsat юритиш, бозор иқтисодиётiga босқичма-босқич ўтиш. Ушбу тамойиллар Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўлиниг асосини, ўтиш даври дастурмнинг негизини ташкил этади. Уларнинг амалга оширилиши мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий барқарорликни, энг муҳими, бозор муносабатларини изчил жорий этишини таъминламоқда.

Тараққиётнинг ўзбек модели халқимизнинг миллий давлатчилик анъаналари, қадриятларига таянгандир.

"Биз танлаган тараққиёт модели, бозор иқтисодиётiga таянган аниқ демократик давлат қуриш, фуқаролик жамияти асосларини шакллантирадиган янги хаёт барпо этиш характератларимизнинг, бир томондан - кўп асрлик тарих, буюк маданият, юксак миллий анъаналар, муқаддас қадриятларга, иккинчи томондан эса - жаҳон халқларининг энг илғор ютуқларини ўзида мужассам этган тажрибага асосланган йўлимизнинг тўғри эканини хаётнинг ўзи тасдиқламоқда"². Президент И.Каримов ўз асарларида давлатчилик негизларини белгиловчи омилларнинг аниқлашга алоҳида аҳамият беради. "Бугун жамиятда ижтимоий мулкий жараёнларнинг объектив ўзгариши юз бераётган бир пайтда адолат гоясини ихчам бир хulosса билан ифодалаш мумкин. Яъни давлат жамиятнинг кескин

¹ Каримов. И. Ватан саждагоҳ каби муеаддасдир. З-том, Т., "Ўзбекистон", 1996, 6-бет.

² Каримов И.А. "Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва истисодий истиеболининг асосий тамойиллари", "Ўзбекистон", 199_й.,__ бетлар

табақаланишига - ошиб-тошиб кетган бойлару камбағал-қашшоқларга бўлиниб кетишига йўл қўймаслиги керак"¹.

Юртбошимизнинг фикрларига кўра давлат одамларнинг ўз қобилиятларини тўла намоён қилишлари учун зарур бўлган тенг имкониятларни яратиб бериши лозим. Бу давлатнинг вазифасидир.

Давлат ўтиш даврида хал қилувчи роль ўйнайди. У ислоҳотларнинг ташаббускори бўлиб майдонга чиқди, қабул қилган қарорлар ижроси устидан назорат олиб боришни таъминлади, аҳолини ўтиш даврининг қийинчиликларидан ҳимоя қилиш вазифасини ўз зиммасига олди. "Айнан давлат янги ҳуқуқий база ва янги ижтимоий муносабатлар шаклланишида, эркин демократик меъёрларга ўтишда, кўп укладли иқтисодиёт ва бозор инфраструктурасининг қарор топишида, янги банк, молия, солиқ тизими шаклланиб, янги мазмун билан бойишида ташаббускор бўлди"².

Ўзбекистон кенг миқёсли ислоҳотлар йўлига, жамиятни тубдан ўзгартириш ва янгилаш йўлига кирди. "Фақатгина истиқлоннинг хаётбахш заминида янги демократик қадриятлар илдиз отишига, инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва унинг эрки асосий бойлиги бўлган ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятига мос келадиган янги замонавий сиёсий, хўжалик ва жамоа тузулмалари қарор топишига имкон туғилди"¹.

Давлат ҳаётининг янги демократик-ҳуқуқий асослари яратилди. "Давлат тушунчаси, унинг маъно моҳияти тубдан ўзгарди. У ислоҳотларнинг бош ташаббускори ҳамда уларни мувофиқлаштирувчи асосий кучга айланди. Давлат бозор иқтисодий муносабатларга вазминлик билан пухта ўйлаган холда босқичма-босқич ўтишни амалга оширмоқда".³

Ўзбекистонда ҳуқуқий давлатнинг шакллантиришда назарий қарашлар, ҳуқуқий давлатчилик амалиётининг ижобий ва салбий томонлари ҳисобга олинди.

Ҳуқуқий давлат бу ҳуқуқ устиворлиги тоғаси ва принципининг маҳсус шаклда ифодаланишидир. Қонун устиворлигини жорий қилмасдан туриб ҳуқуқий давлат ҳақида гапириш мумкин эмас.

Ўзбекистон Президенти И.Каримов қонун ўстиворлигини ҳуқуқий давлатнинг асосий принципидир, деб ҳисоблайди. "Ҳеч бир давлат органи, ҳеч бир хўжалик юритувчи ва ижтимоий-сиёсий ташкилот, ҳеч бир мансабдор шахс, ҳеч бир киши қонунга бўйсуниш мажбуриятидан халос бўлиши мумкин эмас. Қонун олдида ҳамма баробардир. Қонун устиворлиги шуни билдирадики, асосий ижтимоий, энг аввало, иқтисодий муносабатлар

¹ Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. 5 том."Ўзбекистон", 1997, 129 бет.

² Каримов И.А. Янгича ишлаш ва фикрлаш - давр талаби. 5 том, Т., "Ўзбекистон", 1997, 104-105 бетлар

³ Каримов И.А. Янгича ишлаш ва фикрлаш-давр талаби. 5 том, Т., "Ўзбекистон", 1997, ____ бет

фақат қонун билан тартибга солинади, унинг барча қатнашчилари эса ҳеч бир истисносиз хуқуқ нормаларини бузганлиги учун жавобгар бўлади".¹

Конун устиворлиги ўз навбатида инсон хукуки ва эркинликларини ҳокимиятлар бўлиниш принципларини таъминлашни, конституциявий-хуқуқий назорат ва бошқа воситаларнинг жорий қилишни тақозо қиласди. Давлатнинг хуқуқийлигини ягона мезони ҳам шундадир.

Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришгач, янги суверен давлат мақомини конституциявий жиҳатдан мустахкамлаб қўйиш муаммоси юзага келди. "Давлатимизнинг келажаги, халқимизнинг тақдиди кўп жиҳатдан Конституциямиз қандай бўлишига бодлик",² - деган эди юртбошимиз.

Бизга янги мустақил давлатимизнинг хусусияти, ички ва ташқи сиёсатининг асосий қоидалари, умуминсоний қадриятларга, инсон хукукларига, демократия ва ижтимоий адолат идеалларига асосланган Конституция керак эди.

Янги Конституцияни ишлаб чиқиши зарурлиги ҳақидаги ғоя 1990 йил март ойида бўлиб ўтган ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Олий Кенгашининг биринчи сессиясида ёқ айтилган эди.

Ўзбекистон Олий Кенгаш 1990 йил 20 июнда Ўзбекистон Президенти бошчилигига Конституциявий комиссия тузди..

Конституция лойиҳасини тайёрлаш базасидаги барча ишлар Ислом Каримовнинг бевосита раҳбарлигига амалга оширилди.

Юртбошимиз Конституция лойиҳасига муҳим аниқликлар, тузатишлар ва қўшимчалар киритди. Асосий эътиборни Конституцияда инсон ва фуқаролар хукуклари, эркинликлари ва бурчлари, давлат мустақиллиги гояларига қаратди.

Ислом Каримовнинг Конституцияда ўз аксини топган ғоялари унинг 1992 йил ёзида чоп этилган "Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли" асарида ифодалангандир. "Конституция бизга инсон хукуклари, озодлик, барқарорлик ва тараққиёт мазмунини ифодалайдиган демократик, хуқуқий ва адолатли давлатни қандай қилиб қуриш йўлларини очиб беради", - деб ёзган эди юртбошимиз.

Ўзбекистон Конституциясида хуқуқий давлатчиликнинг асосий белгилари ўз аксини топган ва мустахкамланган.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон –бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Ўзбекистон: миллий истиқол, иетисод, сиёsat, мафкура. Т., "Ўзбекистон" 1996, 321 бет.

² Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқол, иетисод, сиёsat, мафкура. Т., "Ўзбекистон", 1996, 124 бет.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқол, иетисод, сиёsat, мафкура. Т., "Ўзбекистон", 1996, 85 бет.

² "Хале сўзи", 8 декабр 2001 йил

Конституцияга мувофиқ Ўзбекистон - суверен демократик республикадир. Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир. Халқимиз ўз ҳокимиятини бевосита ва давлат орқали амалга оширади. Чунки давлат халқ иродасини ифода этиб унинг манфаатларига хизмат қилади. Ўзбекистоннинг ижтимоий ва давлат-хуқуқий тузилишини янгилигини белгиловчи бир қанча бошқа принципиал қоидалар Конституцияда мустаҳкамлангандир. Бу инсоннинг энг юксак қадрият эканлиги, унинг хуқуқ ва эркинликлари, ҳокимиятларнинг бўлиниш принципи, хусусий, жамоат ва давлат мулкчилик шаклларини тан олиш ва кафолатлаш, янги иқтисодий макон, рақобат, эркин иқтисодий фаолиятнинг қўллаш ҳақидаги конституциявий қоидаларда намоён бўлади.

Хуқуқий давлат назарияси ва амалиётининг моҳияти ва мақсади сиёсий ҳокимият билан инсон ва фуқаро ўртасидаги муносабатларни хуқуқий шаклга солиш, инсон хуқуқ ва эркинликларини тан олиш ва кафолатлашдан иборат.

Шуни ҳам назарда тутиш керакки, инсон ва фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликлари, уларнинг ҳокимият билан бўладиган хуқуқий муносабатлари ҳокимиятнинг хоҳиши ёки инъоми эмас. Бу ушбу жамиятда объектив ҳосил бўлаётган хуқуқнинг таркибий қисми, талабидир. Бу талабга амал қилиш барчанинг, биринчи галда ҳокимият ва унинг вакилларининг юридик бурчидир. Ҳуқуқий давлат ғояларига хос бўлган бу анъанавий талаб инсон хуқуқларининг дахлизлигини ифодалайди. Шу билан бирга бу талаб тоталитар тузум даврида хукм сурган, фуқарога хуқуқ ва эркинликни ҳокимият инъом қилади, деган тасаввурларни мутлоқ инкор қилиш ҳамдир. Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов шўро даврида инсон манфаатларидан давлат манфаатларининг устунлиги қонунлаштириб қўйилганлигини таъкидлаб, шундай дейди: "Бугунги Асосий Конституциямизда эса давлат ҳам, жамият ҳам, аввало, инсон манфаатларига хизмат қилиши, унинг ҳақ-хуқуқларини химоя этиши устивор тамойил сифатида белгилаб қўйилган.

Ва биз ўз ички ва ташқи сиёсатимизни, барча соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларни ана шу тамойил негизида олиб боришни ўзимизнинг мухим мақсадимиз қилиб қўйганмиз".²

Президент хар бир мансабдор шахс "Мен хукмдор эмасман, балки менга ишонч билдириб танлаган одамларнинг хизматчисиман", деб хис қилиши зарурлигини таъкидлади..

Давлат қонун орқали жамият ва шахс эркинлигини жорий қилади, лекин ўзи ҳам қонун билан чекланган. У қонун орқали фуқаро, жамоат ташкилотлари ва бошқа давлатлар билан бўладиган муносабатларида адолат ва тенгликни таъминловчи мажбуриятларни ўз зиммасига олади..

Инсон ҳуқуқи ва эркинликлари ўзгармас бир нарса эмас. У тарихий шароит билан боғлиқ, ўзгарамидиган ва ривожланиб турадиган ижтимоий ходисадир.

Ўзбекистон Конституциясининг афзалликларидан бири шундаки, унда унда ҳуқуқий давлатчиликнинг мазмуни ва моҳияти инсон ва фуқаро ҳуқуқлари ва эркинликларининг тан олиш ва ҳимоя қилиш нуқтаи назаридан берилгандир. Инсон ҳуқуқи ва эркинликлари ҳуқуқийликнинг илк асосидир. Бу янги ҳуқуқий ёндашиш тарихда синалган инсон ҳуқуқи ва эркинлиги хақидаги қоидаларга таянади.

Конституция яна бир муҳим қоидани баён қиласди. Бу инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқук ва эркинликларининг дахлсизлигидир. Суд қарорисиз улардан маҳрум этишга ёки уларни чеклаб кўйишга хеч ким ҳақли эмас.

Ўзбекистон Конституциявий амалиётида биринчи бор ҳар бир фуқаронинг табиий ва дахлсиз ҳуқуқлари эътироф этилади. Бу -яшаш ҳуқуқи, инсоннинг жисмоний ва маънавий дахлсизлиги, фуқаронинг шахсий ҳаёти ҳуқуқи, фикр ва эътиқодлар эркинлиги ҳуқуқи, ахборот олиш ҳуқуқи, айбиззлик презумпцияси, суд ҳимояси ҳуқуқи, соғлом атроф-муҳитга эга бўлиш ҳуқуқи ва ҳоказо.

Шундай қилиб, Конституциямизда инсон ҳуқуқи ва эркинликларининг олий қадриятлиги ва уларнинг дахлсизлиги уйгунлашгандир.

Ҳуқуқнинг бундай гуманистик тушуниш шахснинг индивидуал ҳуқук ва эркинликларининг тегишли принципидан келиб чиқади. Конституция уларнинг тан олиш билан бир вактда амалга ошириш чегараларини ҳам белгилаб беради. Конституцияда турли индивидуал ҳуқук ва эркинликларнинг чегаралари тубондагича белгиланган:

"Фуқаролар ўз ҳуқук ва эркинликларини амалга оширилишда бошқа шахсларнинг давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлари шарт".

Инсон ҳуқуқи ва эркинликлари Конституциянинг асосий мазмуни эканлигини таъкидлаш алоҳида аҳамият касб этади. Бу социализм даври назарияда ҳам, амалиётда ҳам ҳукм сурган, инсон ҳуқуқи юқоридан ҳокимият томонидан инъом қилинади, деган тасаввурларга қарши қаратилгандир. Ҳар бир одам ўзининг асосий ҳуқук ва эркинликларига ҳокимиятнинг хоҳиши ёки қарори туфайли эмас, табиий асос туфайли дунёга келганлиги туфайли эгадир. Табиий ҳуқук услугига муайян даражада ён бериш ҳар бир индивиднинг давлат, жамият ва бошқа индивидлар билан бўлган муносабатларида унинг эркинлигини ҳуқук субъекти эканлигини намойиш қилиш учун ҳам зарур.

Ҳуқуқнинг шундай тушунишнинг мантиги шундаки инсон ҳуқуқи ва эркинлигисиз ҳуқуқнинг ўзи бўлиши мумкин эмас. Инсон эркин ҳуқук субъекти бўлган жойдагина турли

бирлашмалар, ташкилотлар, институтлар, умуман давлат бўлиши мумкин. Бусиз ҳуқуқий муносабатлар ва ҳуқуқий тартибот бўлиши ҳам мумкин эмас.

Инсон ҳуқуқлари тан олинмаган жамиятда ҳуқуқнинг ўзи бўлиши мумкин эмас. Ҳуқуқнинг маъноси ва аҳамиятини мана шундай тушуниш ва тасаввур қилиш демократик жамиятнинг ижтимоий ва сиёсий хаётининг фундаментал асосларини ташкил қилади ва қонунларда мустаҳкамланади.

Ўзбекистон Конституциясида инсоннинг кенг доирадаги шахсий, сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликлари мустаҳкамланган. Булар ҳозирги замон жаҳон андозаларига, ривожланган демократик мамлакатларнинг конституциявий талабларига мосдир. Шу билан бирга Конституциянинг бирорта қоидаси Ўзбекистон ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказадиган тарзда талқин этилиши мумкин эмаслиги таъкидланади.

Конституция бўйича халқаро ҳуқуқ ва Ўзбекистоннинг халқаро шартномаларининг умумий принциплари ва нормалари ҳуқуқий тизимнинг таркибий қисми ҳисобланади. Агар Ўзбекистоннинг халқаро шартномасида қонунда кўрсатилган қоидаларга қараганда бошқача қоида белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

Бу қоидалар умуман харакатдаги ҳуқуқ учун ҳам, инсон ҳук.уқи ва эркинликлари учун ҳам муҳимдир.

Конституцияда белгиланган ҳуқуқ ва эркинликлар ичida хусусий мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи принципиал аҳамиятга эгадир. Хар бир шахснинг мулкдор бўлишга ҳақлилиги, барча мулк шаклларининг teng ҳуқуқлилиги ва баровар муҳофаза этилишм асосий Қонунда мустаҳкамланган.

Мулкчиликнинг барча шаклларини муҳофаза қилиш билан бир қаторда Конституция меҳдат қилиш эркинлигини мустаҳкамлайди, мажбурий меҳнатни таъқиқлайди.

Инсоннинг бошқа ҳуқуқ ва эркинликларининг ифодаланишида ҳам янги ёндашиш ўз аксини топган. Бу яшаш ҳуқуқи, Ўзбекистонда бир жойдан иккинчи жойга кўчиш, Ўзбекистон Республикасига келиш ва ундан чиқиб кетиш ҳуқуқи, фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги, истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш эркинлиги ва бошқалар.

Конституция инсон ҳуқуқи ва эркинликларининг қонунда белгиланган тақдирдагина чеклаш мумкинлигини ҳам назарда тутади. Бу чеклашлар тузум асосларини, ахлоқ қоидаларини, бошқа шахсларнинг қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш, давлатнинг хавфсизлигини таъминлаш билан бөглиқ бўлган ҳуқуқий нормаларда ўз аксини топгандир.

Инсоннинг яшаш ҳуқуқи, эркинлиги ва дахлсизлиги, шаъни ва обўрисини тажовузлардан ҳимояланиш ҳуқуқи, шахсий ҳаёти ва турар жойининг дахлсизлиги, виждан эркинлиги ва бошқа шу каби ҳуқуқ ва эркинликлар хар қандай вазиятда ҳам чекланмайди.

Инсон ва фуқаро ҳуқуқи ва эркинликлари ҳақидаги конституциявий қоидалар бажарилиши шарт бўлган умумий ҳуқуқий талабдир. Бу талабни ҳокимиятнинг барча тармоқлари ва мансабдор шахслар бажариши шарт.

Конституцияда Инсон ва фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларининг давлат томонидан кафолатланиши ҳақидаги умумий қоидалардан ташқари ҳуқуқ ва эркинликларнинг таъминлаш мажбурияти юклантган институтлар ва мансабдор шахслар ҳам кўрсатилган Конституциянинг 93-моддасида 1 пунктида Ўзбекистон Республикаси Президенти "Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, Конституция ва қонунларга риоя этилишининг кафилидир" дейилади.

Конституция ҳар бир кишига суд орқали ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ҳуқуқини беради. Ҳар бир фуқаро давлат органлари, маҳаллий ўз-ўзини идора қилиш органлари, жамоат ташкилотлари ва мансабдор шахсларнинг қарорлари ва ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқига эгадир.

Президентимиз фуқароларнинг манфаатлари ва ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш соҳасини кенгайтириш зарурлигини уқтиради. "... фуқароларнинг манфаатлари ва ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш соҳасини мумкин қадар кенгайтириш даркор. Ваҳоланки, айрим тармоқ қонунларида ҳуқуқлари паймол этилган фуқароларнинг шикоятларини судлов йўли билан эмас, маъмурий йўл билан кўриб чиқиш тартиби ҳам учрайди.

Албатта бу хол - Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига ва бизнинг Конституциямиз талабларига зид. Фуқаро, агар унинг қонуний манфаатлари ва ҳақ-ҳуқуқлари паймол этилган такцирда, ҳар қандай масала бўйича ҳимоя учун судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлмоги даркор".¹

Ўзбекистон Республикаси Президенти Инсон ҳуқуқларига риоя этилиши устидан мониторинг ва назоратни таъминловчи идоравий тузилмаларни барпо этиш, уларнинг ишларини фаоллаштириш муҳим вазифа эканлигини таъкидлади. "Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили институтнинг, ҳуқуқпарвар жамоат ташкилотларнинг мавқеи ва мақомини кўтариш зарур. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги мавжуд Омбудсман институти, Жамоатчилик фикри институти, Амалдаги қонунчилик мониторинги институти, Инсон ҳуқуқлари миллий маркази сингари ташкилотларни ривожлантириш ҳамда бошқа янги институтларни ташкил этиш лозим".²

¹ Каримов И.А. Биздан обод ва обод Ватан ёолсин. 2 том. Т., "Ўзбекистон", 1996, 17-18 - боблар

² Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. 5-том, Т., "Ўзбекистон" 1997, 119 бет.

³ Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан ёолсин. 2-том, Т., "Ўзбекистон", 1996, 17 бет.

Президентимизнинг фикрича "Давлат ва нодавлат ҳокимиятининг барча тармоқлари ўз фаолиятини инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш ишига сафарбар қилгандагина ўз вазифасини тўғри адо этган ҳисобланади. Бу қоидани ҳамма тан олиши, бу қоидага ҳамма итоат қилиши шарт".³

Буларнинг ҳаммаси Ўзбекистон Республикасида инсон, унинг хаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланишидан далолатдир.

Ҳуқуқий давлат ва фуқаролар ўртасидаги муносабатлар тарафларнинг факат ҳуқуқларидангина иборат эмас, балки уларнинг ўзаро мажбуриятларидан ҳам ташкил топади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XI бобида фуқароларнинг қонунларга риоя этиш, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини хурмат қилиш, ҳалқнинг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асрар, атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, солиқ ва маҳаллий йигимларни тўлаш, Ватанни ҳимоя қилиш каби конституциявий бурчлари қатъий белгилаб қўйилган.

Ҳуқуқий давлат ҳокимиятнинг муайян бир тартибда ташкил қилинишини, ҳокимият органларининг вазифа ва ҳуқуқларини, уларнинг ўзаро муносабатларини ҳуқуқ асосида белгиланишини тақозо қиласди.

Ўзбекистонда бу соҳада ҳам жиддий назарий ва амалий ишлар қилинмоқда. Президент И.А.Каримов давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш жараёнларини аниқ кўрсатиб берди.

Президентимиз эътиборини энг аввало ҳуқуқий давлатнинг муҳим тамойили ҳокимиятлар бўлиниши принципини амалда жорий қилиш масаласига қаратади.

И.Каримов бўлажак давлатимиз қиёфасини назарий асосларини ишлаб чиқар экан, "Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти ваколатларини ажратиш асосида миллий давлатчиликни барпо этиш... республика ҳокимияти билан маҳаллий ҳокимиятнинг ваколатлари ва вазифаларини аниқ белгилаб қўйиш, лозим бўлади", - деб таъкидлаган эди.

Бу кўрсатма Конституцияда ҳуқуқий жихатдан мустахкамланди, Конституциянинг 11 моддасида: "Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими - ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланади" - деб мустахкамланган. Бу қоида давлат органлари тизимининг ҳуқуқ доирасида, демократик тартибда фаолият кўрсатишини билдиради.

Ўзбекистон Конституция ва қонунлар асосида давлат ҳокимиятини амалга оширувчи ҳокимият тармоқларининг аниқ тизими шаклланади.

Юртбошимиз давлат бошқаруви ва жамият қурилишида демократик андозалар ва тамойилларни янада чуқурроқ татбиқ этиш қонунчилик, ижро ва суд ҳокимияти тармоқларининг ўзаромувозанати ва мутаносиблигини, шу билан бирга, уларнинг мустақиллигини таъминлаш, хар қайси тармоқ ўз вазифа ва бурчини бажариш учун амалий механизмларни ҳаётда ташкил қилиб бериш масалаларига диққатни жалб этади. "... шуни чуқурроқ англаб олишимиз керакки агар қайси бир мамлакатда ҳокимият тармоқлари ўртасида Конституция ва қонунлар билан белгиланган демократик баланс, яъни мувозанат амалда таъминланмаса ва хар қайси ҳокимият тармори, бу қонунчилик, ижро ёки суд ҳокимияти бўладими, ўзига юклатилган ваколат ва вазифалар тўлиқ ва холисона бажармаса, бу холат, хеч шубхасиз, шу мамлакатда авторитар бошқарув усули юзага келишига ва шу руҳдаги қарорлар қабул қилинишига олиб келади".¹

Бу халқнинг норозилигига сабаб бўладиган нохуш вазиятларни вужудга келишига олиб келиши мумкин, дейди юртбошимиз.

Конституциямизнинг 76-моддасига биноан Қонунчилик ҳокимиятини Олий Мажлис амалга оширади. Бошқа бирор-бир орган қонун қабул қилиш, унга ўзgartiriш киритиш ҳуқуқига эга эмас. Олий Мажлис ўзининг қонун чиқариш ваколатини бирор-бир органга бериши, топшириши ҳам мумкин эмас.

Ислом Каримов Олий Мажлис таркибини ўзgartiriш, яъни қуий палата - Қонунчилик палатаси ва Сенат деб аталадиган юқори палатани ташқил қилиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат муддатини беш йилдан етти йил қилиб ўзgartiriш ғоясини асослаб берди. Бу ўзгаришлар келгусида қабул қилиниши зарур бўлган янги қонунлар олдига принципиал талаблар қўйишини уқтиради юртбошимиз. Президент И.Каримовнинг ғояларига асосланган холда "Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида" Ўзбекистон

Республикасининг Конституциявий қонуни қабул қилинди. Бу қонунда Олий Мажлиснинг янги таркибида, парламент қуийи ва юқори палатасининг ўзига хос жихатлари, уларнинг қонун қабул қилишдаги ўзаро алоқаси ва муносабати, шу билан бирга, палаталарнинг шаклланиш тартиби, аъзолари сони ва ваколат муддатларини белгилаш принциплари ўз аксини топган.

Олий Мажлис давлат олий вакиллик органи сифатида мамлакатимиз вакиллик ҳокимияти органлари тизимига киради. Бу тизимга Олий Мажлисдан ташқари, маҳаллий вакиллик органлари - вилоятлар, туманлар, шаҳарлар халқ депутатлари Кенгашлари ҳам киради.

¹ И.Каримов. Янгиланиш ва ўзгаришлар жараёни ортга сайдайди. "Хале сўзи", 2002 й., 6 апрель.

Ҳокимият тизимида иккинчи тармоқ - бу ижро этувчи ҳокимияти ҳисобланади. Унинг амалга оширувчи органлар тури, сони, фаолият доираси кенгdir. Ижро этувчи ҳокимият қонун, фармон ва қарорларни амалга оширади, назорат этади, хизмат кўрсатади. Ижроия ҳокимиятини Конституцияга биноан Президент бошқаради.

Ўзбекистон Республикасида Президентлик институтининг жорий қилиниши мустақиллик даврида давлат қурилиши ва бошқарувида юз берган ўта муҳддм ўзгаришлардан бири бўлди. Президент Ўзбекистонда "давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғидир" (Конституция 89-моддаси). Эндиликда Президентнинг юридик мақоми, ҳуқуқ ва мажбуриятлари Конституция ва қонунларда очиқ равshan ифодаланган. Чунончи, Конституциянинг 93-моддасида Президентнинг ички ва ташқи масалаларни хал этишдаги ваколатлари белгилаб қўйилган.

Худди шундай талаблар, қоида-нормалар Вазирлар махкамаси, маҳаллий давлат вакиллик ва ижроия органлари, сайлов тизими, суд ҳокимияти, прокуратура органларига нисбатан ҳам Конституцияда қонунан мустаҳкамланиб қўйилган.

Президент Конституциянинг кафили сифатида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитетини муҳофаза қилиш давлат органларининг ўз вазифаларини бажаришларини таъминлаш, конституциявий тузумни мустаҳкамлаш бўйича барча шароитларни яратиш зарур чоратадбирларни кўради..

Ислом Каримов давлатнинг миллий манфаатларини ҳимоя қилиш, бутун мамлакат худудида тинчлик, барқарорлик ва қатъий конституциявий тартибни кафолатлаш бўйича ўз мажбуриятини бажарап экан, ҳалқ ишончини оқламоқда. Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Президенти мамлакат Конституциясининг хақиқий кафили бўлди.

Конституцияда Президентга республика олий ҳокимияти ва бошқарув органларининг баҳамжихат ишлашини таъминлаш вазифасининг юклатилганлиги ҳокимият бўлиниши принципи амалга ошишининг гарови ва давлат ҳокимияти органлари ўртасида қарама-қаршилик бўлишига йўл қўймайдиган муҳим шартдир.

Президент И.Каримов ҳуқуқий давлатининг яратиш жараёнида ижро этувчи ҳокимиятнинг мустаҳдсамлаш зарурлигини назарий асосларини яратди. Президент фикрича "Кучли ижроия ҳокимияти бўлмаса, хатто энг демократик йўл билан қабул қилинган қарорлар ҳам бажарилмаслиги мумкин. Бу эса қонуний қарорларнинг рўёбга чиқарилишини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоя қилинишини, сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар турмушга татбиқ этилишини таъминлайдиган Президентлик ҳокимиятини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришни тақозо этади".¹

¹ Каримов И.А. _____. _____. _____. -том. 199 ____ й. "Ўзбекистон", ____ бет.

Ҳокимият бўлиниши фақат турли ҳокимият тармоқлари орасида ваколатларнинг тақсимланишидагина эмас, балки марказий органлар билан маҳаллий органлар ваколатининг тўғри тақсимланишида ҳам намоён бўлади.

Ижро этувчи органлар фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг ишлаш имкониятини ошириш, хуқуқ ва мажбуриятларини янада аникроқ белгилашда Ўзбекистонда жорий қилинган ҳокимлик институти алоҳида аҳамиятга эга бўлади.

Давлатнинг салмоқли вазифаларини маҳаллий давлат органлари бажаради. Республикаизда маҳаллий давлат органларининг тизимини белгилашда бир-биридан мустақил, лекин ўзаро ҳамкорликда, бир-бирини назорат қилиш асосида фаолият кўрсатадиган икки орган, яъни вакиллик органи – ҳалқ депутатлари Кенгашлари ва ижроия ҳокимияти органи ҳокимликлар бўлиши назарда тутилади.

Ижроия ҳокимиятига бошчилик қилувчи ҳокимлар янги институт бўлса, ҳалқ депутатлар Кенгашлари мустақил демократик давлатимиз характеристига мослаштирилди."Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги қонунда шу масалалар мустаҳкамланган.

Жойларда вакиллик ҳокимияти ва ижроия ҳокимияти органларини тузишдаги асосий мақсад давлат органлари ишларида аҳолининг иштирокини таъминлаш, маҳаллий аҳамиятга эга масалаларни кўпчилик билан бамаслаҳат -бўлиб муҳокама қилиш ва тўғри қарор қабул қилиш, ижроия ҳокимияти органлари фаолияти устидан маҳаллий миқёсда назорат ўрнатишдан иборат эди.

Вакиллик органлари ролига беписандлик билан қараш, айрим жойларда ҳокимларнинг хизмат вазифасини сунистеъмол қилишига сабаб бўлганлигини, Ўзбекистон Президентининг нутқларидан кўриш мумкин. И.Каримов ҳокимиятни қонун чиқарувчи, ижроия ва суд ҳокимиятларидан иборат мустақил уч тизимга тақсимлаш ишини амалда рўёбга чиқариш зарурлигига катта эътибор беради.

"Жойларда ҳам ҳар қайси бўғинда шу тақсимот огишмай жорий этилмоги шарт. Бу уч тизим бир-бирининг ишига аралашмасдан, бир-бирини назорат қилган холда фаолият олиб боришига эришиш лозим".¹

Президент И.Каримов нутқларида мамлакатимизда таркиб топган давлат бошқарув тизими самарали ишлаши, бу тизимнинг ҳар бир бўғини зиммасига юклатилган вазифалари ва бурчларини сидқидилдан бажаришда назорат фаолиятининг аҳамиятига алоҳида тўхталади.

"Ижро ҳокимияти устидан жамоатчилик, аввало, сайлаб қўйиладиган ҳамда ваколатли органлар назоратини, бошқача айтганда, зарур ваколат берилган ҳалқ

¹ Каримов И.А. Узбекистон телерадиокомпанияси раиси А.Кўчимов билан сухбат

депутатлари амалга оширадиган назоратни бутун чоралар билан қучайтириш лозим, деган эди.

Бундан ташқари Ўзбекистон Президенти маҳаллий ижроия ҳокимият органларининг бошқарув тизимини ривожланган мамлакатлар тажрибаси асосида такомиллаштириб боришга, юқори малакали кадрлар билан таъминлаш, раҳбарларнинг халқ олдида хисобот бериб туриши каби масалаларга диққатни жалб қиласи.

Хозирги кунда "Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги қонун янги таҳрирда қабул қилинди. "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги қонуннинг ҳам таҳрирдаги лойиҳасини тайёrlаш ишлари олиб борилмоқда.

Ижроия ва ваколатли ҳокимиятлар ўртасидаги сиёсий ва ҳуқуқий мувозанатнинг таъминлашда суд ҳокимияти алоҳида аҳамият касб этади.

Суд системасининг мустақил ҳокимият сифатида ривожланиши ва такомиллаштириш йўлида мамлакатда қатта ишлар қилинди ва қилинмоқда. Мустақиллик йилларида суд-хуқуқ тизимини эркинлаштириш ва демократлаштириш борасида муҳим қадамлар қўйилди. Бунинг натижасида мамлакатимизда замонавий демократия талабларига жавоб бера оладиган суд тизими шакллана бошлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов ўз нутқларида суд-хуқуқий соҳасига даҳлдор ислоҳотларни ўtkазиш масалаларига тўхталиб, бу ислоҳотларнинг барчаси суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлашга қаратилмоғи лозим деб айтган эди.

Собиқ иттифоқ вақтида суд давлатнинг жазо маҳкамаси сифатида фаолият кўрсатди.

Юртбошимиз таъкидлаганидек: "Булар барчаси одамлар онгига чуқур ўрнашиб қолган. Бизнинг вазифамиз ушбу кўникмаларни, психологияни тубдан ўзгартиришдан иборат. Халқ судини фақат одамларни қоралайдиган, жазолайдиган орган деб эмас, аксинча, уларнинг ҳақ-хуқуқларини ва манфаатларини ҳимоя қиласидиган орган, деб билиши керак.

Бу - ўта муҳим. Яна қайтараман, одамлар суд органларини ўзларининг ҳимоячиси, адолат посбони деб билиши керак.¹

Суд тизимини ислоҳ қилиш билан боғлиқ муаммолар орасида судьяликка номзодларни танлаш ва тайинлаш масаласи ниҳоятда жиддий. БМТнинг "Суд органларининг мустақиллигига доир асосий тамойиллар" резолюциясида шундай ёзилган: судга танланган шахслар юксак ахлоқ ва тсеъдод соҳдблари, шунингдек, хуқуқ соҳасида маълум тайёргарликка, малакага эга бўлмоғи лозим.

Суд тизимини ислоҳ қилиш соҳасидаги асосий йўналишларни юртбошимиз аниқ кўрсатиб берди. Булар - юқори малакали хуқуқшунос мутахассисларни тайёrlаш ва қайта

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоғда. Том 7. Т., "Ўзбекистон", 1999 й., __ бет.

тайёрлаш, қонунчилик фаолиятимиздаги камчиликларни танқидий баҳолаб бартараф этиш, қонунларимизнинг мукаммал ва изчил бўлишигаэришиш, суд жараёнида айлов ва ҳимоянинг амалда тенглигини таъминлаш ва бунинг учун адвокатура идораларининг мавқеини кўтариш, жиной ва фуқаролик ишларни кўрувчи судьяларнинг ихтисослашувини амалга ошириш ва бошқалар.

Суд бугунги кунда инсон ҳуқук ва эркинликларининг ишончли тарзда ҳимоя қилишга қаратилган чинакам мустақил давлат институтига айланмоқда. Фуқароларнинг судга ишончи мустаҳкамланиб бормоқда.

1993 йили қабул қилинган "Судлар тўғрисида"ги биринчи Қонунидаёқ суд иш юритишининг, том маънодаги мустақил ва факат қонун олдида жавоб берувчи суд тизимининг қонуний асослари яратилди. "Фуқароларнинг ҳукуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-харакатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида"ги, "Адвокатура тўғрисида"ги, "Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида"ги қонунлар, фуқаролар, юиридк шахсларнинг ҳуқук ва манфаатларини суд орқали ҳимоя қилишни кучайтиришга, суд тизимини демократлаштиришга қаратилган бошқа қонунлар қабул қилинди.

Жаҳон тажрибасини ҳисобга олиб, биринчи марта Ўзбекистон Конституцияий суд таъсис этилди, хўжалик судлари тизими яратилди.

2000 йилда таҳрирдаги "Судлар тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши суд тизимини ислоҳ қилишда муҳим босқич бўлди. Унда суд фаолиятини янада демократлашуви ва такомиллашуви учун шароит вужудга келтирилди.

Энг муҳими шундаки ушбу қонун суднинг мустақиллигини таъминлашнинг мустаҳкам механизмини яратди.

Судьялик лавозимларига номзодларни тавсия этиш, уларнинг ваколатларини тўхтатиш ва муддатдан илгари тугатиш ҳақида тақдимномалар киритиш ваколатлари Ўзбекистон Республикаси Президенти хузурида тузилган Судьяларни танлаш ва лавозимларига тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси зиммасига юкланди.

Умумий юрисдикция судларининг ихтисослашуви қонуний мустаҳкамланди, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича алоҳида судларни ташкил этиш механизми жорий қилинди.

"Судлар тўғрисида"ги янги Қонун асосида суд кадрларини танлаш ва тайинлашнинг самарали ва демократик ҳуқуқий механизми яратилди. Бу механизм суд ҳокимиятининг амалдаги мустақиллигини, судьялик лавозимига тайинлашда холисликни таъминлашга қаратилгандир.

Хуқуқий давлатни вужудга келтиришнинг бош омилларидан бири - мукаммал қонунчиликни яратишдир. Ана шу ўлчов бошқарув тизимидан тортиб, ҳаётнинг энг кичик соҳаларигача дахлдор бўлган қонунлар тизимини ишлаб чиқиш заруратга айланмоқда.

Ўзбекистон Президенти И.Каримов демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва пировардига етказиш борасида янги қонунлар қабул қилиш, амалдаги қонунларни эса танқидий кўз билан баҳолаб, уларга замон талаб қилаётган ўзгаришларни киритиш мақсадида катта ишларни амалга ошириш лозимлигини уқтиради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти суд тизими билан бир қаторда жамиятда қонунийликни ва хуқуқ-тартиботни таъминловчи тизимида жорий қилинаётган ислоҳотларни танқидий баҳолаб, уларни янада чуқурлаштириш ва қатъиятлик билан олиб бориш зарурлигини уқтиради.

"Бугун бизнинг ҳуқуқий доктриналарни мутлақо янгича, демократик тамойилларга асосланган. У, энг аввало, Ўзбекистон Конституцияси талабларига кўра, инсон ҳуқуқларининг устиворлигини таъминлайди. Инсон ҳимоянинг бош субъекти бўлиб, унинг ҳаёти ва соғлиғига суиқасд қилиш оғир жиноят ҳисобланади" - дейди И.Каримов. Мана шу доктринага таянган холда Иккинчи чақириқ Олий Мажлисининг олтинчи сессияси мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов томонидан ишлаб чиқилган "Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал ҳамда Маъмурий жавобгарлик Кодексларига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида" ги Конун қабул қилиниши суд-хуқуқ соҳасидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш учун катта аҳамиятга эга бўлди.

Янги тахрирдаги "Прокуратура тўғрисида"ги Конун, аввалимбор, қонунийлик ва хуқуқ тартиботини мустаҳкамлашга, Конституция ва қонунлар устиворлиги тамойилини таъминлашга қаратилгандир.

2-§. Фуқаролик жамияти ва хуқуқий давлат

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида биз демократик хуқуқий давлат билан бир қаторда фуқаролик жамиятини барпо этамиз деган ғоя ўз ифодасини топган. Бу ғоя асосида "Фуқаро-жамият-давлат" ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг оқилона хуқуқий ечимини топиш муаммоси ётади.

Фуқаролик жамиятининг талқини ўзининг тарихий ривожланишида бир неча босқичларни босиб ўтди.

Арастудан бошлаб то XVIII асргача фуқаролик жамияти фуқаролар бирлашмаси, ижтимоий муносабатларни тартибга солиб турувчи давлатнинг бир шакли маъносида тушунилди.

XVIII асрнинг иккинчи ярмидан фуқаролик жамиятининг талқини ўсиб келаётган буржуазиянинг феодал ижтимоий-сиёсий тартибларидан қутилиш учун олиб борган курашининг назарий асослашга қаратилган эди. Бунда одамни одам устидан хукмонлик қилишга асослаган ижтимоий муносабатлар мутлоқ инкор қилинди. "Эркинлик", "Тенглик", "Бродарлик" - шиорларида мана шу РОЯ ўз ифодасини топгандир.

Янги даврда фуқаролик жамияти ижтимоий-иқтисодий муносабатларга давлат аралashiшидан холи бўлган хусусий мулк эгаларининг жамиятидир деб тушунирилди. Бунда одам устидан одамнинг хукмонлиги ўрнига, шахс эркинлиги, унинг мулкга эгалик ҳуқуки биринчи ўринга қўйилди. Фуқаролик жамиятини ҳозирги талқини ҳам шу тушунчага асослангандир.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов фуқаролик жамияти тушунчасининг моҳиятини шундай таъкидлайди: "Биз учун фуқаролик жамияти бу - инсоннинг ўз-ўзини камол топтиришга халақит қилмайдиган, балки ёрдамлашадиган, шахс манфаатларини амалда жорий қиласидиган, унинг ҳуқуқ ва эркинликларининг энг кўп даражада таъминланишига шароит тугдирадиган ижтимоий макондир".¹

Фуқаровий жамиятнинг асосий белгилари:

- инсон ва фуқаро ҳуқуqlari ва эркинликларининг тўлиқ таъминланганлиги;
- ўзини-ўзи идора қилишнинг жорий этилиши;
- эркин рақобат учун кенг шароит яратилиши;
- шаклланган эркин жамоатчилик фикри ва плюрализм;
- инсоннинг ахборот олиш ҳуқуқини тўлиқ таъминланганлиги;
- кўп укладлик иқтисод;
- жамият аъзоларининг муносиб ҳаёт даражасини таъминлашга қаратилган кучли ижтимолий сиёsat ва бошқалар.

Фуқаролик жамияти ҳуқуқий давлат билан биргалиқда шаклланади. Уларни бир-бирисиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Бу жараён жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий тараққиёти, унинг илмий ва техникавий асосларини яратиш билан белгиланади.

Жамият ҳуқуқни хайриҳоҳлик билан қабул қилгандагина қонунларнинг бажарилиши, уларга риоя қилиш мажбурий эканлигини онглаш таъминланади. Бусиз ҳокимият ҳам, ҳуқуқнинг ўзи ҳам қонунларнинг бажарилишини тўлиқ таъмин қилаолмайди.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсақасида: хавфсизликка таҳдид, бареарорлик шартлари ва тарағенёт кафолатлари. "Ўзбекистон", 1997 й., 166 бет.

Фуқаролик жамияти юксак даражали фуқароликни моддий, маданий ва интеллектуал ривожланишнинг юқори босқичига кириб боришини тақозо қилади. Фуқаролик жамият аъзолари ўз мулки, хуқуқ ва эркинликларига тўлиқ эгадирлар. Улар қўрқув ва зўравонлик интизоми билан кишанланган эмаслар.

Шунинг учун ҳам улар инсон ва жамият фаровонлиги ва хавфсизлигининг таъминлаш масъулиятини ўз зиммасига олган давлатнинг қонун ва қадриятларини хурмат қиладилар ва ихтиёрий равишда бажарадилар.

Фуқаролар жамияттаги хуқуқий муносабатлар заминида хуқуқий нормалар ва уларнинг санкциялари билан бир қаторда виждан, бурч, масъулиятни ҳис қилиш, ичкий интизом, хуллас, хуқуқий фуқаролик каби инсоний фазилатлар ётади. Коррупция, порахўрлик, қариндош-уругчилик, шовинизм, миллатчилик каби иллатлар фуқаролик жамиятига мутлоқ ёддир. Бу жамият аъзоси ривожланган хуқуқий маданиятга эга бўлган шахсадир. У қонунга итоат қилишни энг олий имтиёз деб тасаввур қилади.

Бунга эришиш йўлида ҳали кўп-кўп қийинчилик ва синовлардан ўтишимиз, кўп-кўп муаммоларнинг ечимини топишимиз керак. "Олдимиизда турган барча гов ва тўсиқларни енгиш жараёнида ҳаммамиз учун энг таъсирчан қуролга айланадиган куч - бу халқимизнинг хуқуқий онгини, тафаккурини тарбиялаш, хуқуқий маданиятини ошириш, қалбида эркинлик ва масъулият туйғуларини қарор топтиришдир".¹

Республикамиз фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда, қонунлар лойиҳаларини муҳокама қилишда ўзининг вакиллари орқали ва бевосита иштирок этмоқдалар.

Халқимизнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита иштирок этиши референдумларда ўз ифодасини топади. Маълумки, референдумларда мамлакат, халқ тақдири учун фавқулодда, долзарб аҳамиятга эга бўлган хуқуқий-меъёрий актлар, сиёсий муаммолар хал қилинади. Мустақилликга эришганимиздан буён уч марта умумхалқ референдуми ўтказилди. Уларнинг натижалари аҳолининг сиёсий хуқуқлардан онгли ва фаол ойдаланаётганликларидан далолатдир.

Мамлакат фуқаролари касаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий харакатларда иштирок қилиш хуқуқларидан тўлиқ фойдаланмоқдалар.

Мамлакатимиз аҳолисининг хуқуқ ва эркинликларини ҳимоя этувчи жамоат ташкилотларидан бири касаба уюшмаларидир. Улар бир қатор ташкилий ва амалий ишларни халқ билан давлат ўртасидаги муносабатни мувофиқлаштириш вазифасини амалга ошироқмадилар.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон Конституциясининг 8 йиллигига багишлиланган тантанали маросимда сўзлаган нутеи, "Хале сўзи", 2000 й., 8 декабрь.

Бугунги қунда Ўзбекистонда кўппартиявилик қарор топди. Кўппартиявилик тизимининг муваффақияти жамиятда мавжуд партиялар сони билан эмас, балки сиёсий ҳокимиятни амалга оширишдаги иштироки билан белгиланади.

Сиёсий партиялар фуқаролик жамиятининг муҳим унсури ҳисобланади. Айни фуқаролик жамияти негизида, ҳалқнинг сиёсий иродаси шаклланади. Сиёсий партиянинг диққат марказида демократик сайловлар орқали давлат ҳокимиятини эгаллаш мақсади туради. У ҳалқнинг муайян қисмини уюштиради ва ундан маълум муддатга, давлатни идора этишга ваколат олади. Давлат ҳокимиятини эгаллаш эса, ўз навбатида, сиёсий партиянинг дастурий мақсадлари, ҳалққа берган сайлов олди ваъдаларини бажариш учун расмий мурувват бўлиб ҳизмат қиласи.

Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов жамиятимизда турли партиялар ва харакатларнинг пайдо бўлаётгани ижобий хол эканлигини таъкидлаб, шундай дейди: "Келажакда партиялар ва жамоат харакатларининг роли ва мавқеи ошади. Қайси партиянинг дастури ҳалққа манзур бўлса, ўша партия ҳокимият тепасига келади. Агар дастурини, берган ваъдаларини бажара олмаса, ўрнини бошқа партия вакилларига бўшатиб беришга маҳбур бўлади. Бундай ижобий рақобатлардан ҳалқ вақт ютиши мумкин".

Биздаги мавжуд партия ва харакатлар демократия шароитида яшаб кўрмаган. Уларнинг хар бири ўзини мутлоқ ҳақиқат жарчиси деб билади. Тўғрисини айтсан, ўзаро хурмат, баҳс ва мунозара этишмайди", - дейди юртбошимиз.

Айни вақтда биздаги мавжуд тўрт партия энди ўзининг жамиятдаги ўрнини ўзи таниб ва уни ҳалққа танитиши жараённида мамлакат сиёсий ҳётида муҳдм ўринни эгаллаб бормоқда. Лекин масала бу жараённи янада фаоллаштиришдадир.

Асосий қонунда фуқароларнинг фикр, сўз ва эътиқод эркинликлари белгилаб қўйилган. Бу мамлакатимизда тафаккур тараққиётининг камол топтиришда катта рол ўйнамоқда. Лекин фикр эркинлигини бир ёқлама тушуниш, сунстерьмолликка йўл қўймаслик фикр эркинлигини ҳам муайян меъёр ва ҳукукий чегара доирасида қўйишни тақозо этади.

Фуқаролик жамиятининг шаклланишида муҳолифатнинг ўрни ҳам ўзига хосдир.

"Биз, - дейди И.Каримов, - расмий ҳокимият билан гоявий ва амалий жиҳатдан рақобатлаша оладиган, амалий таклифлар кирита биладиган, жамиятимизнинг турли сиёсий қатламлари манфаатларининг ифодачиси сифатида майдонга чиқа оладиган муҳолифатни

кўришни истаймиз. Мустақил мамлакатимизда тобора чукурлашаётган демократик ислоҳотлар мантиқи айнан шундай сиёсий муҳолифат шаклланишини тақозо этмоқда".¹

Фуқаролик жамиятининг шаклланишида фуқароларнинг иқтисодий эркинлиги, мулкка эгалик қилиши, халол рақобат учун шароит бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Бугун республикамида хилма-хил мулк шаклларига асосланган иқтисодий муносабатлар тизими вужудга келди. Бу ўз навбатида инсон манфаатларини рўёбга чиқаришнинг энг таъсиран воситаси, унинг харакатга келтирувчи кучи бўлиб қолди. Мамлакатда чинакам ўрта мулқдорлар синфи шакллана бошлади. "Одам ўзини чинакаммига мулқдор деб хис этмас экан у ўз ҳуқуқлари учун, пировард натижалар ва ишлаб чиқариш самарадорлиги учун мулқдор сифатида курашмайди. Жамиятда барқарорликни сақлаб қолишга ва ҳимоя қилишга интилмайди".²

И.Каримов "Кучли давлатдан кучли жамият сари" деган тамойилни амалда ҳаётга жорий этиш зарурлигини асослайди. "Хаммамизга аёнки, бу йўналиш ижтимоий-иктисодий жараёнлар билан боғлиқ кўп масалаларни хал қилишда давлат тизимларининг ролини камайтириш ва бу вазифаларни босқичма-босқич жамоат ташкилотларига ўтказа боришни тақозо қиласди.

Бунинг учун, аввламбор, давлатнинг иқтисодий соҳага, хўжалик юритувчи тузилмалар, биринч галда, хусусий сектор фаолиятига аралашувини чеклаш лозим".

Давлат, дейди И.Каримов, иқтисодиётни ривожлантириш борасидаги устивор йўналишларни аниқлаш, қабул қилинган қонунлар ва ҳуқуқий нормаларнинг барча томонидан сўзсиз бажарилишини таъминлаш, тадбиркорликни рағбатлантириш, хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида рақобат муҳитини қарор топтириш учун зарур ва ҳаммага баробар бўлган шарт-шароитлар яратиш ишлари билан шурулланиши даркор.

Бугунги кунда хўжалик юритувчи субъектларнинг эркинлиги ва иқтисодий мустақиллигини ошириш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш йўлидаги барча тўсиқларни бартараф қилиш, давлатнинг корхоналар хўжалик фаолиятига, айниқса хусусий бизнес фаолиятига аралашувини чеклаш билан боғлиқ ҳуқуқий-меъёрий хужжатлар қабул қилинди.

Президентимиз маҳсус фармонларига кўра мамлакатимизда текширув органларининг сони жиддий қисқартирилди, текширувчи органларнинг ваколати ва текшириш тартиблари қатъий чегаралаб қўйилди. Айни вақтда Вазирлар Махкамаси хузурида иқтисодиётга алоқадор бўлган жисмоний ва юридик шахсларнинг аризалари

¹ Каримов И.А. "Созирги босеичда демократик ислоотларни чуeurлаштиришнинг мусум вазифалари". Янгича фикрлаш ва ишлаш-давр талаби. Т., "Ўзбекистон". 1997, 123-бет.

² Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсақасида: Т., "Ўзбекистон", 1997, 196-197-бетлар.

билин ишловчи маҳсус қўмита ташкил этилди. Буларнинг ҳаммаси мамлакатимизда иқтисодий соҳанинг, кишилар иқтисодий фаолиятининг эркинлашиб бораётганлигини ва бунинг натижасида фуқаролик жамиятининг иқтисодий базаси мустаҳкамланиб бораётганлигини кўрсатади.

Мамлакатда фуқаролик жамиятини қуриш демократик институтларнинг мустақил фаолият кўрсатиши учун шарт-шароит яратиш бир қанча ваколатли вазифаларни давлатдан маҳаллий ҳокимият органларига, жамоат тузилмаларига ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич топширилишини кўзда тутади.¹

Бугун мамлакатда нодавлат ташкилотлари мустақиллигининг ҳуқуқий ва амалий жиҳатдан таъминлайдиган муайян қонунчилик тизими юзага келди. Айни вактда мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида, Республика Олий Мажлисида демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари қўмитаси, Олий Мажлис хузуридаги Амалдаги қонун хужжатлари мониторинги институти, нотижорат халқаро маркази ва фуқароларнинг касбига, қизиқишига кўра вужудга бир талай ҳуқуқий, сиёсий, иқтисодий ва маънавий табиатга эга бўлган нодавлат ташкилотлари ижтимоий ҳаётимизнинг турли жабхасида фаоллик кўрсатмоқда.

Юртимизда турли шакллардаги ўз-ўзини бошқариш органлари тизими шаклланиб бормоқда. Маълумки, бу тизимлар 1993 йил 2 сентябрда "Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги қонуни билан ҳуқуқий жиҳатдан мустахкамлаб қўйилган.

Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари маҳаллий давлат органлари билан хамкорлиқда маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал қиласди. Ўз фаолиятида аҳоли ташаббускорларига таянади. Аҳолининг ҳокимиятни амалга ошириши ишларига жалб қиласди. Бугунги кунда маҳалла ва маҳалла фаолларининг роли ва мавқеи ошиб бормоқда. Маҳаллалар муайян ижтимоий, ахлоқий ва майший тартиб қоидаларига риоя қилиш, тинчлик ва осойишталиқ, ўзаро меҳр-оқибат аҳилликни таъминлашга хизмат қиласиган маънавий ва ижтимоий-иқтисодий вазифаларни ўтаб келмоқда.

Маҳаллалар фаолиятини уюштиришда ва такомиллаштиришда бир талай ютуқларга эга бўлган бўлсакда, бу соҳада амалга ошириш лозим бўлган тадбирлар йўқ эмас.

Президент И.Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ўн йиллигига бағишлиланган тантанали маросимдаги нутқида маҳалланинг ҳаётимиздаги мавқеини знада ошириш, унинг қонуний, ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, уни моддий-молиявий шароитларини ташкил қилиш масалаларига тўхталди ва 2003 йилни "Обод маҳалла йили" деб эълон қиласди.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоёда. Т., "Ўзбекистон", 1999, 26-бет.

Маҳалланинг давлат ва жамоатчилик ҳокимияти ва бошқаруви тизимида тутган ўрни ва ролини ошириш билан боғлиқ масалаларни амалий хал этиш заруратини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти "Обод маҳалла йили" дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича Республика комиссиясини тузиш тўғрисида фармойиш қабул қилди.

Юртбошимиз маҳаллий ҳокимият органлари ва фуқароларининг ўзини-ўзи бошқариш органлари бажарадиган вазифалар доирасини кенгайтириш, уларга давлат ваколатларининг бор қисмини босқичма-босқич топшириш лозимлиги,бу эса фуқароларнинг ўзларига ўз ҳаёти ва бутун жамият ҳаётини бошқаришда ва ташкил этишда кенг иштирок этиш учун имконият яратиб беради деб, уқтиради.¹

Президент И.Каримов "Кучли давлатдан - фуқаролик жамият сари" концепциясига алоҳида эътибор беради. "Ишончим комилки, вақти-соати келиб, бугунги ўтиш даври учун зарур кучли давлат функциялари ва аломатлари аста-секинлик билан тадрижий равишда жамият зиммасига ўтади. Мана шу йўл, мана шу назарий масаланинг моҳиятини атрофлича ёритиш, уни ҳаётимизда, амалиётимизда ҳал қилувчи сиёсатга айлантириш нафақат бугунги, балки эртанги кунимизнинг ҳам энг муҳим ва долзарб вазифасидир".

Халқимиз ўзининг ҳохиш-иродасини, нуктаи-назарини, умумхалқ минбаридан туриб бевосита айтиш ва унинг акс садоларини умумлаштириш имкониятларига эга бўлиб бормоқда. Бу жараённинг боришида оммавий ахборот воситаларини роли ошиб бормоқда.

"Хозирги пайтда қабул қилинган қонунлар ва қонун ҳужжатлари ижроси устидан жамоат назоратини, давлат ҳамда мансабдор шахсларнинг фаолияти устидан назоратни амалга оширадиган механизм сифатида оммавий ахборот воситаларининг мавқенини кучайтириш зарур. Айни шу оммавий ахборот воситалари ҳар бир киши ўз фикрини ифода эта олишга имкон берадиган эркин минбар бўлиши керак. Айни шу оммавий ахборот воситалари жамиятимизнинг демократик қадриятларини ва тушунчаларини ҳимоя қилиш, одамларнинг сиёсий, хуқуқий ва иқтисодий онгини шакллантириш бўйича фаол иш олиб бориш керак".²

Президент И.Каримов оммавий ахборот воситаларини ҳақиқий тўртинчи ҳокимиятга айланишини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор беради. Бу соҳада қилинган ишлар ҳақида гапириб, И.Каримов ахборот воситаларини ҳақиқий тўртинчи ҳокимиятга айлантириш борасида қилиниши зарур бўлган вазифаларни белгилаб беради. Булар - малакали журналист кадрларни тайёрлаш ишини савиясини кўтариш, ахборот соҳасида рақобатнинг ривожлантиришдан иборатдир.

¹ Саранг: Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоёда. Т., "Ўзбекистон". 1999. 28-29-бетлар.

² Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: Т., "Ўзбекистон", 1999, 30-31-бетлар

Давлат, дейди И.Каримов, ахборот маконида халол рақобат бўлиши учун тегишли шарт-шароит яратиб бериши керак. Жамиятда реал демократлашувнинг гарови шундадир.

Бундан ташқари юртбошимиз оммавий ахборот воситаларини самарадорлигини таъминлашга қаратилган "Оммавий ахборот соҳасида иқтисодий муносабатлар асослари ҳақида", "Телерадио эшиттириш ҳақида" маҳсус қонунлар қабул қилиш масаласини қўйди. Фуқаролик жамиятининг холатининг ўлчови, барометри жамоат фикрининг ўрганиш ва шакллантиришдир. Бу ошкоралик ва очиқликнинг таъминлаш воситасидир. И.А.Каримов бу масалага алоҳида аҳамият беради.

Жамиятимизнинг янада демократлашуви ва фуқаролар институтларининг шаклланиши аҳолининг сиёсий фаоллиги, уни мамлакат сиёсий, жамоат ва давлат ҳаётида иштирок этиши билан узвий боғлиқдир.

Ислом Каримов инсон ҳуқуклари ва эркинликларини, сўз ва матбуот эркинлигини химоялаш, уларнинг кафолатларини сўзда эмас, реал ҳаётда таъминлаш қонунчилигимиз ва амалий фаолиятимизнинг доимий эътибор марказида бўлишини уқтиради.

Президентимиз Узбекистон тараққиётининг пойдевори баркамол авлод эканлигини нихоятда кенг ва чуқур таҳлил қилиб берди. "Бугунги кунда олдимизга қўйилган буюк мақсадларимизга, эзгу ниятларимизга эришишимиз жамиятимизнинг янгиланиши, ҳаётилизнинг тараққиёт ва истиқболи амалга оширилаётган ислотҳотларимиз, режаларимизнинг самараси, тақдири - уларнинг барчаси, авваламбор замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали, онгли мутухассис кадрлар тайёрлаш муаммоси билан чамбарчас бодланганлигини барчамиз англаб етмоқдамиз".¹

Бугунги кунда "Кадрлар тайёрлаш дастур" асосида таълим-тарбия муассасаларида туб ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бу жараён мазмунан янги ўқув дастурлари, услублари ёрдамида амалга оширилмоқда. Биз бугун бу жараённинг дастлабки натижаларини кўриб, унинг тараққиёт тенденцияларини тасаввур қимоқдамиз.

Ҳукукий ислоҳотларни амалга ошириш умумий вазифадир. Жамият, давлат, фуқаро бу ишга масъулдирлар. Бироқ бу вазифани бажаришда ҳуқуқ ва тартибот соҳасида хизмат қилувчи мутахассисларга маҳсус масъулият юқлатилади .Юридик кадрларнинг тайёрлашни жиддий яхшилаш вазифаси шундан келиб чиқади.

Ўзбекистон Президенти малакали юридик кадрларни тайёрлаш ишини такомиллаштириш миллий ҳуқуқшунослик мактабини яратиш, ҳуқуқшунослик фани илмий ва амалиётининг долзарб муаммоларига доир очиқ ва кенг баҳс-мунозаралар олиб бориш,

¹ И.Каримов. Баркамол авлод орзузи. Т. "Шарғ", 1999, 9-бет.

хуқуқий тизимни такомиллаштириш, қонунлар тайёрлашнинг истиқболли дастурларини яратиш вазифаларини қўйди.

Юртбошимиз белгилаб берган вазифаларни амалга ошириш борасида Ўзбекистон хуқуқшунослари томонидан муайян ишлар қилинди ва қилинмоқда.

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
------------	---

I-боб. Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихининг предмети ва методи

1-& Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихининг предмети.....
2-&. Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотларнинг ўрганиш методологияси.....

II-боб. Қадимги Шарқда сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар

1-&. Қадимги Шарқда сиёсий ва ҳуқуқий таълимотларнинг пайдо бўлиши (Миср,Бобил ба бошқалар).....
2-&. Қадимги Хиндистонда сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар.....
3-&. Қадимги Хитойда сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар.....
4-&. Қадимги Туронда сиёсий ва ҳуқуқий қарашлар. («Авесто»).....

III-боб. Қадимги Юнон (Греция)да сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар

1-&. Қадимги Юнонда сиёсий ва ҳуқуқий таълимотларнинг ўзига хос кирралари.....
2-&. Платон (Афлотун)нинг сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлари.....
3-&. Аристотель (Арасту)нинг давлат ва ҳуқуқ тўғрисидаги таълимотлари.....

IV-боб. Қадимги Римда сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар

1-&. Қадимги Римда сиёсий ва ҳуқуқий таълимотларнинг ўзига хослиги ҳақида.....
2-&. Рим ҳуқуқшуносларининг сиёсий ва ҳуқуқий қарашлари.....

V-боб. Ўрта асрларда Ўзбекистонда сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар

1-&. Ислом сиёсий ва ҳуқуқий таълимотларнинг ўзига хос томонлари ва йўналишлари. (Имом Бухорий, Бурхониддин Марғиноний) сиёсий ҳуқуқий қарашлари.....

2-&.. Халқ озодлик харакати сиёсий-ҳуқуқий қарашлари ҳақида.....

3-&. Фаробийнинг сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлари..

4-&. Беруний, Ибн-Сино ва бошқаларнинг сиёсий ва ҳуқуқий қарашлари.....

VI-боб. Амир Темур ва темурийлар давридаги сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар

1-&. Темур «тузуклари»да сиёсий ва ҳуқуқий ғоялар.....

2-&. Захириддин Мухаммад Бобурнинг сиёсий ва ҳуқуқий қарашлари.....

3-&. Навоийнинг сиёсий ва ҳуқуқий қарашлари.....

VII-боб. Фарбий Европада Ўрта асрлар сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлари

1-&. Кириш.....

2-&. Августиннинг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари.....

3-&. Фома Аквинскийнинг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари.....

VIII-боб. Фарбий Евроапада уйғониш даври сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлари

1-&. Уйғониш даври хусусиятлари

2-&. Макиавеллининг сиёсий қарашлари

3-&. Боденнинг сиёсий ва ҳуқуқий қарашлари

IX- боб. Фарбий Европа мамлакатларида табиий ҳуқуқ таълимотларининг шаклланиши ва ривожланиши

1-&. Кириш.....

2-&. Гуго Гроцийнинг сиёсий-хуқуқий қарашлари.....

3-&. Томас Гоббснинг сиёсий-хуқуқий қарашлари.....

4-&. Джон Локкнинг сиёсий-хуқуқий қарашлари.....

5-&. Спинозанинг сиёсий-хуқуқий қарашлари.....

6-&. Шарль Лун Монтекъенинг сиёсий-хуқуқий
қарашлари.....

7-&. Табиий ҳуқук назариясидаги асосий икки йўналиш
ҳақида (Жан Жак Руссо, Волтер ва бошқалар).....

8-&. Иммануил Кантнинг хуқуқий қарашлари.....

9-&. Георг Вилгельм Фридрих Гегелнинг хуқуқий
қарашлари.....

Х-боб.АҚШнинг мустақиллик учун кураш даври сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлари

1-&. Кириш.....
2-&. Томас Джефферсоннинг сиёсий-хуқуқий қарашлари....
3-&. Томас Пейннинг сиёсий-хуқуқий қарашлари.....

XI-боб. Россия сиёсий ва ҳуқуқий таълимотларининг айрим ҳусусиятлари

1-&. Кириш.....

2-&. Маърифатпарварлик йўналиши вакилларининг сиёсий-хукуқий
қарашлари.....

3-&. Славянофиллар ва гарбчилар йўналиши вакилларининг сиёсий-хукуқий
қарашлари.....

4-&. Либерал йўналиш вакилларининг сиёсий-хукуқий
қарашлари.....

XII-боб. Либерализм сиёсий ва ҳуқуқий ғояларининг шаклланиши ва ривожланиши

- 1-&. Либерализм таълимотининг моҳияти
- 2-&. Бенжамен Констант, Иеремия Бентамнинг сиёсий ва ҳуқукий қарашлари
- 3-&. XX аср либерализмининг ҳусусиятлари

XIII-боб. Марксизмнинг давлат ва хуқуқ ҳақидаги таълимоти ва унинг инқирози

- 1-&. Кириш.....
2-&. К.Марк ва Ф.Энгельснинг сиёсий ва хуқукий қарашлари.....
3-&. В.И. Лениннинг сиёсий-хуқукий қарашлари.....
4-&. Марксизмнинг амалиётда қўлланиши ва унинг инқирози.....

XIV-боб. Ўрта Осиёда XVI-XIX асрнинг биринчи ярмида ижтимоий-сиёсий фикр.

- 1-&. Кириш.....
2-&. Ўрта Осиё халқларининг XVI аср ижтимоий-сиёсий фикри.....
3-&. Ўрта Осиё халқларининг XVII асрнинг огири XVIII асрнинг биринчи ярмида ижтимоий фикр.....
4-&. Ўрта Осиё халқларининг XIX асрда ижтимоий-сиёсий фикри.....

XV-боб. XIX аср охири XX аср бошида Ўрта Осиёда ижтимоий-сиёсий фикр.

- 1-&. Кириш.....
2-&. Маърифатпарварлик ҳаракатининг вужудга келиши ва уларнинг сиёсий-хуқукий таълимотлари.....
3-&. Ахмад Донишнинг сиёсий ва хуқукий қарашлари.....
4-&. Бердимурод Бердахнинг сиёсий-хуқукий қарашлари....
5-&. Сатторхон ва Фурқатнинг сиёсий-хуқукий қарашлари
6-&. Муқимий, Завқий, Анбар Отин, Аваз Ўтар, Хамза Хаким-Зоданинг сиёсий-хуқукий қарашлари.....

XVI-боб. Жадидизмнинг сиёсий дастури

- 1-&. Кириш.....
2-&. Махмуд-Хўжа Беҳбудийнинг сиёсий-хуқукий қарашлари.....

3-&. Ёш бухороликлар: Фитрат, Файзулло Хўжаев ва бошқаларнинг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари.....

XVII-боб. Мустақил Ўзбекистонда XX аср охири ва XXI аср бошида сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар

1-&. Мустақил Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат ғояларининг шаклланиши ва уларни жорий қилиниш

2-&. Фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат